

### So'zboshi

Кўҳна даврларнинг инсонлари билан ўзимизни солиштирсак, мақташга арзигулик ҳеч нарсамиз йўқлигига гувоҳ бўламиз.

Улардан ортиқроқ ўлдиряпмиз!

Улардан кўпроқ жанжал кўтаряпмиз!

Улардан анча қолақмиз!

Бошқа динларнинг вакиллари, яъни бутун дунё билан аслида қариндошмиз. Баримиз илк инсоннинг авлодларимиз. Шундай экан, қайси динга эътиқод қилишимиздан қатъи назар, бир-биримизга тўхмат тошларини отмаслигимиз, бир-биримизга ғов бўлмаслигимиз, бошқаларнинг яшаш ҳуқуқини чекламаслигимиз даркор.

Бир халқнинг уч-тўрт вакили хатога йўл қўйса ва бу хатонинг бадали бутун бошли халқдан сўраладиган бўлса, инсонийликдан оғиз очиш мумкинми?..

Бошқа динларнинг вакиллари билан бир ота-онадан тарқалганмиз. Бир-биримизни ўз динларимизга чақиримиз мумкин, бироқ бу чақириқ жавобсиз қолса, бир-биримизни шундоқлигимизча қабул қилишга мажбурмиз.

Бу китобни ўқиб битирмай туриб у ҳақида фикр билдириш учун ё нохолис, ёки жоҳил бўлиш керак...

\* \* \*

Бизга қилинган ҳақоратлар учун ўч олишни ўйламай, қизиқувчиларга фойдаси тегар деган илинжда “Насроний атиргули”ни қаламга олдим.

Баъзи дўстларим ўқиб кўришди, “Бу роман мавзу нуқтаи назаридан янгилик бўлибди”, – дея фикр билдиришди. Буни эзгу тилак сифатида қабул қилиб, дўстларимга ташаккур изҳор этаман.

Мазкур асарни ёзишда ёрдам берган, “Иегова гувоҳлари” сафидан мусулмонликка қайтган Жамилага ва Ойнур Бебекка, “Бу мусулмонларга кўзгу тутгулик роман бўлибди”, – дея мақтаган филолог-ёзувчи Яшар Қоплонга ҳам чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ушбу китобнинг таъсирли бўлиши учун ҳар доимгидек Ас-Сомеъга мурожаат қилдим.  
Мурожаатим У ва менинг орамда қолади...

Амина Шенликўғлу,

2000 йилнинг 1 апрели, Истанбул

## НАСРОНИЙ АТИРГУЛИ

Мен Жамиламан.

Ҳаётим ҳикоясини мен учун энг ажавтовур киши ҳисобланувчи Исмат девона билан бошламоқчиман.

Ёши мендан анча катта бу одамни умримнинг охиригача унутмасам керак. Қорачадан келган, узун бўйли, қора кўзли ва қалин қошли Исмат девона ваҳимали одам эди. Аммо шу ваҳимаси билан бир қаторда кишини ҳайратга соладиган жиҳатлари ҳам бор эди.

Бўғоздаги[1] вилламининг олдидан ҳар куни ўтишни канда қилмайдиган Исмат девона нима бўлса бўлсин, мендан хабар олмай қўймасди. Юрагимни анчагина сиққан бу одам гўёки маҳалламизнинг тумори эди. Биз бу маҳаллага кўчиб келганимиздан икки-уч ой кейин у ҳам пайдо бўлди. Ўзи девона бўлса-да, менга ёрдам беришга ошиқиши, мени ҳимоя қилишга уриниши асабимни бузарди. Гоҳида исён қилардим. “Жинни-ку бу, келиб-келиб менга йўлиқдими? Онам ҳам эмас, отам ҳам эмас, нега мени қўримоқчи бўлаверади?” – деганча хўнграб йиғлаганларим эсимда.

Мен Германияда туғилганман, ўша ерда улғайдим. Отам Туркиядаги лицейда ўқишимни, менга вилла олишларини айтганларидан кейин шу ерга – виллаю қасрлардан иборат мавзегга келиб қолдим. Кейин менга Исмат девона йўлиқди. Фақат менга эмас, бувимга ҳам. Вақти-вақти билан бувимга банан, хилма хил ҳадялар олиб келарди. Совғалари ҳам ўзига ўхшаган девонасифат эди. Масалан, бувимга тез-тез печенье келтирар ва “Бу сизга совға”, дер эди. Орадан қанча йиллар ўтган бўлса-да, ҳаммаси кечагидек эсимда.

Маҳалламизда ғалати одамлар кўп эди. Ҳар бир маҳаллада ҳам ғалати одамлар бўлса керак, биздагилар эса ҳеч қаерда топилмайдигандек туюларди менга. Ўзи бу кетишда ғалати одамлар ва ҳодисаларнинг кўплигидан одамзодни ҳеч нарса ҳайрон қолдирмай қўйса керак. Ҳатто ўзга сайёраликлар ҳам!

Вилламизнинг шундоқ ёнида “Сариқ вилла” деб аталувчи ҳашаматли уй жойлашган эди. Бу уй ҳақидаги ҳикоя этни жунжиктириб юборади...

## 2-qism

Бир пайтлар бу уйда уч фарзандли оила яшаган экан. Болалар вояга етибди ва оналарини тез-тез дўппослайдиган оталарига қаршилиқ кўрсата бошлабди. Телба ота эса энди болаларини урадиган одат чиқарибди. Бу одамни ҳеч ким яхши кўрмас экан. Фарзандлари “отамиз тезроқ ўлсаю уй бизга қолса”, деб ўз оталарининг ўлимини интиқиб кутаркан.

Кунларнинг бирида калтаклардан тўйган она уч ўғлини ҳам, эрини ҳам ташлаб кетиб қолибди. Худди ер ёрилгану ернинг тагига тушгандек, изсиз ғойиб бўлибди. Фарзандлари уни қидириб ўтирмабди. Орадан ҳеч қанча ўтмай оталари вафот этибди.

Ана шунда уч фарзанднинг ҳар бири ҳашаматли уйга якка ўзи эгалиқ қилишнинг йўллари излай бошлабди.

Кунлардан бирида ўғиллардан бири овқат тайёрлашни бўлишиб олишни таклиф қилибди. Бири компот ва паловни, иккинчиси сомсани, учинчиси эса асосий таомни тайёрлабди. Ҳар учови ҳам ўзи пиширган овқатга заҳар қўшибди. Дастурхон ёзилибди. Ака-укаларнинг ҳар бири ҳаяжонланармиш. Ҳеч бири ўзи пиширган таомдан емабди, лекин таомларнинг бари заҳарли бўлгани учун учови ҳам ўлибди.

Уларнинг ўлиги икки кун уйда қолиб кетибди. Ҳовлидаги кучук вовуллайверганидан ниҳоят қўшнилар уйга кириб, ака-укаларнинг ўлиб ётганини кўришибди. Уч йигит тупроққа берилибди...

Кейинроқ оналари бўлган воқеадан хабар топибди. Ўғилларининг қабрини қучиб йиғлабди. “Сизлар мени қидирмадингиз, лекин мен қабрингизни сўроқлаб келдим”, – деганча уввос тортибди. Кейин эса “бу уйда бир оила сарғайиб сўлди”, деб уйни сариқ ранга бўяттириб, сотиб юборибди.

Буни менга Исмат девона айтиб берди. “Ким мерос пайида ўз жигарини ўлдирса ёки ўлдиришни истаса, албатта, ўша мерос унинг ҳалокати бўлади”, – деди у.

Вилламиз қаршисидаги торгина йўл пастга тушиб, асосий йўлга боғланиб кетарди. Вилламиз ва ўртамизда боғимиз ва асосий йўл бори эди. Гўёки денгизнинг оғушида эдик...

Онам, отам ва укам Уғур бор Германияда яшашарди. Ҳаммадан кўп укамни соғинар, уни ўйлардим. Шеърларимнинг энг кўпини унга атаб ёзганман, кўз ёшларимнинг энг кўпи унинг учун тўкилган. Тушларимга энг кўп Уғур кирарди...

Исмат девона ҳам Уғурни сўраб турарди. Ўтган йили укам келганида, атрофида парвона бўлди. Мен эса ишқилиб укамни бўғиб қўймасин-да, деб қўрқардим. “Бундан кейин ўша жинни билан умуман гаплашма”, – деб тайинладим укамга. Уғур бола эмасми, Исмат девонага “опам сен билан гаплашимни тақиқлади, менга гапирма”, дебди. “Опангдан буни кутмагандим”, – дебди девона йиғлаган кўйи. “Кутмаганмиш, мен унга ким бўлибманки, мен ҳақимда бунчалик ишонч билан гапиради?” – деб жиғибийрон бўлганча бир неча кун ухлай олмадим.

Ҳар телефонлашганимизда отамга ҳасрат қилардим:

– Отажон! Мени гўзал юртимдан айириб, нотаниш инсонларнинг орасига ташладингиз. Ахир Германия менинг биринчи ватаним, ўша ерда туғилганман, ўша ерда ўсганман. Нега бундай қилдингиз?

Отам эса мени ношукликда айбларди:

– Жоним қизим, Жамилам. Сени хурсанд қилиш учун вилла олиб бердим. Яп-янги машина олдим, ҳайдовчи ёлладим. Ёшинг етиши билан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб, машинани ўзинг ҳайдайсан. Маликалардек яшаяпман. Нега кўзинг тўймапти?

Бир куни ҳайдовчи келиб, мени олиб кетди. Эҳ, ҳайдовчилик гувоҳномамни олсам борми, худди кинолардаги ёшларга ўхшаб мақтаниб юраман. Ҳозирча ёлланма ҳайдовчига билан юришга мажбурман.

Хаёлларга берилиб кетар эканман, нариги маҳалладаги Исмат девонанинг уйи олдидан ўтишга мажбурлигимиз эсимга тушди. Қарасам, Исмат девони кўчада, йўлканинг устида ғамга ботиб ўтирибди. Унга шунчаки гап отдим. Чўқур ва ҳуркитувчи кўзларини менга қадади, лекин оғиз очмади. “Нима бўлди?” – деб сўрадим. “Укангдан сўра, айтади”, – деди у.

Оқшом пайти укамни саволга тутдим, у бор гапни айтиб берди. Жуда хафа бўлдим, жаҳлим чиқди. Уғур эса тинмай ўзини оқларди: “Ахир у билан гаплашмасликни ўзингиз тайинладингиз-ку!”

Уғур билан боғлиқ шу воқеани кўп эслайман. Жоним укам! Уни бир йилдан бери кўрмайпман. Укамни шунчалар соғиндимки, эслаган сари юрагим эзилади.

Ўтган йили соҳилда кезиб юрганимизда укам мендан шар олиб беришимни сўради. Бир боланинг қўлидаги шарни кўриб тикилиб қолган ва “Менга ҳам шундан олиб беринглар”, деб туриб олган, лекин ундан тополмагандик.

Бир гал телефонда гаплашганимизда онам айтиб қолдилар, орадан бир йил ўтган бўлса-да, ҳалиям ўша шарни унутмаган экан. Ҳолбуки, Германияда унга бундан ҳам чиройли шарлар олиб беришганди. Лекин у ўша соҳилда кўрганимиз шарни ҳеч унутолмасди.

Қайта-қайта ўша шардан олиб беришимизни сўраганида унга бақриб ташлагандим:

– Худди умрида шар кўрмаган болага ўхшайсан! Ҳатто ҳеч нарса кўрмаган боладайсан! Германияда шар йўқми?

Буни қаранг, бола бир нима кўрмаган бўлса, у айборми ёки болага бирор нимани кўрсатмаган катталар айбдорми? Ҳа, тескари қарашга ўрганиб қолганмиз. Тескарига тўғри қарашда давом этипмиз.

“Ҳатто ҳеч нарса кўрмаган болага ўхшайсан!” дея жеркиганим уни ҳайрон қолдирганди. Шундай жавоб қилди Уғурим:

– Опажон, мен кўп шар кўрдим, лекин унақасини ҳеч кўрмаганман-да, ахир!

Инсондаги пинҳон ҳислардан бири эди бу жавоб. Одам боласи нега бунча худбин? Нега фақат ўзига ёққан нарсаларга аҳамият беради? Айниқса, болаларнинг қизиқиши, қувончига нега бепарво қаралади? Ўзимни гуноҳ устида қўлга туширдим.

Укам ҳозир олти ёшда ва биров вақтдан кейин мен уни кўраман. Лицейда ўқиш учун Туркияга келгандим. Аввалига ҳеч ёқтирмадим, лекин кейин кўникиб кетдим ва ниҳоят лицейни тугатдим. Германияга ота-онамнинг ёнига боряпман.

Қайтганимда укамга севган шаридан олиб бориш учун бир неча кун шар дўконларини айландим. Улгуржи сотадиганларни ҳам изладим. Ўша шардан менга топиб берганларга беш юз марка беришни ваъда қилдим. Қаерда шар сотувчи кўрсам, унга шундай дедим: “Агар топсангиз, шу телефонга хабар қилинг!” Оппоқ шарда бошига капалак қўнган дельфиннинг расми борлигини айтиб, ҳаммага таърифладим. Балки “Ўзи бир шар бўлса, шугина матоҳ учун бунча уринишнинг нима кераги бор эди?” деганлар чиқиб қолар. Ҳа, тўғри. Мен учун ҳам шунчаки бир шар. Лекин укам учун бу шар нима экан?

Бир куни эрталаб қўнғироқ бўлди. Жавоб бердим, шарни таърифлаганим бир одам ҳаяжон билан хабар берди:

– Топдим, опа, сиз айтган шардан топдим. Нечта олай?

Қувончимдан юрагим ҳапқириб жавоб қилдим:

– Беш- ўнта олаверинг, – дедим.

Манфаатпарастлардан нафратланаман. Тўғри, ҳамма улардан нафратланади деб ўйлайман-ку, мен ҳамманинг нафрати даражасида нафратланаман. Гўшакнинг нарёғидаги кишининг саволи мени ақлдан оздираёзди. Дудуқлана-дудуқлана:

– Опа... Ҳар бир донасига беш юз маркадан берасизми?

Бунақанги имкон пойлаб юрадиган кимсаларни чириган, теккан жойига ёпишиб қоладиган сақичга ўшатаман. Икки оғиз сўзни аранг гапиролдим:

– Битта олсангиз етади.

Олиб келди. “Биттаси мендан унга ҳады бўлсин”, – деди. Энди ўша шардан унга олиб бораман. Жуда ҳам севинади. Уни жуда ҳам соғиндим. Укам ҳақида нега бу қадар чуқур, қалбим билан сўзлаб берганимни, ҳаёт ҳикоясини Исмат девонадан кейин укам билан бошлаганим сабабини, унинг ҳаётимдаги ўрни нечоғли эканини билганингизда тушуниб оласиз...

Йўлга чиқиш учун тайёрланяпман.

Бобом ва бувим эса жуда ҳам хафа.

– Жоним қизим, кетганингдан кейин ота-онангдек бизни унутиб юбормагин, хўпми? Тез-тез телефон қилиб тур бизга, – дейишди.

Фарзандининг соғинчида ўртанаётган ота-оналар. Ота-онасини унутган фарзандлар. Ва ҳамма ўзини вафодор инсон ўлароқ билиши... Энг хунук нарса ҳам бунинг олдида чиройли кўринади.

Германияга қайтиш сафаримнинг тайёргарлиги бошланди. Янги дунёга тайёрланаётганим учун ҳаяжондан бир жойда ўтиролмасдим. Бойлик ичида мени қувонтирадиган бирор нима йўқ эди. Монтань айтганидек, ҳашаматли ҳаёт бизни қиличдан баттар парчалайди. Парчалар ичида тирилишга уринган сари ноқулай шароит ҳаммани боши берк кўчага тиқиштириб қўяди. Укамни ўйлаб жуда ҳам севинаман ва бу дунёда менинг ҳам жони дилдан соғинадиган яқиним борлигини англадим.

Янги дунёмдан оиламнинг хабари йўқ эди. Менинг янги шахсиятим уларга сюрприз бўларди.

Ота-онам ҳеч кимнинг эътиқодига аралашмайдиган демократ инсонлар эди. «Демократман» деганларнинг ҳаммаси демократ бўлолмасди, лекин ўйлашимча, менинг ота-онам демократ эдилар. Мен билан ишлари йўқ эди. Бунга ишончим комил. Балки хурсанд бўлишлари мумкин. Чунки янги шахсиятим, янги диним ва янги нуқтаи назарларим билан уларнинг қаршисида мутлақо бошқа бир фарзанд турарди.

#### 4-qism

Ўйин-кулги ҳам энди мен учун зулмга айланганди. Янги динимда зулмдан халос бўлгандим. Шундай чиройли жумлани эшитгандим: “Ўз-ўзи билан машғул бўлмаган кишини шайтон машғул қилади”. Авваллари чиндан ҳам шайтон мени машғул қиларди. Лекин ўзимни бошқаришни бошлаганимдан бери шайтон мени машғул қилолмаётганди. Бир неча йилдан кейин шундай ўйладим:

– Ажабо, шайтон мени ўзининг йўлида деб билгани учун мени йўлдан оздиришга уринмасмиди?

Баъзан беъмани ўй-хаёллар устида ўзимни қўлга тушираман. Худди ҳар қандай янги нарса энг яхшисидек туюларди менга. Бошқа бир оламда эдим. Дунё кўз олдимда мутлақо бошқа бир дунё ўлароқ турарди. Худди дунё ҳам мен билан бирга янги қиёфага буркангандек эди.

Ҳикоямни гапириб бериш учун, бу узун йўлга тушишдан олдин сизга ички дунём ҳақида гапириб берай. Инсон туйғуларини қанчалик ифодалай олади, билмайман, екин бор кучим билан гапириб беришга ҳаракат қиламан. Зеро, шундай бир ҳаётда яшадимки, ундан менга шу туйғу хотира бўлиб қолди.

Мумтоз адабиётларда ўқиган ҳар жумлада ўзига чиқиш йўли излаган ёш қиз, яъни мен буюкдек кўринганларнинг ҳаммаси ҳам унчалик буюк эмаслигини англаб етдим. Адолатсиз, кўринишидан буюк ва дўст каби кўринганлар киприк қоқмасдан инсонларни хароб қилганларини кўрдим. Файласуфлардан эшитганларимни ёзишларини Монтендан ўргандим. “Турк подшоҳлари овқат еяётганини кўрсатмасмишлар, улар ҳафтада бир овқат ейишар экан”, – дерди китобида.

Файласуфлар шундай катта хато қилишармиди? Бир ўйлаб кўриб, шунга ишонган бўлса, у бундан бошқа янглишларга ҳам табиий равишда ишона оларди. Ва мен ҳам файласуфлар, албатта, тўғри гапиришади, дея ишонган бўлсам, янглиш ўйларда давом этардим демак. Мен учун бу муҳим йўналиш эди, лекин тасдиқламадим. Таълим инсонни бузиши эмас, янада яхши томонга ўзгартириши керак, дея ўйлардим. Жуда ҳам тўғри, лекин мен баъзи тўғриларни айрим бадалларни тўлаб ўргандим. Кошки аввал бадал тўлаганлар хотираларини, нечун ва қандай бадал тўлаганларни ёзсалар эди, балки менга ва менга ўхшаганларга чироқ тутардилар.

Мен ҳам ўзимни эзмасдим. Ўз елкамга босиб, ўзимни бунчалик уринтирмас, кўнглимни азобламасдим. Билмаганларим, истамай қилган хатоларим остида эзилдим. Балки бу гапим сизга ошириб юборгандек туюлар, лекин шарафим билан тасдиқлайманки, ҳаёт мени жуда чарчатган йилларни бошдан ўтказдим ва ўша кезларда кошки ўлим келсаю, мен кетсам дердим...

Менга ўлимни соғинтирган сабабларнинг бошида баъзи кишиларнинг нодонлигини бор эди. Мен англаган бир ҳақиқат шу эдики, инсонни инсон яралаганидек ҳеч бир нарса яралай олмайди. Айниқса, жоҳил одамлар каби! Эй, Аллоҳим! Жоҳил одамлардан нималарни кўрмадим! Шунга қарамай, азму қарорли, меҳнаткаш бўлишим кераклигини уларнинг ёрдами билан тушуниб етдим. Гарчи жуда оғир бадаллар тўлаган бўлсам-да... Ва бир нарсани тушуниб етдим: жаҳолат ота-она билан фарзанд орасига ва эр билан хотин ўртасига кирганида қиёмат кўпишига ҳожат қолмас экан.

Ҳаққа юзланган кунимдан бери зиёнда юрган инсонларнинг фарқига бордим. Зое кетган йилларимни ўйлайман. Ўтмишда йўқотганларимни ортга қайтаролмайман, лекин айримларининг олдини олишим мумкин. Шунинг учун бир жойидан бошлаб ҳаёт ҳикоямни ёзишган аҳд қилдим.

Туркиядан Германияга келган кунимни ва ундан кейинни ҳеч унутмайман.

Лицейни тугатганимдан кейин ниҳоят ота-онамнинг ёнига кетдим. Мени аэропортда кутиб олган кунлари уларни ҳайратлантиргандим. Ота-онамни қучиб:

– Мени сизларга, сизларни менга кўрсатган Иеговадан миннатдорман! – дедим.

Ота-онам бир-бирларига қараб, яшин тезлигида менга ўгирилишди. Отам ҳайрат билан сўради:

– Нима дединг? Нима дединг, яхши тушунмадим.

– Иеговадан миннатдорман дедим.

– Иегово ким? Аллоҳга ҳамд айтгандек унга ҳамд айтяпсан?

– Иегово ҳам Аллоҳ, Аллоҳдан бошқага ҳамд айтилмайди-ку!

Онамнинг ранг-рўйи гезариб кетди.

– Нега Аллоҳга Аллоҳ демай ғалати номлар билан эслаяпсан Уни?

Савол тўла нигоҳларини менга тикиб, жавоб кутарди.

– Ғалати эмас, Тавротда Аллоҳ ўзини Иеговаман дейди.

Отам ҳам ҳайрат билан сўради:



– Қизим, бизга Инжилу Тавротнинг аҳамияти йўқ. Бизнинг Қуръонимизда Аллоҳнинг исми Аллоҳ-ку!

Отамга ҳаяжон билан тикилдим. Янги оламимнинг жўшқинлиги билан худди хушxabар айтаётгандек эдим:

– Лекин мен Қуръонга тобе эмасман, ота. Мен энди Иегова шоҳидиман. Мен имон келтирган китоб эса Инжил, Таврот ва Забур, Муқаддас Китоб дейилади. Буларнинг ҳаммасига иймон келтирганман.

Укам Уғур эса бўйнимга осилиб, қувончдан учарди.

Ота-онам турган жойида михланиб қолишди. Қувончимдан юрагим ҳапқириб кетаётганди.

## 5-qism

Ислом динидан беxabар ота-онамнинг бу ҳолатимни нега қабул қилолмаётганини тушунолмасдим. Улар беш-ўн дақиқа турган жойларида музлаб қолишди. Кейин онам тилга кирди:

– Яъни насроний бўлдингми?

– Сиз билган маънода насроний эмасман. Насронийлар Исони маъбудга айлантиришди. Биз бироз замонавийроқмиз. Бироз ҳаққонийроқ. Иегова истаган шаклда, яъни ҳақиқий насроний бизмиз...

– Яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламни инкор этасанми?

Ҳар томоним гўёки нафрат ва алам девори билан ўралгандай эди. Шундай руҳиятда тагин қандай қилиб қуруққина, бемалол жавоб берган эканман:

– Ҳа. Мен уни инкор этаман.

Онам кутилмаганда устимга бостириб келди:

– Сени ўлдираман!

Онамнинг бу муносабатидан ҳайратга тушдим. Кўзларига тик қараб сўрадим:

– Ҳа, она, тинчликми? Сиз ҳам Муҳаммадни яхши кўрасизми? Нега бунини аввал билмасдим?

Илк бор онам менга эътибор бераётганди. У ҳам асабийликдан юзага келган эътибор эди. Қанча давом этиши мумкин?!

Улар менинг ўзгарганимга, мен эса уларнинг ўзгаришимга муносабатига ҳайрон қолдим. Отам машинага ўтираётиб шундай деди:

– Шундай бўлиши аниқ эди. Қизнинг ёлғиз ўзини икки қариянинг ёнига ташлаб қўйдик, шундай бўлди. Муслмон ҳолатда қўйиб келган қизимиз насроний бўлиб қайтди.

Ҳайратимга ҳайрат қўшилаётганди.

– Тавба, тавба! Ота мен қачон муслмон эдим? Мен муслмонман деганимни ҳам, сизнинг айтганингизни ҳам эслолмайман. Сиз Ислом учун нима қилдингиз? Менга нима ўргатдингиз? Ўзингиз Исломни қанчалик танийсиз? Менга айта оласизми?

Ҳайратдан ўзини йўқотаётган онам шундай жавоб берди:

– Ўргатмаганмидик? Сен бизни кофир демоқчимисан? Мен Аллоҳимга, Қуръонимга, байроғимга жонимни бераман! Мен Аллоҳнинг буйруқларини бажариб келганман. Ёлғонми? Ўзинг айт, ҳар йили қурбонлик сўймаймизми?

Кулимсираб қўявердим. Менга берилган илм шуни тақозо қиларди. Мени Иегова шоҳиди қилган ҳамширам ва биродарларимдан олган талқинларимга кўра, ота-онамга яхши муомала қилишим керак эди. Мен яхши муомала қилсам-у, улар мени бақириб-чақириб, уришишса, Исонинг мўъжизаси рўй берган бўларди. Ҳатто калтакланишимиз, уйимиздан ҳайдалишимиз биз учун шараф эди. Исонинг буйруғида қанча босим кўрсак, қанчалик азоб тортсак, шунчалик яхши шоҳидлар бўлишимизга далиллар бор эди. Динини ўзгартирган, кейин шоҳидлардан бўлган дўстларимни эслайман. Оиласи босим ўтказгани сари Инжилга янада кучлироқ боғланишарди. Исонинг мўъжизаси унга тасалли беришига ишонишарди.

Филиз дегани бор эди. Яқиндан танирдим. У ҳам шоҳидлардан бўлган, энди далага ҳам чиқарди. Лекин акаси “Сен қандай қилиб Иегова шоҳиди бўлдинг?” деб уни дўппослаб, касалхонага туширганди. Шунча кўп калтак еганига қаармай, қувончдан терисига сиғмасди. Босимга учрагани сари имони ортардир. Унга ҳавас қилгандим. Кошки мен ҳам шунақа босимларга учрасам, лекин менинг оилам аралашмайди, дердим. Энди тушундимки, оилам мени ўз ҳолимга қўймайди, балки дўппослашдан ҳам тап тортишмасди. Мен ҳам Иегова учун, Исо учун азоб тортиб, бахтли бўлсам дердим.

Менга бу фикрни қандай сингдиришган эди? Мени бундай ўй-хаёлларга қандай итқитишганди? Ҳеч тушунолмасдим. Уч йилда игна билан қудуқ қазигандек, мендаги бутун эътиқодни тозалаб, ўрнига ўз эътиқодларини ва хулқларини сидқидилдан жойлаштиришганди. Шундай чин кўнгилдан муомала қилишардики, гўёки меҳрибон онадек, худди улар фаришта эди. Жаҳл-ғазаб нималигини билишмасди. Инсоний хусусиятлар уларда мужассам эди. Ёки шундай кўринишарди. Шундайми-йўқми, нима аҳамияти бор, менга нисбатан шундай эдилар, муҳими шу эди. Ҳар бири хатти-

ҳаракати билан мукаммал инсонни кўрсатар эди. Худди эркаклари Исо, аёллари Биби Марям эди. Сеҳарлангандим. Ғамхўрликка муҳтож эдим, меҳрга чанқоқ эдим. Улар менинг чанқоғимни қондирарди.

Хўш, мусулмонлар нима қиларди?

Энди бу саволни бермай қўяверай. Чунки мен Иегова шоҳиди бўлгунимгача менга ғамхўрлик қилган бирор мусулмонга дуч келмадим. Маҳалламизда яшайдиган бир диндорни танийман. Неча марта ёнидан ўтдим, менга салом ҳам бермади. Баъзан ўқишга бориб-келишда эътибор берадиганлари ҳам бор эди, лекин Иегова шоҳидлари каби ҳар доим, донишмандлик билан, ҳақиқатни шошилмай тушунтиролмасди. Тўғриси, мен кўрган мусулмонлар Иегова шоҳидларидек онгимда инқилоб қиладиган даражада из қолдирмаган. Фақат хатоларимни юзимга солар, шу билан ўз вазифасини бажарган ҳисобланарди. Менга йўлиқмаган илмли мусулмонлар ҳам бор эди, албатта. Лекин мен уларни танимасдим. Устига-устак, уларнинг менга фойдаси ҳам тегмаганди.

#### 6-qism

Мен мусулмонларни баъзи намойишларда кўрардим. Уларни сиёсий мақсадлар учун динни ниқоб қилиб олишда айблашганида, “умматчи” деб аташганида ёмон одамлар эканига ишонардим. Кимга ишонишим керак эди, ахир? Ўша пайтларда мамлакат раҳбари ҳам уларни айблаган эди ҳатто. Лекин мусулмонлар тазйиқ ичида яшаганларини энди тушуняпман. Агар Иегова шоҳидлари сингари улар ҳам эшикма-эшик брошюра тарқатиб даъват қилиб юришганида, давлатни бошқараётганлар мусулмонларнинг нафас олишига йўл қўймасди. Буни энди-энди кўра бошладим.

\*

Аэропортдан уйга келгунимча фақат Уғур билан гаплашдим. Ота-онам чурқ дея оғиз очишмади. Масалани тушундим. Ота-онам мени четга суришмоқчи эди. Лекин бу четлатиш менинг парвоимга ҳам келмасди. Ўзимни ҳеч нарсани билмаганга солиб туравердим.

Бир пайт укам сўраб қолди:

– Опа, онам билан отам Муҳаммад учун сиздан жаҳллари чиқди, Муҳаммад ким?

Бу савол автомобилга тушган музли бомбадай бўлди.

– Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам, ўғлим! Эшитмагандай сўрашингни қара!

Отам уялганидан укамга бақирарди. Укамнинг эса ҳеч нарсадан хабари йўқ, беғуборларча жавоб қилди:

– Йўқ, отажон, ҳеч ҳам эшитмаганман-ку. У Германияда яшайдими, Туркиядами?

Отам шу пайт ер ёрилсаю, ерга кириб кетсам, деган бўлса ажаб эмас. Гўё ўғлига дин ҳақида бирор нима ўргатгандай бақириб-чақирди. Кейин яна газни босди.

Уйга қайтганимизда уй гўё таъзияхонадай эди. Тўғрироғи, ота-онам жанозага келгандай эди. Мен янги оламимда жуда бахтиёр эдим. Энди мени севадиган Иегова шоҳидларидан биродарларим ва эътиқодим бор. Нима қилишимни, ўзимни қандай бошқаришни ва кимга қандай муомала қилишни билардим, одамларни чўчитмасдим. Эътиқодимни секин-аста сингдириб боришим керак эди. Менга қандай секин-аста талқин этилган бўлса, мен ҳам шундай талқин қилардим. Фикрларимни аввал укам Уғурга сингдиришни режалаштирдим. Бола бўлгани учун унга тезроқ таъсир кўрсатишим мумкин. Бироз вақт ўтсин дея ўйладим. Ҳасан биродар айтганидек, аввал меҳр беришим керак. Қандай қилиб бўлса-да, укамга ўзимни севадиришим керак эди. Шундоқ ҳам яхши кўрарди, лекин қаттиқ яхши кўриб қолмагунича ҳозир меҳри иш бермасди. Зеро, шоҳидларда мени энг кўп таъсирлантирган хусусият уларнинг меҳр билан муносабатда бўлишлари эди. у кезларда бир нарсани ўйламагандим: “Шунчалик меҳрли кишилар илмми мусулмонлардан нега бунчалик нафратланишади?” Ҳа, ҳа, фақат илмми мусулмонлардан, айтганча, яна насроний пасторлардан ҳам нафратланишади. Лекин уларга бўлган нафрат билан мусулмонга бўлган нафрат орасида фарқ бор эди. Бу фарқни ҳам ўзоқ йиллардан кейин тушундим.

\*

Ота-онам ва мен муаммоли учбурчакка айлангандик. Бир-биримизнинг кўзларимизга қараб гаплашолмасдик. Юзимизнинг ўрта қисмига уч ўлчамли қартга қарагандек қарардик. Бир-биримизга кўзимиз тушган ҳар онда гўё электр токи ургандай бўлардик. Бир-биримизга аввалгидек яқин эмасдик.

Менинг ҳаётим уларга сир каби эди. Мендан шубҳаланишарди. Мен эса улар ҳақида қандай ўйлашни билмасдим.

Кунларимиз шу тарзда ўта бошлади. Отам мени Францияга, Италия ва Англияга ва Швецияга олиб борди. Мени дунё кездирса, насронийликдан воз кечишимни ўйларди.

Кейинчалик Европанинг ҳамма жойини, ҳар қадамини кездим. Тоза-озода майдонлар, кўчалар мени ҳайратлантирарди. Ҳеч қачон бундай жойларни кўрмаган эдим, Истанбулнинг айрим ифлос майдонларидан кейин Европа менга ёлғончи жаннатдай кўринганди. Европанинг энг кўҳна масканлари ҳам топ-тоза эди. Инсонлар

озодаликка қонунга риоя қилгандек риоя қилишарди. Поклик Исломда қонун бўла туриб, баъзи мусулмон мамлакатлари гўё нопокликни қонунийлаштиришганди. Ҳамон бунга ҳайратланаман: “Поклик иймондандир” деган ҳам мусулмонлар, ифлосликка ботиб қолганлар ҳам. Ҳеч қайси ислом давлати Ғарбга ўхшаган тоза эмас. Нега? Бу ҳам менинг қўлимдаги дастак эди. Фақат отамга тоза, озода жойларни кўрсатардим: “Қаранг, ота, менга бундай озода ислом мамлакати кўрсата олмайсиз!”

Отам гапларимни инкор этолмасди, лекин тан олишга ҳам қийналарди. Мен ислом давлатлари ва насроний ўлкалар орасидаги тозаликдаги фарқдан усталик билан фойдаланардим. Барча салбий нарсаларни Исломга тўнкардим, ижобий нарсаларни эса Инжилдан билардим. Араб ўлкаларида ерга тупурадиганлар учрайди, улардан далил ўлароқ фойдаланиш менга етарли эди.

Ҳолбуки, биз ёз таътилларида Африка ўлкаларини ҳам кўргандик. У ерлар мустамлакадан энди озод бўлганини, ҳатто баъзилари ҳамон истибдод остидалигини, у ерларда ёмғир ёғмаслигини, ичимлик сувини ҳам зўрға топишларини, энг муҳими, у ердагилардан баъзилари ҳам худди турклар каби исломни унутганини, динсизлик эсган томонга қараб кетаётганларини билмасдим. Билмасам ҳам, буни тушунишимни хаёлимга келтирмайман. Исо ҳатто душманни ҳам севинг деган, лекин мен мусулмонлардан нафратланардим.

## 7-qism

Кунларимиз шундай ўтарди. Маданиятсиз араблар, маданиятсиз турклар ёки бошқа халқлар демасдан, ҳаммасининг айбини мусулмонлар ва исломга юклардим. Гўё ғарбни Инжил поклаб, шарқни Қуръон кирлатган эди менинг наздимда. Ота-намда эса менга ғалати туюлган индамаслик бор эди. Баъзан овқатдан олдин дуо қилсам, онам бир нималар демоқчи бўларди. Унга жавобан:

– Мен овқатдан олдин дуо қиламан, мусулмонлар эса овқатдан кейин дуо қилишади. Лекин сизлар Аллоҳнинг неъматларини ейсизлару, на аввал, на кейин дуо қиласиз! Бирор марта шукр қилганингизни эшитмадим! – десам ҳайрон қолишарди. Айниқса, онамнинг жавоб тополмай қолишидан билардимки, онамни отамдан олдим ўз эътиқодимга бошлай олардим. Ҳар куни умидим ортиб борарди. Ҳаяжонланардим, лекин ҳеч кимга айтолмасдим. Биродарларимга ёзардим баъзида. Охириги марта Бейзага шундай ёздим: “Сабрсизланяпман, Бейза, ота-онамни шоҳидлардан қила олармиканман? Уларнинг қўлида Инжил кўрармиканман?” У ҳам менга жавоб йўллабди: “Шошилма, босим ўтказиб чўчитма. Ҳурмат-иззатларини ўрнига қўй. Сендаги гўзал хулқни кўриб, ўзлари эътиқодимизга қизиқишади. Қолгани осон кечади”. Ҳа, қолгани жуда осон эди. Умид ва қатъий аҳд билан кутардим.

Аммо отам мени кузатиб юрган экан. Бейзадан келган мактубни ўқиб қолибди.

– Сен ҳалиям насрониймисан? Мен йигирма йил насронийлар дунёсига умримни бағишладим. Энди фарзандимни ҳам беришга тоқат қилолмайман. Бу иштиёқингдан воз кеч! Сенга яхшилиқча айтяпман, насроний бўлишингга йўл қўймайман! – деди.

– Аллақачон бўлдим! Ҳатто ҳақиқий насроний бўлдим! – дедим. Отамнинг сўзлари менга жуда ҳам беъмани туюлган бўлса-да, ундан жаҳлим чиқмасди. Шунақанги беъмани дод-вой ҳам бўладими? Мен жоним, қалбим, руҳим билан бу динга киргандим. Керак бўлса, ота-онамдан воз кечардим, лекин эътиқодимдан асло воз кечмасдим!..

Отам мени ҳақорат қилганида, оиласидан ҳақорат эшитган биродарларимни эсладим. Азоб-уқубат тортганлари учун уларга ҳавас қилардим. Энди ўзим ҳам шу азобларни тартаётгандим. Иеоговага қанча шукр қилсам оз эди.

Отам бор овози билан бақирарди. Ҳатто мени ўлдиришини ҳам айтди. Мен бундан жуда ҳам мамнун эдим. Раб учун, Исо учун ўлишдан ҳам буюк шараф борми? Ҳақоратлар, ҳақорат эмас, ҳар бири жаннатдан келган бир нишона эди мен учун. Тангрим учун озор истардим, бундан ҳам буюк саодат борми?

Мен ҳам отамга баланд овозда:

– Ўлдилинг, ота, фақат бу билан менининг мақомим юксалишига сабаб бўласиз. Лекин мен ўлимдан қўрқиб эътиқодидан воз кечадиган аҳмоқлардан эмасман. Зотан, бундай аҳмоқлар бизнинг орамизда учрамайди, сизларда учрайди, – дедим. – Беш чақалик манфаат учун динингиздан воз кечасизлар. Ўлимни қўяверинг, ўттиз кун ҳибсда ётасан дейишса, ўттиз йил Аллоҳ демайсизлар. Шундай экан, сизлар мени тушунмайсизлар. Биз ўлсак ўламиз, лекин эътиқодимиздан юз ўгирмаймиз! Мусулмонликка келсак, бошимга бостириб келса-да, мени энди ҳеч ким мусулмон қила олмайди. Беҳудага овора бўлманг!

Мен бу ҳолатга осонгина келмагандимки, осонгина динимдан чиқсам. Отам мени уйга қамаб қўйиш билан қўрқитмоқчи бўлди. Баъзан мен ҳам уларга қаттиқроқ гапирардим. Отам чиндан ҳам мени хонамга қамаб қўйди. Ичкарида ўзим қолдим. Деворлари пуштига бўялган, тўр пардали хонам бирданига кўзимга ҳужрадай кўрина бошлади. Ўша лаҳзада бирдан қалбим севинчдан ёришди. Худди Америкада, Россияда ва бошқа мамлакатларда зиндонларга ташланган, лекин динидан юз ўгирмаган биродарларимни ўйладим. Ўзимни улар билан бир хил кўра бошладим. Мана бу ҳашамдор хона. Эшик устимдан қулфлангач, бу ер менинг хонам эмас, ҳужрамга айланганди ва бундан жуда ҳам хурсанд эдим.

Шўрлик отам илмли бўлганида менга бундай муносабатда бўлиб, Иегова шоҳиди бўлишимга янада кўпроқ ёрдам берган бўлармиди? Ўша лаҳзалардаги қувончимни ҳозир ифодалаб беролмайман. Нафратимдан бақир-чақир қилардим. Муслмонлардан ишонилмас даражада нафратланардим. Энди нафратим бутун бўлди. Бундан ортиқ нафрат бўлмайди. Боши берк кўчада эди нафратим. Бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас.

## 8-qism

Отам ақлдан озгандек эди. Эшик ортидан туриб олиб мени Исломга қайтишга ундарди. Унинг босимларига жавобан шундай дедим:

– Сохтакорлик қилманг, ўзингиз ишонмаган динга менинг киришимни истаяпсизми? Сизнинг эътиқодингиз қайси ишингизда кўринади?

Отам бу сўзимни ҳеч ҳазм қилолмади:

– Ким сенга мени Исломга ишонмайди деди? Бу қаердан чиққан гап?

– Онам билан қадаҳ чўқиштирганингизда сизда дин бормиди? Ахир эътиқодингизда спиртли ичкилик ман қилинган-ку! Жазманларингизнинг исмини рўйхат қилиб қўйгандингиз. Онам нима қилди экан, у ҳам сиздай яшадимикан, билмайман.

Бу гапим отамга ҳаммасидан ҳам оғир ботди. Ғазаб билан эшикни очиб, томоғимдан бўға бошлади:

– Гапир, тез! Онанг нимадир қилганини кўрдингми? У менга хиёнат қилдими?

Бўғилаётгандим, қийналиб жавоб қилдим:

– Билмасам, бўлса бордир. Эркак-аёл аралаш ўтириб ичкилик ичардиларинг. Жазманларингиздан бири, албатта, столимизда бўларди, онам ҳам буни биларди. Балки онам ҳам сизга қасд қилгандир, қаердан билай?

Нима бўлганда ҳам, нодонлигим бор эди. Отага ҳам шундай дейилардим? Шундай дебман-да. Онам ҳайрон қолди.

– Бу қиз ақлдан озибди, – дея олди холос.

Ҳақиқатан, ақлдан озаёзгандим. Менинг бу ҳолимни шоҳидлар кўрса, ҳеч оқламасди. Бунга ишончим комил. Ўзимни бундай тутишим шоҳидга ярашмасди, лекин чидолмагандим. Дин ва имон билан ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаган ота-онамнинг менга диндорлик қилишига тоқат қилолмасдим. Сўнг Инжилдан шу оят эсимга тушди: “Мен сизларга айтяпман: Ким мени инсонларнинг олдида ошкора қабул қилса, инсоният ҳам уни Тангрининг малаклари қаршисида ошкора қабул қилади”, Луқо. Масиҳни инсонлар олдида тан олиш ёки унга итоат қилиш бўлимида ўқиганим

маълумотга кўра, мен имонимни одамларга очиқ-ошкора эътироф этаётгандим. Бу билан фаришталар олдида тан олинимни тасдиқланаётгандим. Ҳаммага буни эътироф этаётгандим.

Отам, жаҳли чиққанида дину имонга куфр келтирадиган отам мени Исломга қайтарадиган одам излаётганди. Авваллари “диндан сиёсат йўлида фойдаланишади” дея ҳақорат қилган одамларига муҳтож қолганди. Уларга вазиятни тушунтириб, мени Исломга қайтаришга кўндиришларини сўради. Мен қулоқ солармидим? Бир қулоғимдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетарди. Ҳатто қулоғимга кирмасди ҳам!

Улар кетгач, яна Инжилни олиб ўқирдим. Луқо, 49-53 оятлар мени қаттиқ таъсирлантирарди. Мусулмонлар бу оятларга бошқача маъно беришарди, лекин биз бошқа маънони англадик. Бу ерда Исо шундай дерди: “Мен ер юзига ўт қўйиш учун келдим. Ҳозир ёнишидан бошқа нимани ҳам истайман? Ер юзига сулҳ учун тушди деб ўйласизларми? Сизларга йўқ дейман! Аксинча, айрилиқ олиб келдим...” Исонинг айрилиғи шу эди. Оиламдан айрилгандим. Исонинг ўргатганларига қаршилик қилган оилам айрилиқни хоҳлади. Исонинг илмини қабул қилиш осон эдимми? Албатта, фикрлар тўқнашарди.

Босимга учраган сари Исони яхшироқ тушунар, шукр қилардим. Чин дилдан, бор қалбим билан мустаҳкам ришта ила боғланганим учун мени ҳеч ким Иеговадан айиролмасди. Уларнинг кучи етмасди бундай қилишга. Зотан, илми йўқларда бундай куч бўлмаслигини билардим.

Бу ҳолатга қандай тушганим кўпчиликка қизиқдир. Хонамда, устимдан қулфланган жойимда қолиб, ҳаммасини бошидан гапириб бераман. Ҳаммасини, ҳамма нарсани бошидан гапириб беришни истайман. Гапириб берайки, аҳволимдан ота-оналар, ёшлар ва таълим-тарбия вакиллари ибрат олишсин. Давлатларга ҳам ибрат бўлсин, дердим-ку, лекин яхши биламанки, аҳволимни кўриб хавф-хатарни сезадиган давлат масъуллари йўқ. Ҳукуматнинг сеҳриданми, билмадим, ҳукумат учун масъул мартабали шахсларнинг аксарияти халқни унутади. Исломга шунчалик қаршиларки, Иегова шоҳидларига кўрсатган бағрикенгликнинг чорагини ҳам мусулмонга қўлламайдилар.

Мантиқсизлик бозори

Достоевскийнинг шундай гапи бор: “Ҳамма нарсанинг асл маъносини англаш ва билиш касалликдир, ҳатто бутун бошли ҳақиқий касаллик!”

Достоевский менинг аҳволимни кўрса, нима дерди экан? Зеро, мен ҳеч нарсани билмасдим. Бу ҳам бир бошқача касалликмиди, ажабо?



Ота-онам мени бобом билан бувимнинг ёнига қўйиб, Германияга қайтишди. Аксарият бахтсизлар ва оз бахтлилар яшайдиган Истанбул бўғозида яшардик.

Отам мен учун олинган виллага бувим ва бобомни ҳам қишлоқдан олиб келиб, мени у ерга жойлаштирди. Олдин айтганимдай, машина олишни ва ҳайдовчи ёллашни ҳам унутмади. Мен Германияда туғилгандим, бошланғич ва ўрта мактабни ўша ерда ўқигандим. Отам турк тилини яхшироқ ўрганишим учун лицейни Туркияда ўқишимни истади. Отамнинг мақсади туркчани чиройли гапиришим эди. Турк бўла туриб, туркча гаплашмайдиганларни кўрса, қаттиқ жаҳли чиқарди.

– Булар ҳеч нимага ақли етмайдиган шўрлик одамлар-да, – дерди. – Шундай бўлмаса, одам деган иккита китоб ўқийди, туркчани бунақа расво қилмайди...

Бувим содда, қулоқлари яхши эшитмайдиган, тез-тез сигир-қўйларини соғиниб эслайдиган аёл эди. Қулоқлари эшитмагани учун ўзи ҳам кўп гапирмасди. Баъзан узоқларга тикилиб қолар, бобом пул кўйида уни куйдирганини айтарди, лекин мен унча тушунмасдим.

Ота-онам мени ташлаб қайтишди. Аввалига бироз зерикдим. Кейин қўшнининг қизи Лайло ва укаси Таркан, кейинчалик эса ёнимиздаги уйда яшайдиган Гулдерен билан танишдим. Улар билан танишиб, бироз зерикишларим ариди, лекин бобом менга нафас олдирмасди: мусиқа эшитма, қўшиқ айтма, калта шим билан юрма. Ярим соат кечиксам: қаерда эдинг, нега анави болага кулиб қарадинг, манави қиз билан гаплашма... Бу тазйиқу тақиқлар мени зериктириб юборарди. Бобомга ёқадиган қўшиқларни эшитсам, жаҳли чиқмасди. Менга ёқадиган мусиқаларни жиннилик дерди. Жоҳиллик!

Нодонлик бир инсондан бошқаларга ўтиши кўп кузатилади, лекин жуда хунук нарса. Бобом менга яхшилик қилмоқчи бўлиб, қайтанга барбод қилганди. Менга донолик ва ақл билан яқинлашганида, балки шунча кўрган кечирганларимни кўрмасмидим? Ўша гўзал виллада бахтли яшардим. Вилламиз шу қадар чиройли эдики, айвонга чиққанимда гўё бўғознинг суви юзимга уриларди. Осмонда оппоқ булутлар сузаркан, денгиз мовий ёқутни эслатарди. Булутлар қуюқлашгани сари либосини ўзгиртирган эртақдаги маликага айланарди бўғоз. Надоматлар бўлсинки, вақт ўтиб гуноҳлар кир қилган дунёда денгизнинг гўзаллиги ҳам сезилмайди ва ҳаттоки гўзалликнинг нима экани ҳам унутилади.

Шеър ёзишни севганим учун бўғознинг тўлқинларига атаб шеърлар ёзардим. Далли-ғулли кўринганим билан ички дунёмда бошқача инсон яширин яшарди гўё. Ота-онамни соғинганимда айвонга чиқиб, улар учун шеърлар ёзардим. Бир гал “Бинафшаранг сочли онажоним” дея шеър ёзгандим. Бинафшаранг соч ҳам бўладими?! Аввал-бошида ота-онамнинг соғинчи ёндирарди мени.

Сўнгра кўникдим. Лайло, Таркан ва Гулдерен бўлмаса, ақлдан озишим ҳеч гап эмасди соғинчдан. Лайло оғир-вазмин, виқорли қиз эди. Лекин бундай кўринмаслик учун кўлидан келганини қиларди. Таркан ҳам шундай. Йўлда юриб кетаётиб рақсга тушар, баъзан шимининг бир почасини тиззасидан кесиб ташлар, баъзан бошининг бир қисмидаги сочларини олдириб, бир қисмини ўстирарди. Ўша пайтдаги муҳит маданиятига кўра жаноблардек кўринмаслик учун нима керак бўлса, ҳаммасини қиларди.

Кейинчалик яхшироқ тушундимки, баъзи ёшлар катталардай кўринишдан уяларди. Айниқса, жаноб, хоним каби кўриниш бебош ёшларга асло ярашмасди. Бу замонавий бебошликлар динсизлик заҳрига ботирилиб, ёшларга сингдирилгани учун ёшлик шу аҳволга тушиб қолганди. Мен улардан ҳам оғир-вазмин эдим. Ҳатто уларга ўхшаб тунги ҳаётим йўқ эди ва тунда кўча-куйда сандироқлашга қарши ҳам эдим. Бу ҳолимни Лайло ҳам, Таркан ҳам яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам улар билан тезгина иноқлашиб кетдик. Тарканнинг онаси Вера насроний эди, лекин унга ўхшаган очиқюз ва ростгўй насронийга аввал ҳеч дуч келмагандим. Аслидан бошқача кўринмасди. Амал қилмайдиган ишларини гапириб юрмасди, адолатли, тўғрисиўз эди.

– Ғофил мусулмонлар ва ғофил насронийлар бўлмаса, биз мусулмонлар билан жуда иноқ яшардик. Орамизда ҳеч қандай муаммо йўқ, ҳеч қачон бўлмайдим ҳам, – дея бот-бот такрорларди.

Лекин мен унинг гапини унчалик яхши тушунмасдим. Кап-катта қиз эдим, ҳолбуки, тушунишим керак эди. Энди-энди фаҳмляпманки, ёшларга эшитганини тушуна оладиган даражада билим берилмайди. Баъзи ёшлар атроф-муҳитга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан бепарво қилиб етиштирилади.

Вера буни ҳам тез-тез танқид қиларди:

– Ғарбда Инжил, Шарқда Қуръон бор. Нега ёшлар бу аҳволда ўсяпти, тушунмайман...

Менга ўзини яқин оларди. Лекин бобом буни ҳам бурнимдан чиқарарди.

– У насроний бўлса, нега бунчалик яқин бўласан?! – дея баъзан урарди ҳам. Ўзи умрида бир бор сажда қилмаган одам, лекин менга насроний билан гаплашишни тақиқларди. Худди насронийлардан ҳам яхшироқ хислатлари бордек тутарди ўзини. Вера бобом мени уришганини билиб қолганди. Бир куни менга секин ёрилди:

– Менга қара, болам, мен мусулмонларнинг илмисини ҳам, жоҳилини ҳам яхши танийман. Бобонг учрашишимизни истамайди, хўп десанг, яширинча учрашамиз.

Уялдим ва буни инкор қилишга уриндим. Вера аччиқ-аччиқ кулди:

– Инкор этма, бобонгнинг қарашларидан буни пайқадим...

Кейинчалик қарашдан қандай тушуниш мумкинлигини мен ҳам ўргандим. Қарши томоннинг фикрини хушламаган одам ёқтирмаган одамига қараганида, кўзлари инсон кўзи эмас, худди музли шишадан ясалган кўзга ўхшаркан. Меҳр ва тушунишдан асар ҳам бўлмаган совуқ нигоҳга яъни...

## 9-qism

Ақидапараст жоҳилларни яхши биламан, улар дунёмни зулматга айлантирди. Улардан нур чиқмаслигига ҳам кўникдим. Мени хурсанд қиладиган инсон Вера эди. Унинг гаплашиш услубини ўрганиб олдим. У билан суҳбатлашиш менга ёқарди. Қайнонасидан кўп жафолар кўрганини тез-тез эсларди. Бир куни ундан қайнонаси нималар қилганини сўрадим. Болаларининг ёнида гапиролмаслигини кўзлари билан имо қилиб тушунтирди. Болалари бувисини ёмон кўрмаслиги учун унинг ёмон хусусиятларини набираларининг ёнида тилга ололмасди.

– Бу гуноҳ бўлади, – дерди.

Уларникида ўтирган куним шунчаки гап орасида Тарканга гапирдим:

– Таркан, нега ҳамма нарсада биринчилардан бўлгинг келади? Бироз оддийликка интилсанг бўлмайдимми?

Вера қўшилди гапга:

– Ҳозирги ёшлар нима қилишини билмайди. Булар одамдай юришни билмайди, мен ҳам унча аралашмайман ишларига.

Таркан саволимга шундай жавоб қайтарди:

– Нима қилай, Жамила? Ҳозир қизлар шунақа юрадиган йигитларни ёқтиради. Ҳаммасини улар учун қиламан, улар ҳам мен учун қилишади. Менимча, сен ҳам шу футболкани бугун мен учун кийдинг. Чунки бу футболка сенга жуда ҳам ярашади. Гапларим тўғрими?

Жавобидан хушланмадим. Мени камситганини ўйлаб, хафа бўлдим. Ҳа, далил-ғулилим бор, лекин ҳатто Германияда ҳам бунақа пичинг-кесатикли гапирмасдим. Шунинг учун бироз кескинроқ жавоб бердим:

– Биз сен билан опа-укамиз, Таркан!

Жилмайиб узр сўради:

– Ҳазиллашдим. Бошқа такрорланмайди, мендан хафа бўлма.

Лайло ҳам гапга аралашди:

– Оббо, Жамила, сен ҳам гапга тушунмагандай кичик ҳазилга хафа бўлмагин. Коинот асрида яшайпмиз, коинот! Бу асрда ҳазилга хафа бўлиш мумкинми?

– Коинот асрида бемаъни ҳазиллашиш керакми? Мен бу асрда миямиз яхши ишлаши керак деб ўйлар эканман.

– Сен ўзгаришлар шиддати ҳар жабҳада акс этишини биласанми? Ҳар куни замон ўзгаряпти.

– Яхши-да, ўзгараверсин, яқин кунларда инсоният асрига ҳам етамиз.

Таркан яна ҳазили билан жавоб қилди:

– Шу илм асри, коинот асри деганларининг нималигини мен ҳалиям яхши тушунганим йўқ.

Верага бу гап-сўзлар ёқмади:

– Таркан, бўлди! Дунёни ҳеч билмадинг, билмадинг. Маданият деганда почка кесишни тушунасан.

Таркан менинг ёнимда гап эшитишни хоҳламасди. Буни билардим, лекин ўзимни билмаганга олардим. Ичимдаги яширин инсон бу муҳитдан бўғиларди. Лекин бу муҳитнинг ҳавоси ва бўғознинг тўлқинлари орасида бу зерикшдан халос бўлардим.

Бироз куй-қўшиқ, ўйин-кулгидан кейин ўйимизга келдим.

Ўша ёшларда ҳам ўйлардим, ҳозиргача ҳаётим ранг-баранг ўтди, лекин ҳалиям ҳаётим рангини тополмай бўшлиқда муаллақ кезардим. Ҳашаматли ҳаёт истардим, пулни сувдай сарфлардим. Ҳар доим кибор эдим. Авваллари киборлик нималигини унчалик тушунмасдим, энди билиб олдим. Бундоқ олганда, киборлардан бўлиш унчалик қийин эмас экан. Қимматбаҳо ва хорижий брендлардан фойдаланиш ва очилганинг сари очилиш. Хорижий бренд масаласи жуда ҳам муҳим. Ишлатиладиган нарсаларинг турк ёки араб маҳсулоти бўлмасин, бошқа қаерники бўлса бўлсин. Диний ақидаларга риоя қилма, Аллоҳнинг буйруқларидан ҳеч бирини бажарма, бир итинг бўлсин, уни машинангда сайр қилдир ёки қўлингга олиб кўчаларда айланиб юр. Баъзан ҳашамдор жойларда кўнгилхушлик қилганинг суратлари газета саҳифаларида кўриниб турсин. Ана шу киборлик. Бунинг устига таъзия маросимлароюда қиммат мавлудхонларни таклиф қилсанг, динига амал қиладиган кибор деб таниласан.

Ҳа, ҳаммаси шунчалик осон ва арзон экан. Лекин буларни тушуниш мен учун ҳеч арзонга тушмади. Аслида буларни биладиган фақат мен эмасдим, лекин мени фақат мен билардим. Киборлик аслида бахтиёрлик эмасди. Иккиси бир-биридан фарқли нарсалар эди. Киборларнинг орзу-умидлари йўқ эди деб ўйлайман. Нимани ҳам орзу қилсин боёқишлар, нимани истаса, эриша олишади.

## 10-qism

Ёнимиздаги уйга кўчиб келган Исмат девона жаҳлимни чиқарарди. Лекин сўзлари ўйлантирмасди ҳам деёлмайман. Ҳар гал кўрганимда ҳар хил гапирарди.

– Қара, – дерди менга, – денгизнинг чиройига қара. Денгизда кезаётган кемаларни томоша қил. Балиқчилар қайиғининг овозини эшит. Баъзан мовий, баъзида кулранг кўринадиган тўлқинлари қандай қилиб шамол уйғотишини кузат. Табиатнинг ўз тилидан ёзилган шеърини ўқишга ҳаракат қил. Одамийлиги йўқ одамлардан узоқлаш. Одамлар одамийликдан истеъфо беришган. Буларни тушунгин.

Бир куни:

– Сени яқиндан кўриш учун юқоридаги маҳалладан бу ерга кўчиб келдим, – деди. Уни жеркиб ташладим:

– Нега энди сен мени кўриш учун бу ерга кўчиб келасан? Менга ким бўласан сен?

Кўзларимга узоқ термилди. Яна бемаъни гапларни гапиришда давом этди.

– Худди мен сен учун ҳамма нарса бўлсам керакдек туюлади, – деди. Қаттиқ ғазабландим:

– Зинҳор бундай аҳмоқона гапларингни менга гапирма!

Қовоқларида ўн килолик оғир юк бордек, қоп-қора кўзларини менга тикди:

– Майли. Модомики, хоҳламайсан, майли.

Гаплашаётганимизни бувим кўриб қолди. Исмат девонага салом берди. Исмат девона бувимнинг ёнига борди. Чўнтагидан иккита банан ва бир қути юмшоқ печенье чиқариб, унга берди. Уни бағрига босди. Бувим жуда ҳайрон бўлди.

– Ўғлим, нега бунча менга эътиборлисан? Нега менга ҳар доим банан ва печенье олиб келасан? – дея ундан сўради. Девона йиртиқ пойабзалининг учига маҳзун-маҳзун тикилиб жавоб қилди:

– Мен сизни онамдай кўраман. Ўтинаман, бу ғамхўрлигимдан безовта бўлманг.

Аслида Исмат девона кўчамиздаги энг бадавлат оилалардан бирининг ўғли. Лекин руҳий касал бўлгани учун янги пойабзал олмасмиш. Оиласи жуда диндор. Лекин нега, нега шунча қизнинг ичидан энг кўп менга ўралашади? Баъзан бу эътиборидан хавотирланардим.

Исмат девона ҳақида ҳамма ҳар хил ўйларди. Баъзилар Исмат девонадан кўрқарди, айримлар эса устидан кулиш учун уни гапиртирарди. Хаёлига келган нарсани гапирарди. Сохта гапирадиган кишилар учун бунақа тўғри гапирадиган киши қизиқ

туюларди. Қолавреса, Исмат девона бошқача услубда сўзлагани учунми, уни эшитиш кўпчиликка хуш ёқарди. Қачон қараса, мен билан Лайлога ўчакишарди.

– Ёшлигингизни, ҳуснингизни арзон сарфляяписизлар. Увол бўлиб кетасизлар, – дерди. Гапларига кулардик. Роса кулардик, чунки тўлиқ-тўлиқ сўзларни эшитардик, лекин бир ўқитувчимиз айтганидек, сўзларнинг ичини эмас, ташини тушунардик.

Бир неча кундан кейин ўқишдан қайтаётиб, Вера билан учрашиб ҳаёт ҳикоясини эшитмоқчи бўлдим. Биз диндор насронийларнинг одамшавандаларини кўрмаганимизданми, билмадим, насронийнинг бундай яхшиси бўларканми деб ҳайрон қолардим. Ҳолбуки, Германияда жуда кўп насроний билан танишгандим. Ҳатто уларни насроний ўлароқ кўрмасдим ҳам. Чунки улар худди ота-онамдек ва Туркиядаги яқинларим, танишларимдек эди. Лекин Вера жуда бошқача эди. Бобом эса мудом мени огоҳлантирарди:

– Бу Вера деган кофир сенга бирор ёмонлик қилмасин, ундан узоқ тур!

Қизиқ, шунчалик яхши кўринган бу аёлдан бобом айтганидек менга бирор ёмонлик етиши мумкинмиди? Менимча, бундай бўлмасди. У ёмонлик қилмасди, бунга ишонардим.

– Сен уларни билмайсан, – дерди бобом. – Салиб юришларида мусулмонларни шафқатсизларча ўлдириб ташлади булар!..

Хўп, ўша салиб юришининг бадалини Вера ўташи керакми энди? Шу адолатданми энди?

Хуллас, аралаш ҳиссиётлар ичида унинг ҳаёт ҳикоясини эшитгим келди.

– Аввал сенга бир чой дамлай, кейин суҳбат бошлаймиз, – деди. – Айтганча, сомса ҳам тайёрадим. Фақат сен учун!..

Мен билган насронийларнинг акси эди Вера: ниҳоятда сахий, қўли очиқ. Уйига борганимда олдимга топганини қўярди. Унинг бу меҳрибонлиги мендаги она соғинчидан пайдо бўлган бўшлиқни тўлдирарди.

Бўғознинг кўз қамаштирувчи чиройли оқшомида айвонда ўтирдик. Ҳикоясини бошлади:

– Эрим билан Германияда турмуш қурдик. Кейин Туркияга келдик. Биринчи фарзандимга ҳомиладор эдим, қайнонам мени кўрганида ғазаби қайнаб эримга бақирди: “Бу кофирни қаердан олган бўлсанг, ўша ерга ташлаб кел! Мен кофир келин олишни истамайман!”

Жуда хафа бўлдим. Йиғладим, узоқ йиғладим. Мен йиғлаганим сари у мени ҳақорат қиларди. «Ўчир! Кўз ёшидан томоша кўрсатма! Сиз кофирлар дардни ҳис қилмайсиз, бошқаларга раҳмингиз келмайди! Кўз ёшларингизга алданмайман, аҳмоқ ўғлим алданади! У ақлсиз тентак, айиқдан пўст, кофирдан дўст чиқмайди, деган гапни билмасмиди? Биларди, лекин сен уни сеҳарлаб қўйгансан!» – дея бадтар тутақарди. Шунча ҳақоратлардан кейин аввал мен билмаган нарсани гапирди: “Ўғлимнинг оиласини буздинг! Гулдай хотини бор эди. Ўғлимнинг бошини айлантирмаганингда, у хотинини севарди. Ҳеч қачон хотинидан воз кечмасди. Аллоҳ билади-да, бирорта пасторга сеҳрлатгансан!”

Эримнинг оиласи билан бемалол гаплашиш учун кечаю кундуз турк тилини ўрганишга ҳаракат қилдим. Аммо туркчани бу шумхабарни, ҳақоратларни эшииш учун ўрганган эканман. Эрим бу гаплардан кейин мендан уялди. Немисчалаб узр сўради. Уятдан ўлгим келарди. Эримга тезроқ мени бу ердан олиб кет, дея ёлвордим. Лекин: “Бунинг иложи йўқ, бизнинг урф-одатларимиз қатъий”, – деди. Ўша тунни кўз ёшларга бўғилиб ўтказдим. Эртаси куни уйғониб деразадан қарасак, ярим метрга яқин қор ёғибди. Йўллар бекилган. Эрим электр печка олиш учун кўчага чиқмоқчи бўлди, чиқолмади. Пешингача қор эрийди деб ўйлагандик, эримади. Қайнонам мени ўзлари ўтирган иссиқ хонага киргизмади. Қайнотам қайнонамдан кўра раҳмлироқ эди, лекин у ҳам хотинининг гапидан чиқолмасди. Шунинг учун у ҳам мени хонага чақирмади. Ўша куни эримга Ислом жуда гўзал дин дердинг, шумиди сенинг гўзал дининг, дея исён қилдим. Эрим тушунтиришга уринди: “Онам динни билмайди-ку. Онамга ўхшаган жоҳиллар сени алдаб қўймасин. Динимиз онамнинг бу ишини ҳеч оқламайди”. Албатта, оқламайди! Ҳеч қайси дин бундай шафқатсизликни оқламайди. Лекин мен мусулмоннинг бундай шафқатсизлигидан ранжидим. Германияда яхши мусулмонларни кўрдим. Тарих китобларида ўқиганим учун оз бўлса-да, билардим. Мен ҳақиқий мусулмон муносабатини кўришни истардим. Айниқса, хўжайинимнинг онасидан меҳр, эътибор, шафқат кутардим. Буткул тескарини кўрдим. Хонада қалтираб ўтирганимда бирдан санчиқ тутди. Бор овозим билан бақиришга тушдим. Қайнонам иссиқ уйдан туриб менга: “Ўлиб кет! – дея бақирди. – Ўлиб кет, ифлос кофир, уйимни булғадинг! Рўзғоримизни буздинг!..”

Мен эримнинг оилали эканини билмасдим. Қолаверса, оилали экан, мен туфайли хотинидан ажрашган экан, нега фақат мен айбдор бўлишим керак? Ўғлига нега бир оғиз гапирмай, бор нафратини менга сочарди? Бу қандай адолат? Севгили Тангрим! Эй Исо, мени халос қил, дея ёлвора бошладим. Ҳали олти ойлик ҳомиладор эдим, нега тўлғоқ тутди? Билдимки, ҳаддан ортиқ ғам-қайғу сабабли бола эрта туғилаётганди. Эрим электр печка олгани кетган, қоронғи тушган бўлса-да, ҳалиям қайтмаганди. Бахтсиз ҳодиса юз бериб, касалхонага тушган экан, менинг хабарим

йўқ. Тун ярмидан ўтди. Совуқдан аъзойи баданим қақшаб қалтирай бошладим. Қайнотам яширинча иссиқ шўрва келтириб турди, лекин ичолмадим, шўрва совиди. Совуқ шўрва ичига бармоқларимни солиб, қўлимни иситишга уриндим. Ишонини, лекин мен қўлимни шўрва билан иситдим. Дардим зўрайди. Қон кета бошлади. Қайнотам келиб ҳамма ёқ қон бўлиб ётганини кўриб, қанонамга бақирди: “Аслида сен кофирсан, сен! Бу аёл ўлади, кел, бунинг аҳволини кўр! Бориб доя чақириб келайлик!”

Қайнонам яна ғудранди: “Ифлос кофирлар, энди ўғилларимизни ҳам қўлимиздан олишади!”

Қандай рўй берди билмайман, қайнотам бирданига аввалгидан ҳам қаттиқ бақиршга тушди. Худди бўғизланган шер каби бўкира бошлади. Бора солиб қайнонамни тарсакилай кетди: “Сен қандай одамсан, ахир?! Шайтон ҳам сен қилган ишни қилмайди!”

Қайнонам эса бақириб яна мени ҳақорат қилди: “Кофир! Кофир! Мени калтаклаттирдинг ҳам, ҳали бунинг учун жавоб берасан, кофир!..”

Шу гапларни эслайман, қолганини эслолмайман.

Комага тушиб қолибман. Қайнотам қўшнилари чақириб, мени чойшабга солиб, тўрт учидан тутиб касалхонага етказишибди. Ўша заҳоти операцияга олишган. Болани кесарча кесиш йўли билан олишган, албатта, гўдак нобуд бўлган. Мен ҳам кўкариб қолган эканман, бир амаллаб асраб қолишган.

## 11-qism

Барча гўзал йўллар тақдир томонидан симтикан билан ўралгандай туюларди. Мен учун барча йўлларнинг боши берк эди. Осмон тор, ер ҳужра каби эди гўё. Алланечук тушунарсиз ҳис-туйғулар гирдобида эдим. Қандай қилиб бу ҳолга келиб қолганимни билмасдим. Чилпарчин ҳолимнинг изтиробидан юрагим ўртанарди. Тинимсиз ўзимни саволга тутардим. Бир йилда қандай қилиб бунчалик ўзгариб кетганимни ҳеч англаёлмасдим. Қандай ўзгардим? Озод ҳаёт номи остида атрофимдагиларга қандай қилиб алданганим, йўлдан озганимни ўйлаб, кўз ёшларим тун зулматига оқарди. Сўнг қўлимга қалам олиб туйғуларимни шеърга кўчирдим.

“Эй, Тангрим!

Ҳамма нарса узилмас занжирлар билан боғлиқ қисмат орасидан ўтадимми?

Одамлар бир-бирини ейдими? Мен ҳам Арасту каби фарёд қилайми? Эй дўстларим, дунёда дўст йўқ дейми? Эй Тангрим, нега?



Қаердасан, Тангрим? Ботқоқликда типирчилаяпман. Мусибатнинг иккинчи ярми мен бўлганим учун қаерга кетсам, у ҳам соядек эргашиб юради. У айтганди: “Ҳаддидан ошган бахтиёрлик ҳам инсонга азоб беради”. Мен ҳаддимни ошганмидим? Ёхуд ўзимни унутиб қўйдимми?

Бу азоб менга жуда оғирлик қиляпти. Мени бу зулматдан халос қил, ёлвораман сенга! Ёш бошимга бунча савдо оғирлик қилади. Бу даҳшатли тушдан ҳам уйғонолмадим. Малаклар қўлимдан тутмади. Қўлимни тутганлар ётлар бўлди. Мана, энди ярим тунда ўзим билан қолдим. Бу ишлардан юз қаролик билан чиққан мен бўлибман...»

Сатрларни ёзиб бўлиб, қайта-қайта ўқидим. “Бу зулматдан мени халос қил, ёлвораман!” деган жойим ўзимга ёқди. Ўша кезлардаги ҳаётимга ном топгандим. Унинг номини “Зулмат” дегандим маҳзун сатрларим орасида. Ҳа, чиндан ҳам ҳаётим рангбаранг эди. Аммо бу ранглар ортида зулмат тузоқ қурган экан.

Сўнг айвон чироғини ўчириб, қоронғиликда осмонни, денгизни ва қалбимни кўрмоқчи бўлдим. Қалбимда шундай нарсаларни кўрдимки... Мендан бошқа ҳамма нарса қалбимда кезар, ҳар бир заррамда изини қолдирганди гўё. Бадбахт эдим. Ой нури ғира-шира ёритаётган қуюқ қоронғилик бағрига сингиб кетгунча осмонга термилиб, кўк гумбаз мени қучишини истардим.

Эй бепоён Коинот! Мени қанотларинг остига ол! Бу ерлардан олиб кет мени! Бу маданиятнинг шафқатсиз панжалари орасидан мени олиб қоч!

Инсон қачон ёлғиз қолса, табиат билан гаплашишга тушади. Ўзига айтмоқчи бўлган гапларни ёки бошқа бирор баҳона билан қалбидаги сўзларни тилдан тўкишга уринади.

Ўша тунда мен яна бир нарсани тушуниб етдим. Инсон изтироб чеккар экан, янада теранроқ кўра бошлайди. Қаерга қарасам, у ердан менга аллақандай шивирлаш эшитиларди. Мана, Ой. Туннинг сирли гўзали. Мана, Ой ерга йўллаган нурлардан ўз ҳиссасини олган бўғознинг худди менга рўмолча силкитаётгандек долғаланаётган тўлқинлари... Худди кўпикдан бўлган сочиларини қирғоққа совураётган сулувдек кўринади. Юлдузлар менга: “Марҳабо, Жамила! Ёлғиз бўлсанг ҳам қўрқма! Ҳамма дохийлар ўз қобилятини ёлғиз қолганидан кейин кўрсатишган” деётгандек гўё. Аслида бу менинг ички овозим, қалбимга юлдуз тилида илҳом бўляпти. Ўзимни кечиролмас, аммо кечиришим кераклигини ҳам билардим. Зеро, ўзимни кечиролмасам, йиқилган жойимдан туролмайман. Ўзининг заиф нуқталарини билган ҳолда ўзига ишонганлар муваффақиятга эришади. Ўзимга ишонишим керак. Хатоларимни такрорламасликни мақсад қилишим керак. Лекин қандай қилиб? Исмаат девона айтганидек, ўйламайдиган ҳолатга келишдан аввал ўй-фикрларимни

уйғотишим керакмиди? Ичига сингиб кетганим бу қоронғи кечада, шу қадар хаёлга берилиб кетибманки, ўзимга келганимда силкиниб қўйдим. Хаёлларим тарқаб, қарши томондаги айвонга қарадим. Рўпарадаги бинода яшайдиган Гулдерен айвонда китоб ўқиб ўтирган экан. Мен уни жуда ҳам яхши кўрардим. Гулдерен яхши қиз эди. У ҳам диндорлик ва динсизлик орасида сарсон бўлганида, кўп машаққатларни бошдан ўтказган эди. Уни ҳам отаси онаси билан бирга бу ерга жўнатиб юборганди. Унинг отаси ҳам хорижда экан. Эшитишимизча, у ерда бир аёл билан бирга яшармиш. Гулдереннинг онасини “Қизимиз руҳий тушкунликда, сен у билан бирга қол”, дея кўндирибди. Гулдерен ниҳоятда ажойиб қиз, одобли. Муғомбирлик, айёрликни билмайди. Афсуски, онаси жуда муғомбир эди. Лекин Гулдерен жуда бошқача эди, умуман онасига ўхшамасди. Жуссаси худди менингдай дўмбоқроқ эди, лекин бошқа қизлардай тўлалигидан уялмасди. “Ўзимга мода қоидалари кўзи билан эмас, ўз қоидаларим нигоҳи билан қарайман!” дерди. Ўрта бўйли эди, лекин бўйини узун кўрсатиш учун бир қараганда кулгули кўринадиган баланд пошналик пойабзаллар киймасди. Сочларини шундоқ танғиб қўйиб юрарди. Ҳеч қачон ичкилик ичганини кўрмагандим. Ҳижобсиз эди, лекин имонли эди. Уни кўп мазах қилардим. Ҳатто “Момо, қалайсан?” дея устидан кулган пайтларим ҳам бўлган. Лекин у хафа бўлмасди. Ўнлаб ўртоқларим орасида биттагина эди у. Мазах қилганимда ҳам уни ҳурмат қилардим, лекин барибир масхара қилаверардим.

Маҳалламизда ўсмирлар кўп эди, лекин мен фақат Гулдерен, Лайло ва Таркан билан дўст эдим. Ақлим, билганларим дўст танлаш борасида етарли эмасди. Демак, кўнглим ақлим ва билганларимдан олдинда бўлган экан. Яхши инсонларни дўст билган эканман, буни дўст танлашда қандай хусусиятларга эътибор бериш кераклигини билганимда тушуниб етдим. Ҳа, инсон ҳар бир нарсани ўз вақтида тушуниб етади.

Уни жуда ҳам соғинган эдим. Яхши дўстга, ўртоғини ёмонлик ботқоғига итармайдиган дўстни соғингандим. Айвондан унга паст товушда овоз бердим: шивирлаган товушимни ўзим зўрға эшитардим.

– Гулдерен! Гулдерен!

Гулдерен бошини кўтариб менга қаради. Ғира-шира ой ёруғида мени аранг кўраётганди. Ҳайрон бўлиб жавоб қилди:

– Вой, ўзингмисан, Жамила? Қачон келдинг? Хуш келибсан, жоним! Қайтганингдан жуда ҳам хурсандман!

– Кечга томон келдим. Онамлар олиб келишди. Мен йўқлигимда нималар қилдинг?

– Деярли ҳеч нима қилганим йўқ. Ўша ўзинг билган нарсалар. Кейинги пайтларда китоб ўқишни бошладим. Ҳаётимда бошқа ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Университетга кириш имтиҳонларига тайёрланяпман. Лекин дарсларга кўп ҳам жиддий қарамаяпман, яъни мен ўша-ўшаман. Маҳалла ҳам ўша-ўша. Исмат девона ҳам ўша-ўша. Қачон кўрса, сени сўрайди. Ҳа, айтганча, муҳим янгилик бор. Лайло билан Таркан ўзгариб кетяпти.

– Қанақасига?

– Ўтган йили эшигимизга келган насронийлар бор эди-ку, ўзларини Иегова шоҳидлари деб таништиришганди. Ўша икки қиз уларни қўлга олди. Ҳозир Таркан билан Лайони кўрсанг танимайсан. Фикрлари бутунлай ўзгариб кетган.

– Ҳммм. Бошқача, ғалати гап...

– Ҳа, лекин мен бундан жуда хафаман.

– Нега?

– Сабабини бу пайтда муҳокама қилолмаймиз. Эртага гаплашайлик.

– Йўқ, жуда қизиқиб кетяпман. Уйқум ҳам қочди. Ўтинаман, кела қол, гаплашайлик.

– Соат бир бўлганини билмайсан, чоғи?

– Биламан, лекин нима бўлибди? Менинг кеча-кундузим алмашиб кетди. Кела қол, Гулдерен, илтимос.

Гулдерен бироз тараддудланиб сўради:

– Бобонгнинг жаҳли чиқмайдими?

– Ухлаяпти. Онамлар ҳам ухлашяпти. Кел, бироз суҳбатлашайлик.

Ярим тунда Гулдерен бизникига келди. Аввал қучоқлаб йиғладим. У мени кўрганидан ҳайратда эди. Сўнг айвонда ўтирдик, қизиқувчанлик билан савол бердим:

– Сени нима хафа қилди, Гулдерен?

Гулдерен жуда хафа эди. Чуқур тин олгач, гапира бошлади:

– Таркан билан Лайлонинг бурни жуда осмонда эди, биласан. Уларнинг бирор динга қизиқишини хаёлимга ҳам келтирмасдим. Ўша икки Иегова шоҳиди қизлар келдию, уларни насронийликнинг эшигига олиб келди. Улар шунчалик ўзгариб кетар экан, нега мен ўзгартиролмадим, дея аламимдан ўлиб қолай деяпман.

– Уларни қандай ўзгартирардинг?

– Муслмон қила олардим, лекин қўлимдан келмади, вой, узр, муслмон бўлишларига сабабчи бўлишим мумкин эди. Кўз олдимда насроний бўлишди. Мен энди кечаю кундуз китоб ўқияпманки, илм ўрганай ва уларни Исломга тортай деб. Бироз кеч қолдим, лекин курашаман.

– Онаси Вера бунга нима деяпти?

– Биласан-ку, Вера ҳақиқий демократ. “Мен аралашмайман, хоҳласа муслмон бўлишсин, хоҳласа насроний”, деяпти. Лекин Иегова шоҳидларига жаҳли чиқяпти. “Улар насронийликни бузишди, улар охиратга иймон келтиришмайди. Улар насроний эмас!” дейди-ку, лекин Вера динидан бохабар эмас. Икки ёшга инсонларга динни талқин этиш услубларини ўргатишибди. Албатта, улар енгади. Мен ҳам Лайло билан Тарканнинг ётларга учаётганини томоша қилиб ўтирибман. Дунё ҳам бошини ёстиққа қўйиб ухляпти гўёки. Уларни ҳеч ким кўрмапти.

У кезларда дин билан боғлиқ мавзулар мени унчалик қизиқтирмасди. Шунга қарамай барибир сўрадим:

– Яна кимлар динини ўзгартиряпти?

– Содик бей ҳам ўзгартирди. У буткул шоҳидлардан бўлди. Ҳатто чўқинтирилган ҳам эмиш.

– Ким эди у, эслолмадим.

– Бизнинг бинода турадиган, кабутар боқишга ишқибоз нафақадаги маъмур бор-ку, хотини “Ё кабутарларингни дейсан ёки мени” деб шарт қўйган. Содик бей “Кабутарларимни дейман” деган. Хотини ҳам болаларини олиб кетиб қолган. Ўша одам.

– Бўлди, эсладим. У ҳам насроний бўлибдими?

– Шунақа шекилли.

– Қандай кўнибди?

– Қизлар жуда таъсирли гапиришади. Бунинг устида бир қанча оммавий ахборот воситаларида Ислом дини ҳақида ёлғон-яшиқ гап-сўзлар бор. Бўхтонлар билан Исломни одамларга радикал, муслмонларни террорчи қилиб кўрсатишяпти. Бу Лайлони қаттиқ таъсирлантирди. Тизим динни ўзи истаган ҳолатда кўрсатади, Исломнинг ҳамма нарсасини кўрсатмайди. Лайло билан Тарканга ўхшаганлар зотан Исломдан узилган ҳолатда яшашарди. Иегова шоҳидлари ҳам шундайларни жуда осонгина таъсирига туширади. Уларнинг динида ҳамма нарса шу дунёда ҳал бўлади деган тушунча бор. Сиёсий ҳодисаларни қувватлаш жиҳатидан ҳам ўзлари тўғри деб билган услублари бор. Дунёнинг мувозанати бузилгани хусусида ташвиқот-тарғибот

ишларини олиб боришяпти. Исломни уйдирмалар орқали таниганлар эса уларга осонгина алданиб қоляпти.

Шундай ҳаяжон билан гапираётгандики, мен индамай ҳайрат тўла кўзларим билан унга термилиб тураверардим. Жуда қисқа вақтда Гулдерендаги бу ўзгаришга ақлим етмасди. Сўнган улкан вулқонга ўхшарди шу туришида. Лов этиб пишқирган, сўнг ўчиб совиган вулқоннинг қайта-қайта ҳаракатланаётганига ўхшарди қатъиятли нигоҳлари, маҳзун ҳоли.... Қайғуси чеҳрасига сингиб кетгандек эди гўё.

## 12-qism

Тун бағрида тўлиб-тошиб гапираркан, бирдан менга қаради:

– Сен гапларимни, гапларимдан ҳам муҳими, мени тушундингми?

Бироз ҳайрат, бироз хижолатлик билан жавоб бердим:

– Унчалик тушунмадим.

Яна тушунтиришда давом этди:

– Масалан, бир варақада айтиладики, «Дунё бузилиб кетяпти, бу урушлардан, бунча қотилликлардан, ҳақсизликлар, адолатсизликлардан қониқасизми? Қониқмасангиз, бизни эшитинг». Дунёни фақат бизнинг қарашларимиз тўғрилайди. Баъзилар ярим-ёрти тўғри гапларнинг таъсири остида қолади. Чунки Иегова шоҳидлари дунёдаги муаммолар ҳақида гапиришади. Дунё бузилаётганини муҳокама қилишади. Муслмон дунёсидаги воқеа-ҳодисаларни гапирганида “динни сиёсатга қурол қилишади” деганлар ҳам Иегова шоҳидларига қулоқ солишади.

– Жуда ғалати.

– Ҳа, ғалати. Лекин менга ғалати туюлмайди. Дунёни бу аҳволдан тўғри жиҳатдан бутун инсониятнинг бирлашиши ва муштарак мақсадларда қўлни қўлга бериши халос қилади. Дунёни бошқараётганлар инсоният фақат моддий муаммолар туфайли руҳий инқирозни бошдан кечиради деб ўйлашади. Шунинг учун доимо иқтисодий ривожланиш устида бош қотиришди. “Руҳий ривожланиш қандай бўлади?” дея сўрашмайди. Иегова шоҳидлари мана шу бўшлиқни пайқашди ва уни тўлдиришга уринишмоқда.

Гулдереннинг гаплари менга қизиқ туюла бошлади. У кезларда қизиқ туюлган ҳамма нарса мутлақо тўғри деган хулосада эдим. Хотиржам, лекин қизиқиш билан сўрадим:

– Яна кимларни ўзларига оғдиришди?

– Қадамба-қадам уларни кузатдим. Маҳаллага келишганида қаерга кетишса, мен ҳам орқаларидан боряпман. Нимани билсам, ҳаммасини гапиряпман. Одамларга

алданманглар дейман. Лекин анави Серима опа бор режаларимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаяпти.

– Нима қияпти?

– Яна нима қилсин? Худди Исломни яхши биладигандай ҳукм чиқаради. Иеговачиларни ҳақорат қилади. Яна қандай ҳақоратлар дегин, “Ифлос кофирлар! Маҳалламиздан даф бўлинг! Биз кофир бўлмаймиз!” дейди. Шундай қўпол муомала қиладики, иеговачилардан уялиб кетаман. Улар мулойимлик билан жавоб беришади. Фикрга фикр билан жавоб бериш кераклигини билмаганлар ҳужумга йўлиқишади-ку, Серима опа ҳам шунақа қилишади. Декарт “Соғлом зеҳнли бўлишнинг ўзи етмайди. Энг муҳими, уни ўрнида қўллашдир” дейди. Зеҳнини ўрнида қўлланмайди. Қайси биримиз ўрнида қўллаймизки?

Чой ичаётиб, туннинг гаштини ҳис қилардим. Гулдерен эса ҳануз ўша гапларни гапираётганди.

– Тўғри, айримларнинг қарашларига кўра тўғри нарсага даъват қилгандай бўлишяпти, инсонга меҳр билан яқинлашишади. Улардан жаҳлим чиқмайди. Шундай етиштирилган, шунга ишонишган. Нима ҳам дейишим мумкин? Ўз дангасалигимнинг касрини уларга тўнкамайман, лекин мен ҳам бир нималар қилишим керак деб ўйлайман. Эҳ, онам-а, онам! Динга нақадар яқинлашган эдим. У кезларда ҳар куни битта китобни ўқиб тугатардим. Мени ўз ҳолимга қўймади. Ҳатто ўранишни ҳам ўйлаб юргандим. Агар ўшанда онам қаршилиқ қилмасайди, яхшигина илм ўрганиб, Исломни жуда тўғри англаган бўлардим. Гарчи ҳозир ҳам бекор ўтирмаяпман-ку. Бир нарсалар қиялман. Масалан, биномизда яшайдиганлардан иккитасини насроний бўлишдан асраб қолдим. Ўшанда менга жасорат пайдо бўлди. Ўқийман, ўқиган ўйлар, ўйлаган топар, топган топдирар, ҳамма эътиқоди қадар таъсирланади деб ўйладим.

Мен жуда ҳайратда эдим. Гулдерен бу ишни шу қадар катта муаммо қилаётгандики, уни эшитиб ўз дардимни ҳам унутдим. Аҳдида қатъий эди ва тез-тез бир гапни айтарди:

– Муслмонлар орасида иеговачилардан ҳам бамаъни, янада яхшироқ сўзлайдиганларни кўрдим, лекин улар озчиликни ташкил қилишади. Масалан, муслмонларнинг ҳаммаси ҳам Исломни шундай яхши англатолмайди. Иегова шоҳидлари динини қандай изоҳлашни билишади. Яхшигина бирлашишган, истаган ўйларида ўқий олишади. Дунёнинг ҳамма нуқтасида ўз дастурини қўллай олишади. Айтмоқчиманки, уларнинг эътиқоди эмас, аслида бизнинг эътиқодимиз тўғри эканини бутун дунёга исботлашимиз керак. Ҳеч бўлмаганда муслмонларга исботлашимиз керак!

Гулдерен ўшаларга ўчакишиб олганди, уларга ҳасад қилаётгандек эди назаримда.

– Уларга ҳасад қиляпсанми? – дея сўрадим.

Бироз тараддудланди. Ой нурлари кўзларига тушаётганди. Заковат уфуриб турган кўзлари вужудидан дунёга очилган дераза каби эканини аён қиларди. Кўзлари фақат кўриш учун эмас, заковат ойнасидай тикиларди. Узоқ ўйга ботиб қолди ва бирдан ўзига келгандек жавоб берди:

– Бўлиши мумкин. Мен эришолмаган муваффақиятларни менинг динимдан бўлмаганлар қўлга киритишини истамайман. Айниқса, уларнинг донолардай кўринишини ҳеч қачон хоҳламайман, албатта, уларга ҳасад қиламан. Улардаги эркинлик бизда йўқ. Уларга берилган бу бағрикенглик ҳуқуқига ҳасад қиламан. Нега менинг диним ҳақиқат ва мантиққа мос дин бўла туриб, мен уни ҳеч кимга англатормайман?

– Эсингда бўлсин, Декарт: “Мантиқда бир қанча фойдали қоидалар бор, лекин буларнинг орасига зарарли ва кераксиз қоидалар қўшилиб кетган”, дейди. Энди бу насронийлик масаласини қўй, бошқа нарсаларни гаплашайлик. Бирор кун мен ҳам уларни кўришни хоҳлайман. Сен энди мени эшит. Мен жуда бахтсизман. Қўлингдан келса, мени тўғри йўлга бошла... Мен жуда...

Айтолмасдим...

### 13-qism

Узоқ муддат бу оғишимни ҳеч кимга гапирмадим, кейинчалик эса сир сақламадим. Исмат девона бизникига келганида:

– Сен насроний бўларкансан, шу тўғрими? – деб сўради.

– Ҳа, тадқиқларимиз тугаган заҳоти чўқинаман. Аллоҳ изн берса, аҳдимда қатъийман, – дедим. Исмат девона бир муддат кўзларимга тикилиб турди. Кўзларига ёш келди. Сўнг оғир-оғир сўзлай бошлайди:

– Ислонни танимай туриб ёмон деб ўйлаб, танимаганинг бир динга кирмоқчисан. Аввалига Аллоҳнинг номини тилга олиб гапирасан, сўнг Аллоҳ демай қўясан. Аввалига барча динларга эҳтиромда бўласан, кейин уларнинг орасидан Қуръонни чиқарасан. Шунчаки чиқарибгина қолмай, кун келиб Қуръондан нафрат қиласан.

Ўзи девона эмасми, мени ҳам жинни қилаёзди.

– Ҳеч қачон! Биз Қуръонни ҳурмат қиламиз! Зеро, ҳам Қуръонни, ҳам Инжилни ўрганиямиз!

– Ким билан? Инжилни сизларга улар тушунтиряпти? Қуръонни ким тушунтиряпти?

– Туркчасини ўқияпмиз...

– Туркчасидан ўқиш етарли бўлса, Инжилни ҳам шундай қилса бўлмасмиди?

Кейин хафа бўлиб кетиб қолди. Бу қанақа девона эди, баъзан мени ҳайрон қолдирарди.

Гулдерен жуда қийналаётганди. Мен ҳали Иегова шоҳидларидан бўлмагандим, лекин мени шундай қабул қиларди ва асабийлашарди. Менга Қуръондан оятлар ўқиб берар, йўлимдан қайтаришга уринарди.

Таркан эса бутунлай ўзгариб кетганди. Рисоладагидек шим, сочлари тўғри-тузук қиртишланган, устидаги кўйлаги билан ҳақиқий жентельмен бўлган эди. Кўзларимга ишонгим келмасди. Шоҳидлар Тарканни ўзгартириб юборишганди. Лекин қанча меҳнат қилишса-да, биздан бошқа ҳеч кимни оғдиролмадилар. Менга ёқмаган ўша такаббур аёллар ҳам:

– Биз диндор бўлмоқчи бўлсак, ўз динимизга қайтамиз! – деб шоҳидларнинг чақириқларига қулоқ осишмади.

Бир шанба кечаси Гулдереннинг ёнига бордим. Ранги заъфарон эди. Мени кўриб йиғламоқдан бери бўлиб қучди:

– Кўз олдимда Аллоҳнинг динини инкор этиб кетяпсан...

Менинг эса ундан жаҳлим чиқди:

– Ҳеч қачон! Аксинча, Аллоҳга ва Унинг динига қараб боряпман. Бу мавзуда гаплашмайлик, мени хафа қиляпсан. Сен ҳам Серима хонимга ўхшаб кетяпсан. Қош қўяман деб кўз чиқаряпсан. Мени қўй, ўзингдан гапир, нималар қиляпсан?

Жойидан турди, қаерга боришни билмайдиган одамдек айвонга чиқди. Мен ҳам унинг изидан чиқдим. Рўпарама-рўпара қўйилган ўриндиқларга ўтирдик. Кўзларига ёш тўлиб жавоб қилди:

– Онам билан курашяпман, сизлар билан курашяпман. Кеча тунда узоқ ўйладим. Хаёлларим оғушида денгиз тубига қадар чўқдим. Сизларни кўрмаслик учун бир муддат у ердан чиқмадим. Кеча ҳамма нарса бир-биридан фарқли туюлди.

Кенг айвонда гаплашиб ўтирганимизда, онасининг овози билан сесканиб кетдик:

– Гулдерен! Ҳалиям сартарошга бормадинг, бу оқшомги балга кеч қоламиз! Яна эътибор қилмаяпсан, бу гал ҳам ўтган кечадагидек спорт кийимида боришни ўйлаётган бўлсанг, адашасан! Мени яна шарманда қилишингга йўл қўймайман! Бунинг нутма! Энди биз бу маҳаллада шунчаки яшамаймиз, зодагонлар оламидамиз, бу



билан ҳисоблашишга мажбурмиз! Шундай экан, бу гал сени ўзим кийинтираман.  
Қани, тур ўрнингдан! Жамила бегона эмас, у билан сартарошга боринглар!

Гулдерен бошини қўлига суюб, ҳорғин нигоҳларини онасига қадади:

– Лаббай она? Нима дедингиз?

Амира хонимнинг жаҳли чиқди:

– Нима деганимни эшитмадингми? Менга қулоқ солмаяпсанми?

Секин ғудранди:

– Қулоқ соляпман.

– Унда нега эшитмаяпсан? Қулоқларинг қаерда?

– Қулоқларим ўзимда, она, лекин хаёлим қулоқларимда эмас, ўйлаш билан машғул.  
Илтимос, айтганларингизни яна такрорланг, она.

– Ҳозироқ сартарошга бор деяпман.

Гулдерен онасига илтижоли тикилди:

– Мени шу кеча олиб борманг, она. Ёлғиз қолишни истайман.

Амира хоним ғазабда эди. Жаҳлдан гезариб, кўзлари инидан чиққудай бўлди.

– Бўлмайди! Дугоналарим олдида уят бўлади. Бойқушдай ўтиришингдан касалга ўхшайсан. Ўйин-кулгини билмайдиган қиздайсан. Сенга ўхшаганларни Европада нима дейишларини биласан-а?!

Гулдерен музлаб қолганди гўё. Совуқ нигоҳлар билан онасига қаради. Нимадир демоқчилиги юз-кўзидан аён эди. Бироқ онаси тушунмаслигини яхши англагани учун ютинди. Онаси меҳмон кутадиган хонага йўналганди, Гулдерен нигоҳларини менга тикди:

– Ёняпман, Жамила, бу ёнғиннинг қандай азоблигини асло тушунтиролмаيمان. Онам ҳам тушунмайди, сен ҳам тушунмайсан. Аҳволимга қара, мусулмон ўлароқ буткул ёлғиз қолдим.

Мен эса томдан тараша тушгандай:

– Балки сен ҳам шоҳидлардан бўларсан? – дедим

Гулдерен бирдан сесканиб кетди:

– Аллоҳ асрасин! Сен рўмол ўрамаганимдан куч олма, мен ўлсам ўламан, лекин динимга хиёнат қилмайман!

Амира хонимнинг овози эшитилди яна:

– Гулдерен! Бўла қол, жаҳлимни чиқаряпсан! Сартарошга бор!

Гулдереннинг ўша кунги ҳолати кўз олдидан ҳеч нари кетмайди. Елкалари осилган, кўзларида қайғу ин қурган, ўтирган жойида чўкиб кетгандек эди. Яна менга қаради:

– Жамила, онамнинг аҳволини кўряпсан, қара, мени қандай югуртиряпти. Бу аҳволини кузатиб, онамга раҳмим келяпти. Ҳар гал ойнага қараши ҳам мени оғринтиради.

Кўп ўтмай Амира хоним яна келди. Энг қиммат маржонини тақиб олганди, лекин у ҳам бўйнидаги ажинларни бекитолмаганди. Амира хоним у ёқдан-бу ёққа бориб келар экан, Гулдерен шивирлади:

– Шўрлик онам, буришиб кетган бўйнини қиммат маржон бекитади деб ўйлайди. Ўзига айтсам, ишонмайди. Камига ўзини кўрмаганга, билмаганга солади. Шу ҳолида нима ҳам дердим.

Амира хоним яна гапира бошлади:

– Нималар деяпсан? Мен ҳақимда гапираётганингни биламан.

– Тўғри, она! Бесаранжомлигингиздан ҳайратланяпман. Балга боряпсизми, исканжага боряпсизми, билиб бўлмайди. Бу қандай ўйин-кулги экан, аввали ҳам, охири ҳам стрессга тўла. Бир нарсага тушунмаяпман, она, бошию охири стрессдан иборат жойга нега боряпсиз?

Она-қизнинг ҳолатини ҳайрат билан кузатдим. Гулдерен тинимсиз ёлворар, онаси бу ёлворишларга парво қилмасди. Кийимига дазмол босаётган Амира хоним тинимсиз гапирарди:

– Бу қизга нима бўлди, билмайман. Яна диндорлиги тутиб қолди! Нима хоҳлайди, билмайман.

Гулдерен қайғусини очиқлашга уринди:

– Нега билмайсиз, нега тушунмайсиз, она? Лайло насроний бўляпти.

Амира хонимнинг юз-кўзида масхараомиз ифода зоҳир бўлди. Кейин ўша ифода билан жавоб қилди:

– Бундан аввал нима эдики, энди насроний бўлсин. Хўп, бўлса сенга нима? Бўлса бўлсин, улар ҳам Аллоҳ дейди.

– Дин фақат Аллоҳ дейиш билан бутун бўлмайди, она. Исломга кўра, мусулмон ўз динида бўлиши керак. Қолаверса, Ислом эътиқодида Аллоҳга шерик қўшмай Аллоҳга

итоат қилинади, У юборган китобларга Ўзи буюргандек имон келтирилади. Одам ибодатларини тўлиқ бажармаса ҳам, имон келтириши керак. Яъни Исломда Аллоҳ қоидаларни шундай кўрсатган. Ўлган одам учун эмас бу қоидалар, тирикларга тавба қилиш имкони учун берилган. Ўликлар тавба қилолмайди.

Амира хоним энди дазмолни тез-тез босарди. Жаҳл билан дазмоллай туриб жавоб берди:

– Менимча, Жамила насроний бўлсин. Германияда ҳеч қайси муслмондан яхшилик кўрмадим. Фақат насронийлардан яхшилик кўрдим.

Гулдерен бу гаплардан жуда ғазабланди:

– Такаббурлигингиздан муслмонларга ҳатто салом ҳам бермасдингиз-ку! Насронийларга келганда бемалол эдингиз. Муслмонларни кўрсангиз, юзингизни буриб ўтардингиз. Осмонингиздан тушиб, уларга яқинлашмасдан туриб эътибор кутишингиз муталқо ноўрин. Юзларига қарамасангиз, улар сизга қандай яхшилик қилсин? Яхшиликни қўйиб туринг, сиз қарамасангиз ҳам ёнингизга яқинлашишса, минг бир маломат йўллардингиз уларга. Энг камида, “Мен рўйхушлик бермасам ҳам, келаверишади”, дердингиз.

– Бўлди, бўлди! Яна динчилигинг тутмасин! Яхшигина ўзингга келгандинг, қайта бошлама!

– Она! Бу қайта бошлаш эмас! Лайло билан Таркан насроний бўлишяпти. Бунга қўл қовуштириб қараб ўтиролмайман!

– Бўлмасинлар. Уларга ким насроний бўл дебди?

– Исломни билишмайди, она! Атрофда ўрناق бўладиган муслмон ҳам йўқ!

Амира хоним дазмолни столга алам билан уриб жавоб берди:

– Биз нимамиз бу ерда? Кофирмизми?

Гулдерен аччиқ-аччиқ кулиб, ҳайрат билан сўради:

– Нима?! Сиз ўрناق бўласизми, она? Нимангиз билан?

Узоқ баҳсдан кейин Гулдерен қарорини баланд товушда ифодалади:

– Мен бормайман, она! Мен алам ва изтироб чекапман.

Амира хонимнинг жаҳли чиқди:

– Эсингда бўлсин, ҳайвонлар ҳам изтироб чекади, лекин кўнгилхушлик қилишни ҳам билади!

– Тўғри, лекин Эргун Гўзе айтганидек, ҳайвонлар фақат дард чекади, дард билан бирга изтироб туймайди. Мен эса ҳам дард, ҳам изтироб чекапман!

### 15-qism

Бир куни уни ҳам тадқиқ кунига таклиф қилдим. Эшитди. Иегова шоҳидлари билан гаплашди. Улардан такрор-такрор бир нарсани сўради:

– Сиз эътиқодингизни ўрнига қўясиз, мен сизлардан эмас, ўзимиздан ғазабланаман. Сизлардан жаҳлим чиқадиган бир жиҳат бор: ўйлайманки, Иегова шоҳидларининг ҳаммаси ҳам сизлардай эмас, Қуръонга ҳаддан ортиқ ҳужум қиласизлар. Бир китобда ўқигандим, баъзи Иегова шоҳидлари тарафдорларига шу қадар Исломни ёмон кўрсатишадикки, кейинчалик иеговачи бўлишдан воз кечганлар нима бўлса бўладикки, лекин мусулмон бўлишмайди. Нафрат иликларига қадар сингиб кетармиш. Қарасам, сизнинг талқинингиз ҳам ҳар фурсатда Исломни болталашга йўналтирилган. Боз устига, талқинларингизнинг жуда ғалати бир жиҳати бор: Исо алайҳиссалом ва Марямга иймон келтирган Исломга қаршисизлар. Исо алайҳиссалом ва Марямга иймон келтиришни қўяверинг, уларни ҳурмат қилмай ҳақорат қилганлардан бунчалик нафратланмайсизлар. Баъзида мулойимлик билан танқид қилиб ўтасизлар, холос. Бу мулойимлигингиз Исломга келганда, қайга йўқолади, билмайман. Ёхуд баъзан шундай ўйлайман, Исо алайҳиссалом вафотидан 2000 йил ўтганига қарамай, замонавий юз йилликка қадар ташкил қилинмаган иеговачилар фақат Исломни ёмон кўрсатиш учун ташкил қилиндими?

Иеговачи Гизем гапни бошқа жойга буриб жавоб қилди:

– Сиз мутлақо Иегова шоҳидларига қаршисиз. Унутманг, Туркия жумҳурияти динимизни расман тан олган!

– Сиз эса Исломга қаршисиз! Устига-устак, ҳар фурсатда Исломни ерга уриб гапирасиз. Бизнинг динимиз ҳам Туркия жумҳурияти расман қабул қилган дин, ҳарқалай. Туркия жумҳуриятининг қонунлари сизнинг эътиқодингизга ҳурмат бажо келтириб, бизнинг эътиқодимизни камситмайди-ку...

Баҳслашувлар одоб доирасида давом этар экан, яна Самира хоним келди. Вой-бў, уларни нималар деб ҳақорат қилмади, ақлим тўхтаб қолди, лекин уларнинг жаҳли чиқмади. Ғоят маданият билан жавоб бериб, ўзларини босиқ тутишди. У эса ҳақоратларини давом эттирарди.

– Текинга китоб тарқатяпсизларми? Пулни қаердан оляпсизлар? Бизга келган варақа билан Германиядаги қизимга келган варақа бир қаламдан чиққан. Бутун дунёга бир хил варақа тарқатяпсизлар. Сизларни Америкадан бошқаришаётган эмиш. Сизни алдашяпти, лекин сизлар кўрсизлар, кўрмаяпсизлар. Ҳаммангиз мунофиқсизлар!

Шу жойида Гулдерен чидай олмади:

– Самира опа, илтимос, тинчланинг. Қолаверса, булар мунофиқ эмас. Улар имонига кўра яшайди. Уларга нима, қандай талқин қилинган бўлса, улар ҳам уни талқин қилишяпти. Бу ерда мунофиқ, имонига кўра яшамайдиган сиз ва менман, – деди.

Самира опа ғазаб билан сўради:

– Сен буларнинг ёнини оляпсанми?

– Йўқ, янглиш эътиқод бошқа нарса, мунофиқлик бошқа нарса. Балки бу ташкилотни ташкил қилганлар орасида ҳам мунофиқлари, бошқача мақсадда юрганлар бордир. Улар бу эътиқод қилган кишиларни аралаштирмаслик керак. Эътиқодингиз янглиш дейишимиз мумкин. Унутманг, Ислом дини ким бўлишидан қатъи назар, бировга бўҳтон қилишга йўл қўймайди.

Кунлар шундай ўтарди.

Энди ўйласам, мени узоқ йиллар чўқинтирмаган иеговачиларнинг режасига ҳайрон қоламан. Фикримдаги қарама-қаршилиқни қандай билишган экан? Демак, улар психологдай бўлиб кетишган. Бўлмаса мендаги қарама-қарши фикрларни қаердан пайқашарди? Нега ҳалиям мени чўқинтирмаяпсизлар, деб сўраганимда, “сабрни ўрганишинг керак, шошилма, биз сени худди ўзимиздай кўряпмиз, бунга шубҳа қилма”, дейишарди.

Бор-йўғи бир диний ташкилот шу қадар эҳтиёткорлик билан кузатиб, ишини пухта бажаришни қандай уддаларди, мен буни ҳалиям тушунолмадим.

Менга немис қизлари қилмаган ёмонликларни қилган, ёшлигимда дўст номи остида эркаларнинг қучоғига итқитган ёшлиқ ва нодонлигимнинг ожизлигидан фойдаланган хонадош ўртоғим Селмаларникига ҳам бир-бир боришни унутмасдим. Янгича қарашларимни улар билан ҳам бўлишиб келардим. Шу қадар чин дилдан ишлардимки, ҳар доим Иегова шоҳидлари ҳақида гапирардим.

Жуда банд эдим. Аммо бу қийноқларим, бандлигим, машаққатим тотли эди. Чунки мен ўзгарган эдим. Селмалар ҳам бунга ҳайрон эди. Ниҳоятда ор-номусли бўлган иеговачи қизлар менга ориятнинг жинс билан боғлиқ жиҳатларини ўргатишганди. Улардан бу нарсани ҳис қилишимга сабабчи бўлишгани учун миннатдорман! Ҳалиҳам мен билан шуғулланган ўша ҳамширани кўрганимда ўзларига ҳам шунақа дейман.

Мени Иегова шоҳиди насроний қилиш учун роппа-роса уч йил шуғулланишди. Бу тилга осон эди. Уч йил бўйи менга ифбатни ўргатишди. Қиз билан йигит никоҳсиз бир-бирининг қўлини ҳам ушламаслигини тушунтиришди. Мен учун хизмат қилишди. Ҳатто ҳозир ҳам бу яхшиликлари учун миннатдорман. Қандай гўзал сабр эди

уларнинг сабри? Ҳалиям сабр-тоқатларига ҳайронман. Яна бир хусусиятлари, илк давраларда Исломга қарши гапирмасдан, кишининг нуқтаи назарини Исломга танқидий қарашга ўгиришарди. Бу ишни уддалашарди ҳам. Уларга буни қандай уддалайсизлар деб ким танбеҳ бера оларди? Ҳар бир ишдан олдин кўп ўқишарди, лекин мен илк бор буни мусулмонлардан эмас, улардан эшитганим учун бу нарсалар Инжилда бор деб ўйлардим. Қолаверса, менга жуда ғалати туюларди. Гулдерен эса қаҳрдан ўзини қўярга жой тополмасди. Охирида унга ҳам қармоқ ташлаб кўришди. Қизнинг иродаси мустаҳкам экан. “Ислом мукаммал дин, менинг Раббим хато қилмайди! Мен исломий қоидаларга кўра яшамасам ҳам, ўлгунимча динимга эътиқод қилишга ва уни ҳимоя қилишда давом этаман!” – дерди.

Тинимсиз ўқирди. Ёзувчиларга мурожаат қилиб маълумот сўрарди. Баъзи ёзувчилар “Иегова шоҳидлари ҳақида ҳеч нарса билмайман” – деган маънода жавоб беришса, ақлдан озар даражага етарди. “Қандай қилиб Исломга ўчакишган диний ташкилот ҳақида бирор маълумотга эга бўлмаслиги мумкин? Қандай қилиб бунга аҳамият беришмайди?” – дея фиғони фалакка ўраларди.

Онаси билан зиддиятлари ҳам аввалгидек давом этарди. Лекин Гулдерен асло эътиқодидан воз кечмас, ҳар куни янада илмли, янада жасур бўлар, янада фаоллашарди.

Иегова шоҳидлари Амира хонимга ҳам қармоқ ташлаб кўришди, лекин уни қўлга туширишолмади. Иеговачиларнинг “ўлимдан сўнг охират йўқ, одамлар яна бу дунёда тирилади” деган эътиқоди Амира хонимга терс келди. Шунинг учун ўзи билан фахрланарди.

– Гапни қаранглар, нариги дунё йўқ эмиш. Одамлар шу дунёда яшармиш, лекин бу дунё ўшанда жуда гўзал бўлармиш, одамлар шу ҳолатда экиб-ўрармиш. Шундай бўлиши мумкинми? Дунё яралгандан бери жаннатий инсонларнинг пойабзалларини дунёга қўйишса, ер юзи уларнинг пойабзалига ҳам етмай қолади, – дерди.

Бу бошдан оёқ залворли маъно касб этган жумлани Амира хонимнинг ўзи айтганига ҳеч ақлим етмасди. Ҳатто бир гал қўлига қоғоз-қалам олиб ҳисоблаб чиқди ҳам.

Хуллас, бир жуфт пойабзал 15 сантиметр квадрат жойни эгалласа, дунё бунёд бўлганидан то қиёматга қадар энг камида беш триллион одам жаннати бўлади. Беш триллион марта 15 сантиметр квадрат қанча бўлишини ҳисоблашимиз керак, деган тушунарсиз қарашларини ҳам билдирганди.

Бу аёлни буларни мулоҳаза қиладиган савияси йўқ, дедим ўзимга-ўзим. Лекин шу гапларни у айтган эди.

Бир куни ким айтганини ҳам билиб олдим. Бу ҳисобни унга Исмат девона ўргатган экан. Ажабо, ҳар куни Исмат девона эътиборимни тортяпти. Девона бўлса ҳам мени ҳайрон қолдирарди.

Вера берган атиргулни бир тувакка ўтқаздим. Шундай гўзал очилдики, бир бор кўрган яна унга қарарди. Бобом ҳар кўрганида:

– Шундай гўзал атиргулга нега “насроний атиргули” деб ном қўйишибди, а? – дерди. Чиндан ҳам атрофдагилар бу гулни “насроний атиргули” дейдиган бўлди.

Аслида бу ном ҳазилдан чиққанди, энди мен ҳам унинг “насроний атиргули” эканига ишонардим. Кейинроқ у гулдан ҳовлимизга ҳам ўтқаздик. Вера ҳар кўрганида менга ҳазиллашарди:

– Бобонга айт, насроний атиргули мусулмон ҳовлисига жуда ярашибди!..

Бир куни тадқиқ дарсидалигимизда гап диний эркинлик ҳақида кетаркан, тадқиқчи ҳамшира:

– Ислом бошқа эътиқодда бўлганларга яшаш ҳуқуқини раво кўрмайди, – деди. – Бир оятда сиздан бўлмаганларни ўлдиринг дейилган.

– Асло ундай эмас, – дея унга эътироз билдиргандим, у давом этди:

– Фақат шу эмас, сиздан бўлмаганларни тутиб қўл-оёғини кесинг дейди, истасангиз, бунинг Қуръондаги оят билан исботлайман.

Мен қуюшқондан чиққандим. Зотан исёнга шай феълимга бу гап сабримни тоширган сўнги томчи бўлди. Бор овозим билан бақирдим:

– Мен бундай динни истамайман!

Қуръонга ёғдирмаганим ҳақорат ва маломат қолмади. Яна бир нарса эътиборимни тортади: нечта иеговачи кўрсам, “биз Қуръонни ўқигандик, биз мусулмон эдик лекин шу сабаб бўлдию Исломдан чиқдик”, дейишарди. Ҳаммаси қандай қилиб Қуръонни билиши мумкин, дея ўйлардим. Қуръондан бир нечта саҳифа ўқиб, биз Қуръонни ўқидик дейишармиди? Бу қандай тасодиф эдикки, мен дуч келган Иегова шоҳидлари Қуръонни билишарди. Бунинг жавобини ҳам бир неча йилдан кейин билдим.

Хуллас, мен маънан шоҳид бўлаёзгандим. Исёнларим кескинлашиб, тадқиқ дарсларини яхши ўзлаштирганимдан сўнг тадқиқчим хушхабар айтди: мени яқинда чўқинтиришар экан. Жуда севиндим. Севинч кўз ёшларим билан Лайлони қучиб йиғладим. Янгидан туғилганимга ишонардим. Гулдерен қанчалик хафа бўлиши хаёлимга ҳам келмабди. Унга боришим ҳам тентаклик эди. Уйга келганим заҳоти

уникига югурдим. Онаси ҳам уйда эди. Эшикни Гулдерен очди. Уни кўрган заҳоти қувончдан қийқирдим:

– Гулдерен! Бугун чўқинтирилишим ҳақида хушхабар эшитдим!..

Сўнг бирдан эсладим: Гулдерен хурсанд бўлмайдими-ку, қанақа ахлоқлик қиляпман?

У афсус билан бошини сараклатиб қаради менга:

– Демак, насроний бўлдинг-а?

– Йўқ, Иегова шоҳиди бўлдим.

– Менимча, бироз фарқ билан иккиси ҳам бир нарса. Кел, ичкарига кир, – деди. Кўзлари ёшга тўлганди. – Демак, сени уларга бердикми? Табриклайман, муродингга етдинг!

Қувониб қийқирдим:

– Сенга ҳам насиб этсин! Яқинда сен билан биродар бўламиз..

Юмшоқ ўриндиққа ғамгин чўкиб жавоб қилди:

– Мен билан биродар бўлиш сенга муҳим бўлса эди, мени ташлаб кетмасдинг. Сенга менинг биродарлигим эмас, уларнинг биродарлиги керак эди, керагини танладинг.

Кўзларидан оқаётган ёшлар селоб каби Гулдереннинг юзини юваётганди. Мен учун югуриб елган, мен учун вақтини сарфлаган дўстларни кўргандим, лекин мен учун бунчалик чин дилдан йиғлаганини кўрмагандим. Унга ҳамон миннатдор оҳангда шундай дейман: “Сени бир умр унутмайман, Гулдерен! Сен энг яқин жон дўстим ўлароқ умр саҳифамдаги ўрнингдан ҳеч чиқмайсан”.

Ким биров учун бунчалик кўз ёш тўкардики? Онаси яна бор овози билан бақирди унга:

– Биров билан ишинг бўлмасин! Қара, қиз уларга қўшилиб тартибга кирди. Ўтириб-туриши, гап-сўзи ўзгарди. Бу қизни фақат ўшалар одам қилди. Хурсанд бўлиш ўрнига хафа бўлишингни қара!

Минг турли қиёфага кириб мени ҳайратлантирарди, лекин кўнглимга яқин олмасдим. Амира хонимга кўп аҳамият бермасдим. Чунки одамийлиги йўқ эди. Одамийлиги йўқ эди, негаки такаббур аёл эди.

Гулдерен овозсиз йиғларкан, ҳорғин ва ғамгин товушда жавоб берди:

– Сиз бунга тушунмайсиз, она. Бу кўз ёшлар сабабини сиз тушунолмайсиз. Булар мутлақо бошқача кўз ёшлар. Умрингизда бундай кўз ёш тўкмагансиз. Сен эса,



Жамила, зинҳор мендан узоқлашма, хўпми? Мендан нафратланма. Агар ёмон кўриб қолсанг ҳам, буни менга айтма. Биламан, эътиқодинг талаби билан мени ёмон кўриб қоласан, лекин нафратингни ичингга яшир.

Инсон сифатида қаттиқ таъсирландим. Лекин умидимни узмагандим. “Бир куни сен Иегова шоҳидларидан бўласан”, – деб қўйдим. Курашимиз энди бошланганди. Мен ҳам “бирдан бўлмайди”ни билгандим.

\* \* \*

Бобомга мавридини топиб айтдим. Жаҳл қилди, бақирди, кейин индамай қўяверди.

– Билганингни қилмайсанми?! – деди.

У дадамдан жуда хафа эди. Дадам динимни ўзгартирганимга жаҳли чиқади деб ўйламайман.

– Динда айирмачилик қилганларни тушунмайман, – дегани тез-тез қулоғимга чалинарди. Шундан келиб чиқадики, мен қайси динга кирсам ҳам, мендан жаҳли чиқмасди. Бундан хотиржам эдим.

Лицейни бир амаллаб битирдим. Энди Германияга қайтиш учун тайёрланаётгандим, Лайло менга бир хушxabар айтди:

– Менинг бир ўртоғим бор. Айюбда ўтирашди, эсингдами, исми Айнур?

– Эслолмаяпман, унга нима қилибди?

– Уни ҳам бизнинг биродарлар қўлга олишибди. Кеча мен ҳам бироз шуғулландим. У ҳам яқинда ўзимиздан бўладиганга ўхшайди.

Бу хабардан жуда севиндим. Ишга жиддий киришиб, ғайратим ортди. Кўп ўтмай ибодатхонамизда Лайло мени Айнур билан таништирди. Айнур ҳамон йўл бошида эди, лекин қизиқиши бор қиз эди. Лайло унга яқинда менинг чўқинтиришимни айтди. У мендан сўради:

– Қачон чўқинтириласиз?

– Билмайман, лекин яқинда.

– Оилангиз нима дейишди?

– Ҳали ҳеч нарса дейишмади, чунки билишмайди. Билганларида ҳам ота-онам учун унчалик аҳамиятли эмас. Хўш, сизнинг тадқиқингиз тугадими? Шоҳидлардан бўлдингизми? – қизиқиш билан ундан сўрадим.

– Тўғриси, ҳозир иккиланиб турибман, лекин шоҳидларга яқинман. Ислом менга кўра эмас. Шоҳидларнинг айтишича, Қуръонда Аллоҳ “Мен сизга рухсат бермасам ҳам, сиз бошқа динга эътиқод қилдингизми? Мен сизларнинг қўл-оёқларингизни кесаман” деган экан. Шундай динни қабул қиламанми?

Айнурнинг кўзларига севинч билан қарадим. Уни қўллаб-қувватлайдиган оҳангда жавоб бердим:

– Ҳа, шундай экан. Мен ҳам шундан жаҳлим чиқди. Хўш, бундан аввал диндор эдингизми?

– Унчалик эмас, лекин муслмон эдим. Шоҳидлар сабаб бўлиб кўзларим очилдим. Тадқиқим давом этяпти, яқин кунларда мен ҳам шоҳид бўлиб имон келтираман.

Бу қисқа суҳбатдан кейин бошқа биродарлар билан танишдим. Биродарлар суҳбатлашишди (аёллар ибодат масканида суҳбатлашолмасди) Ҳаммаси биз учун қизиқ гаплар эди.

Энди Айнур билан иноқлашиб кетдик. Бироз муддатдан кейин ўртоқ бўлдик. У билан тез-тез учрашиб турардик. Бир куни Лайлонинг уйида эдик, у ҳам келди. Сабрим чидамай дарров сўрадим:

– Қандай бўляпти? Янги ҳаётингдан хурсандмисан?

Айнур бироз ўйланиб қолди:

– Ёмон эмас, – деди сўнг. – Менга жиддий эътибор беришяпти. Лекин миямда тинчлик бермаётган саволлар ҳам йўқ эмас. Вақти келиб ўтиб кетар экан, лекин ҳозирча мени безовта қиляпти.

Ҳар доим хизматга тайёр аскардай ҳаяжонли эдим, ҳамон унинг муаммосига ечим топадигандек, қўярда қўймай сўрай бошладим:

– Сени қандай ўйлар безовта қиляпти? Менга айтишинг мумкин, сенга ёрдам бераман.

Менга ишонганидан иккиланмай сўради:

– Авваллари Қуръондан айрим далилларни келтиришарди. Қуръонга эҳтиромда эканликларини айтишарди. Уларга яқинлашганим сари баъзи нарсалар ўзгаряпти. Яқинда билдимки, улар Қуръонга ишонишмайди. Хуллас, қарама-қарши ўйларим бор. “Сизлардан бўлмаганнинг қўл-оёғини кесинглар” деган Қуръонга, албатта, ишонмайдилар, тағин билмадим. Худди ҳар куни бир нарсалар ўзгараётгандек. Аввал-бошида Қуръон ҳақида эҳтиром билан сўзлашарди, энди нафрат билан

гапиришади. Модомики, ёмон кўришар экан, буни аввал нега яширишди? Шу ростгўйликданми энди? Шунинг учун ҳам қарама-қарши ўй-хаёллар гирдобидаман.

Жуда оқилона кузатув эди бу. Айнур билан рўпарама-рўпара ўриндиқлардан жой олди. Бу орада у менга кескин савол берди:

– Жамила! Бизга Қуръонни улар изоҳлашяпти, сенингча бу ғалати эмасми?

Исмат девонанинг гапларини эсладим. Менинг ҳам миямда шунга ўхшаш саволлар айланарди. Уни тинчлантириш учун бор кучим билан ҳаракат қилардим. Мени жимгина эшитди лекин ҳеч фикри ўзгармади. “Қуръонни Иегова шоҳиди насроний эмас, диндор мусулмон изоҳлаб, ўргатиши керак эмасми?” – дерди. Албатта, у ҳақли эди, лекин буни англаш учун уч нарса керак эди: илм, баҳслашмасдан тинглай олиш хусусияти ва қобилияти. Менда бу қобилият йўқ эди. Сўхбатимиз туганидан сўнг уни кузатиб қўйдик. Бу орада Таркан ичкарига кирди, бизга салом бериб, Лайлога деди:

– Исмат девона виламиз ёнида ўтирибди. Ўзини ғалати тутяпти, саволларимга ҳам жавоб бермаяпти.

Хавотирландим, ажабо, нима бўлди унга? Ҳаммамиз ундан хавотир олди. Дарров кўчага чиқдик. Ёнига бордик, салом бердик, алик олмади. Худди бизни танимайдигандек эдик. Саволларимизга жавоб бермасди. Лекин мунгли кўзларини менга тикканди. Бир муддат алам билан тикилиб тургач, сўради:

– Нима гаплар, Насроний атиргули? Ҳаётингдан хурсандмисан?

Ҳайрат билан нигоҳларидан чўчиб жавоб бердим:

– Бу менинг янги исмими?

– Ҳмм... Бу исми сенга мен қўйдим. Ёқдими? Айтганча, сенга шеър ёзгандим, кейин йиртдим.

Уни тушунолмасдик. Кейин “жинни-да, нима қилса қилаверсин” дея ортимизга қайтдик.

Юрагим сиқила бошлади. Бу одам мендан нима истарди? Насроний бўлгандим, агар сабаб шу бўлса, Лайло ҳам насроний бўлганди. Нега унга ҳеч нарса демасдию, мени кўрса ғалати гаплар гапирарди. Вера бу тентак менга ошиқлигини айтди. Қўрқувдан музлаб қолдим. Ҳаммаси менга куларди. Улар ҳазиллашарди, лекин мен чин санаб, чўчирдим.

\* \* \*

Маҳалладагилар динимизни ўзгартирганимизни эшитишганди, лекин динсизлигимизга овозини чиқармаган маҳалланинг катталари насроний бўлганимизни қабул қилишолмаётганди. Кейинчалик бунга ҳам ўрганишди. Ўрганишди, чунки Лайло ҳам, мен ҳам жуда гўзал сўзлардик. Лайло катта иштиёқ билан хизмат қиларди, чўқинтирилди ҳам. Ниҳоят майдонга чиқа бошлади. Майдонга чиқиш нима дегани дейсизми? Бир шоҳид аввал жуда мукамал тарзда етиштирилади, имонидан амин бўлингач, чўқинтирилади. Чўқинтиришдан кейин тадқиқчиси томонидан кузатувга олинади, билимлари ривожлантирилади. Баъзан бирор Иегова шоҳиди номзоди чўқинтирилмасдан ҳам донороқ бирорта шоҳид билан майдонга чиқиши мумкин. Бу вақт ичида қандай ривожланаётгани кузатилади. Тушунтириши, фикрга таъсир этиш қобилияти аниқланади. Кейин тажрибали бир шоҳид билан эшикма-эшик айланиб юриш вазифасини бошлади, мана шу майдонга чиқиш дейилади.

## 16-qism

Эркакларини “биродар”, аёлларини “ҳамшира” дейишади. Бундай ҳолатларда ўз атамаларини қўллаган иеговачилар оят, имон, жаннат, шаҳидлик каби Қуръонга оид атамаларга сираси келганида ўзларига хос сўзларни қўллагасди. Шунда уларга бироз қулоқ тутганлар Қуръондан гапиришяпти деб ўйлашади. Мана шунинг учун ҳам алданиб, Иегова шоҳидларини мусулмон деб ўйлаганлар ҳам бўлганди.

Майдонга чиқиш ниҳоятда аҳамиятли. Бир шоҳид учун шараф ҳисобланади бу. Қолаверса, мусулмон номи билан яшаб, жамият билан боғлиқ ҳеч қандай фаолияти бўлмаган кишилар учун қизиқарли машғулот. Энди менинг навбатим келганди. Ҳаяжонимни сўз билан ифода этиб бўлмасди. Хаёлларимда ҳам эшикма-эшик кезардим. Эшикни бир киши очар, мени ҳақорат қилиб қувиб юборарди, лекин бу ҳайдалишдан жуда хурсанд бўлардим. Хаёлан йиқилиб, турганимда ҳам Исонинг мўъжизаси рўёбга чиқарди гўё. Аввалдан бундай тазйиқларга ўрганиб кетган эдик. Ҳатто шу қадар ўзлаштиргандикки, ҳақоратланмаганимиз учун бироз қалбимиз ғашланарди. Руҳий тайёргарлик деб шунга айтилса керак.

Бизга дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай инсон хусусида тушунчаларимиз бўларди. Исломни ё ўзимиз билардик, ё шеригимиз билади, дердик. Ёхуд ота-онамиз ҳожи бўларди, ёки шеригимизнинг ота-онаси...

Рўпарамиздаги одам “Мен исломдан хабардорман” деганимизда ҳайратдан қотиб қолар, бу билан ўзимизга ишончимиз ортарди. Аслида бир ҳожининг қизи бор эди орамизда, лекин имом қизига дуч келмадим. Шоҳидлар бор дейишарди, бу қай даражада тўғри эди, билмасдим. Менимча, унчалик аҳамиятли ҳам эмасди. Охирзамон пайғамбарининг уммати насроний бўлади-да, имомнинг қизи

бўлмайдимми? У кезларда буни ўйламасдим. Хуллас, шу орада дадам мени Германияга чақирди.

Тайёрландим, эртаси куни майдонга чиқишим хабарини олдим. Қувончдан қанот чиқариб учаётгандим гўё. Ҳаётимдаги энг севинчли хабар эди бу. Севинчимнинг чегараси йўқ эди. Бувимга айтдим.

– Эшикма-эшик юриб, Аллоҳнинг динини ёяман, бувижон, – дедим. Жуда хурсанд бўлди. Ислом ҳақида гапиряпти деб ўйларди.

– Яхши қиласан, қизим. Биз ёшлигимизни беҳудага ўтказиб юбордик. Сизлар бекорга сарфламанг. Аллоҳнинг динини тушунтиринглар. Аллоҳнинг дини жуда ҳам фойдали. Динни унутганларнинг киндиги очилиб юрибди, албатта, динни ёйинглар қизим, – деди.

Бувимга Инжилдан оятлар ўқирдим, Қуръондан ўқияпти деб ўйларди. Аллоҳдан келган китобни ўқияпман, дердим, у эса Қуръон деб ўйларди.

– Негадир ўқиётганларнинг менга бошқача туюляпти, худди Қуръон ўқимасдан бошқа нарса ўқиётгандексан. Китобни бергин, бир кўрай, – деди бир гал. Қўлимда ўшанда Муқаддас Китоб бор эди, номи муқаддас-ку (эътибор беринг: муқаддас ҳам арабча), бувим қўлимдаги китоб устида “Муқаддас Китоб” ёзувини ҳижжалаб ўқиди ва номини кўриб хурсанд бўлди.

– Яхши, қизим. Муқаддас Китобни ўқигин. Бундан ҳам яхшиси борми? – деди.

Бувимни ранжитмадим, кекса аёл бўлгани учун мени тушунмасди. Муқаддас Китобни Қуръон деб ўйлади. Энди-энди ўйлаб, балки биров Ислом дея ўйлашсин деб китобни Муқаддас Китоб деб атаганмикин? Унисини билмадим-ку, бир нарсани биламан: исломий манбаларда “Муқаддас Китоб” деган ном йўқ, лекин бу муқаддас китобни бир қанча мусулмон исломий китоб деб ўйлаб сотиб олган, шахсий кутбхонасининг кўзга кўринадиган жойига қўйиб қўйган.

Шу орада тулкининг бир сўзи эсимга тушди: “Борлигимизни унутган аҳмоқлар бўлмасайди, биз оч қолардик”.

Булутларга шивирламоқ

Достоевский: “Яратилиш сабабим борлигим ёлғондан иборатлигини тушунишмикан? Бундай бўлишига ишонмайман” – дейди. Мия идрок этолганича ўйлайди ва коинотнинг сабабсиз яратилмаслигини топади. Топгани билан ақл инсонни чалғитади, йўналиш бермайди. Бу йўналишни инсон Аллоҳ ҳидоят қилсагина топа олади.

Хуллас, мен бу ҳидоятни ҳам Инжилдан деб билардим. Германияга боришни кечиктирдим. Майдонга чиқмоқчи эдим, юрагим ичимга сиғмасди.

Менга эътибор берган, хизматини сарфлаган биродарларимнинг меҳнатини ҳавога совуролмасдим. Биродар Мете Суер шу ёшига қарамай ҳаракат қилар, менга хизмати сингган эди.

Баъзан мусулмонларни ўйлардим. Ҳеч қачон илмли мусулмонга дуч келмаганим учун бўлса керак, мени одам ўрнида кўрмаганлари учун диндан чиққандим. Достоевский: “Калтаклашини кечира олиши мумкин, лекин мени одам ўрнида кўрмаслигини кечирмайман”, – деган экан. Мен ҳам шундай эдим.

Тайёрландим. Тадқиқчи билан бирга мен ҳам уйма-уй юрардим. Ҳозирча мен фақат эшитардим. Чўқинтирилганимдан кейин гапирардим. Иеговачиларнинг принципи шунда эди: бир кишини ким етиштирса, биринчи бор у билан майдонга чиқади. Тадқиқчи жим кузатар, вазифасини янги бошлаган гапирар, тадқиқчи ёзиб оларди. Янги даъватчи моҳир бўлгангача бу шериклик давом этарди. Кейин уста бўлган киши ёнига бир одамни ёки бир неча кишини оларди. Ёилдирак шу тарзда давом этади. Жуда ғалати-а, бу тартибда дунёнинг каттагина қисми айланади. Уларни айбламайман, улар эътиқодига кўра яшайди. Мен ўзимизни айблайман.

Эртаси куни майдонга чиқадиган эдим. Бир нималар олиш учун Бешиктошга тушдим. Шундоқ заргарга кирмоқчи эдим, бир ўртоғимни учратиб қолдим. Шоҳидлардан эди, уни ибодат масканида тез-тез кўрардим. Кейинги 5-6 ойда кўрмай қолгандим. Бир четга чиқиб гаплаша бошладик.

– Қаерлардасан, Насрин? Сени соғиндим, – дедим. Бирданига мени ранжитадиган хабар берди:

– Мен шоҳидлардай айрилдим. Энди Иегова шоҳиди эмасман, – деди. Кейинги пайтларда Иегова шоҳидларига қўшилганларни кўргандиму, лекин айрилганларни кўрмагандим. Насриннинг фикри ўзгаргани мени ниҳоятда ранжитди.

– Бўлиши мумкин эмас! Ўткинчи зериккишдир? Ҳали ўз ўрнига тушиб кетади, ҳали имконинг бор. Ўтинаман, шайтоннинг йўлига юрма, – дедим.

– Бу иш тугади, Жамила. Сен нима қилдинг? – дея сўради.

– Мен эртага майдонга чиқаман. Менга омад тила, – дедим. Юзимга масхаромиз тикилди.

– Мен омадга ишонмайман. Бошқалар мендан фойдаланишига ҳам йўл қўймайман! – деди.

– Муслмон бўласанми? – дея сўрадим. Худди йиртқич бўласанми деганимдек бир сапчиб тушди:

– Йўфе, асло! Мен муслмон бўлармидим?!

Шу орада Исмат девонанинг айтганлари эсимга тушди. “Иегова шоҳидлигидан қайтган, нима бўлса бўлади, лекин муслмон бўлмайди, ўта ақллилари бундан мустасно”, – деганди. Мендан сўралса, бу иддао ҳақ эди. Чунки баъзи шоҳидлар фақат ва фақат Қуръонни ёмон кўрсатишарди. Эй, инсонлар! Ўтинаман, қалбингизга қулоқ тутинг! Покиза, Аллоҳ оппоқ беаган кўнглингизга ўзингиз мажбуран ўз қорангизни чапламанг! Кўринг, кўринадиган нарсани кўришга ошиқинг!

Насриннинг йўлдан қайтганига жуда хафа бўлиб, ҳеч нарса олмай уйга қайтдим. Насриннинг жаннатни кўролмай, тупроқ бўлишига қаттиқ ишонгандим. Эсиз, нега яратилди унда? Модомики, тупроқ бўлар экан, аввалдан ҳам тупроқ эди, нега инсон бўлди? Нега бунинг сабабини Насрин идрок этолмаганди? Афсус, минг афсуслар бўл Насринга...

Тўғри, диндан қайтганлар ҳам бўларди, лекин улар ҳақида бизга гапиришмасди. Фақат муслмон бўла туриб шоҳидларга ўтганлар бизга айтиларди. Бу ҳам ҳар бир ташкилотнинг табиий равишда ҳуқуқи эди. Қайтганлар нега айтилиши керак? Ўша тун кўзларимга уйқу келмади. Ҳали эрталаб бўлсин, майдонга чиққанимда тадқиқчим рухсат берса, ниҳоятда таъсирли гапирардим. Лекин эрталаб қаттиқ ҳаяжонлана бошладим. Тадқиқчим келганида: “Бугун чиқмасам бўладими? Негадир жуда ҳаяжонланяпман”, – дедим. Тадқиқчим тушунган одам эди, рози бўлди. Улар Лайло билан чиқишарди. Уч киши бўлиб уйма-уй юриш қоидаларига тўғри келмасди. Лекин мени қоидалардан ташқари қабул қилишганди, ёнларида юрар, ҳеч гапирмасдим. Бизнинг маҳалламизда ҳам бир айланишлари керак эди.

Мен майдонга чиқишни илк бор ўз маҳалламда кузатардим.

Кўп ўтмай биз, ўзимизнинг маҳаллада майдонда эдик. Яъни уйма-уй кезиб юргандик.

Маҳалланинг бошидан уйларга киришни бошладик. Биринчи кирган уйимиздаёқ бизни эшитадиганларни учратдик. Уларга Қиёмат яқинлашганини, Аллоҳга юзланиш кераклигини, бахт ўз қўлимизда эканини жуда чиройли услубда гапириб бердик. Уларга чоп этилган баъзи манбаларни бериб чиқдик. Иккинчи уй, учинчи уй қилиб юрганимизда Гулдеренлар ўтирадиган бинога келдик. Бу «Бўғоз ичи» биноси эди. Шундоққина бизнинг виламизнинг ёнида эди. Бу бионинг ўзига хос ҳикояси бор.

Бахтсиз кўпчиликка нисбатан, бахтли озчилик ўлароқ яшайдиган маҳалламиз, бадавлат табақалар тўпланган жой бўлган экан. Вилла ёки қасрдан бошқа бирор иморатни учратиш маҳол экан бу ерда. Нимадир бўлиб, «Бўғоз ичи» биноси

жойидаги вилла ёнибди ва эгаси бу ерда кўп қаватли бино тиклабди. Лекин вилла эгалари “бу ерда кўп қаватли бино қурма, виллаларимизнинг қиймати тушади”, деб норозилик кўрстаишибди. У қулоқ солмабди. Бу гал вилласи борлар эркакни дўппослабди, у эса яна ниятида қатъий турибди. Бир иложини қилиб, шу ерда кўп қаватли бино тиклабди. Баъзи вилла эгалари кўп қаватли бино қурилгач, бу мавзедан чиқиб кетишганмиш. Уларнинг орасидан бадавлат бир меъмор: “Виллаларимиз бўғознинг маржони эди, кўпқаватли бино қурилгач маржоннинг ипи узилди”, – дея айтиб-айтиб йиғлаган эмиш. Демак, одамнинг кибри вилласидан ҳам баланд экан, бўлмаса шунга ҳам кўз ёш тўкармиди?

Ундан кейин эса бу ерда кўп қаватли турар жойлар сони орта бошлаган. Бошқалардан фарқланиб туришга одатланганлар эса виллаларини арзон-гаров сотиб бўлса ҳам бу ердан кетишган экан. Шоҳидларга бу бино ҳикоясини гапириб берганимча ичкарига кирдик. Гулдерен бу бинонинг биринчи қаватидаги иккинчи рақамли хонадонда яшарди, бизни кўрмасин дея дуо қилдим. Негадир уни хафа қилишни истамасдим, лекин уни ҳам Иегова шоҳидларидан бўлиши учун қўлимдан келганини қилишга тайёр эдим.

Биз биринчи рақамли хонадон эшиги қўнғироғини чалаётганимизда ҳаяжондан қалтираб кетаёздим. Гулдерен ўзларининг эшигини очса, бизни кўриб қоларди. Қўнғироғини чалаётганимиз уй эса пенсиядаги маъмур Содик бейнинг эшиги эди. Содий бей ўзимиздан эди, лекин унга ҳам бир салом бериб, агар бир чой таклиф қилса ичиб, сўнг юқоридаги уйларга чиқмоқчи эдик. Содик бей учта алоҳида-алоҳида қулфланган эшигини очди, бизни кўриб ғоятда хурсанд бўлди. Ҳамон ичкарига таклиф иқлди. Стол устидаги “Минора” журналининг бизга кўрсатди.

– Соғ бўлишсин, биродарларим менга “Минора” журналининг олиб келишди. Журналнинг кейинги сони бироз олдин келди, уни ўқиётгандим, – деди. Кейин қўли билан юмшоқ ўриндиқларга ишора қилди:

– Марҳамат, ўтиринглар!..

## 17-qism

Бирдан эсимга тушди: Гулдерен Содик бейга “Минора” журналининг келганини кўриб хафа бўлган ва: “Бу насронийлар журналининг, сиз нега ўқияпсиз?” – деб сўраганди. “Бу биродарларим чоп этаётган журнал”, – дегач, Содик бейнинг ҳам Иегова шоҳиди бўлганини билган.

Кўп ўтмай бизга чой олиб кирган Содик бей ҳаётдан мисоллар келтириб, шоҳид бўлишнинг муҳим жиҳатлари хусусида гапириб берди.



– Иеговадан миннатдорман, инсонлигимни энди билдим. Соғ бўлишсин, биродарларим мени тирилтиришди. Авваллари кўзим кабутарларимдан бошқа нарсани кўрмасди. Хотиним ва болаларимдан шунинг учун айрилдим. Қўни-қўшни, бошқа одамлар билан ҳам кўришмасдим. Ҳатто салом бермаслик учун бошимни ўғирардим. Энди ҳар оқшом биттаси билан суҳбатлашаман. Ўз қобиғимга ўралашиб, зерикиб юрган кунларимни эсласам, бошим айланади. Шўрлик хотинимга ҳам кўп зулм қилдим, одамлардан қочадиган, фақат ҳайвонларни севадиган одам эдим. Энди инсонлигимни эсладим, ҳаётим ўз ўрнига тушди, – деди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳайратланарли ҳол эди. Иегова шоҳидлари гўшт ва суяқдан иборат бу махлуқни одам қилишганди. Аввалги танбал, индамас одам кетиб, ўрнига фаол одам келганди. Демак, Иегова шоҳидлари одамларни яхши танир эди. Яхши танишмаса, бу “мўъжиза” рўй бермасди.

Содиқ бей билан анчагача гаплашиб ўтирдик. Кейин устки қаватга чиқдик, иккинчи рақамли хонадонга кирмадик. Гулдерен мени кўриб, азоб чекишини истамасдим. Уни шоҳидлардан қилганимдан кейин мени вазифамни бажараётганимда кўриб қолса, парвойимга келмасди. Ҳатто бундан ғурурланардим. Тўғри учинчи рақамнинг қўнғироғини босдик. Бу хонадонда кекса бева аёл эридан ажрашган қизи билан яшарди. Бу она-қизлар маҳалламизда машҳур эди. Она қачон қараманг деразадан денгизга қараб ўтирар, бўғоздан ўтадиган юнон кемаларига алланималар деб ғудраниб ўтирарди. Кекса аёл бу кемаларда Грецияга тонна-тонна қурол ташилаётганини иддао қиларди. Туркияни ишғол қилиш учун Ғарбдан келтирилаётган қуроллар дея тушунарди.

Кекса аёл баъзан Мармар денгизи учун йиғларди:

– Денгиздан авваллари денгиз ифори тараларди. Энди эса ахлат иси анқийди. Бефаросат одамлар денгизга ахлат ташляпти. Шундай гўзал денгиз ҳайҳотдай ахлатзорга айланди, – дерди.

У маданиятли ва тушунган аёл эди. Лекин баъзи масалаларда маданий бўлишнинг ўзи маданият учун етарли эмасди. Эсимда, бир гал бу она-қизнинг жанжалига гувоҳ бўлгандим. Кекса аёл қизига бақирарди:

– Қоматим хунук бўлади деб менга набирали бўлишни ҳам кўп кўрдинг!

– Сиз эса қоматингиз бузилишидан қўрқиб иккинчи бор фарзанд кўрмадингиз. Шу дунёда биргина туғишганим йўқ! – дея жавоб қилди қизи.

Она-қиз бой эди. Айниқса, қизи жуда бой эди. Унинг пулига шерик бўлиш учун орқасидан бир нечта эркак парвона бўлар, у эса ўзига “мафтун”ларнинг кўплигини гўзаллигидан деб биларди. Ўзи эллик беш ёшларда эди. Демак, ақл ёшда эмас,

бошда деган гап унга жуда мос келарди. Барибир уни яхши кўрардим. Яхши инсон эди, зарари ўзидан бери келмасди. Бахтли кўринишга уринарди. Лекин мен ҳатто бахт нималигини ҳам билмасди деб билардим.

Хаёлимдан шулар ўтиб турганида эшик очилди. Эшикни қизи очди. Кўзойнаги тақилмагани учун мени таниёлмади. Шоҳидларга қаради, юзини буриштириб қўполлик билан:

– Нима керак сизларга? – дея сўради.

Қизлар бу қўполликни билмаганга олиб жавоб қилишди:

– Сиз билан бироз гаплашмоқчи эдик, ичкарига кирсак бўладими?

Пули кўпнинг қўрқуви ҳам катта бўлади, менимча, Жулида хоним қўрқаётганди. Кескин жавоб қилди:

– Ниман гаплашмоқчисизлар?

– Ҳамма нарсани гаплашамиз. Лекин биз дин хусусида жиддий гаплашмоқчимиз.

Бир қўли билан эшикни тутиб олган Жулида хоним ўша ифода билан жавоб қилди:

– Дин муҳокама қилинадиган нарса эмас!

– Муҳокама қилмаймиз, фақат гаплашамиз.

– Гаплашадиган гапим йўқ! Шундоғам, диним бор менинг. Мусулмонман.

– Биз ҳам мусулмонмиз. Яхши-да, мусулмон нима дегани? Аллоҳга итоат қилувчи дегани. Биз ҳам Аллоҳга итоат қиладиганларданмиз.

Даврнинг энг катта сафсаталаридан бири шу эди менинг назаримда. Шоҳидлар илтимос қила бошлади:

– Илтимос, бизни эшитинг, ўзимиз учун эмас, сиз учун ҳаракат қиляпмиз. Сизга заррача фойдамиз тегса, ниҳоятда бахтиёр санардик ўзимизни.

Бу гап-сўзларни ичкаридан эшитган кекса аёл эшик олдига келди, бўйнини чўзиб бизга қаради:

– Нега бу қизларни остонада куттириб қўйдинг? Меҳмонларни ичкарига ол, гаплашайлик. Зотан, ҳеч ким ёнимга келмайди, юрагим сиқилиб кетган.

Жулида хоним бизни истамайгина ичкарига таклиф қилди. Кириб, кўрсатилган жойга ўтирдик. Жулида хоним нонушта тайёрлаётганди, бу ҳолатидан хижолат чекди ва ғудранди:

– Хизматчимга икки кун таътил бердим, энди ҳамма иш ўзимга қоляпти.

Бунга жаҳли чиққан кекса она гапини бўлди:

– Амина фақат сенинг эмас, менинг ҳам хизматчим. Уй бошқарувини қўлингга олиб бўлибсан чоғи, бу уйда мен йўқдай гапиряпсан!

Шоҳидлар бу она-қизга ҳайрат билан қарашар, тезроқ мақсадга ўтишни исташарди. Ниҳоят сўз навбати уларга келди. Лекин ташқарига чиққанимизда: “Бу қариялар вақт сарфлашга арзимайди”, – дейишди. Ҳақиқатан ҳам, арзимасди. Шоҳидлар моҳир бўлиб кетган эдики, буни шу заҳоти тушуниб етишди. Устки қаватларда айланиб юрдик. Биринчи қаватга келганимизда лифт олдида қўрққаним юз берди: Гулдерен билан учрашиб қолдик. Гулдерен билан кўзларимиз тўқнашганида худди гуноҳ иш устида қўлга тушгандай уялиб кетдим. Бу ҳолат мендан бошқа ҳеч қайси шоҳидда юз бермайди, деб ўйлайман, лекин менда шундай бўлди. Бир неча сония Гулдерен билан кўзларимизни бир-биридан ололмадик. Жуда яхши биламаники, мени улар билан бирга майдонда кўриш Гулдеренни қаттиқ ранжитганди. Лекин буни унчалик сездирмасликка уриниб, бизга кулимсради:

– Салом, Жамила... Яхшимисан?

Кейин шоҳидларга юзланди:

– Хуш келибсизлар! Ичкарига кирмабсизлар-да, чой ичармидик...

Бу таклифдан хурсанд бўлдим. Ичкарига кирдик, уйда Гулдереннинг тоғасининг қизи бор эди. Ҳар куни бир қути сигарета чекадиган қизнинг юз-кўзига кексалик нуқси урганди. Тунги ўйин-кулги ҳаёти ҳам танасини қаритиб қўйганди. Ёшгина қиз кўринишидан катта хотинларга ўхшарди. Ови бароридин келган овчидек эдик. Ўлжамизни шу заҳотиёқ халтамызга солишга ҳаракат қила бошладик. Тўғрироғи, ҳамроҳларим бошлади. Лекин Гулдерен полапонини ҳимоя қилишга уринаётган бургутдай эди. Уни ишонтириш учун айтилган ҳар бир сўзга маъқул ва мантиқли жавоблар келтирарди. Қисқаси, уларнинг таъсирини йўққа чиқара бошлади. Атрофидагиларга ҳам у таъсир ўтказга киришди. Шунинг учун шоҳидлар бу оиладан ҳеч кимнинг фикрини ўзгатира олмасликларига иқрор бўлишди. Кўп ўтирмай қўзғалдик.

Бизнинг вилланинг ёнидан ўтаётгандик, тадқиқчи менга ҳазиллашди:

– Бу виллага кирамизми?

Кулишдик.

– Яхши бўларди, бобомдан калтак ердик-да, кейин қўлимиздаги дафтарга ёзиб қўямиз.

Лайлоларнинг вилласига келдик. Ҳовли эшиги олдда Лайлонинг дадасини кўриб қолдик. Бу одамни жуда ғалати деб ўйлардим. Икки боласи насроний бўлган бўлса-да (гарчи Таркан ҳали бўлмаганди), уларга ҳеч нима демасди. Авваллари бу бепарволикни маданиятдан деб ўйлардим, кейин билдимки, динсизлик сабабли эмиш. Нима бўлганда ҳам, бу одамнинг бир пайтлар Тарканга айтган гапи менга жуда ёққанди. “Ўғлим, ҳар куни ўйин-кулги қилма, ҳар куни кўнгилхушлик қилаверсанг, татимай қўяди”, – деганди. Фалсафий сўзларни ёқтирганимдан бўлса керак, бу жумлани ҳам бир жойга ёзиб қўйгандим.

Лайлонинг дадасини қўлга олиш учун кўп уриндик. Таркан: “Бекорга ҳаракат қилманглар, дадам ҳидоятга эришишни истамайди”, – деди. Биз ҳам индамай қўявердик. Онаси билан ҳам кўп шуғулландик, нима қилсак ҳам, уни Иегова шоҳиди қилолмадик. “Мен насронийман, эътиқодимдан қайтмайман!” – деди.

### 18-qism

Ундан кейин яна олти-етти уйга кириб чиқиб, сўнгра хайрлашдик. Хурсанд эдик, учта уйга китоб ташлаб чиқишга эришгандик. Бу ҳам катта натижа эди. Шошилмасдик. Уйга келганимда бобом билан яна тортишиб қолдик. Уни ёмон кўриб қолгандим. Шундай ҳолатда эдимки, уни кўришга умуман тоқат қилолмасдим. Лекин бувимни яхши кўрардим. Меҳрим ҳеч қачон камаймади. Бобомдан жаҳлим чиқиб, Гулдеренларникига бордим. Гулдерен яна йиғлаган экан. Ўтирдик, бироз гаплашдик. Исёнкорлик билан бақирди:

– Сизлар фақат эшикма-эшик юрасизлар, нега мен юормайман? Динингизни давлат қабул қилди деб бемалол ташкилот туза оласизлар. Мен эса ёлғиз ўзим бу ишни ташкиллаштираман. Мен ҳам уйма-уй юраман. Менга бир нарса бўлса, сизларни кўрсатаман. Судга беришса, у ерда ҳам ҳайқираман: “Менинг динимни ҳам бу давлат расмий дин дея қабул қилган. Иегова шоҳидларини кўрмайсизлару мени кўряпсизларми? Улар ҳам гуруҳ бўлиб юришсин, ҳеч нарса демайман, лекин менинг ҳам ташкилий ишларимга бошқаларнинг иши бўлмасин!” дейман.

Уни кузатиб туравердим. Менга азм ва шахсият обидаси каби кўринарди Гулдерен. Чиндан ҳам сўзида турди. Ўзига ёққан китоблардан 15-20тасини сумкасига солиб, уйма-уй кезиб иш бошлади. Баъзан эрталаб чиқиб, кечқурун уйига келарди. Нималар қилганига қизиқсам ҳам, сўрай олмасдим. Мен унга насронийликдан гапирардим, у эса менга Исломни тушунтирарди. Бир-биримизни динимизга даъват қилиш учун чин дилдан ҳаракат қилардик. Лайло ва Таркан ҳам Гулдеренни шоҳидлардан қилиш учун уринишарди. Гарчи Тарканнинг буткул бу ишдан умиди узилганди, лекин унда ҳам шубҳалар бор эди. Учовимиз имкон бўлди дегунча Гулдерен билан жиддий шуғулланардик. Қизнинг шу даражада имони мустаҳкам эканки, ҳатто фикрини

Ўзгатириш учун бирорта савол хаёлига келмасди. Ҳолбуки, миссионерлар учун қаршисидагининг хаёлига бир баҳсли савол тақашнинг ўзи муваффақиятнинг ярми эди. Лекин ҳозирча Гулдерен бизга чорак муваффақият ҳам бермаётганди. Эътиқодимизнинг ҳар жиҳатини унга тушунарли қилиб гапиришга уринардик. Мулоҳазаларимизнинг аксарияти исломий бўлса-да, Инжилда келтирилганди. Биз уларни Аллоҳнинг сўзлари дея тушунтиришга уринардик ўрни билан.

Бир куни кечга яқин қарасам, Исмат девона бизникига келаётган экан. Қизиқ... Бу жинни хабар бермасдан ҳеч кимнинг уйига кириб келавермасди. Нега энди бизнинг уйимизга кириб келди экан, дея ўйладим. Тўғриси, қўрқдим. Негагини билмайман, одам ақли жойида бўлмаганлардан қўрқади. Лекин энди ҳам ақли йўқдан, ҳам ақли бордан қўрқишга мажбурмиз, шекилли. Зеро, дунёни бир зумда йўқ қила оладиган қуролларни ақли борлар ишлаб чиқаради. Бегуноҳ инсонларни ўлдирадиган қуролларни ихтиро қилган ақлдан ҳам хавfli ақл бўлиши мумкинми? Ақли бор, лекин мулоҳазасига кишан урилган. Ақли бор кучини кўрсатиш учун қишлоққа ўт қўяди. Ақли бор, лекин дунёни, инсон ҳаётини тугатиш режаларини тузади. Ақли бор, лекин Аллоҳдан бошқасини илоҳ этади. Бундай ақлдан қўрққулик эмасми?!

Исмат девона мени кўриб ҳол-аҳвол сўради:

– Нима гаплар, насроний атиргули, яхшимисан?

– Яхшиман, яхшиман-ку, лекин сен ҳайрон қолдирыпсан, Исмат. Ҳеч кимнинг уйига рухсатсиз кирмасдинг, тинчликми?

– Баъзан шунақа ўйламасдан ҳам ишлар қиламан, – деди.

Ўрни келганда мен ҳам сўраб қолай дедим:

– Сен нега мен учун хафа бўлаверасан? Иегова шоҳиди бўлган фақат мен эмасман-ку?

Жавоби узун ваъздай бўлди, шундай бўлса ҳам жавобидан ҳеч нарса тушунмадим. Зотан, ўзи ҳам айтган гапларидан бирор нима тушунмаганига ишончим комил эди. Баъзан шунақа, беъмани гаплар гапиради деб кўп эътибор бермадим. Кейин бизникига нега келганининг сабабини айтди:

– Кеча тунда тушимга кирибсан. Менга қараб тургандинг, жуда кайфиятинг яхши эди. “Мен мусулмон атиргули бўлдим”, дединг. Бу туш нимага ишора экан, Жамила мусулмон бўлибдими, деб сўрай дедим. Жуда хурсандлигимдан орқа-олдимга қарамай уйлариингга кириб келавердим.

Жуда қаттиқ жаҳлим чиққанди, лекин мен шоҳидлардан эдим ва шоҳидлар кўнгли истаганини эмас, яхши бўлганини қилишга мажбур эди. Ўзимга келдим ва фикримни айтдим:

– Бу ишқибозликдан воз кеч, Исмат. Мен бу йўлга бошимни қўйганман. “Сизлардан бўлмагани оёқ-қўлини кесинг” деган динга мен асло ва асло қайтмайман. Буни ҳеч қачон унутма!

Ғоятда ақлли гапира бошлади:

– Менга қара, Жамила, сени синглимдай яхши кўраман. Сен Исломни билмайсан, сен Исломни уни севмаганлардан ўргандинг, аммо ўрганолмадинг, Ислом душмани уни ўзига кўра ўргатади. Сен Исломни уни яхши билгандан ўрган. “Исмат девона нимани ҳам биларди”, дема, менинг ҳам ақл-ҳуши ўзимда бўлган пайтлар бўлган...

Уялиб кетдим:

– Ундай дема! Нега жинни бўласан? – дедим. У маъноли нигоҳларини менга қадаб жавоб берди:

– Айримлар нақадар ақллилигини исботлаш учун бошқаларнинг ақлидан фойдаланади. Менинг ақлимдан фойдаланишганидек...

Бу билан нима демоқчи эди? Унчалик тушунмадим. Бирдан ўрнидан турди. Ҳеч нарса демасдан чиқиб ктеди, мана шу қилиғи жинниликнинг белгиси эди. Бунақа қилиқлар фақат девоналарда бўлиши мумкин. Юрагим сиқилди, лекин парво қилмасликка уриндим.

Сўзлашим керак бўлган шу қадар кўп нарса борки, бирини қўйиб бошқасига ўтиб кетяпман, чоғи. Бутун бошли бир инсон ҳаётини гапириб бериш осон эмас, дўстлар. Ҳали сизга гапириб бермаганим жуда кўпчилик бор. Масалан, бир нусха бор эди, ҳеч қачон уни унутмадим. Динсиз, яъни атеист Дирина. У ҳам бизнинг маҳалламизда яшарди. Бир пайтлари Иегова шоҳиди бўлишга ҳаракат қилган, лекин бўлолмаган. Кейин Аллоҳга, динга парво қилмай қўяверган. Шубҳасиз, Аллоҳ ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди. У Аллоҳни унутиб, инкор этганидек, Аллоҳ ҳам уни унутади, аммо Дирина бу масъуляитсиз ҳаёт тарзининг ҳисобини ҳеч ким сўрамайди, деб ўйларди. Фақат Дирина эмас, шундай ўйлаган, замонавийлик номи остида инсонларни диндан маҳрум қилганлар шундай ўйлашарди.

Дирина ҳар фурсатда Ислом динига ташланиб қоларди. Айниқса, “Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлганида ўлимдан қўрқмас, ғорда яширинмасди”, дерди. Лекин бошқа динсизлардан кўра хушмуомала эди. Ҳеч бўлмаганда, Муҳаммад демасди, “алайҳиссалом” сифатини қўшиб гапирарди. Хуллас, қачон қараманг шу савол билан бошни қотирарди. Бу гапини бир жамоатда ҳам гапирган эди, у ерда Ойнур ҳам бор эди. У худди ўшандай кескин тарзда ўрнида жавоб қилганди. Шундоқ сумкасида Инжилни чиқариб ўқиди:

– Исо ҳам душманларидан қочди. Бу борада ҳеч ким ҳеч нарса демайди-да, Муҳаммадга келганда муҳокамаю танқидларни кўпайтирамиз. Муҳаммадни мен ҳам севмайман, лекин бунақа ноҳақ ҳужумларга ҳам кўнглим чидамайди! Мен мусулмон оиланинг қизиман. Бугунгача бировдан Исони камситадиган, ёмон кўрсатадиган ҳақорат эшитмадим, лекин шуни истардимки, бу қадар меҳр-муҳаббатли кўринган Иегова шоҳидлари ҳам мусулмонлардай бўлсин. Ҳеч кимни ноўрин танқид қилишмасин! Қолаверса, албатта, пайғамбарлар душманларидан қочишлари керак эди. Қочишмаса, умматлари улардан ўрнак оларди.

Илк бор буни Ойнурдан эшитдим. Демак, Исо ҳам душманларидан қочган эди. Офарин Ойнурга, нозик нуқталаридан тутганди уларни. Ўша кезлари ундан биров жаҳлим чиққанди “Нега Муҳаммадни ҳимоя қилипти”, деб. Бу воқеани шунинг учун гапириб бердим. Қандай эътиқодда бўлишидан қатъи назар, биров ноҳақ айбланса, ўлмаган виждонлар бундан беҳаловат бўлади. Буни Ойнурда кўргач, яна-да яхшироқ англадим.

Бир неча кундан кейин Иегово шоҳидлари ҳамшираларим билан учрашув белгиладик, майдонга чиқадиган эдик. Бу гал анча хотиржам эдим. Тадқиқчим келди. Катта иштиёқ билан майдонга чиқдик. Биринчи кирган жойимиз кийим дўкони бўлди ва у ерда жуда чиройли сўзладим. Сотувчилар мени қизиқиш билан эшитишди. Бундан журъатим ортди, уларга китоб, журнал ва варақалар ташлаб чиқдик. Яна бир қанча уйга кирдик, икки хонадонда бизни ичкарига олишмади, ҳақорат қилиб қувишди. “Майли, ким ҳақорат эшитмасдан фикри тасдиқланибди?” дедим. Қолаверса, биз барибир ҳақоратларга тайёр эдик. Жуда чарчаган эдик, аммо бу ҳорғинликка арзирди ҳам. Ишончим комилки, тадқиқчим мен ҳам ҳақимда яхши нарсалар ёзиб бораётганди. Нима бўлганда ҳам инсонман-да, менга паст баҳо қўйилиши эҳтимолини ҳам хаёлимга келтиришни истамасдим.

Яна бир қанча уйга кириб, сўнг майдондан қайтар эдик. Бир бинога кирдик, қаршимиздаги хонадоннинг қўнғироғини босгандик, очиқ чехрали хоним эшикни очди. Табассум билан сўради:

– Лаббай?

– Безовта қилганимиз учун айбга буюрманг. Аллоҳнинг динига даъват қилиш учун айланиб, ичкарига кирсак майлими? – дедим.

Аёлнинг табассуми қаҳ-қаҳага айланди:

– Ҳай, Аллоҳим, бугун ўнг томонимдан уйғонибман, ғолибо, сиздан олдин бир бошқа хоним ҳам келди, – деди.

Бирдан аёлнинг орқасидан кўринган бошга кўзим тушди. Гулдерен эди у. Яна у билан бир-биримизга термилишдик. Гулдерен бизга салом берди. Саломига алик олдик.

– Унда биз ичкарига кирмай қўяверайлик, – дедик. Зинадан тушаётганимда орқамдан шундай дея қолди:

– Иншааллоҳ, бир куни сен билан бирга айланамиз, Жамила! – деди.

– Иншааллоҳ, – дедим изтироб ва умид қоришиқ алпоздаги табассум билан. Иккимиз ҳам жилмайиб қўйдик. Табассумнинг таъми бўлганида эди, бизнинг кулгумиз “нордон таъмли табассум” бўларди.

### 19-qism

Яна бу гапни қўйиб, унисига ўтиб кетяпман. Балки Дрина ҳақида нега гапирганимни сўрарсиз? Тўғриси айтсам, сабабини ўзим ҳам билмайман. Баъзан одам оғзига келгани гапираверди-ку, Дринани ҳам шундай ноўрин сафсатага йўйиб қўяверинг. Ёхуд мусулмонларга жуда катта ҳақоратлар ёғдирган ва шунинг учун икки бор мукофотга лойиқ кўрилган “Дрина кўприги” номли романни эсланг. Нима алоқаси бор? Бу дунёда бевосита ёхуд билвосита боғлиқлиги бўлмаган бирор нима борми ўзи?!

Энди жуда бахтиёр эдим. Германияга ҳам бемалол борсам бўлаверарди. Айтганча, ота-онам соғинчига нима бўлди? Уларни жуда оз эслардим. Яна тайёргарликни бошладим. Уч кундан кейин кетаман. Лайлога учрадим. У майдонга чиқиб келган, Таркан ҳам кўчадан эндигина кирган экан, чарчаб-ҳориб ўтиришарди. Бир-биримизга бошимиздан ўтган воқеаларни гапириб бердик. Кейин мен Ойнурни сўрадим. Ойнур яхшигина илдамлаётган, лекин оиласидан кескин тазиклар кўраётган эмиш.

Қолаверса, уни ўйлантираётган баъзи саволлар бор экан. Секин-аста шуғулланаётган экан бизникилар. Ойнурни шоҳидлардан қилсак, онаси ҳам ортидан келади. Онаси Мазият хонимни ҳам қўлга олсак, маҳалла бизники бўлади, дейишаётганмиш. Шу заҳоти Ойнурга қўнғироқ қилдим. Ҳол-аҳвол сўрадим. Уни қўллаб-қувватлашни, кўнглини кўтариб, биродарлик вазифамни бажаришни истардим. Сўрагандим, оиласининг муносабатини гапирди:

– Иегова шоҳиди бўлганимни уйдагиларга айтдим. Бақир-чақир қилишди, уришишди, лекин парво қилмадим. Кеча тунда қўлларимни бирлаштирдим, яширинча дуо қилаётгандим, акам мени пойлаётган экан. “Нима қиляпсан?” – дея сўраганди, мен ҳам эътиқодимга кўра жавоб қилдим: дуо қиляпман. Акамнинг жаҳли чиқди. “Дуо ундай қилинмайди”, – деди. Менинг эътиқодимдаги дуо шунақа бўлади дедим. Қаттиқ ғазабланди, уришди. Кейин ота-онам ҳам бақир-чақир қилишди. Ҳаммаси бир пайтда уришишди. Овозимни чиқармадим. Аламидан чиқолмаган акам: “Мен бу



кофир билан бир дастурхонда ўтирмайман”, – деб ўрнидан турди. Ярим тунда тадқиқчим Селмага қўнғироқ қилиб: “Сени ҳуқуқ идораларига шикоят қиламан”, – дебди. Менинг курашим шундай давом этапти. Исонинг мўъжизаси менда рўёбга чиқяпти, лекин тадқиқчимнинг олдида хижолат бўлдим. У яхши ниятли инсон. Бунчалик ҳақоратларга лойиқ иш қилмагани, – дея қайғурди.

Бу қиз қачон бизлардан бўлади деб сабрсиз эдим. Бироз гаплашиб, сўнг телефонни ўчирдик.

Акаси ҳуқуқ идораларига хабар берармиш. Шўрлик акасининг ҳеч нарсадан хабари йўқ демакки. Иегова шоҳидлари устидан юзларча даъво қўзғатилган бўлиб, бу дин Конституциянинг ҳимоясида бўлгани учун даъво тўхтатиларди. Қолаверса, Ойнурнинг акаси билмасдики, шикоят қилаётган одами экстремист эмас, суддан матбуотни қизиқтирадиган шов-шув ололмайди. Ойнурга сабрли бўлишини, бу кунлар бир куни тугагини айтиб тасалли берар эканман, хаёлимда бир савол айлана бошлади. Нега одамлар осонгина Иегова шоҳиди бўлишмайди? Шу лицейни тугатган қизнинг фикрини ўзгартириш учун ҳам бир неча ойлар ўтиб кетди. Бунинг устига, бу қиз Исломдан ҳам хабардор эмас. Ҳолбуки, мусулмонлар биз каби донолик билан мунтазам, фидокорона меҳнат қилишса, балки дунёнинг кўпгина халқи мусулмон бўларди. Бу савол устида кўп ўйланмадим.

\*\*\*

Ниҳоят, охириги тун. Гулдеренга учрадим. Мени тушкун руҳда қаршилади. Онаси билан тортишиб қолибди. Совчилар келаётган экан, Гулдеренга ҳеч бири ёқмаётган экан. Онаси мени кўрса ҳам шанғиллашини тўхтатмади:

– Қизимизга чиқаётган эрлар ёқмаётганмиш. Бунинг ҳоли нима бўлади, билмадим. Балки биздан яширинча биров билан яшаса керак-да!

Гулдереннинг қаттиқ жаҳли чиққанди, сўзсиз жавоб берди:

– Сиз шу қадар номус барбод бўлган муҳитда яшаб, номуссизликни фахр билан тарғиб қилаётган сериалларни мук тушиб томоша қиласизки, дунёда шарму ҳаёли одам қолмади, деб ўйлайсиз. Эътибор беринг, она, мен бутун қусурларим билан бирга мусулмонман, бунақа ғайритабиий гап-сўзларингизга тоқат қилолмайман.

Онасининг аламзадалиги давом этарди:

– Буни мен эмас, қўни-қўшни гапиряпти. Ярим тунда бир қиз уйдан чиқиб бошқа уйга борса, кўрганлар нима деб ўйлаши керак? Гапиради-да, албатта! Ақлингни йиғ, тезроқ турмуш қур!

Гулдерен бир томондан уй тозалаб, бир томондан онасига жавоб қиларди:

– Она! Ўзингиз яхши биласизки, тунги соат бирда дискотекага борсам, ўшалар гап-сўз қилмасди. Худо хайрингизни берсин, менга зулм қилманг, она! Одамлар жоҳиллиги учун бўҳтон қилса, мен айбдор бўламанми? Одамлар ғийбат қилади, деб дуч келган билан турмуш қуришим керакми? Мен истаган инсон қаршимдан чиқмаяпти. Бир умр хоҳламаган одамим билан яшайманми? Бўлди энди, она! Менга қилганларингиз фақат душманнинг қўлидан келади...

– Шундоғам сен дўст ҳисобланмайсан. Мутаассиблигингдан нафратланаман. Ҳа, нафратланаман бу ишларингдан! Лайло насроний бўлибди, Жамила насроний бўлибди, сенга нима? Эркинлик йўқми? Нима хоҳласа, шуни қилаверсин!

Гулдерен саволи билан онасининг фиғонини фалакка ўрлатди:

– Унда нега бу эркинликни менга раво кўрмайсиз? Мен ҳам истаганимни қиламан. Қолаверса, дадам ҳам истагини қилиш ҳуқуқига эга, эрки ўз қўлида. Бегона аёл билан бирга яшаб юрибди, ундан жаҳлингиз чиқмайдими? Сизнингча, эркинлик шунақа бўладими?

Қизининг бу гапидан бир муддат нима қилишни билмай саросимага тушган Амира хоним ойнага бир қараб жавоб берди:

– Отанг менинг устимга гул ҳидламайди. Мендай гўзал аёлни қаердан ҳам топади? Зотан, Европада мендан чиройли аёл йўқ-ку!

Боёқиш Амира хоним жуда кўп нарсаларни билмасди. Билиши мумкин ҳам эмасди ҳатто. Авваломбор, хотини дунё гўзали бўлган эркакнинг кўзи ҳам ташқаридаги гўзалнинг ҳуснини кўра олади. Агар у кўп аёллар ичида юрса, хотинининг ҳуснини кўролмайди ҳам. Қолаверса, эри анчадан бери бошқа аёл билан бирга эди, лекин Амира хоним бунини билмас, эрининг ўзига эътиборсизлигини “ шўрлик одам қариди-да”, дея изоҳларди.

Дунёга қарайман-да, бирдан ортиқ аёл билан никоҳланишга “Йўқ!” дейдиганларнинг бир эркакка беникоҳ бир қанча аёлнинг тортиқ қилинишига индамаслигини тушунмайман.

Амира хоним бизни ахлоқсизга чиқариб шама қилганини сезиб, жаҳлим чиққан бўлса-да, унга раҳмим келаётганди. Қизининг шарму ҳаёсидан беҳабарлиги мени ҳайрон қолдирди. Ўтирган жойимда Гулдеренга қараб туравердим. Боши берк кўчада эди, айнан шу пайт уни шоҳидлардан қилиш вақти эди аслида. Умидимни узмай мақсадга кўчдим:

– Менга қара, Гулдерен, Исо айтадики...

Бор овози билан бақирди:

– Бас, Жамила! Исони эшитишни истасам, Инжил олиб ўқийман! Менга бирор нарса ўқима, гапирма, шама ҳам қилма! Етарлича тушунтиришга уриндинг, бир кун келиб мен сенга тушунтираман, лекин ҳозир бир-биримизни овлашга уринмайлик! Шундоқ ҳам онамдан жаҳлим чиқиб, нима қилишимни билмай ўтирибман, камига сен ҳам орага суқилма!

Бир муддат тинимсиз бақирди. Орадан ярим соат ўтиб йиғлай бошлади. Кейин пастга тушиб сўради:

– Қачон кетмоқчисан?

– Олти соатдан кейин кетаман.

– Йўлинг бехатар бўлсин. Жамила, илоҳим ўша ерда ақлингни йиғиб олгин.

– Ақлим ўзимда, ишқилиб, сенинг ақлинг ҳам кириб қолсин.

Гаплашиб ўтирганимизда яна Исмаат девонанинг овозини эшитдик. Шу заҳоти айвонга чиқдик, икковимиз бирданига Исмаатни чақирдик. Бир қўлини осмона кўтариб ўзига ўзи гапиради.

– Бир куни... Қуёш чиқади... Лекин қандай чиқади?.. Мен унга чиқма деб бақирсам, чиқмайди. Юлдузлар ёмғирдай ерга ёғилади. Денгиз сувини ичаман.

Ҳақиқатан ақлдан озганди. Орада бир шунақа касали хуруж қилиб, сўнг ўзига келарди. Хафа бўлди. Аслида бир доҳий эди у. Қандай қилиб бу ҳолга тушиб қолганини билмасдик. Онаси ҳам ҳеч нима демасди. Исмаат девона бизга қаради, лекин танимади.

– Мендан нима истайсизлар? Сиз ҳам уларнинг одамларисиз, биламан, – деб бизни ҳақоратлади. Сўнг юзимизга қараб тупурди ва бир нималарни ғудраниб кетди.

Амира хонимга худо берди:

– Ана, Гулдерен ҳам шу кетишда шунақа бўлиб қолади. Девонасифат ҳоллари бор бунинг ҳам. Оқшом келганлар жуда яхши кишилар эди. “Қизинизнинг шарму ҳаёсига мафтунмиз, шунинг учун Гулдеренни сўраб келдик”, дейишди. Йигит – бадавлат.

Гулдерен онасига қарамай жавоб қилди:

– Албатта, сўрашади. Ориятсизлар ҳам шарму ҳаёли, зиёли аёлни иташади. Одобсиз қизлар билан ҳушига келганини қилиб, ҳеч ҳақлари бўлмаса-да, шарму ҳаёли қиз истайдилар. Бунга ҳақли эмаслар-ку?! Ҳамма ўзига ўхшаган билан турмуш қуриши керак. Ахлоқсиз эркак ахлоқли қиз истасину, мен ахлоқли ва зиёли эркак билан яшаш истагидан маҳрумманми? Турмуш қуриш учун фақат ҳисоб-китоб ва тижоратни

билиш камлик қилади. Ҳаётнинг бошқа қоидалари ҳам бор, она. Энди сиз ҳам буларни тушунсангиз яхши бўларди.

Жуда ақлли қиз эди-да бу Гулдерен. Бир гапи миямда айланиб қолаверди. “Ахлоқсиз эркак ҳам ахлоқли аёлни истайди”. Жуда ҳам тўғри. “Хўп, ахлоқли эркак истагани қизнинг ҳаққи йўқми?” Бу ҳам жуда тўғри мулоҳаза эди, лекин Амира хоним тўғриларни эмас, янглишлар маъқул кўрарди.

– Шу кетишда ўтириб қоласан. Қара, маҳалланинг қизларига қара, ҳаммаси бир нечта эркак билан учрашади.

Гулдерен ўша ғазаб билан онасига гап топиб беришга улгурарди:

— Ҳа, лекин ҳеч қайси эр тополмайди. Эркак топиш ҳар қандай аёл учун жуда осон. Аёл тўқсон ёшда бўлса ҳам, кўчадаги бир бетайинни топа олади. Эркак топиш осон! Кўчада эркак тўлиб ётибди, лекин эр топиш жуда ҳам қийин.

## 20-qism

Чиндан ҳам маҳалламизда Гулдерен ва Лайлодан бошқа барча қизлар йигитлар билан учрашиб юрарди. Ярим тунда йигитлар уларнинг уйига келар, оилалари буни била туриб ҳеч нарса демасди.

Жанжалдан бўғилиб кетдим. Гулдереннинг қўлидан ушлаб, ташқарига мажбурлаб чиқардим:

– Кела қол, Лайлоникига борайлик. Мен кетяпман, саноқли соатларимни сизлар билан бирга ўтказишни истайман. Мусулмон бўлсанг ҳам дугонамсан, сендан ўзилиб кетолмайман.

Вақтимни улар билан бирга ўтказдим. Таркан ҳам биздан узоқлашмади. Ўша куни бир одам билан майдонга чиқибди, тадқиқчи ҳам уни рад этмабди, бошидан ўтказганларни гапириб берди. Бир кекса аёл: “Келишган йигит экансан, менга ўйлансанг, истаган динингга кираман”, – дебди. Кула-кула гапириб берди:

– Бу аёл жиннироқми дейман. “Тангри ҳамма нарсани янгилайди” номли китобчани ташладиму, дарҳол ташқарига отилдм.

Ҳаммамиз кулдик. Мен ҳам бир воқеани гапириб бердим. Навбат Лайлога келди, у ҳам гапиришга тушди:

– Бир уйга кирдик, уйдагилар деворни оқлаётган экан. “Бу аҳволда сизларни эшитолмаймиз, яна 2 соатлик ишимиз бор”, – дейишди. Шеригим ҳожининг ўғли эди. Сизларга ёрдам берамиз, дедик. Қўлимиздаги китобларни қўйиб, уларга ёрдам

бердик. Бир зумда ишларни битирдик. Чой дамлашди, ўтириб суҳбат бошлаймиз десак, уй эгаси: “Аввал мени эшитинглар, кейин мен сизларни эштаман”, – деди. Биз шошилаётганимизни айтдик, лекин у одам бизга умуман қулоқ солмади. Ўзининг эътиқодини тушунтиришга тушди. Бизга навбат ҳам бермасди, туришимизга изн ҳам бермасди. Ниҳоят чидолмай қўзғалганимизда аллқачон кеч тушганди. Ҳеч қаерга бормасдан қайтдик. Эсимга тушса, кулгим қистайди. Нима қилсак ҳам, ундан қутулолмадик. Чакаги бир очилди, бир очилди. Бир сония ҳам танаффус қилмай гапирди. Хотини у эркакка қандай тоқат қилади, билмайман.

Лайлога юзланиб мен ҳам фикримни айтдим:

– Бундай одамларга хотини қандай чидайди, тушунмайман. Мен ҳам шунақанги эрим бўлса чидолмасдим.

Шу орада Таркан сўради:

– Демак, у сенга ёқадиган одамлардан эмас. Сен қандай инсон билан турмуш қуришинг мумкин? Масалан, менинг феъл-атворим сенга тўғри келадими?

Ундан жаҳлим чиқди:

– Таркан, шоҳидлар бунақа савол бермайди!

Ўша куни Таркан тентак бўлганди чоғи, эътироз билдирди:

– Сен адашяпсан, нега сўрамаслиги керак? Шоҳидларнинг ҳам ҳис-туйғулари бор, ахир!

– Ҳа, бор, лекин шоҳидлар, туйғуларини ўлдиришни ҳам билишади. Эр-хотин орасидаги муносабатларнинг ҳам ўз қоидалари бор. Одамлар хаёлига келган пайтда истаган ишини қилолмайди, – дедим.

Таркан буларни аниқ тушунмаганди, чоғи. Алал-оқибат сабри етмай сўради:

– Жамила! Сен билан турмуш қуришни истасам, бу гуноҳми?

Онаси Тарканга ола қараш қилди. Вера мени жуда яхши биларди, у жавоб қилди:

– Гуноҳ бўлмайди, лекин ҳар бир нарсанинг ўз қоидаси бўлади.

Ҳамма нарсани ҳар хил тарзда тақдим этган бу дунёда суҳбат учун мавзулар тугамасди. Лекин вақт тугашга маҳкум. “Ҳар бир жон ўлим шарбатини татиб кўриши” каби ҳар келган вақт ҳам кетиши муҳаққақ эди. Бу бемаъни баҳсни якунладик. Уйга келдим. Исмат бизникида экан. Яна бувимга иккита банан, бир қути печенье олиб келганди. Яна менга насиҳатлар қилди, кейин кетди. Мен ҳам тайёрланишга тушдим. Лайло ва Таркан мени аэропортгача кузатиб қўйишди. Биродарларим соғ бўлишсин,

мени ёлғиз қўйишмади. Кошки ҳамманинг дўстлари менинг дўстларимдек бўлса эди. Бир кишига Веранинг дўстлиги ҳам етиб ортарди, лекин кўзларим негадир фақат Гулдеренни изларди. Учоқ ҳавога кўтарилганида у билан бирга мен ҳам учаётгандим. Боз устига, мен ҳам жисмим ва ҳам руҳим билан учардим. Учоқда ота-онамни қаттиқ соғинганимни ҳис қилдим. Укам Уғур кўз олдимдан ўтаверди. Бошқа туғишганим бўлмагани учунми, уни жуда қаттиқ яхши кўрардим. Шоҳидлардан бўлганим, майдонга чиққаним мени ниҳоятда бахтиёр қилгани учун севгининг нималигини янада аниқроқ тушуна бошлагандим. Истанбулдан кўтарилганимизга бир соат бўлганди, тўсатдан учоқ даҳшатли равишда тебрланди. Қаердандир чиққан туман учоқнинг ичини қоплади. Пиёладаги сувдай чайқалаётгандик. Айрим аёллар ва болалар бор овози билан бақиришга тушди. Биров “Аллоҳ” дерди, биров “Имдод!” дерди, бошқаси хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди. Учоқ ўнгга эгилганда ҳамма йўловчи ўнгга ётар, чапга эгилганда чапга ёнбошлама ағдарилардик. Парвоз бекаларига бундай пайтларда совуққон кўриниши кераклиги ҳақида қайта-қайта уқтирилган бўлса-да, улар ҳам совуққон қараб туришмасди. Баъзан уларнинг орасидан ҳам кўрқувдан қийқиргани эшитиларди. Умидим узилди. Энди ота-онамни кўрмолмайман, шу сафарда ўламан деб ўйлардим. Бундан хурсанд ҳам эдим. Ўлардим, лекин ҳақ йўлда ўлардим. Тавба қилгандим. Иегова менга тавба қилишга етгулик умр берганли. Яна нима керак эди? Шу ўй-хаёллар ичида эканман, хавотирли бир неча соатдан сўнг учоқ ерга қўнди. Мен ҳам кутиб олишга чиқан ота-онамни кўриб, Иеговага миннатдорчилик билдирмоқчи эдим. Ота-онамни бағримга босиб: “Мени сизларга, сизларни менга етказган Иеговага ташаккурлар бўлсин!” – дегандим. Ҳаяжондан унутгандим, Иеговани яхши билмайдиганлар ёнида Иегова демаслигим, Аллоҳ дейишим керак эди. Биринчи босқичдаёқ ота-онамнинг эътиборини тортмаслигим керак эди, лекин бир бор бўлди. Қолаверса, қанчалик мукамал кўринишса-да, Иегова шоҳидларининг ҳам бошқа одамлар каби заиф нуқталари бўлади. Шоҳидлар ҳам хато қилишади. Аввал айтганимдек, ота-онам бу ҳолатимдан куйинган, онам “Сени ўлдираман!” деганди. Сўзсиз уйга келгандик. Ундан кейин эсласангиз, отам мени хонамга қулфлаб қўйганди. Энди яна устимдан қулфланган хонамга қайтамиз.

Сизни биров жазолаш учун бир хонага қамаганми? Агар бу ҳолни бошдан кечирмаган бўлсангиз, мени унчалик ҳам тушунмайсиз. Фақат ўшандаги руҳий ҳолатимни тасаввур қила оласиз, холос. Майли, баъзан тасаввурлар ҳам тушуниш каби муҳимдир, аксар ҳолларда кишини чалғитса-да. Унутилмас хатолар унутилмас оқибатларга олиб келса-да, барибир бундай пайтларда тасаввур ҳам керак.

Отам ҳеч қайси тўғрини тўғри ўлчовларда кўролмаган экан. Ислом номидан менга босим ўтказганида, “Бу қилмишларим Исломда бормикан?” дея ўзидан

сўраганмикан? Ўша кунни ўйласам, сўраган ва мени жазолашни маъқуллаган. Эрталабдан кечгача устимдан қулфланган хонада тинимсиз йиғлаб дуо қилдим. Онам чидаолмагани учун ишдан қайтган заҳоти эшик олдига келди:

– Қизим, Жамилам, ўтинаман, эътиқодингдан воз кеч, кел, мусулмон бўлгин.

Онамни синаш учун сўрадим:

– Хўп, онажон, тасаввур қилинг, мусулмон бўламан. Қандай қилиб мусулмон бўлинади? Мусулмон бўлишнинг шартлари қанақа? Мен нималар қилишим керак?

Аёл боёқиш ҳайрон қолди. Нима ҳам дерди, Исломдан бирор нима билмасди, бажармасди-ку!

Айтганча, менинг хонамга қамалганимни кўриб Уғур бор овози билан йиғлади. Ерга ўзини отиб-отиб йиғлади: “Опамни у ердан чиқаринглар! Опамни у ердан чиқаринглар!” Бола шўрлик эзилиб кетди.

Ота-онам нима дейишса ҳам уни кўндиришолмасди. Бу ҳам менинг фойдамга эди, эътиқодим учун босимда қолаётганимни бола кўриб турганди. Менга раҳми келар, мен учун эзилаётганди. Бу ҳолат унинг юрагидан янада мустаҳкамроқ ўрин эгаллашимни таъминларди. Бир кунни уни ҳақиқий насроний қилардим, балки Қуръонга, Муҳаммадга энг оғир ҳақоратларни ёғдирардим. Ортиқ ишончим комил эдики, Уғур меники эди. Бизники эди. Иегованики эди. Уғур Инжилники эди.

Отам Уғурни овутолмай уни амакимнинг ёнига жўнатиб юборди. Онамнинг айтишича, у ерда ҳам тинисиз йиғлаганмиш. Емасмиш, ичмасмиш, амакимнинг уйдагилари ҳам безиб кетибди. Отам Уғур учун мени уй қамоғида сақлашдан воз кечди ва ўн кундан кейин бақирганча ҳақорат қилди: – Чиқ ташқарига! Уғурни дуо қил, бола сил бўлиб қолади деб қўрқдим. Шунинг учун сени озод қиляпман. Сендай пасткаш фарзанд ўстирганим учун қаттиқ пушаймонман! Бундан кейин сенга ҳеч қандай кийим олиб бермайман. Пул бермайман. Сени оқ қиламан, меросдан ҳам маҳрум бўлдинг!

Бу гапларга кулгим қистарди. Эътиқодли инсоннинг руҳиятига бу нарсалар заррача таъсир қилмайди. Меросмиш. Ўзи отамнинг мол-дунёси бормиди? Бунини шоҳид бўлгандан кейинни қўяверинг, аввал ҳам хаёлимга келтирмагандим. Меросмиш!..

Мен коинотдаги энг буюк бойлик бўлган қалб ҳаловатига эришгандим. Латта-путтани нима ҳам қилардим? Бунини отам ва унга ўхшаганлар тушуниши мумкин эмасди.

Мени хонамдан чиқарган отам билан юзма-юз келдик. Ажабо, отам ўн кунда жуда чўкиб қолган эди. Демак, ўзи билмаса-да, отамнинг кўнглида имон зарралари бўлган экан. Онамнинг ҳам. Имон келтириш қандай нарсалигини билишмаса-да..

## 21-qism

Кечга яқин укамни олиб келишди. Оҳ, Тангрим! Ўн кунда бола шўрлик қоқсуяк бўлиб қолибди. Мени кўриб қувончдан қийқирди:

– Опажоним! Жоним опам!

Бўйнимга осилиб йиғлаб, юз-кўзимдан, қўлларимдан ўпарди. Хўрсиниғи босилгач, кўз ёшларини артиб шундай деди:

– Мен ҳар куни эрталабгача сиз учун йиғладим. Ҳечам овқат емадим. Йиғлашим ҳамманинг жонига тегди. Отам сизни қўйиб юбордилар.

Уни қаттиқ бағримга босдим.

– Жоним, жоним менинг! Сени жуда ҳам яхши кўраман. Сен менинг яғонамсан. Қўрқма, бу кунлар ўтиб кетади.

Сизга амаким ҳақида гапириб бермадим, а? Амаким ҳамма динларга қарши социалист эди. Мен ва онамга ҳам фикрини ўтказишни истарди. Шунинг учун онамга таъсир қилишни бошлади. Бир томондан мен ҳам онамни даъват қила бошладим. Онам боёқиш иккимизнинг орамизда қолиб кетди. Ҳеч қандай диний билими бўлмаса ҳам бизга қарши курашарди. Бир кеча амаким келди ва онам билан баҳслашиб қолишди. Амаким шу заҳоти аввалдан ўйлаб, режалаб юрган аниқ саволларини бера бошлади.

– Ҳақиқатни кўра олишинг учун аёлларга қилинаётган ноҳақликларни кўришинг етарли!

Онам алам билан жавоб берди:

– Йўқ! Аллоҳ ноҳақлик қилмайди! Нима десангиз денг, менинг фикримни ўзгартиролмайсиз!

Кейин менга юзланди:

– Сен ҳам!... Ҳа, сен Жамила хоним!

Жавоб ўлароқ онамдан илтимос қилдим:

– Илтимос, мени тинч қўйинглар.

Амакимнинг аҳди қатъий эди:

– Йўйўқ, қочиш бўлмасин. Буларни гапирмасдан мавзунни ёпмайман.



Мен онамни кузатардим. Илмсиз эди. Илмсиз бўлса-да, динидан айрилмаслик учун тиришарди. Бу ҳолат эътиборимни тортди. Ёз ойларида ҳечам енгли кийим киймас, отам билан ичкилик ичар, умрида бир мартагина ҳам саждага бош қўймаган онам Исломга қандай боғланган эди? Ҳеч ақлимга сиғмасди.

Амаким санашга тушиб кетди:

– Аёлларга қилинаётган ноҳақликлар булар: биринчиси – эрининг бирдан ортиқ аёлга уйлана олиши, аёлнинг энг таҳқирланган нуқтаси. Иккинчиси – аёл бокиралигидан айрилаётганида тортадиган оғриқ ва унингдан кейинги ҳолат. Бу эркакларда йўқ. Учинчи – аёл ҳайз кўради, бу азият, лекин эркаклар ҳайз кўрмайди. Сенингча, бу адолатданми?

Онам иккилана бошлади. Ҳайронлиги юз-кўзидан кўриниб турарди, лекин яна эътиқодига кўра жавоб берди:

– Аллоҳнинг бир билгани бордир. Мен билмайман, Ўзи билади.

Тили билан шундай жавоб бергандию, лекин ишончим комилки, қалбига шубҳа ўрмалаганди. Шу ҳолатда ҳам шундай жавоб бериш ҳаммага ҳам эмасди.

Мен онамнинг ўрнида бўлсайдим ва бугунги илмим бўлса эди, шундай жавоб қилган бўлардим: “Ҳа, баъзи аёллар эрининг иккинчи аёли борлигидан изтироб чекар. Никоҳли бўладими, никоҳсиз бўладими, бунинг фарқи йўқ. Айрим аёллар учун бу катта имтиҳон ҳисобланади. Аёл бу ҳолатдан тириклайин ёнади. Ислом дунёсида баъзи аёллар иккинчи хотин олса-чи, деган изтироб билан яшайди. Хўш, сизнинг бошқарувингизда, замонавий жамиятингиз, коммунизмда яшаётган аёлларда хавотир йўқми? Албатта бор, яна ҳаддан ортиқ бор, ҳатто аёлларнинг тўқсон фоизи шундай хавотирда яшайди. Бунинг устига, баъзан эри бир кунлик “хотин” топади. Шунга қарамай ўз мафқурангиздаги аёлларни эмас, мусулмон дунёсидаги мингтадан битта учрайдиган икки хотинликни муҳокама қиласизлар. Лекин баъзи эркакларни ҳам тириклайин куйдирадиган оғриқлар бор. Бу бокираликдаги оғриқдан минг карра аламли, бу ҳолатни кўпчилик четлаб ўтади. Масалан, қуввати заиф эркаклар бор, қуввати заиф аёллар борми? Йўқ. Лекин қуввати заиф эрларнинг изтироби билинмайди. Уларнинг руҳий изтироби муҳокама мавзуси бўлмайди. Аммо ҳар доим эркакларнинг изтироби эмас, аёлнинг изтироби муҳокама қилинади. Қуввати заиф эркакнинг, биринчи кеча аёли олдидаги вазифани бажаролмаган эркакнинг тортган изтиробини нечта аёл чекади? Эркак бундай ҳолатда эри устига уйланган аёлдан ҳам кўра кўпроқ азобланади, лекин ҳеч кимга айтолмайди. Уларга ҳеч ким ҳамдард бўлайди. Уйланган бўлса, хотинини қаттиқ севса, изтироб чекса-да, ажрашишга мажбур бўлади. Ҳам хотинининг олдида, ҳам атрофидагилар олдида ҳеч кимнинг хаёлига келмаган изтироб билан яшайди.

Изоҳлаб ўтиш керак бўлса, аёл ҳам, эркак ҳам бу икки дардда Аллоҳга юкунсагина халос бўлади. Бу синов. Бу имтиҳондан исёнсиз ўтишса, абадий ҳаётга муваффақ бўладилар, қуввати заиф эркак ҳам, эри устига уйланган аёл ҳам уялиши учун ҳеч қандай асос йўқ. Жинсий заифлик бош оғриғидек табиий ҳодиса. Айблаганлар, маломат қилганлар ўз жоҳиллигини очиқ-ошкора намоён қилган бўлади. Бу ҳолатда қуввати заиф эркакнинг вазифаси – аҳволини билса, уйланиши ҳаром. Уйлангандан сўнг аҳволини билган бўлса, бир муддат даволаниши, даволанишдан бир натижа чиқмаса, хотини билан яхшиликда ажрашиши керак. Ғурурини пеш қилмаслиги керак. Ким боши оғриси, бу дардни билдиришни ғурурига жароҳат етиш деб ҳисоблайди? Бироқ бу ҳолатни бош оғриғидай кўра олиш учун инсонда кучли имон бўлиши керак. Аёлнинг эри ташлаб кетиши ёки устига уйланишидан изтироб чекиши, фарзанд дунёга келтираётганидаги дард, бокираликдан айрилиши ва унинг оғриқлари балки қувватсиз эркакнинг дардига ўхшаши мумкин. Эркаклар бокиралик оғриғини ҳис қилмайди, лекин улар суннат қилинганда бошқача оғриқдан азоб чекади.

Хуллас, бу имтиҳон дунёсида ҳар икки жинсга ҳам ўзига хос изтироб ва дардлар берилган, нима ҳам қилардик? Ҳайз кўришни олсак, тўғри, аёл ҳар ой бироз қийналади, лекин эркаклар ҳам ҳарбийда хизмат қилади, жазирама иссиқ, қаҳратон совуқларда навбат кутади. Тоғу тошларга чиқади. Вақти келиб илон гўшти ейишга мажбур бўлади. Нега эркакнинг бу ташвишларини ҳеч ким кўрмайди? Қолаверса, уйнинг харажатлари эркакнинг зиммасида, оиланинг юки осонми? Ҳаммаси бир томон, онанинг оёқларига берилган жаннат бу дунёдаги машаққатлар учунлигини унутмаслигимиз керак. Шунингдек, ҳар бир қийинчиликнинг жавобини шу дунёда оламиз деган нақд гап йўқ! Дунёнинг ҳар кўринган жиҳатида ҳамма нарса аниқ-тиниқ кўринмаса-да, охиратга боргач асл масала ойдинлашади. Охиратга кетиш эса жуда узоқлардаги мавзу эмас...»

Ҳа, мен бўлганимда шуларни айтган бўлардим. Лекин буларни айтиш учун инсонда эътиқодига доир илми бўлиши керак. Ва бир нарсани жуда яхши билиши керакки, Аллоҳ одилдир, ҳеч қачон, ҳеч кимга ноҳақлик қилмайди! Ҳаммага сабрига яраша мутлақо ажр беради. Етарки, Аллоҳга Ўзи буюрганидек иймон келтирсин. Унга шерик қилинмасин.

Онам тез-тез кўрфазда қоларди. Бошқача бўлиб қолганди. Баъзида дам олиш кунлари кечгача уйга келмасди. Ҳар ўтаётган кун сарғайиб сўлаётганди. Онам менинг таъсирига тушаётганини билардим. Мен айтган гаплар хаёлини бузаётганди, лекин барибир динидан узилолмасди. Иккиланишидан билардимки, онам яқинда насроний бўлади, мен қувончдан осмонга сакрайман. Аввалига “Аллоҳ дўзахда қандай ёндиради?” деб қайта-қайта сўрайвердим. Бу саволлар қўл кесиш, бармоқ кесиш

мавзусига борганида, сиқила бошлади. Хусусан, “Сизлардан бўлмаганнинг қўл-оёғини кесинг” деган Қуръон оятини кўрсатиб шу саволни бердим:

– Она! Сизларнинг динингизда мажбурлаш йўқмиди? Унда нега “Сизлардан бўлмаганнинг қўл-оёғини кесинг!” деяпти? Нега “Сизлардан бўлмаганнинг?” Устига-устак, урушда эмас, оддий ҳолатда, нега тутиб кесинг деяпти? Дин ҳам шунақа бўладими? – деяверишим жуда таъсирли чиқди. Отам ҳам тентакка ўхшаб қолган, мени ҳақоратлаб танбеҳ беришдан тийилмасди. Онам эса энди ҳеч нарса демай қўйди. Лекин у ўзгариб бораётганди, бу аниқ эди. Бир куни кечга яқин уйга келди. Оббо, Тангрим! Мен онам насроний бўлади деб кутиб юрган ҳолатимда, не кўз билан кўрайки, онам бошига рўмол ўраб уйга келди! Қайғумни ифодалаб беришга тилим ожиз! Ҳайрат билан қараганча тикилиб қолавердим:

– Она, бу нима аҳвол? – дея олдим холос. Хурсандчилигининг чеку чегараси йўқ эди.

– Аҳволимга нима қилибди? Сен отанга айтганингдек, менга ҳам “Сизни ўттиз кун кун қамашса, ўттиз йил Аллоҳ демайсиз” дегандинг-ку, бу гапингни кўп ўйладим. Бир гал мендан: “Мусулмонлик сизнинг қаерингиздан билинади? Сиз Ислом учун нималар қиласиз?!” дея сўраганмидинг? Мен ўйлаб-ўйлаб сени ҳақли билдим. “Бу қизнинг гапларини динни билган мусулмондан сўрай-чи”, дедим. Сўрадим. Кўпини бузиб айтган экансан. Менга тўғрини айтишди, мен қабул қилдим. Қизимнинг олдида яхши эмас, мен ҳам Исломни ўрганай, дея ўйладим. Ҳар ҳафта якшанба куни Шуъла устоздан дарс ола бошладим. Беадад шукрлар бўлсин, ҳозир намозимни ҳам ўқияпман. Ўйлаб кўрдим, Исломга риоя қилмаганим учун қизим мени шунчалик айбласа, Аллоҳ нима қилар экан? Яхши қилибман, тўғримни, қизим? – деди онам.

Онамнинг бу ишидан қаттиқ хафа бўлдим. Бир неча дақиқа ўзимга кела олмадим. Уни шоҳидлардан қилиш орзусидан айрилгандим. Лекин бирпасда ўзимни қўлга олдим. Онам динини билмасди, уни барибир туппа-тузук насроний қилиш орзуим бор эди.

Укам Уғур онамнинг ўранишини унчалик хушламади. Бу ҳам менга яхшигина қўл келарди. Отам мен билан умуман гаплашмай қўйди. Орадан бир неча ой ўтганига қарамай, ҳалиям эътиқодимдан воз кечмаганимни кўриб, асабийлашарди.

## 22-qism

Бир куни хаёлимга келмаган иш рўй берди. Шоҳидлардан бўлган бир немис қиз билан майдонга чиққандим. Бир идорага кирдик. Бу ерда Исонинг буюрганларини гапириб бераётгандик. Мудир бизни қизиқиш билан эшитаётганди. Зотан, бизни қизиқмасдан эшитишнинг иложи йўқ эди. Биз давр муаммоларини тилга олиш билан

мақсадга ўтардик. Бир қарасам, эшик олдида отам ўтирибди. Бир томонда идора эгаси билан иш юзасидан гаплашаётган экан. Овозимни ўхшатгани учун қарабди, ғазаб билан сўради:

– Бу ерда нима қиляпсан?

– Майдонга чиқдик, ота.

– Менга ота дема! Майдонинг нимаси?!

Нима бўларди, экин майдони, уруғ экилиб, ҳосили ўриладиган жой. Дунё ҳам экин майдонига ўхшайди. Қуръонни тафсир қилганлар инсон уруғи қадалган раҳмни “экин ери” дейишган, инсон экиладиган ер маъносидан. Ва инсон етиштирадиган ер майдони аёлдадир, дея тафсир қилишган. Бизнинг майдонимиз ҳам даъват қилинадиган майдон эди. Дунёнинг ҳамма жойи биз учун экин майдони эди. Аввал фикрларимизни экардик, кейин ўрардик. Яъни экин майдони, баъзи мусулмонларнинг фикрича, инсон экиладиган жой биз учун фикр экиладиган ер эди.

Отамга бироз тушунтирмоқчи бўлдим. Идорадаги немислар бизга қараб туришганди. Отам ўзини йўқотиб қўйди:

– Бўпти, сени энди уйдан ҳам ҳайдайман. Бор, ўзингга жой топ! Сендай болам йўқ!

Оббо, одамлар!.. Жоҳилликни ўрнига қўйиб уддалашади.

Аро йўлда қолган умид

Мен ота-онамни ташлаб, биродарларимнинг ёнига кетдим. Бу пайт ўн саккиз ёшда эдим. Ҳеч ким менга дахл қилолмасди. Баъзан умумий бошпанга тушган турк қизларини кўргани борар, уларнинг устида ишлардим. Уларнинг афтода ҳолини ҳеч қачон унутолмасам керак. Оиласидан зулм кўргани учун қочиб чиққани иддао қилинадиган қизлар шу ерда эди. Бири ўн ёшда, бошқаси ундан ҳам кичиклигида оиласидан тортиб олинганди. Бошқа бирови бўйига етганида ҳаром ҳаётни эркинлик санаб, оиласидан қочиб бу ерга келганди. Ўша ётоқхонада таниганим Нажло исмли қизни унутмайман. Уни беш ойда насроний қилиб улгургандим. Бу менинг энг муваффақиятли хизматим бўлганди. Ҳозир мен бошқа диндаман, у эса ҳалиям Иегова шоҳиди. Агар мени ўқиётган бўлсанг, сенга айтяпман, Нажло, ўтинаман, мени кечиргин! Сенга айтганларимнинг камида ярми ёлғонлар ва янглишлардан иборатлигини бил. Олдинга қара, Нажло. Аллоҳга бўлган муҳаббатинг борлигича қолсин, Исо алайҳиссаломга ҳам эҳтиромда бўл, ҳақиқий Инжилга ҳам иймон келтир, лекин Аллоҳнинг сўнги ва ҳақ дини Исломга кел, ҳақ бўлган барча нарсаларни шунда топ!

Онам худди мендан куч олаётгандай ҳаракат қиларди. Уч кунда битта китобни ўқир, ҳар куни ўз устида ишлаб, ўзини ривожлантириб борарди. Бу орада мендан қайғуриб эзиларди. Мени соғинарди, насронийлигимдан ўкинарди. Отам мени уйга қўймасди. Аслида онамнинг ҳолатини ҳам унча хушламасди.

– Мутаассиб бўлиб кетяпсан, Ислонда бошни ўраш йўқ. Профессор Яшар Нури Ўзтурк айтганини ўз қулоқларим билан эшитдим. Боши очиқ аёлга сен очиқ эмассан, деди. Сен ундан ҳам яхшироқ биласанми? – дерди.

Бир ёзувчи айтганидек, динида яшашни ҳам истамасди, лекин динини мукамал билган мусулмон бўлишга ҳам қўймасди. Бир қанча иборалар ўйлаб топганди: “Кофир, лекин иймонли”, “Мусулмон, лекин кофир”, “Бутга сиғинади, лекин ҳидоятга келган”. Отам мени уйга қўймагани учун укамни мактабига бориб кўрардим. Уни тўйиб-тўйиб бағримга босиб келардим. Укам бир кун менга шундай деб қолди:

– Опа, катта бўлганимда сизнинг динингизга кираман.

Бу хурсандчиликдан ичимга сиғмадим. Лекин бу гапининг ўзи кифоя эмасди. Уни яхшигина Қуръондан узоқлаштиришим керак эди. Шундай ўқитишим керак эдики, ҳеч қачон Қуръонни тилига олмасин. Уфурни кўргани боришимни отам эшитибди. Мактаб масъулларига боламни ҳеч ким билан учраштирамайсизлар, деган маънода танбеҳ берибди. Мени мактабга киргизишмади, икки ойдан ошиқ вақт укамни кўролмадим. Уни қаттиқ соғингандим. Отам уйда эмасдир деб бир кеча уйга бордим. Аксига олиб эшикни отам очди. Мени кўриб ғазаби тошиб кетди:

– Нега келдинг?

– Укамни кўришга келдим, ота. Ўтинаман, мени қийнаманг, уни кўрай.

– Сенинг биродарларинг бор-ку! Ўшаларга бор, улар учун ҳаммамизни фидо қилгансан!

– Ўтинаман, ота! Уни бир бор кўрай.

Уфур овозимни эшитибди, ҳамон ташқарига чиқди:

– Опажон, хафа бўлманг, катта бўлсам, сизни ёнимга оламан!..

Жигарим. Шундай ўкиниб-хўрсиниб йиғлардики, унинг ўша ҳолати кўз олдимдан ҳеч қачон кетмади. Отам уни жеркиб-силтаб уйга киргазиб юборди.

Мен ҳам йиғлай-йиғлай отамга охирги сўзларимни айтдим:

– Сизни кечирмайман, ота! Иегованинг сизга раҳми келсин! Кетаман, ҳеч қачон юзимни кўрмайсиз!

– Сенинг шу насроний юзингга кўзим учиб турибдими? Даф бўл уйимдан, қайтиб қадамнингни қўйма!

Орқамдан онам гапириб қолди:

– Тўхта! Шошма, мени кутгин, Жамила, сен билан гаплашишимиз керак. Эшит, бу жуда муҳим. Бир умр эсингдан чиқмайдиган гап айтаман сенга.

Йиғлардим, онамни эшитмасдим ҳам. Кўчага чиқиб, катта йўлдан қарши томонга ўтдим. Онам уй шиппаклари билан орқамдан югуриб, менга гапириб келарди:

– Жамилам! Болажоним мени кутгин! Сен билан жиддий бир нарса гаплашмоқчиман.

Менга қараб югуриб келаётганида ҳеч кутилмаган воқеа юз берди: онамни бир такси уриб юборди.

– Онам! Жоним онам! Сиз ўлманг, мен ўлай!..

Оғзимдан чиққан сўзлар шу бўлди.

Дарров бориб онамни қучоқлаб олдим. Одамлар бошимизга тўпланди. Бир немис: “Ҳозироқ касалхонага олиб боришимиз керак”, – деди. Бошқаси:

– Аёл ўлган, бунинг кераги қолмади, – деб қўйди.

– Нима?! Онам ўлдими?!

Германиянинг зулматини йиртгудек бўлиб бақирдим:

– Онажон! Ўлманг! Ўтинаман, онажон! Жоним онам, муслмон бўлсангиз ҳам мен сизни севаман!

Атрофим менга тасалли берадиганлар билан тўла эди. Онам бўлса қонга буланиб ерда ётарди. Устига ўзимни ташлаб, бор овозим билан йиғлай бошладим. Ўша кезлардаги изтиробимни ифодалай олмайман. Бунинг иложи йўқ. Худди ҳамма машаққатлар қўлини қўлга бериб мени қоплаб олгандай эди. Ичим, юрагим, кўнглим ёнарди. Ҳар бир заррам парчаланарди. Онагинам, зарра имони билан ҳеч чекинмай мужодала қилган онам. Мен учун жонини фидо қилган онам.

Полициячилар келди, ортидан “Тез ёрдам” машинаси ҳам. Онамни касалхонага олиб кетишмоқчи. Полициячи онамни қучоқлаб йиғлаётганимни кўрарди, лекин негадир яна атрофдагилардан сўради:

– Бу ўликни танийдиганлар борми орангизда?

Алам билан бақирдим:

– Уни ўлик деманг! Онамни ўлик деманг, унинг онаси ўлган деманг, илтимос. Бундай деманг, онамнинг ўлганини тан олиш жуда қийин. Онанг ўлди, деган жумлага ўрганган эмасман, бошқа нарса денг, бошқа нарса денг!

Полиция таъзия изҳорига қўшиб мендан узр сўради. Шок ҳолатидан чиқолмасдим, лекин полиция ходими вазифани бажариш учун мендан ёрдам сўради.

– Онангизнинг эри борми? Ҳолатни унга билдиришимиз керак...

Уйни таърифладим. Кетишди, кўп ўтмай отам келди. Бу орада онамни ўлик халтасига қўйишганди. Отам унга қараб фақат бир нарсани сўради:

– Ким у, ўлик ким?

Полиция ходими жавоб берди:

– Ўлган сизнинг рафиқангиз экан, қизингиз айтди.

Отам жон аччиғи билан ёнимга келди, ҳамма нарсани унутганди:

– Қизим, болажоним, Жамилам, булар нима деяпти? У ердаги онангми?

Ўз ҳолимни қўйиб отамга қайғура бошладим. Кейин Уғурни уйда қолдириб, биз онам билан касалхонага келдик. Жоним онам ўша кеча ўликхонада қолди. Отам ўликхона олдида эрталабгача йиғлади. Мени ташқарига чиқаришди. Амакимларга қўнғироқ қилиб бор гапни айтдим ва Уғурни уйдан олишларини эслатдим.

Кейин эрталабгача кўчаларда йиғлай-йиғлай айланиб юрдим. Иеговага дуо қилиб, менга сабр бер, дедим. Номини нима десам ҳам дейин, У мақсадимни биларди. Унга юзланганимни, Ўзидан сабр истаётганимни биларди.

Синан Пошо: “Муҳаббат сўзлари қуш тилидир, тушунмоқ учун Сулаймон бўлиш керак”, – дейди. Менинг азобимни англамоқ учун фақат мен бўлиш керак. Онам учун шунчалик ёндим, шунчалик куйдимки, гўё дунё онам учун ёнаётгандек бўлди.

Оташимдан олов чиқарди. Вильям Шекспир: “Муҳаббат кўзда эмас, қалбда кўринади”, – деган. Мен унинг аксини иддао қиламан. Ошиқнинг ҳамма нарсасида унинг ошиқлигини билиш мумкин. Лекин менинг изтиробимни, қайғумни четдан қандай тушуна олардингиз? Эй онаси ҳали тириклар! Онангиз ўлмасдан аввал у билан тўйиб-тўйиб гаплашинг, ўтинаман. Уни бағрингизга босинг, ўпинг. Мен учун ҳам уни бағрингизга босинг. Менинг кўйимда ўлиб кетган онажонимни жаннатга тушмасимдан кўролмайман. Лекин сизнинг онангиз ҳаёт бўлса, бағрингизга боса оласиз. Сиз ҳануз имкониятингизни қўлдан бермадингиз. Ўлмасдан олдин онангизнинг қийматини билинг.

Эртаси куни мен, отам, Уғур ва амаким онамни ўликхонадан чиқардик. Онамни яхши кўрадиган одамлар у ерда эди. Амакимнинг ўзига мафтун бир қизи бор эди, у ҳам Америкадан онам учун келди. Бу қиз ҳамма жойда бошқалардан ўзини устун қўйишни истар, ўзини ҳаммадан гўзал ҳисоблар, кўрган одам унга ошиқу маҳлиё деб ўйларди. Ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилган, ўзига маҳлиё, худбин, ҳаддан ортиқ ўзига бино қўйган, ҳеч ким билан чиқишолмайдиган, ҳамманинг гап-сўзидан бошқача маънолар чиқаришга уринадиган, одамларни ўзидан бездирган, ўзини устун санайдиган одамлардан жуда қаттиқ нафратланаман. Лекин унинг онам учун Америкадан етиб келиши унга бўлган нафратимни йўқотди. Демак, нафратни ўчириш учун ҳам инсон ҳаракат қилиши керак экан.

Онажоним ёпинчиқ ўраган келиндек тобутда ётарди. Жоним онам. Сизга ўлим ҳам ярашибди. Худди мени эшитаётгандай эгилиб қулоғига шивирладим:

– Оҳ, онажоним, имон келтирсангиз нима бўларди? Абадий тупроқ бўлмасдингиз. Мени ҳам қайғуга қўймасдингиз...

### 23-qism

Йиғладим, йиғладим... Бор овозим билан йиғладим. Еру кўкка нимадир бўлганди, иккиси ҳам устимга бостириб келарди. Иккисининг орасида сиқилиб қолгандим гўёки. Қаердасан, коинот? Қаердасан, кенг дунё? Нега мен сизларга сиғмаяпман?! Ўзимни қўярга жой тополмаяпман!

Худди бирдан йўқолиб қолдингиз. Гўёки тор келдингиз. Қўйинг, мени кўп сиқманглар.

Устимга қулама, осмон. Нозик вужудим, навниҳол руҳим кўтаролмас залворингни.

Уғур ҳам онамнинг устига ўзини ташлади. Ёши катта бир киши бизга танбеҳ берди:

– Боланинг ёнида бунақа йиғламанглар, руҳиятини издан чиқаради. Ўлимдан қўрқади. Сизлар ўлимни ақл билан қабул қилсангиз, бола уни фожиа деб билмайди.

Эътиқодсиз кимсанинг сўзларига ўхшарди бу. Бошдан оёқ динсизлик ҳиди анқирди. Ўлимни арзимаган нарса деб билиш. Ўлим арзимаган нарса бўлиши мумкинми? Ўлимдан ҳам муҳим, ўлимдан қийин, ўлимдан осон, ўлимдан қизиқ, ўлимдан бошқа яқун, ўлимдан бошқа айрилик, ўлимдан ортиқ азоб, ўлимдан бошқа бошланиш, ўлимдан бошқа қайғули нарса бу дунёда борми?! Хусусан, онамдай бир аёлнинг вафоти. Боласини икки бор ўлдирган ўлим. Ўлимдан ҳам баттар бирор нима борми бу кенг дунёда? Бор экан, бироқ...



Демак, эътиқодсиз кимсаларни ўлим ўйғотмаслиги учун ҳам шундай талқинлар билан овутишар экан ўзларини. Буни ўшанда тушунгандим. Онамни тобутга жуда чиройли қилиб қўйшганди. Ўликхонада ишлайдиганлар насроний эди, лекин мусулмонларда кўзга ташланмайдиган синчковлик билан онамни кафанлаб, тобутни безатишганди.

Насроний юртларда мусулмоннинг ўлигига бу қадар эҳтиром кўрсатган масъулларга имконим бўлса, мени эшитишса, шундай деган бўлардим: “Сизларга айтяпман! Тирикларимизга қандай муносабатда бўлганингизни билмайман, лекин ўликларимизга жуда яхши муносабатда бўлдингиз. Бу илтифотингиз учун сизлардан миннатдорман! Барча ўликларимиз учун бу миннатдорчилигимни қабул қилинг!”

\*\*\*

Онам учоқнинг юкхонасида, биз учоқ ичида Туркияга учяпмиз. Йиғлайвериб ҳолдан тойдим. Баъзан отам билан кўзларимиз тўқнашади. Ундан кўзларимни олиб қочаман. Мен Уғур билан, отам амаким билан ёнма-ён ўтирибмиз. Улар бизнинг рўпарамизда.

Отам нега менга бақирмаётганига ҳайрон эдим. Нега “Онангни сен ўлдирдинг?!” демайди? Аслида тақдирга ишонмайди, тақдирга ишонса, асл сабаб ўлим соатининг келиши эканини тушунарди.

Кеча эрталабдан бери ухламагандим. Уғурни қучиб йиғлай-йиғлай ухлаб қолибман. Истанбулга қўнишни эълон қилишаётганида ўйғондим. Уйғонганимда отам амаким билан гаплашаётганди. Мавзу мен ҳақимда эди.

– Жамила қаттиқ хафа. Балки насроний бўлганига пушаймонмикан? Шунинг учун ҳам койимаяпман. Агар насронийлигини билсам, онасининг жанозасига ҳам қўймайман уни!

Боёқиш отам инсон мажбуран ҳидоятга келмаслигини, имон нелигини билмасди. Билмасди, чунки умрида бир боргина онгли равишда, чин кўнгилдан эътиқод қилмаганди. Ўз динига ҳатто қалбида эътиқоди йўқ эди.

Бир қанча жараёнлардан сўнг божхонадан ўтдик. Масъулларга онажонимнинг паспорти охириги марта кўрсатилди. Демак, паспортнинг муддати ўша кунгача экан. Бувим ўқиган бир шеърдан бир байт эсимга тушди:

“Ўлим билан ҳаётга қўйилар сўнги нуқта

Кўйлагининг ёқаси – ўлимнинг ёқаси.”

Ҳа, аслида кийимимиз ёқаси ўлим бўлган ҳаёт либосидир. Тикувчиси қандай бичиб, қандай тиккан, ҳеч қачон билолмайдиганимиз либос. Онамнинг тобутини текширган ходиманинг айтганларини ҳеч қачон унутмайман:

– Онангизми?

– Ҳа...

– Аллоҳ сабр берсин. Аҳволингизни тушунапман, сизга жуда ҳам қийин ҳозир. Лекин бир кун сиз ҳам кетасиз. Ўшанда кўришишингизни тилайман.

Ўша лаҳзаларда ўлимни шундоқ ансамда ҳис этдим. Шудоққина яқинимда. Гўёки ўлим менинг олтинчи сезгим эмишу, мен уни энди кўргандик эдим. Баъзан одамлар бошқача сўзлайдими ёки биз ўзгача қабул қиламизми, сўзлар замирида яширин маъноларни тушунамизми, бунисини аниқ билмайман, лекин бир нарсани аниқ биламанки, инсон изтироб чекаркан, сўзларнинг маъносига чуқур аҳамият беради...

Онажонимнинг тобутини олиб аввал вилламизга келдик. Қўшнилари югуриб келишди. Вера ҳам кўз ёшлари селоб оқиб келди, мени бағрига босди. Тасалли, меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим тўла эди.

– Кўп қайғурма, жоним болам, бир куни бу изтиробни унутасан, – деди.

Шу орада бобомнинг кўзи Верага тушди. Оох, Тангрим! Жоҳиллик инсонни нақадар хунук қилиб қўяди! Шунча одам, шунча дард орасида бобом Верага ташланди:

– Насронийсан-ку, мусулмоннинг жанозасида нима қиласан?! Қани, йўқол бу ердан!

Мен уввос солиб йиғлагунча эътироз билдирдим:

– Қўйинг, бобо, ўтинаман, бунақ қилманг! Бу ишингиз одамгарчиликдан эмас, қўйинг шу ғофиллигинизни!

Веранинг қаттиқ жаҳли чиқди. Кўз ёшларини артиб, бобомга биринчи бор жавоб қайтарди:

– Кетмайман! Мен сизга эмас, Жамилага ҳамдардлик билдиргани келдим. Мен сизнинг қариндошингиз учун эмас, Жамиланинг онаси учун келдим!

Бобомнинг бу қилиғидан ҳамма уялиб кетди. Жаноза намозини ўқиш учун келган имом ҳам хафа бўлди. Веранинг ёнига келиб, хижолатлик билан шундай деди:

– Авваломбор сиздан узр сўрайман. Ҳам ўзим номимдан, ҳам бу отахоннинг қилмишидан уялганлар номидан. Мусулмоннинг насронийга, насронийнинг мусулмонга ҳамдард бўлиши, таъзия билдириши инсоний ҳолат ҳисобланади. Ислом бунга тақиқ қўймаган. Ҳеч қайси динга бундай тақиқ йўқ. Бу масалани аниқ-тиниқ изоҳлаган оятлардан бири эса мана бу: “Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан чиқармаганларга яхшилик ва адолатли муомала қилишдан сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўрадир”. (“Мумтаҳина” сураси, 8-оят).

Ҳаммаси аниқ ва равшан! Бобом ғазаб билан имомга бақриб кетди:

– Сен имом бўла туриб бир насронийдан узр сўрагани уялмайсанми?! Ислоннинг шарафини поймол қиляпсан!

Имом илмли, оқил инсон экан. Ғоят хотиржамлик билан жавоб қилди:

– Кимга ноҳақлик қилинган бўлса, ундан узр сўралади. Ислон шарафини поймол қилиш деганингизга келсак, Ислоннинг шарафини ҳеч ким поймол қилмайди. Лекин мусулмонлар маданиятига кўланка солиш мумкин. Уни ҳам, хафа бўлмангу, сизнинг хатти-ҳаракатингиз қилади...

Узоқ баҳсдан кейин қўшнилардан сўралди:

– Марҳумадан розимисизлар?

Онамни таниган ва танимаган борки, шундай жавоб берди:

– Розимиз!

– Марҳумнинг бировдан қарзи бормиди?

Ҳамма бир оғиздан жавоб берди:

– Йўқ!

Бу имомнинг услуби бошқача экан. Кўп муҳокама қилинди. Онамни жаноза ташийдиган машинага қўйдилар.

Қаердасиз, сўзлар, келинлар, ўша ҳолатимни таърифлаб берайин!.. Онамни қора тупроқ бағрига қўйиб келдим. Рухининг сафари қайси бекатда ниҳояланганини Тангри билади.

Зоҳиран биз билган нарса, менинг эътиқодимга кўра тупроқ бўлган онам, жаннатдаги ҳовлисига кетганди. Онагинам. Жоним онам...

Алвидо, онагинам! Мендан рози бўлинг!

Қабристон тўла ота-она қалби-ла

Мозор хоки ҳам инграр алам-ла..

Олдинга қайтиш

Онамнинг вафотидан бир йил ўтди. Отам менинг ҳамон насроний эканимни билиб, қаттиқ ғазабланди. Лекин буни билдирмаслик учун кўп тиришди.

Юзимга қарамай сўради:

– Германияга қайтасанми?

– Йўқ, ота, мен шу ерда қоламан. Агар укамни менга қолдирсангиз, унга онадек ғамхўрлик қиламан, – дедим.

Ажабо! Укамни менга берди!

– Яхши бўларди. Бироз катта бўлгач, уни сендан оламан.

Боёқиш отагинам. Бола ҳали кичик, ҳарқалай бу ёшда насроний бўлолмайди, дея ўйлади. Шунинг учун уни менга ташлаб кетди. Катта бўлгач, шу хавотир сабабли уни мендан олмоқчийди. Отам ўзича ўйлаган динига бир кун киришимни ўйлаб, онамнинг вафотини ҳеч қачон юзимга урмади, мени айбламади. Бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман, отажон! Сиздан миннатдорман, бу яхшилигингиз учун сиздан ердан кўкка қадар розиман!

Биз Уғур билан вилламизга қолдик. Уни бўғоздаги мактабга ёздирдим. Энди ўзимни она каби ҳис қилардим. Уғурнинг устида ўлиб қолгудай парвона эдим.

Кечалари унга Исонинг ҳикояларини айтиб берардим. Жуда севиб эшитгани учун баъзан бир ҳикояни икки-уч марта ўқиттирарди. Мен ҳам диний ҳикоялар болаларнинг қалбида тахт қурганини жуда яхши билардим. Ҳеч чарчамасдан гапириб берардим. Мусулмонларни ўйладим, улар болалар билан бунчалик шуғулланмайди. Бу ҳам менинг фойдамга ишларди. Бир куни Исмат девонани учратиб қолдим. Секин гап очди:

– Баъзи насронийлар ва иеговачилар қон олдиришни инкор қилишади.

– Ҳа, биламан, Инжилда қон ҳаромлиги ёзилган.

Ғоят донишмандлик билан жавоб қилди:

– Таврот сўхуфларни қўллаб-қувватлаш учун келди. Забур Тавротни тасдиқлади, Инжил Забур, Таврот ва сўхуфларни тасдиқлади, Ислом эса Инжил ва ҳаммасини тасдиқлаш учун келди. Ҳар бир келган янгилик билан келгани учун Инжил Таврот ва Забур шариатини, Қуръон эса Инжил ҳамда бошқаларининг ҳам шариатини қабул қилди. Шунинг учун имон асослари ҳаммасида бир хилдир. Исо алайҳиссалом даврида қон қўйиш бормиди, билмайман. Мен шундай ўйлайман: қон олиш эмас, қон ичиш ҳаром бўлган. Ислом келганида эса гап инсон ҳаёти ҳақида кетганида, инсон очликдан ўладиган бўлса, ўлиб қолмайдиган даражада чўчқа гўштини ҳам ҳалол қилган. Ўлиб қолмаслик учун ейиш мумкин яъни. Қон олдириш ҳам шундай. Аллоҳнинг динига қулоқ сол, Жамила. Ислом ҳамма нарсани қамраб олган.

Қаттиқ ғазабландим:

– Жиннимисан сен?! Мен шундай қиламанми? Бизнинг шоҳидлардан неча киши ўлиб кетса ҳам қон олдиришмади. Эътиқодлари шундай. Сен эътиқодни мазах қиляпсанми?

Жинни бўлса ўзига! Одам бу жинни-ку деёлмайди, асаби қуюшқондан чиқади. Жавоби ғалати бўлди:

– Биз ҳеч кимнинг эътиқодни масхара қилмаймиз. Муҳокама қилиш бошқа, масхара қилиш бошқа нарса. Аввалги шариатларнинг баъзи қоидалари ўзгарганини биламан. Ҳақорат ва масхара қилиш масаласига келсак, биз томонларда масхара қилиш йўқ. Энди сиз томонга бир қарасак, хўш, сизлар томонда бизнинг динимизни ҳақорат қилиш йўқми? Масхара қилиш йўқми?! Албатта, буни мен эмас, сен яхши биласан!..

## 24-qism

Гулдерен бор ғайрати билан ҳаракат қиларди. Атрофда нечта турар жой биноси бўлса, ҳаммасини айланиб чиққан, суратли варақалар ёпиштирган, биноларнинг почта қутиларига солиб қўйган, бирор савол туғилса, менга қўнғироқ қилинг, жавоб топиб, сиз билан баҳам кўраман, деб ёзган экан варақаларига. Онаси телефон қўнғироқларидан безор бўлиб кетибди. Баъзи қўнғироқларга у жавоб бериб қолса: “Бу ерда унақа одам йўқ!” – дермиш. Гулдерен бир йилда ўн бир нафар қизни тайёрлабди, улар билан дарс қилар экан. Уларга сизлар менинг ўн бир юлдузимсиз, дермиш. Менга унча гапирмасди, бу хабарларни онасидан олардим. Мен ҳам майдонга чиқиш учун изланишда давом этдим. Еттита мусулмонни насроний қилдим. Лайло билан дугонаси анчагина мусулмон ва насронийни шоҳидлардан қилган экан. Лекин “Булар кам” дейишарди. Таркан Иегова шоҳиди бўлганини айтарди, лекин ҳали бўлиб улгурмаганди. Саволлари тугамасди. Гулдереннинг хаёли менда эди. Сабрига ҳам қойил қолдим бу қизнинг. Унинг ғайрат-шижоати туганмас-битмас эди, аксинча сувдаги пуфаклар каби ортгандан-ортиб бораверарди. Бир кеча яна уларникига бордим. Аслида у билан учрашишни аллақачон тўхтатишим керак эди, афсуски, буни уддалай олмасдим. Ўтирдик, мева ювиб келди. Сўнг гинали оҳангда сўради:

– Нималар қиляпсан, Жамила? Майдонга чиқиш қандай кетяпти? Бирор одамни насроний қилдингми?

– Ҳа, етти мусулмон ҳидоят топди...

– Ҳидоят арабча сўз ва бизнинг атамамиз, илтимос, уни қўллама!

– Нима қилай? Фақат шундай тушунтира оламиз. Бу ер Туркия, туркча гаплашиладиган жой. Нима дейишим мумкин?

– Унда туркча гапир, эътиқод қилди де! Қолаверса, мусулмон ҳам демагин. Ҳақиқий мусулмон ҳеч қачон насроний бўлмайди. Сен динидан умуман беҳабар одамларни биласан. Исми мусулмонча бўлса, ўзини ҳам мусулмон деб ўйлайсан. Қайси мусулмон насроний бўларди?! Нимага ҳам бўлсин? Исо алайҳиссалом ва Инжилга эҳтиромда бўлаверади. Мусулмоннинг шоҳидлардан бўлишга эҳтиёжи йўқ-ку! Ислום бу эҳтиром ва муҳаббатга изн беради.

Қаттиқ жаҳлим чиқди. Ғазаб билан ўрнимдан турдим:

– Сен ҳаддингдан ошиб кетяпсан! Мени келганимга пушаймон қиляпсан! Ҳасад қилаётганингдан нима деяётганингни билмайсан.

Ёнимга келди:

– Аҳмоқлик қилма, Жамила. Баҳслашяпмиз. Ҳасад қилишга келсак, ҳа, ҳасад қиляпман. Биродарларимни қўлимдан олишингга тоқат қилолмаяпман!

– Ҳа-а-а, улар мусулмон эмасди-ку?! Энди қандай қилиб биродаринг бўлиб қолди?

– Мени қистовга олишинг ечим бўлмайди. Албатта, ҳақиқий мусулмонни шоҳидлардан қилолмайсан. Ҳақиқий мусулмон динини жуда яхши билади. Ва шуни яхши биладик, Қуръон Тавротни ҳам, Инжилни ҳам тасдиқловчи ўлароқ туширилди.

– Сафсатангни қара! Ҳам уларнинг шариатини қабул қилмайсан, ҳам тасдиқлайсан.

Юзимга ғалати қаради.

– Инжил қанақасига Таврот шариатига амал қилмайдию, уни тасдиқлаган ҳолда туширилган? Инжилнинг тасдиқланишига имон келтирасану, Қуръонга келганда қайсарлик қиласан. Тавротда шанба куни балиқ тутиш ҳаром қилинган, бу иш насронийликда тақиқланмаган. Яна юзлаб масалалар бор. Сен фақат ишингга ярайдиган жиҳатини оласан.

Бу қиз бир йилда жуда кўп нарсаларни ўрганибди. Бир йилда бу қадар ўқиб-ўрганиш чиндан ҳам таҳсинга лойиқ эди. Мен ҳам ўзимча чиройли гаплардан жавоблар қилдим. Кейин ярашдик. У давом этди:

– Кеча бир хоним билан гаплашдим. Айюбда ўтирадиган Филиз деган устоз бор экан. Тадқиқотчи аёл экан, Ислумни жуда яхши билармиш. У билан телефон орқали гаплашдим. Бу ҳафта Лайлоларникида ўтказиладиган тадқиқингизга уни ҳам олиб келаман. Кўрайлик-чи, у билан гаплашганда қандай сабабларни кўрсатасиз. Қуръон

тутганингизни ўлдилинг дермиш-ку сизларнинг фикрингизга кўра, жавобини ўша аёлдан сўраб оласизлар.

– Келса келсин. Бизнинг қўрқадиган еримиз йўқ.

Чиндан ҳам қўрқадиган еримиз йўқ эди. Нимадан қўрқишим керак эди, бизга нима ўргатилган бўлса, уни мутлақо тўғри деб билардик.

Гулдереннинг онаси Амира хоним келди. Қизи билан гаплашмасди. Яна қизига харидор келган, қизи уни хоҳламаган экан, ақлдан озаёзганди аёл. Дарров менга шикоят қилишга тушди:

– Йўқ-йўқ, бу қиз ҳеч бир йигитни истамайди. Бу кишимга ҳеч ким ёқмайди. Бунинг устига, бу гал харидорлик қилган йигит диндор экан. Ҳайит намозларига қолдирмай борар экан.

Кўзларини сузиб, бироз тин олди. Амира хонимнинг тилига бошқа сўз келмасди. Яна ўша гапни такрорлади:

– Ҳа, ҳайит намозларига чиқар экан, – яна тин олиб давом этди: – “Айюб Султон” масжидида ўқир экан.

Яна бироз тин олиб давом этди:

– Бошига салла ўраб ўқир экан.

Гулдерен билан мен кулиб юбордик. Гулдерен сўради:

– Хўш, она, яна-чи? Ҳайит намозини ўқирмишми? Ислом учун бошқа қиладиган бирор иши бўлмагани учун битта нарсани ҳар хил ўлчамларда таърифлаяпсизми? “Оқшомдан оқшомгача ичаман!” деган одамдек...

Амира хоним яна ўша гапни такрорлади:

– Бунақада ўтириб қоласан! Ўттиз ёшга кирдинг!

Гулдерен жавоб қилди:

– Ўттизга эмас, она, йигирма беш ёшга кирдим. Лекин сиз ўттиз ёш десангиз, бундан кейин мен ҳам сўраганларга ўттиз ёшдаман деб қўявераман.

Бу гал Амира хоним бошқа маънода эътироз қилди:

– Йўқ! Зинҳор ундай дема! Мен жаҳлим чиққани учун айтяпман.

Ўзининг ёши билиниб қолишидан чўчиб шунақа деганди. Гулдерен иккимиз бунга яхши тушуниб тургандик. Оббо одамлар! Ёшини яширишнинг нима кераги бор экан буларга?

Кунларим шу зайлда ўтаётганди. Ойнурда ҳам жуда яхши ўзгаришлар бор эди. Шунга қарамай баъзи нарсаларни ўйлаб, сиқилаётганмиш. “Баъзан боши берк кўчага тушиб қолгандек бўламан, саволларимнинг жавобини тополмайман”, – дерди менга. Чўқингунича у билан шуғулланишни истардим, лекин у биздан узоқда яшарди. Ҳар замонда телефон орқали гаплашиб, кўнглини кўтариб турардим. Ҳар гал гаплашганимизда нолирди:

– Бир шоҳид хоним чўқинибди, менга суратини кўрсатди, чўмилиш кийимида суратга тушибди. “Эркаклар кўриб қолса-чи?” – дедим. “Кўраверсин, уларга опа-сингилдаймиз, кўнгли бузилмайди”, – деди. Онам ҳам буни эшитди. Онам бунга ҳеч ҳам ишонмади. “Бунақа бўлиши мумкин эмас, шоҳидларинг эркаклик ҳиссини нима қилади?! Булар ҳам бошқа эркаклар билан бир хил шартларда яратилмаганми? Хўп, шоҳидлар мусулмонлардек эмиш, зино қилмас, буни тушунса бўлар, лекин қалбини қандай бошқаради?” – дейди. Онамнинг айтганларини ўйлаб қолдим.

Мазият хонимга офарин, нақ ўлжанинг кўзидан урган эди.

Ойнурга Иеговани севганлар жинсий майлларини бошқара олишини айтдим. Ўзимдан мисол келтирдим. Мен Германияда покиза юриб, Туркияда қанчалик кирланганимни, суюқоёқлардан деяри фарқим қолмаганини, бу ҳолатдан мени шоҳидлар халос қилганини, улар ор-номус борасида ўта эҳтиёткорлигини айтдим. Бироз ҳовуридан тушгандай бўлди. Бир томондан тинимсиз Инжил ва Иегова шоҳидлиги билан боғлиқ китоблар ёзувчиси биродар Мете Суернинг китобларини ўқирди. Ҳар хил журнал ва варақаларни ўқир, Инжилга имони ортаётганди.

Бир куни яна асабийлашиб гапира бошлади:

– Тадқиқичим менга нима деди дегин? “Энди Аллоҳ демайсан, Иегова дейдиган пайт келди”, – деди. Тавба, тавба, Аллоҳни Аллоҳ демасмишман! Бир муддат айтилармиш-да, сўнгра айтилмасмиш. Бошим қотди! Бу қанақа иш энди?! Буни ҳазм қиломаяпман. Ёхуд мусулмонлар айтганидек, бу иш мен тушунмайдиган савдоми? Аллоҳнинг исмини нега тилга олишмайди? Ким ўзи бу шоҳидлар? Нима булар?

Ойнурга оиласининг таъсири ҳам кучли эди. Ота-онаси тинимсиз қаршилик қилар, уни Исломга тортишга уринишарди. Айниқса, онасининг бир гапи Ойнурни жуда ҳам таъсирлантирганди:

– Ойнур, бу қандай дин бўлди? Қизим, эс-ҳушингни йиғ! Иеговачилар маст бўлмайдиган даражада ичкилик ичармиш, аёл шоҳидлар денгизда чўмилиш кийимида эркакларнинг орасида сузармиш. Пляжда суз, бошини ўрама, ичкилик ич... Бу қандай қулай дин экан?! Бундай динда фақат маза қилиб яшаш борми? Имтиҳон-



чи?! Аллоҳ бандаларини имтиҳон қилиб синамаса, нега яратди?! Имтиҳон қилинмаса, яралишдан маъно, сабаб бўлмайди-ку!

Ойнур шундай жавоб қилибди:

– Улар зино қилишмайди, ёлғон гапиришмайди, қон олдиришмайди, ғийбат қилишмайди, Исога имон келтиришади.

– Менга ўхшаб улар ҳам очиқ юради. Улар зино қилишмайди. Мен ҳам зино қилмайман, мен ҳам уларнинг қилмаганини қилмайман, мен ҳам Исо алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлганига ишонаман. Хўш, мен ҳам Иегова шоҳидиманми?!

Онаси исломий ҳукмларнинг барини ўрнига қўймаса-да, инкор ҳам этмасди. Бу ақлли суҳбат эса Ойнурни ҳайрон қолдирганди. Боз устига, Ойнур онасининг гапларини кўп ўйларди.

Ойнурнинг Исломга қарши исёни, ақлига сиғдиролмагани қўл-оёқни кесиб ташлаш масаласи эди. Шунинг учун Қуръондан узилганди. Лекин шоҳидлардаги туш оламидай кўринган динга нақадар кўнгилдан имон келтирса-да, шубҳаларининг давоми кўринмасди. Бу қиз менинг ҳам бошимни қотирарди. Ишониши жуда қийин эди, бизга ўхшаб таслим бўлмасди. Эҳ, тезроқ чўқинса эди бу қиз. Чўқиндингми, ҳаммаси битди дегани. Инжилда айтилганидек, таслим бўлиш демакдир. Бу қарорни ҳам одамлар берарди. Аллоҳ билан бандаси орасига киради, деб поплардан нафратланардилар, чўқиниш ҳаққини ўзларида билишарди.

Бир неча ойдан кейин яна Ойнурни кўрдим. Анча ўзгарган, шубҳаларининг кўпидан фориф бўлганди. Севинч билан хушхабарни айтди:

– Энди муаммо қолмади ҳисоб. Иеговага таслим бўлдим. Тадқиқим ҳам яхши кетяпти.

Фурсатдан фойдаланиб сўрадим:

– Хўш, Қуръонга нисбатан бирор ҳис туйяпсанми?

– Иегова асрасин, Қуръондан буткул узилдим. Шундай дин Аллоҳдан келган бўлиши мумкинми? Сизлардан бўлмаганнинг қўл-оёғини кесинглар дейди-я. Тинимсиз қўл-оёқ кесиш билан шуғулланишяпти. Камига бизни алдаб, бу дин Аллоҳ томонидан туширилган дейишяпти.

Гулдеренга Ойнур ҳақида гапириб бердим. Асл мақсадим Гулдеренга шама қилиб, уни йўлга тушириш эди. Ойнурга айтганларимни такрор айтардимки, Гулдереннинг ҳам боши қотсин.

## 25-qism

– Ойнур ҳам чўқинса, сизлардан битта одам камаяди. Кейин сен ҳам бир куни чўқинасан.

У менга, мен унга бир нималарни етказардим. Ойнур Исломдан ҳаддан ташқари нафратланарди. Ислом деганда руҳий инқирозга тушарди гўё. Оиласига нисбатан ҳам буткул исёнкор бўлганди.

– Менинг эътиқодим шу! Ўлсам ўламан, эътиқодимдан қайтмайман! – дерди. Акаси ҳам қаршилиқ қилар, лекин ҳеч ким шоҳидлар каби яқинлашолмасди. Ойнур шоҳидларни инсониятнинг олий табақали вакилларидай билар, уларга маҳлиё эди.

Ойнурнинг бу ергача келиши осон бўлмаганди, илк кунларда, тадқиқ дарсларида тинчини бузган саволларига жавобан Қуръондан оятлар кўрсатиб, фикрини ўзгартиришга уринишарди.

Ойнур менга шундай деганди:

– Бир куни тадқиқда эдик. Қуръон, Инжил, Таврот нима бўлса, барини тавсифляпмиз. Қуръонда “Аёллар сизнинг экин ерингиз” деган оятини шундай тушунтиришдики, аёлларни истаган кўйингизга солиб фойдаланинг тарзида тушундим. Ғазабдан ўзимни қўярга жой тополмадим. Бу динга қара, аёллардан фойдаланишга ўргатяпти деб, исёним ортди.

Боёқиш Ойнур. У ҳам менга ўхшаб алданганди. Экин ерини камситилишдай кўришарди. Шундай кўрсатиларди. Аёлдан истаганингдай фойдалан дегани нимаси энди? Ҳолбуки, у ердаги маъно буткул ўзгариб кетарди. Уни бирови яхши ният билан тушунмагани учун ўзгартирарди, бирови атайлабдан ўзгартирарди. Ҳолбуки, бу оятда янглиш ва ҳаром жинсий муносабатлар тақиқлангани ҳақида гап кетарди. Экин майдони улар айтганидек оддий нарса эмасди. Қолаверса, “экин ери”дан ҳар ким хоҳлаганича фойдаланмас, “экини ери”дан ҳам фойдаланишнинг ўзига хос одоблари бор. Экин майдони оддий нарса бўлса, нега улар “юксак вазифа”сини “экин майдони” дейишарди? Буни сўраш ҳеч қайсимизнинг хаёлимизга келмасди. Чунки ҳаммаси аралаш-қуралаш тушунтирилари бизга.

Ойнур яна сўзида давом этди:

– “Ҳийла” деганига ҳам жуда ҳайрон қолдим. Менга шундай айтиб беришгандики, ўйлаб, ақл ва мантиққа сиғдирилмайсан. Эрақ хотинини хоҳлаган пайтида қўйиб юбориши мумкин эмиш. Ажрашганларидан кейин яна бирлашмоқчи бўлишса, хотини

бошқа эркак билан турмуш қуриб ажрашмасдан аввалги эрига турмушга чиқолмасмиш. Бу қанақа аҳмоқгарчилик? Буни эшитиб тентак бўлиб қолдим.

Аслида ундай бўлмас экан. Эркак аёлини бир бор талоқ қилса, яна ярашиб кетишармиш. Иккинчи бор ҳам талоқ қўйса ҳам ярашишлари мумкин экан. Бундан кейин яна бир бор талоқ қўйилса, ана унда эркакка жазо бериш учун хотини билан яна уйланишдан маҳрум бўлар экан. Фақат аёл бошқаси билан турмуш қурса ва бева қолса, ўшандагина уйланиши мумкин экан. Масала шундай очиқ ва аниқ. Одамларга шундай тушунтирилмаса, албатта, ҳаммага бошқача туюлади. Бунинг ҳам аслида нима дейилгани тушунтирилмасди. Лекин мен Ойнурни эшитган чоғларимда ҳаддан ортиқ берилган, чин дилдан Иегова шоҳиди эдим. Мен ҳам шундай деб билардим. Ва эътиқодимга кўра Ойнур билан гаплашардим.

Ойнур тадқиқларда кўп саволлар берар, барчасига жавоб оларди. Бир кўзим доим Ойнурни кузатарди. Гулдерен туфайли маҳалламиздан ҳеч кимни оғдирилмасдик. Тадқиқларимизга қўшилганлар бўларди, Гулдерен бундан қаттиқ ғазабланарди. “Биз нега эркин ҳаракат қилолмаймиз?!” – дер, бошқа ҳеч наса демасди. Филиз устоздан ҳам дарс олар, китоблар ўқирди. Биз кўп эътибор бермаганимиз Содиқ бей, ўша каптарвоз одам билан Таркан маҳалламизни ҳайрон қолдиришганди. Лекин одамлар динини ўзгартириши учун ҳайратланиши ёки маҳлиё бўлишларининг ўзи етмас экан. Шунга қарамай, Иегова шоҳидларининг хизматлари ўн йилдан кейин янада аниқроқ кўринади деб ўйлардим. Мен бор ғайратим ва иштиёқим билан хизмат қилардим, ичимда шубҳалар бўлса-да, шоҳидлардан эдим. Мен билан шайтон шуғулланарди. Уғур ҳам Исони яхши кўриб қолди. Унга Исони севдиришни уддалагандим. Маҳалламизда номим “Насроний атиргул” бўлиб чиққанди. Фақат Гулдерен “Мусулмон атиргули” дерди. Мен унга “Насроний атиргули” дердим. Вера бўлса, исмимни унутиб юборганди. Мен ҳам унга “Насроний атиргули” дердим. Вера ҳовлига сув сепаётганида ёнига бордим. Ҳовлисида ҳар хил гуллар экилганди. Чиннигул, қизил, оқ, пушти ва қирмизи нилуфар гуллари. Худди жаннат боғига ўхшарди Веранинг ҳовлиси. Ёнидан ўтган борки, мафтун бўларди. Бобом айтган ёмонликни Вера ҳалигача қилмаганди. Боз устига, яхшилиги ортган эди. Бир куни Вера билан дардлашдик. Раҳматли онажонимнинг жанозасида бобом қилган қўпол муомалани муҳокама қилаётгандик. Лайло юмшоқ ўриндиқда ўтириб китоб ўқиётганди. Бошини бизга ўгириб суҳбатга қўшилди:

– Мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам шунақа, жуда қўпол бўлишади.

Гапи тугамай тасдиқладим:

– Жуда тўғри айтяпсан, дугонажон.

Лайло ҳам мендан илҳом олди:

– Албатта, тўғри гапиряпман!

Вера сўзимиз бўлди:

– Йўқ! Ундай эмас! Мен ҳақиқий мусулмон ёшларни кўрдим, улар сизлар айтганингиздек эмас! Лекин жоҳиллари ўта нодон. Худди бизнинг жоҳилларга ўхшашади. Аслида Аллоҳни севмайдилар, агар севганларида қалбларида меҳр тўла бўлади.

Эътиқоди ўзиникидан фарқли инсонга салом ҳам беришмайди. Фақат сенинг бобонг ундай эмас, худди шундай бир воқеани ўзимизда ҳам кўргандим. Бир одам мусулмонмиди, яҳудиймиди, унча эслолмаяпман, қўшнимизнинг жанозасига келганди. Одамни калтак кўтариб қувишдан баттар қилишди. Мен доим айтаман-ку, Рабнинг ҳузурида қайси бири устун билмайман, лекин мусулмонларнинг жоҳили ҳам, насронийларнинг жоҳили ҳам бир-бирига ўхшайди. Шариатлари бошқа-бошқа бўлса-да, услублари бир хил.

Вера оқилона сўзларида давом этди:

– Қизлар, худди ҳар доим яхши кўриниш учун махсус тайёрлангандексизлар. Худди соатдек. Лекин унутмангларки, ҳар бир ташкилот авваллари тартиб билан юргизилади, сўнгра парчалана бошлайди.

Мен бу гапга эътироз билдирдим:

– Асло! Бизда парчаланиш бўлмайди!

Вера эътирозимга эътироз билан жавоб қилди:

– Одам бор жойда албатта парчаланиш бўлади, жоним. Парчаланмасайди, Совет Иттифоқи коммунистлари орасида парчаланиш бўлмасди. Улар бир хил хусусиятлари бўлишига қарамай, парокандаликка учради...

## 26-qism

Ҳар кунги баҳсимиз фақат дин ҳақида бўларди. Бир сўзимни кўп ўйлай бошладим. Лайло “Ҳамма мусулмонлар кўпол” деганда мен нега унинг гапини тасдиқладим? Ҳолбуки, мен Гулдеренга ўхшаган чинакам инсонни танирдим. У ҳам мусулмон эди ва асло жоҳил эмасди. Лекин қатъий қарорим у билан учрашгани тўсиқ бўларди. Уч-тўртта мусулмонда кўрганим кўполлик, маданиятсизлик таъсирини бир ҳақиқий мусулмон ўзгартиролмаганди. Вера ҳар кўришганимизда Фелиз устозни сўрарди. Сиртдан унинг жуда ноёб ва замонавий устоз экани қулоғимизга чалинарди. Уни

қизиқиб кутардик. Вера Филиз устознинг бу ҳафта бўладиган тадқиқимизда қатнашишини ҳам эшитганди. Лайлодан сўради:

– Бизникига Филиз устоз келармиш, шу тўғрими?

Лайло жаҳл билан жавоб қилди:

– Ҳа, тўғри. Бу ҳафта бўлиб ўтадиган тадқиқимизда қатнашади. Унга баъзи оятларни кўрсатиб, лол қолдираман! Шўрлик бошига нима кунлар тушишидан беҳабар ҳали.

Таркан суҳбатга қўшилди:

– Мен ҳам шунини ўйлаётгандим. Бу шариатчи жоҳилдан шундай нарсаларни сўраш керакки, ҳайратдан тошга айланиб қолсин. Балки уни ҳам шоҳидлардан қилармиз?!

Унга “жоҳил” дейиши мени мамнун қилганди.

– Беҳудага хомхаёлларга берилманглар, – деди Вера, – ҳеч қайси илмли муслмонни шоҳидлардан қилолмайсизлар. Сизларнинг шоҳидларга қўшганингиз номига муслмон, ўзи Исломни умуман билмайдиган, ўзини муслмон санайдиган соддадил юртдошларимиз эди.

Лайло яна эътироз билдирди:

– Биз шоҳидлардан бўлишини сўраб дуо қиламиз. Бизга қўшилса, тупроқ бўлишдан халос бўлади.

Ҳаяжон билан якшанбани кутардик. Гулдерен ҳам ҳаяжонда эди. Гўёки якшанба куни Лайлоларнинг вилласида учинчи жаҳон уруши бошланарди. Юрагимиз Лайлоларникидан айримас, худди уларнинг вилласида уриб турарди. Бувим ҳам энди шоҳидлардан бўлганимни эшитганди. Кўзларида ёш билан мандан сўради:

– Болажоним, сени насроний бўлди, адашди дейишяпти, тўғрими шу?

– Йўқ, ундай эмас, буви. Мен Ҳақ йўлига кирдим. Чинакам муслмон менман. Муслмон Аллоҳга таслим бўлган дегани эмасми? Шу-да, мен ҳам таслим бўлдим.

Содда нигоҳларини тикди менга:

– Шундайми? Яхши, болам, яхши. Аллоҳга таслим бўлмаган, шайтонга таслим бўлади.

Ниҳоят, кутган кунимиз келди. Ҳаяжондан юрагимиз тез урарди. Чунки Филиз устоз келганди. У билан танишдик. Лайло иккимиз ундан ўзимизни олиб қочмадик. Бир-биримиздан ҳар хил саволлар сўрардик, яхши жавоб берарди. Биз ҳам жавоб бердик унга. Аввал у бизга дарс берди. Бизга Аллоҳни англатишни бошлади. Қайта-қайта: “Аллоҳни инсон каби ўйлайсизлар, бу ўй оқибатида жуда катта янглишларга йўл очилади”, – деди. Инжил, Таврот, Забур ва Қуръондан гапирарди. Тавба-тавба, бу аёл

ғоят маданиятли, зиёли эди. Унга лол қолмасликнинг иложи йўқ эди. Ички дунёсига ҳар қанча эҳтиром оз эди. Ҳайратда эдик. Айниқса мен ҳаддан ортиқ маҳлиё, ҳаддан ортиқ лол эдим. Гулдерен ҳам унинг суҳбатига ғарқ бўлди.

Гулдерен Фелиз устозни ҳар ҳафта олиб келар, мен ҳам ҳар ҳафта бориб уни эшитардим. Номини дарс эмас, тадқиқ дерди. Ўргатувчига устоз эмас, тадқиқчи дейиларди. Бу билан Инжилда дин ўргатувчига нисбатан келган ҳукмга бўйинсунилмоқчи бўлинарди балки. Лекин номлар ўзгаргани билан ҳақиқат ўз мақомида турарди. Ҳар тадқиқ бир дарс, ҳар тадқиқчи насронийликни ўргатувчи диндор, устоз эди. Фелиз устоз англатган ҳар бир нарсага ҳайрат билан қулоқ тутардим. Кўпини биринчи бор эшитаётгандим. Тавба, тавба, булар Исломда бор экан, лекин нега олдин эшитмагандим ва бунга ким масъул?..

Орадан бир неча ой ўтди, зиддиятли ўй-хаёллар оғушида эдим. Қарама-қараш тушунчаларга қаармай, эътиқодимдан қайтмаётгандим. Мени зиддиятга туширса-да, эътиқодим эди у. Бу эътиқод кўйида онамнинг вафотига сабаб бўлгандим. Иегова шоҳидларидан вақти-вақти билан айрилишни ўйласам-да, суюк-суюгимгача етиб борганди уларнинг даъвати, айрилолмасдим. Нима қилиб бўлса-да, бу қарама-қарши ўй-хаёллардан халос бўлишим керак эди. Зерикиш ва ташвишлар билан кеча-кундузларим исёнда ўтарди. Бир куни бувим ва бобом билан тушлик дастурхони устида эдик, эшик қўнғироғи устма-уст чалинди. “Тинчлик бўлсин ишқилиб”, – дея эшикни очдим. Лекин хабар хайрли кўринмасди. Кейин билдимки, қанчадан-қанча ёмон кўринганлар аслида хайр бўладию, лекин буни кишилар билмайди.

Эшикда қўшнимизнинг ўғли Ойдин турарди. Бола эмасми, одам руҳиятини билмасдан хабарни етказди:

– Жамила опа! Уғур синфнинг деразасидан ерга тушиб кетди, ерда қонга буланиб ётибди...

“Укажooooон!” деб фарёд урганча уйдан чиқдим. Ойдин билан бирга воқеа жойига келдик. Укамни касалхонага олиб кетишган экан. Шу заҳоти такси тутиб, мен ҳам касалхонага кетдим. Касалхонага етиб борганимда жиннига ўхшардим. “Уғурим! Уғурим қаерда, айтинг, одамлар!” – дея ўзимга-ўзимга фарёд қилардим. Одамлар менга ҳайрон бўлиб, ғалати қарашарди. Шошинч тиббий ёрдам бўлимига бордим. “Бола бизда, докторлар унга қарашяпти”, – дейишди.

Укам ётган бўлимнинг эшиги олдида кутяпман. Тилимда тинимсиз шу дуо айланади: “Тангрим! Тангрим, ўтинаман, укамни Ўзинг асра!”

Инсон хотиржамликда Аллоҳга муҳтожлигини ҳис этмайди. Бир инқилобчи қизнинг гапини эсладим: “Мен Тангрига муҳтож эмасман”, – деганди. Худди мукаммал

ишлаётган соатнинг менга уста керак бўлмади, таъмирчи ҳам керак бўлмайди деганидек. Аллоҳ бунёд этган ҳолатлар соат каби мукамал ишлаганда, ҳунарни ўзидан билмоқ, бошқа қудратга эҳтиёж туймаслик эди. Ҳозир мен бу эҳтиёжни томирларимдаги қонларим қадар туяман. Ҳаяжондан жойимда туролмайман. Сониялар шунчалик узун эдими? Ҳолбуки, бошқа пайт вақт ўтгани ҳам сезилмайди. Ўша ерда англадимки, вақт ҳам ҳолатга қараб ўзгарар эмиш. Укамни бир лаҳзага бўлса ҳам кўришни истардим, лекин мени ичкарига олишмади. Бирдан эшик очилди. Шифокорлардан бири чиққанди, жонҳалак сўрадим:

– Укам ўлдими, яшайдими, доктор? Ўтинаман, бирор нима денг!

Шифокор одатдагидай жавоб берар, лекин менга оғзини бир соатда бир очаётгандай туюларди. Ҳолатга қараб воқеалар шакли ўзгарарди. Аранг сўзлаётгандай жавоб берди:

– Ҳозирча тирик. Зудлик билан қон қуйишимиз керак. Ҳозироқ қон гуруҳини билишимиз зарур. Қон гуруҳини билсангиз айтинг, вақт йўқотмайлик.

– Нима?! Қон қуясиз?! Бўлмайди! Бу динимизда тақиқланган!

Шифокор менга ғалати қаради:

– Сиз ақлдан оздингизми? Қанақасига тақиқланган бўлади? Бунақа мутаассиблар бу давлатда қандай қилиб ҳокимият тепасига келиб қолди, билмайман!

– Биз ҳокимият эмасмиз, ўтинаман доктор, бошқа чорасини топинг, укамга қон қуйишингизга йўл қўймайман.

– Унда укангиз тирик қолмайди. Жуда кўп қон йўқотган.

Энди нима қиламан? Шоҳидлардан бири қон қуйишни қабул қилмаган ва шу сабабли ўлган, уни мақтаб мақтаб гапиришганди. Бошқа одам ўлса мақташ ёки сўкиш осон, лекин бу нарса ўз бошингга тушса, ҳечам осон эмас. Кўз ёшларим сел бўлиб оқарди. Бунча кўз ёш инсон танасининг қаерида тўпланиб турар экан? Тинимсиз йиғлардим.

– Бир сиз мусулмонмисиз, синглим? Қанча имомлар, ҳожилар, домлалар қон олдиришади, қон қўйдиришади. Ҳаром бўлса, улар қилмасди-ку бу ишни. Фақат сизга тегишлими бу эътиқод?

Имон келтиргандим, эътиқодим нимани талаб қилса, шуни бажарардим. Туркия Республикаси эътиқодимни ҳимояга олганди. Давлат томонидан ҳимоя қилинганимга ишониб шифокорга бақирдим:

– Эътиқодимни нега мазах қиласиз?! Мен мусулмон эмасман, мен чинакам насроний, Иегова шоҳидиман! Бизда қон олдириш ҳаром. Бундай қилолмайман! Сиз мени камситолмайсиз! Бунга умуман ҳаққингиз йўқ, жаноб!

Шифокор эътиқодини бу қадар онгли равишда ёқлаган одамни энди кўраётганди чоғи, ҳайрат билан жавоб қилди:

– Ўзингиз биласиз. Бола ўляпти.

Бошқа шифокрлар ҳам ёнимга келди. Бир доктор мени укамнинг ёнига олиб борди:

– Мана уканг, унга яхшилаб қара, балки бу охириги кўришинг бўлиши мумкин.

Ўша лаҳзаларда Исмат девонанинг айтганини эсладим. Бир гал шундай деганди: “Ислом инсон ҳаётига шу қадар жиддий қарайдик, ҳаром қилган бир нечта нарсани ўлимга сабаб бўладиган ҳолатларда ҳалол қилган”. Фелиз устоз ҳам бу масалада шундай деганди: “Қон қуйиш ақл топган неъматдир, инсониятга фойдаси бўлган ҳар қандай неъматни, у кимдан келса келсин, қабул қилиш керакдир. Зеро, у ҳам Аллоҳнинг бандаларга илм билан келган раҳматидир”.

Иккиланаётгандим. Бу тараддудланиш инсон қалбини қай ҳолга туширишини ҳеч тушунтиролмайман. Кимдир юрагимни кўра олганида, ишончим комилки, унда дўзахда ҳам бўлмаган оловни кўрарди. Нима қиламан энди? Чорасиз ҳолда бир пастга, бир юқорига чиқардим. Укамнинг ёнига бордим, уни ўпдим, ўпавердим, қайта-қайта ўпдим.

Бир қарасам, унга қон қуйилаётган эди. Ақлдан оздим. Бор овозим билан бақира бошладим:

– Уни чиқаринглар укамнинг қўлидан! Ўтинаман, ҳозироқ чиқаринглар!

Шифокорлардан бирининг қаттиқ жаҳли чиқди:

– Тентакмисан сен, ҳой қиз?! Бола ўлади-ку!

– Ўлсин, майли, сиз чиқаринглар!..

Бирданига оғзимдан чиққан сўз қулоғимга ўқдай қадалди:

– Йўқ, йўқ, ўлмасин! Жоним укам ўлмасин! Дунёда ундан бошқа жигарим, яқиним йўқ. У менга онамдан қолган ёлғизгина хотира, ўтинаман, укам ўлмасин!..

Ўша жойда чўкиб ўтирганча ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошладим.



Қон қуйишларига рози бўлдим. Демак, мен яхши шоҳид эмасдим. Шайтон қонимга кирганди. Ўзимни катта гуноҳга қўл ургандек ҳис қилардим. Лекин эътиқод борасида ҳам иккинланардим. Қандай қилиб бизга замонга тўғри келмайдиган деб кўрсатилган Ислом дини қон олдиришни тақиқламайдию, замонавий қилиб кўрсатилган насронийликнинг баъзи мазҳаблари буни қабул қилмайди?.. Бу азобни ўз бошимга тушганида англадим. Укамнинг боши устида эрталабгача ўтириб чиқдим. Бобом билан бувим ҳам келишганди, улар ҳам йўлакда тонг оттиришди. Икковлари ҳам Уғурни қаттиқ яхши кўришарди. Ярим тунда чиқиб қарасам, икковлари ўриндиққа суюниб ухлаб қолишибди. Тонгга яқин Уғурим кўзларини очди. Менга бир қарадию кўзларини юмди. Тонгги саккизда ким келди деб қарасам, Вера келган экан. Ниҳоятда қайғурган эди.

– Аллоҳ сабр берсин, хафа бўлманглар, орқада қолади, иншааллоҳ, – деди. Бу орада сумкасидан ўроғлиқ бир нарса чиқарди. – Кечки пайт сизларникига ўтгандим, уйда ҳеч ким йўқ экан. Булар касалхонада қолишади, бир нима тайёрлай, оч қолишмасин дедим. Кечқурун келгандик, ичкарига киритишмади.

Жуда чиройли гапиради-да шу Вера. Бобомга қарадим, ажабо, уятдан бошини кўтаролмасди.

– Тунда кимлар келди? – дедим. Гулдерен билан Лайло келишдимикан дея ўйлаётгандим.

– Ҳаммамиз келдик. Лайло, Таркан, Гулдерен. Яна кимни кутаётгандинг?

Ҳеч кимни кутмайман, улар менга етади. Кўп ўтмай Лайло билан Гулдерен келди. Шундай оғир пайтларингда дўстларингни ёнингда кўриш жуда ҳам яхши экан. Буни ўша кунда тушунгандим. Туни билан ухламагандим. Гулдерен қўярда қўймай: “Мен Уғурнинг ёнида қоламан, сен бор, уйда ухлагин”, – деди. Кетишим керак эди. Уйқусизликдан, ҳорғинликдан кўзларимни очолмасдим. Вера, Лайлолар, бобомлар билан бирга касалхонадан чиқдик. Бир қарасам, касалхона эшигининг олдида қўлида бир даста гул билан Исмат тентак турибди. Уни кўриб бир бошқача бўлдим. Дарҳол пешвоз чиқиб қўлимга гулдастани тутқазди:

– Кўрган кечирганинг шу бўлсин, насроний атиргули. Айбга буюрмайсан, ичкарига киролмадим.

– Нега кирмадинг?

Саволга қаранг! Бу ер савол берадиган жоймиди? Баъзан инсон жавобини истаган саволни беролмай, унинг ўрнини тўлдириш учун беъмани нарсаларни сўрайди. Исмат шундай деди:

– Мен касалхонага киролмайман.

– Нега?

– Касалхоналарда узоқ ётдим. Нақ саккиз ярим ой. Шундан сўнг қалбимда асорат қолди.

Қайфуга қоришиқ хушнудлик билан миннатдорчилик билдирдим. Гулдастани уйга келганимда очиб кўрдим. Гулдонга қўяр эканман, кўзимга изҳор қоғози кўринди. Қизиқиш билан очиб ўқидим: “Насроний бўлсанг ҳам инсон юраги уриб турибди сенда. Аллоҳдан сенга сабр беришини сўрайман. Исмат девона” деб ёзилган эди. Руҳий касал одам ўзини девона дейдими? Ёхуд ўзига бошқалар нигоҳи билан қарагани учун “Исмат девона” дермиди? Буни ҳеч билолмадим...

\*\*\*

Бир неча кундан кейин Уғурим соғайиб, аввалгидан ҳам кучга тўлиб касалхонадан чиқди. Аммо бувимга мен ҳақимда яна бир нималар дейишибди чоғи, кўзларимга музтар термилиб сўради:

– Қизим, нега сени насроний дейишади, тушунмайман. Мендан бирор нарсани яширмаяпсанми, ишқилиб?

Кескин жавоб қилдим:

– Мен Аллоҳга имон келтирган бандаман, бувижон. Имон келтирганимнинг ўзи сизга етмайдими?

Боёқиш бувим кўнгли пок аёл эди, яна менга алданди:

– Яхши, болажоним, яхши. Албатта жуда яхши қилибсан, имонсизлик Аллоҳ авф этмайдиган гуноҳ...

Аслида ич-ичимдан виждон азоби чекаётгандим. Нима қилишим керак эди? Тўғриси айтсам, изоҳлашга қийналардим. Мени тушунмас, фақат ранжирди. Ўтиқодимни яширишнинг бошқа ҳеч қандай асоси йўқ эди. Мен атайлаб яширсам, жонимдан ортиқ яхши кўрганим онажонимдан сир тутган бўлардим. Бувим билан гаплашаётганимизни бобом эшитиб турганди. Бизни диққат билан эшитарди ва бобом асл ҳақиқатни биларди. Лекин дадамдан қаттиқ жаҳли чиққани учун менга ҳеч нарса деёлмасди. Ҳа, ҳеч нарса деёлмасди. Аллоҳ учун қилинмаган иш шундай бўлади. Бобом ҳам шундай гинаси қаттиқ одам эканки, бир бор бўлса ҳам: “Қизим, нега Исломдан чиқдинг?” – деб сўрамади. Ҳа, унинг дарди чиндан ҳам Аллоҳ ва дин эмасди. Ўзининг ғурури, анонияти эди. Ва буни қойилмақом тарзда исботлади.

Вилламиз айвонида китоб ўқиб ўтирганимда Самира опа келди. Қичқира-қичқира мени ҳақорат қила бошлади:

– Сен адашгансан! Сен динимизга хиёнат қилдинг! Уялмасдан қизимни ҳам қўлга олибсан.

Ундан жаҳлим чиқмайди, қаттиқ гапирмайман деб аҳд қилгандим. Қон қуйдириш эътиқодимга дарз кеткизган бўлса-да, мен ҳамон ўзимни ўша динда деб санардим. Самира опа ғазабини сочишда давом этди:

– Устинглардан полицияга шикоят қиламан. Кўриб қўясизлар, бу якшанба кўрсатиб қўяман сизларга.

Жоҳил аёл нималар деётганини билмасди. Унга қаттиқ гапириш бизга ярашмасди. Мен хушмуомалалик билан жавоб қилдим:

– Унақа деманг, Самира опа. Биз ҳақ йўламиз, нега биздан жаҳлингиз чиқяпти, билмайман. Аввал динга бепарволигимизда бизни койимасдингиз-ку? Энди сизга нима бўлди?

У мени ҳақорат қиларди, мен унга илтифот қилардим. Асаблари қақшарди, оғзига келганини қайтармасди. Бирдан телефон жаранглади. Гулдерен қўнғироқ қилаётганди. Полиция маҳкамасидан қўнғироқ қилаётган экан, овози ваҳимали эди:

– Жамила, ҳозироқ бу ерга кел, илтимос. Мен полиция идорасидаман. Келаётганингда “Аллоҳга таслим бўлиш аслида нима дегани?” деган китобни ҳам олиб кел. Менга жуда керак бўляпти, – деди.

Полиция идорасига борганимда Гулдерен комиссарнинг рўпарасида ҳам йиғлар, ҳам гапирарди:

– Мен ўз юртимда, ўз динимни англатолмайман. Мени дарров полиция олиб кетади, лекин булар мутлақо эркин ҳаракатланади. “Бизнинг хос қарорғимиз йўқ” дейишадия, борган жойларини қароргоҳ қилиб олишади. Лекин мен диним билан боғлиқ икки оғиз гапни ҳам гапиролмайман. Бу қанақаси, комиссар бей? Бу қанақаси? Бу ўлка бизнинг юртимиз эмасми? Бу айрилиққа яна қанча чидашимиз керак?

Комиссар қаттиқ оҳангда мавзудан ташқари савол берди:

– Сен қанақа диндорсан, ўзи?! Бошингу кетинг очик! “Диндорман, мусулмонман” дейсан, аввал бошингни ёпиб олгин, хўпми?!

Гулдерен ёноқларини юваётган кўз ёшларини артаётиб сўради:

– Сизнинг аёлингиз ва қизингизнинг боши ёпиқми?

– Йўқ... Нима алоқаси бор буни?!

– Хўш, улар динсизми?

– Аҳмоқона гапларни йиғиштир, қиз! Нега динсиз бўлишаркан?! Менинг уйимда Аллоҳни танимаган одам яшамайди! Сен менинг кимлигимни билмайсан, чоғи?!

– Хўп, сизникилар очиқ бўлишса-да, диндор бўлишадую, мен бўлолмайманми? Бунинг устига, мен рўмолни инкор қиладиган жоҳил “зиёли”лардан эмасманки, динсиз бўлсам! Иншааллоҳ бир куни мен ҳам ўранаман...

– Лекин сен динчисан-ку, қизим. Динчи дегани ўранган бўлади.

– Ўранган бўлганимда мени бу ерга олиб келмасмидингиз, жаноб?

Комиссар бу саволга ҳайрон қолди:

– Нима алоқаси бор бунинг?

Комиссар юзини буриштириб менга қаради ва сўради:

– Бу ким?

– Дугонам.

– У ҳам динчими?

– Ҳа, лекин Туркия Жумҳурияти қонунчилик, ижро ва суд тизими томонидан илтифот кўрган динчи. Ҳатто айрим оммавий ахборот воситаларидан ҳам.

Комиссар ўрнидан турди:

– Тушунмадим? Нима, нима, нима?! Бу қиз ҳам динчи, лекин?

– Лекини шуки, бу қиз ҳам динчи, ҳам миссионер. Аслида сиёсий хавф бунда бор, лекин у эмас, биз айбланамиз. Мен улар ҳам айблансин демайман, лекин ҳеч бўлмаса бизда ҳам улар каби эркинлик бўлсин дейман. Биз ҳам бу юртнинг фарзандимиз-ку?!

Кўзларини қисиб гапирадиган комиссар сўради:

– Сенинг эркингни ким чекляпти?

Гулдерен комиссарга узоқ қараб туриб жавоб қилди:

– Кулгимни қистатдингиз, комиссар бей! Мен ҳозир нега бу ерданман?

Комиссар юзларини буриштириб бақирди:

– Одамларнинг эшигига бориб уларни безовта қилар экансан-ку!

– Уйга киргизишмаса, мажбуран кирибманми?

– Ҳа, ўша уйдаги қиз шундай деди. Шунинг учун шахсий мулкка тажовуз қилишда айбланиб етти йилгача қамоқ жазоси берилиши мумкин.

Бирдан дунёим алғов-далғов бўлиб кетди:

– Йўқ! Дугонамни қамай олмайсиз!

Комиссар масхара қилди:

– Йўғе?! Буйруғингиз бош устига хонима! Модомики сиз шундай десангиз, унда қилмай қўя қолайлик. Сен овозингни ўчир, хўпми?!

Гулдерен қўлимдан китобни олиб орқа муқовани очди:

– Марҳамат, комиссар бей, Иегова шоҳидларининг давлат ҳимоясида эмаслигини айтдингиз, шу ерни ўқиб кўрасизми?

Комиссар Мете Суэрнинг “Аллоҳга таслим бўлиш аслида нима дегани?” номли китобини Гулдереннинг қўлидан тортиб олиб, кўрсатилган жойини ўқий бошлади:

"Иегова шоҳидларининг Туркиядаги ҳуқуқий ҳолати: Иегова шоҳидлиги Туркия аҳолиси реестерига ўтказилишига қарор қилинган. Расман тан олинган дин. (Т.Ж. Истанбул 20-Фуқаролик ишлари бўйича судининг 974/2885 рақамли қарори). Олий суд, Оғир жазо ва ҳарбий ҳуқуқ судининг қарорлари билан Иегова шоҳидлари фаолиятида жиноий ҳаракатлар йўқлиги аниқланди. Олий апелляция суди Бош ассамблеясининг 19.1979 / 275.К.1980 / 115 ва 23.3.1980 йилдаги қарори билан Иегова шоҳидларининг диний фаолияти қонун билан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги маълум бўлди. (Қаранг: Кассация судининг қарорлари журнали, 3-жилд, нашр, 137-бет ва 5-жилд, 7-сон, 1015-бет).

Мусулмонларга, Исломга берилмаган ҳақ-ҳуқуқ Иегова шоҳидлигига, насронийликка берилганди.

## 28-qism

Комиссар ёзувни ўқиб бироз тараддудланиб қолди. У ҳам ҳайратда эди.

– Оббо, мен бунчалик эканини билмасдим. Демак, улар истаганича диний фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга экан-да?

Гулдерен қатъий, лекин бироз синиқ оҳангда сўзларди:

– Мен бизга булардан ортиқ берилсин демайман, худди уларга берилган ҳуқуқ бизга ҳам берилсин. Менинг диним давлат ҳимоясида эмасми? Кечагина пайдо бўлган дин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгаю, биз бу ҳуқуқдан маҳрумми?.. Шу нарса менга алам қилади! Етти йил экан-ку, етмиш йил қамоқ жазосиз берилса-да, мен бу фикримни ҳимоя қилишда давом этаман, жаноб. Яна айтаман: давлат уларни қабул қилмасин, уларни ҳимоя қилмасин демайман. Уларга берилган ҳуқуқ менга ҳам берилсин дейман, холос.

Комиссар қошларини ишқалаб бироз ўйланиб қолди:

– Демак шунақа дегин?! Иеговачилар истаганича фаолиятини юргизади, сизларга эса бу ҳуқуқ берилмаган. Мен динчи эмасман, лекин...

Гулдерен унинг сўзини бўлди:

– Сиз динсизмисиз, жаноб?

– Менга қара, мен билан унақа терс гаплашма, асабимни бузаяпсан! Мен динсизга ўхшайманми?

– Динсизлик қиёфадан эмас, фикрлардан кўринади, жаноб. Бизга динсизлар қўйиб олган лақаб билан мурожаат қилиясиз. Шунинг учун сўрагандим. “Динчи” нима дегани? Биз мусулмонмиз, мусулмон дейиш шунчалик қийинми?

– Ҳммм, демак сизлар динчи сўзини хушламайсиз!

– Хушлайдиган жиҳати йўқ-да. Чунки бу лақабни бизга душманларимиз ёпиштирган. Яхши гап бўлса, бизга лақаб қилиб қўйишармиди?

– Майли, мавзуга қайтайлик. Демак, бу юртда насронийлар динини истаган ҳолатда тарғиб қилиш ҳуқуқига эга, шундайми?

– Ҳа, жаноб, шундай. Майли, бўлсин, лекин бизда ҳам бўлсин дейман.

Комиссар ўрнидан ўчиб турди ва столга бир мушт тушириб, давом этди:

– Унда сенинг ҳам ҳаққинг бор, тушундингми? Ислом дини ҳам давлат ҳимоясида! Қани бор, қаерда динни тарғиб қилсанг қил. Фақат қонунларга қарши бирор нима қилма. Отатуркни ёмонлаб бирор сўз дема.

Комиссар қулоқларигача қизариб кетганди. Тўғриси, мен ҳам жуда севиндим. Мусулмон бўлса ҳам Гулдеренни жуда яхши кўрардим. Гулдереннинг қамоққа тушишини ҳеч истамасдим.

Бир неча соатдан кейин Гулдерен қўйиб юборилди, мен ҳам енгил нафас олдим. Полиция идорасидан чиққанимиздан кейин биринчи ишим ундан ҳеч кутмаганим бу хатти-ҳаракатни сўраш бўлди:

– Гулдерен, сен сотқинликка ўтдинг. Бунақа хоинлик сенга ярашмайди. Ўзинг ҳам буни яхши биласан, тўғрими?

Бу орада катта кўчага ўтгандик. Кўча гавжум эди. Одамлар такси кутарди, биз ҳам уларнинг орасига қўшилиб кута бошладик. Гулдерен жавоб қилди:

– Сиз ноқонуний махфий ташкилот эмассизлар-ку, сизларни айтганим қанақасига хоинлик бўлади? Сизлар қонуний ташкилот, расман тан олинган диний ташкилотсизлар. Эътибор берган бўлсанг, мен ҳам сизларга берилган эркинликни истайман. Сир тутганларингизнинг ҳеч бирини гапирмаяпман. Менинг ҳам ҳаққим бор деб ўйлайман.

Ярқираган нарса нур эмас

Ниҳоят биз кутган кун келди. Филиз устоз ҳали келмаганди, лекин келиши керак. Тадқиқ кунимизда янги қатнашувчилар бор. Чамаси бугун саккиз-ўн чоғли одам бўлиши керак. Ойнурни ҳам таклиф қилдик. У ҳам орамизда, бир бурчақда индамай ўтирганди. Таркан Филиз устознинг келишини билар ва бундан бироз беҳаловат ҳам бўлганди.

– У динчи нега келади?

– Келаверсин, биздан балки унга ҳам фойда бўлар, – деди Лайло.

– Унда нега ҳалигача келмади?

– Келиб қолишади. Гулдерен олиб келгани кетганди.

Гулдерен билан Филиз устоз эшикда турганди. Филиз устоз ичкарида эркагу аёл аралаш ўтирганини кўриб, бироз хушланмади. Бундай йиғинларга одатланмаган эди. Лекин маънавий курашдалиги учун ҳолатини сездирмасликка уриниб, ўзига кўрстилган жойга ўтирди. Ҳаммамиз унга яхши муомала қилдик, ҳурматини ўрнига қўйдик. У ҳам жимгина юмшоқ ўриндиқда ўтирди. Тадқиқ дарсини Лайлонинг тадқиқчиси бериши керак эди. Қоидага биноан тадқиқ Инжилдан бошланмасди. Кичик китобчалар билан одамга таъсир ўтказилади, фикрини ўзгартиришга киришилади. Бу билан унга тушунчалар берилади ва сўнгра Инжилга ўтилади. Бугун ҳам “Аллоҳга таслим бўлиш нима дегани?” номли китоб билан тадқиқ бошланарди. Бу орада Исмат девона келиб қолса-да! Нега келганига ҳайрон бўлиб, ҳатто бундан беҳаловат ҳам бўлдик. Лайло ҳамон ташқарига чақириб, унга нималардир деди. Мен нигоҳларим остидан уларни кузатиб турдим. Бироз ғамгин, Лайлога нималарнидир

сўзларди. Нима деганини кейин билиб олдим. “Девона бўлганим учун сенга зарар етказишимдан қўрқяпсан. Ақлини йўқотганлар зарар беради деб ўйлайсан. Эсингда бўлсин, бу замонда ақли йўқдан эмас, ақлликлардан зарар келади”, – дебди. Жуда чуқур маъноли сўзлар! Бу қанақа девона, ҳеч билолмадим.

Тадқиқ йиғинимизга бир муҳандис ҳам қўшилганди. У мушриклардан эди. Бизни яхши кўрар, лекин “динчилар” дея мусулмонлардан нафратланарди. Филиз устозни кўрганида унинг юзидаги ифодани кузатдим. Аслида кузатишнинг кераги ҳам йўқ эди. Газета сарлавҳасидай бош ҳарфлар билан катта-катта қилиб башарасига ёзиб қўйилганди. Уни ўқимаслик мумкин эмасди. Шивирлаб мендан сўради:

– Бу асаббузар бу ерда нима қиляпти?

– Ўртоғим таклиф қилди.

– Таклиф қилишга бошқа одам тополмабдими?! – деди қош-қовоғини осиб. Жавоб қилмадим. Кўп ўтмай тадқиқчимиз китобни ўқий бошлади:

“Аллоҳга таслим бўлиш” аслида нима дегани? Адолатни севасизми? Тўполонлар, айрилиқлар, душманликлардан, қон тўкилишидан нафратланасизми? Айрим кишиларнинг дин, ирқ, синфий жамият, ёш ёки жинсий жиҳатдан бошқалардан ўзини устун санаши сизни хафа қиладими? Ҳамма қардош-биродар бирга яшашидан хурсанд бўласизми? Агар бу саволларга жавобингиз ижобий бўлса, бу кичик китобда муҳим нуқтани илғай оласиз. Бугун одамларнинг дўст-биродар бўлиб яшамаётганини айтишнинг ҳеч кераги бўлмаса керак. Қўшнилариңизни ёки бирга ишлайдиган жамоадошлариңизни олинг. Уларнинг нечтаси чиндан ҳам ҳалол, қалби тоза дея оласиз? Неча кишига ишона оласиз? Уларнинг сони кўп эмаслиги аниқ. Қоронғи тушганида кўчада ёлғиз ўзингиз қўрқмасдан юра оласизми? Эшигиңизни қаттиқ қулфламасдан ётиш хаёлиңизга келадими? Одамлар шунчалик изтироб чекаркан, бутун бошли халқлар қандай аҳволда? Ижтимоий муаммолар борган сари ортиб бораётган бир пайтда бир нечта сиёсатчи бойлик ва шўҳрат қозониш учун бир-бирлари билан олишмоқда. Миллионлаб кишилар очликдан ўлаётганида давлатлар қурол учун мисли кўрилмаган миқдорда пул сарфлашяпти. Бу орада кўпгина давлатлариңиз иқтисодиёти издан чиқиб кетмоқда ва одамлар келажагидан хавотир оляпти”.

Тадқиқчимиз тўртинчи моддага ўтмасдан, Исмат девонанинг овозидан чўчиб тушдик.

– Илтимос!.. Илтимос, Жамилани қўйиб юборинглар!.. – дея ташқарида бақирарди. Ҳамма менга қаради. Уялиб кетдим. Ўзимни эшитмаганга солиб илтимос қилдим:

– Бир жиннини деб дарсимизни бузмайлик.



Тадқиқчи тўртинчи моддани ўқишда давом этди:

“Тўртинчи. Ҳақиқатан ҳам инсоният тарихининг энг мураккаб даврида яшайпмиз. Мулоҳазали кишидар бу ҳақиқатни жуда яхши билдилар. Ўтган давр мобайнида икки ёзувчи замонавий дунёнинг айрим муаммолари; қурол-яроқ ишлаб чиқариш мусобақаси, иқтисодий инқироз, аҳоли кўпайиши, табиий ресурсларнинг камайиши, техникага мутаассиблик, нотўғри овқталаниш, атроф-муҳит ифлосланиши ва табиат мувозанатининг бузилаётгани хусусида тадқиқот ўтказишди. Изланиш натижасини китоб ҳолига келтириб, унга қуйидагича ном бердилар: “Дунё чўкяптими?” (Сезер Дуру, Ўрхон Дуру томонидан, 1975 йил, Истанбул).

Юқорида кўрсатилган муаммолар ечими учун инсонларнинг хатти-ҳаракатларига қаратилган изоҳга диққат қилинг:

“Тинимсиз тинчлик, бахт, олдиндаги яхши кунлар эртагини ўқиётган масъул шахслар яхши ниятларини аниқ мисоллар билан исботламайдилар. Бир куни Бухарестда “Бутун жаҳон аҳоли конференцияси”га йиғилишади. Бошқа куни Римда дунёда овқатланиш муаммоларига бағишланган тадбир ўтказилади. Бошқа куни Стокгольмда атроф-муҳит ифлосланишига доир мажлис бўлади. Бу йиғилиш ва конференцияларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ташкил қилинади. Шундай экан, бу муаммоларнинг ҳақиқий ечими бўлиши керак. Лекин аксарият ҳолларда бу йиғин ва конференциялар турли хил ижтимоий-сиёсий, илмий, нуқтаи назарлар, фикрлар тўқнашуви майдонига айланади. Бу ўйларга ҳамфикрмисиз? Олимлар ҳам нияти яхши бўлса-да, кам ҳолларда муваффақиятга эришадилар. Гўёки кўринмас бир қўл яхши ниятларга тўсиқ бўлади ва бу орада дунё борган сари ёмон аҳволга тушиб кетяпти. Бугуннинг муаммоларига ечим топилмаётганининг асл сабаби нима?”

## 29-qism

Ҳамма ҳаяжон билан биринчи бўлимда ёзилганларни эшитиб турди. Шундай гўзал, ўринли ва аниқ тадқиқотга Фелиз устоз нима ҳам дея оларди? Тадқиқчимиз сўради:

– Шу еригача бирор эътироз билдирадиган борми?

Ҳеч кимдан сас-садо чиқмади. Мушрик муҳандис – исми Мелиҳ эди – минғирлади:

– Ажойиб тадқиқот.

Сўнгра Фелиз устозга юзланди:

– Сизнингча бирор янглиш борми?

Мен ҳаяжондан қалтирай бошладим. Филиз устоз нима дейди, қандай муносабат билдиради? Босиқлик билан жавоб қилди:

– Шу ергача бўлган тадқиқотлар ғоятда ўринли. Биз ҳам шундай гапларни гапирамиз. Бизни ажратиб турган жиҳат ечим учун берилган тавсиялар ва кимнинг тавсияси тўғрироқ эканида. Яъни дунёни қандай формулада тузатиш мумкинлиги борасида. Зеро, бу мақолага ўхшаган фикрлар бизнинг китобларимизда ҳам бир неча марта чоп этилган.

Тадқиқчимиз ўз фикрлари билан яна бироз изоҳлаганидан сўнг ўша китобнинг “Муваффақиятсизликларнинг сабаби” номли бўлимини ўқиш учун яна китобни қўлига олди.

Мен ҳайратда эдим. Бир мусулмон насронийнинг мақоласини яхши деб тасдиқлади. Бобомни эсладим. Насроний ёки бошқа динга эътиқод қиладиганлар нима қилса қилсин, бобомга хуш келмасди. Улар нима қилса ёмон бўларди. Улар – кофир. Ундай бўлса, уларнинг ишлари ҳам нотўғри. Лекин Филиз устоз бобомга ўхшамасди. Мен хулосага шошиляпман, ғолибо. Кўрайлик-чи, олдинда аҳвол қандай кечади?

Тадқиқчимиз яна ўқишга тушди:

– “Муваффақиятсизликларнинг сабаби”. Айтайлик, кўйлак тиктириш учун ўзингизга ёққан матони олиб тикувчига боряпсиз. Тикилган либос устингизга ўтирмаяпти. Чевар чокнинг омадсиз чиққанига матонинг сифатсизлигини важ қилиб кўрсатади. Янги мато олиб, бу гал тикувчи хоҳлаган сифатли матони олиб яна ўша тикувчига боряпсиз. Лекин тикилган янги либос ҳам яна кўнглингиздагидай эмас. Муаммо матода эмас, тикувчининг ўзида эканини англаб етиш учун яна неча марта ўша тикувчига борасиз?

Шу жойида тош қаерга отилганини Филиз устоз англаб, Гулдеренга қаради. Мен уларга қараб турардим. Саккизинчи саҳифанинг охиригача келганди. Тадқиқчимиз давом ўқиётганди: “Мусо шундай огоҳлантирилди: “Ўзингга бут-санам ясамагин”.

Истар-истамас орамизда ўтирганлардан бирига кўзим тушди. Тадқиқчимиз давом этди: “Ва уларга ибодат қилмайсан” (Чиқиш, 20:4.5)

Филиз устоз сўз навбати сўради:

– Кечирасиз, мақола жуда узунга ўхшайди. Шунинг учун охирини кутолмайман, изнингиз билан бир нарса сўрамоқчи эдим.

Тадқиқчимиз жуда назокатли эди, хушмуомалалик билан жавоб қилди:

– Албатта, марҳамат.

– Мен шу ергача шуларни тушундим: мамлакатни бошқариш Аллоҳнинг қонунлари билан бўлиши керак демоқчи. Қолаверса, тикувчи мисолида кўрсатилганидай,

бугунга қадар туширилган динлар дунёни яхши бошқарилмаётганига шама қилган бўлса, олдинда ҳам шу мавзуга қайтилади. Мен бу китобни аввал ҳам ўқигандим, шу жумладан, “Қуръондан фойда йўқ. Агар Қуръон яхши тикувчи – бошқарувчи бўлса дунё шу ҳолга тушармиди?” демоқчи, адашмадимми?

Тадқиқчим жавоб берди:

– Ҳа, шундай, сиз ундай деб ўйламайсизми? 1400 йилдирки дунёга Қуръон ҳукмронлик қилади.

Ҳамма диққат билан уларни эшитар экан, Ойнур гапга қўшилди:

– Кечирасиз, аралашмоқчи эмасдим, лекин Мете Суер биродар бундай дейиши, бутун дунёдаги ғала-ғовурга Қуръонни айбдор қилиши мумкин эмас. 1400 йил олдин туширилган Қуръонни бугунги муҳит учун жавобгар қилиш ақлга сиғмайди-ку. Қолаверса, биродар Мете Суэр бундай демайди, деёлмайди! Илтимос, ўқиганларимизни тўғри тушунайлик.

Филиз устоз давом этди:

– Лекин Қуръонни биламиз деганлар Қуръонга ҳеч қулоқ солишмади-да! Айб Қуръонга итоат қилмаганларда.

– Бу қарашингиз тўғри эмас. Қуръон инсоният дардига дармон бўлса эди, инсоният бу ҳолга тушмасди. Мана, ислом дунёсини кўряпсиз, разолат бошдан ошган.

Филиз устоз ҳеч кутилмаган савол билан гўёки ўртага бомба ташлади:

– Хўш, унда айтинглар-чи, икки минг йилдан бери Инжил билан бошқарилаётган мамлакатлар нега адашиб-ўлоқиб кетди? Бу юртларда нега тажовуз, зўравонлик ҳаддан ортиб кетди? Нега қотилликлар дақиқа сайин кўпаймоқда? Ҳар бир дақиқада бир жиноят рўй бермоқда. Бу ҳолатда фойда бермаётган нарсаси Инжилми? Боз устига, 4 китобдан иборат ҳолда. Тўртта Инжил ҳам биргина Қуръон билан айна чизиқда айланяптими?

Ҳаммамиз бир-биримизга қарадик. Тадқиқчимиз совуққонлик билан Исонинг Аллоҳнинг ёнида эканини узоқ изоҳлади. Филиз устоз ҳам саволида давом этди:

– Исо учун, Аллоҳ учун бу иш шунчалик қийинмики, икки минг йилдан бери ишларини битириб ерга тушишмади? Менинг эътиқодимда бўлмаганини сўраяпман, албатта, тушунгандирсиз? Яъни айтмоқчиманки, дунёнинг бу ҳолга келишига на Инжил, на Қуръон айбдор. Хато гапирмайлик.

Тадқиқчимиз изоҳлади:

– Йўқ, сиз нотўғри тушундингиз. Инжилни сохталаштирдилар. Янглиш изоҳладилар демоқчийдим. Исони Аллоҳ дейишди, Инжилнинг қоидаларига риоя қилинмади, бутлар ясадилар. Дин кишилари манфаат ортидан қувди. Насроний дунёси Инжилга қулоқ солмади, унинг оқибатини яхши билиб турибсиз.

Филиз устоз сўради:

– Хўш, биз Қуръон тарафдорлари Қуръонни эшитмаганлари учун шу аҳволга тушишди десак, қабул қилмайсиз-да, Инжилга келганда нега бундай деяпсиз? Дорихонадаги дорини ичмай туриб касаллар қандай шифо топсин? Бу қоида сизнинг дорингизга тўғри келади-да, бизнинг доримизга тўғри келмайдими?

Жуда ўринли савол ташланди. Ҳа, мен ҳам ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Чиндан ҳам дунёнинг бузилишига сабаб қилиб Қуръонни кўрсатардик, майли-да, бу орада беш минг йиллик Таврот, икки минг йиллик Инжил қаерда эди? Нега булар дунёни асраб қололмаганди? Бизга Инжил кеча туширилгандай изоҳланарди. Нега бу услуб қўлланарди? Ўрнида берилган бу савол миямни уйғотиб юборгандек бўлди. Бу гал тўсатдан олдинги саволларни ҳам эсладим. Тадқиқчим жуда чиройли изоҳлар келтиришга уринарди, лекин ҳеч қайсиниси Филиз устознинг саволини тўлдирмасди. Филиз устоз давом этди:

– Ислом Инжил ва Тавротни қувватловчи ўлароқ туширилган дин ҳисобланади. Сизларда бўлган нарсаларнинг кўпи бизда ҳам бор, ислом думалоқ ҳалқанинг охириги ва яқунловчи қисми ҳисобланади. Айтмоқчиманки, сиз исломни яхшироқ билганингизда ҳозиргидан бошқача назар билан қараган бўлардингиз. Мусулмон бўлмасангиз ҳам Қуръонни бундай ҳақорат қилмаган бўлардингиз...

Тадқиқчи китобнинг “Бут-санам ясамайсан, уларга эгилмайсан” деган буйруғини яна бир бор ўқиди. Бу орада меъмор Мелиҳ эътиборимни тортди: “Бут-санам ясамайсан ва уларга ибодат қилмайсан” деган огоҳлантиришларда Мелиҳ бей бошини сарак-сарак қилар, қошларини чимиради. Гулдерен билан кўзларимиз тўқнашганида у мени кузатиб турганини сездим. Филиз устознинг саволларидан у ҳам мамнун бўлганди. Тадқиқчимиз насроний Мете Суэрнинг китобини ўқишда давом этди:

“...Исонинг яқин дўсти ва кузатувчиси бўлган Юҳанно ўз даврида Тангрига сиғинганларга шундай деди: “Эй кичик болалар, ўзингизни бутлардан асранг” (1. Юҳанно, 5:21). Мусо ва Исонинг дўсти Юҳаннонинг айтганлари билан насроний эканлиги иддао қилинаётганларнинг орасидаги фарқни кўряпсизми? Қолавреса, бу асрлардаги катта урушларнинг аксарияти насроний мамлакатларда бошланганига, насроний ва насроний бўлмаган юрт орасида юзага келганига эътибор қилдингизми? Шу ўринда салиб юришлари ва ўттиз йиллик урушни олсак, биринчиси мусулмонларга қарши шиддатли ҳужум эди, бошқаси эса насроний эканлиги иддао

қилинадиган миллатларнинг бир-бирларига қарши шиддатли қирғинбароти эдики, Исо ҳеч қачон бундай қилмаган бўларди. Исога аниқ-тиниқ қилиб шу амр келди: “Қилич тутганларнинг ҳаммаси қиличдан ҳалоқ бўлишади” (Матто, 26:52). Минг йилдан зиёд вақтдан бери насроний эканлиги иддао қилинадиган насроний дунёси қилич ва урушга мурожаат қилган. Ҳатто бугунги кунга келиб ҳам насроний дунёси халқлари модерн урушнинг турли хил қуроллари орқали дипломатик тарзда кўзни нишонга оляпти.

Филиз устоз шу ерда сўзни бўлди:

– Кўрдингизми, Мете бей ҳам насроний дунёсида тинимсиз урушлар давом этганини тан оляпти. Тикувчи мисолига қайтсак, Инжил ноҳақ айбланмаяптими? Биламан, насроний дунёси Инжилга қулоқ тутмагани учун бу урушларга сабаб бўлди, дейсиз. Ислом дунёсидаги хатоларни ҳам мусулмонлар хато қилишди демасдан, исломни айблаяпсиз.

Филиз устоз ҳаддан ортиқ таҳлилга берилганини тушуниб, узр сўради, тадқиқ дарси давом этди.

### 30-qism

“Исо тарафдорларига шундай деди: “Сизларга бир-бирингизни севинг дея яна буюраман. Мен сизларни яхши кўрганимдек сизлар ҳам мени севинг. Агар бир-бирингизни севсангиз, барча одамлар менинг шогирдларим эканингизни билишади” (Юҳанно, 13:34, 35). Насроний халқлар бир-бирларини яхши кўришади деб ўйлайсизми? Ҳарҳолда йўқ, дейишингиз аниқ. Чунки тарих давомида ўзаро курашлари ва урушларининг сон-саноғи йўқ. Ва бу халқлар орасида ифлослик, зўравонлик, ёлғончилик, фирибгарлик, ўғрилик ва бошқа номаъқул ҳаракатлар насроний бўлмаган миллатларда бўлганидек кўпайиб кетган. Алал-оқибат шуни таъкидлаш керакки, бу халқлар Масиҳнинг ҳақиқий шогирдлари бўла олишмади”.

“...Бошқа жиҳатдан ислом динига мансуб халқлар ҳақида нима дейиш мумкин? Аввал таъкидланганидек, мусулмон “Аллоҳга итоат қилувчи” деган маънони билдиради. “Итоат қилмоқ” бирига бўйин эгиш, тобе бўлиш демакдир. Шунингдек, Умар Насуҳи Билмен томонидан ёзилган “Буюк Ислом илмиҳоли” да (8-с.) шундай дейилади: “Ислом таъбирига келсак, луғатда итоат, инқиёт, бўйсунуш, таслим бўлиш маъносида келади. Истилоҳда эса Аллоҳу Таоллога итоат қилмоқдир. Бу сўз шу маънода буюк аҳамият касб этади. Агар барча мусулмонлар Аллоҳга таслим бўлганларида ўзаро тинчлик ва биродарлик ҳавоси ҳукм сурмасмиди? Ҳолбуки, мазҳаблар орасида бир-бирига нафрат ва мусулмон юртлар орасидаги урушлар

кўпаймоқда. Шубҳасиз, ростгўй мусулмон бу ҳолатларни кўриб: “Орамизда қанча мусулмон чиндан ҳам Аллоҳга таслим бўлган экан?” дея савол беради. Ёхуд диндошларининг хизмати учун пул олишлари яхшими?”

Филиз устоз яна сўз олди. Ва худди ўша услубда сўради:

– Мете бейнинг тадқиқотлари ўрни келганда жуда ҳам яхши. Бошида мусулмон юртларнинг урушини Қуръонга тўнқайдими, деб ўйлагандим. Агар шундай қилса, Ғарбдаги насроний давлатларининг бир-бирига қандай кунларни кўрсатаётганини эслаб, уларнинг айбдори Инжилми демоқчийдим. Тушундимки, Мете бей бундай демоқчи эмас. Бармоқ ишора қилаётган жойга эмас, бармоққа қараган эканман. Фақат мени бошқа нарса қизиқтиряпти. Имомларнинг пул олишини танқид қилмоқчига ўхшади менга.

Сиз Иегова шоҳидлари яқин-яқинларгача бутун дунёга текин китоблар тарқатардингиз. Энди-энди кўп танқидларга учраганингиз учун бироз пул оляпсиз ёки китобни омонат беряпсиз. Мен ҳам китоб тарқатишни истайман, лекин китобларни текинга ололмайман. Сизлар газета саҳифаларида эълон бериб, текинга Инжил тарқатасизлар. Мен тарқатолмайман. Масалан, мен Қуръон ўргатувчи ўқитувчиман. Эрталабдан кечгача болалар билан шуғулланишим, дарс ўтишим керак. Намоз суралари, намоз дуолари бор. Сизларда намоз бўлмагани учун уни ўргатишга эҳтиёжингиз йўқ. Бу ҳолатда мен ё ўқитувчилик қилмаслигим керак ёки бир миқдор маош олишим керак. Агар маош олмасам, бошқа ишда ишлашга мажбурман. Менга Америкадан маош келмайди. Ножўя даромадим йўқ, бу ҳолатда сизнинг шартларингиз билан бизнинг ҳолатимиз бир хилми? Бизда имом бир кунда беш маҳал намоз ўқитиши керак. Бу имом оч қолсинми? Сизларда бундай ибодат бўлмагани учун имомлик нималигини билмайсиз. Қолаверса, албатта, одамларни талаш каби пул йиғишга ҳаммамиз қаршимиз. Албатта, мазҳаб айирмачилиги урушларига рози эмасмиз. Лекин шундай урушлар ва мазҳаб айирмачиликлари Инжилда ҳам бўлган-ку, буни қандай инкор этасиз? Имомларимизга қарши гапирасизлар, ҳаддан ортиқ танқид қиласизлар, шунинг учун бу мавзуни кўтардим. Бизга ташкилот харажатлари сифатида ҳеч қаердан даромад келмайди. Шунинг учун халқни талаётган баднафс дин тужжорлари билан фақат ишига ҳақ олаётган яхши ниятли кишиларни адаштирманг, илтимос. Ва шахсларнинг айбини исломга юкламанг! Бир қарасам, ҳаммамизни мунофиқлар билан бир ўринда кўряпсиз. Бу қанақаси? Ўзингиздаги мунофиқларни шахсларга хос, биздагиларини исломнинг хусусиятлари каби кўрсатманг. Сизларда ҳам, бизда ҳам етарлича мунофиқлар топилади. Исо алайҳиссалом ҳақ олмаган. Аввал хаёлимдан фаромуш бўлганди. Қаранг, Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳивассалламга Қуръонда шундай буюради: “Сен: “Мен сизлардан ҳеч бир ажр-ҳақ сўрамадим. Бас, у сизга бўлсин. Менинг

ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида. У зот ҳар бир нарсага Ўзи шоҳиддир”, деб айт”. (Сабаъ сураси, 47-оят). Бу оятга ўхшаган буйруқлар Қуръонда яна кўплаб келган. Бундан кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳам ҳақ олмаганлар. Масала ижтимоий тусга кирган сари ўзгариб бораверади. Мете бейнинг дунёни таҳлил қилиши ўринли ва тўғри, Милован Жилас: “Дунёни буткул ўзгартиришни истаган одам аввал уни беҳато англамоғи керак”, дейди. Мен ҳам бу мулоҳазага шуни илова қиламанки, ҳа, дунёни буткул ўзгартирмоқчи бўлган киши уни беҳато англамоғи керак. Лекин қўлида Аллоҳ томонидан тайёрланган йўриқнома бўлиши керак. Бу китобда Мете бей дин бир жамоа каби кўринмаслиги керак, одамлар динларга объектив қарамаслиги керак деган фикрларни илгари суради. Худди шундай, мен ҳам қўшиламан ва худди шуни сизларга тавсия қиламан. Исломни тадқиқ қилаётганда шу ўғитни унутманглар. Хаёлимдан фаромуш бўлмасин, шуни ҳам айтиб қўяй, биз исломга амал қилиш билан Таврот, Забур, Инжил ва Қуръонга ҳам амал қилган бўламиз. Буни “Моида” сурасининг 68-оятда ҳам кўришимиз мумкин. Қолаверса, яна бир нарса мени қизиқтиради. Сизлар дунёнинг дин орқали бошқарилишини хоҳлайсизлар. Лекин шунга қарамай, диндан азият кўргандай қўрқадиган тизимлар сизларни кўкларга кўтаради. Шу жиҳатини ҳеч тушунолмадим. Балки менга буни бирортангиз изоҳлаб берарсиз? Гарчи менинг саволлар жуда кўп, лекин сизларни дарсдан олиб қўйишни истамайман.

Тадқиқчимиз бу ўқитувчига ҳаддан ортиқ имкон бериб қўйди. Бироз жаҳлим чиқаётганди, лекин бир нарсани билар деб ўйладим.

– Марҳамат, саволларингизни беринг, – деди тадқиқчимиз.

– Тингловчиларнинг олдида хижолатли эмасми?

Муҳандис Мелиҳ бейдан бошқа ҳеч ким эътироз қилмади. Таркан сеҳарланиб қолгандек эди. Лайло эса Филиз устозни унча менсимади. Мен жуда таъсирлангандим, тўғриси. Бир динчидан бундай гапларни ҳеч кутмагандим. Тадқиқчимиз Филиз устозга юзланди:

– Марҳамат, саволларингизни беринг.

– Аввалги саволларимга жавоб ололмадим. Сизлар дин билан бошқариладиган дунёни хоҳлашингиз ва бунинг учун ҳаракат қилаётганингиз барча асарларингизда намоён бўлмоқда. Хўш, дин деганда ғзаби тошадиганлар сизга қандай қилиб бундай имкониятларни беришяпти? Яъни дунёвий тизимлар ҳақида гапиряпман. Сизларга нега бундай бағрикенглик қилишади? Аввалги давлат раҳбарларига сизлар ҳақида гапирилганида: “Улар бироз кучайсин, ўшанда улар билан шуғулланамиз. Ҳозир фақат динчиларга йўналишимиз керак”, деганмиш. Диний ташкилот ўлароқ сизлар ҳаммамиздан кучлисизлар. Хуржунингизда бир нечта дунёвий каллаларни

хам кўрса бўлади. Баъзи прокурорлар билан яқиндан алоқаси борлар шарофати билан ишингизни бемалол олиб боряписизлар. Ҳайкалтарошлар билан жуда яхши келишаркансизлар. Исо алайҳиссалом тирик бўлганида улар билан бунчалик дўст бўлмасди.

Муҳандиснинг бу саволдан қаттиқ жаҳли чиқиб, дарсни тарк этиш билан таҳдид қилди:

– Бу аёлнинг саволлари жонга тегди. Илтимос, биз бу ерга уни эшитиш учун келмаганмиз.

Тадқиқчимиз эшитмаганга олиб Филиз устозга қаради. Филиз устоз жилмайиб давом этди:

– Баъзи тизимлар “Аллоҳ мақомида турсин” дейди. “Аллоҳ Ўзи яратган дунёнинг ишларига аралашмасин” дейишади. Бундай дейдиганлар ҳақиқатни билишмайди. Майли, мен саволларимга ўтай. Майда нарса бўлиши мумкин, лекин менинг диққатимни тортади.

Аллоҳ ўз ҳолига ташлаб қўйган жой чўқади, чириydi, йўқ бўлади. Ўзингиз ҳам буни биласиз. Динни давлатдан узиб қўйиш Аллоҳ дунё ишларини билмайди, дегандай бўлади. Нима деб ўйлайсиз, шунчалик ҳам беъманилик бўлиши мумкинми?

Ҳамма Филиз устозга қарагани, у сўзида давом этди:

– Рухсатингиз билан ўқитувчи масаласи билан бошлашни маъқул кўрдим. Ўзингизни устоз ёки домла дегизмас экансиз. Хўш, қилаётган ишингиз домланинг ишидан ёки попнинг ишидан фарқ қиладими? Ҳарқалай, домла исломни, поп насронийликни ўргатади. Сиз ҳам насронийликни ўргатяписиз, ҳозир қилаётган ишингиз шу эмасми? Қолаверса, Инжилда ибодатхона борлиги айтилади. Сиз ибодатхона йўқ деяписиз, ибодат маскани ибодатхона дегани эмасми? Объектлар исмини ўзгартириш билан объектни ўзгартириб бўлмайди-ку. Эртага яна кўпайиб кетсанглар, янада каттароқ масканларга муҳтож бўлмайсизларми? Номини маскан деганингиз билан у ибодат қиладиган жойми? Сизлар Исо Аллоҳнинг ўғлидир, деганингиз учун Аллоҳ Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассалламга шу оятларни луфт этди. Сизларга айтиш учун бу оятлар туширилди. Лекин негадир мусулмонлар фақат ўзи ўқийдию, насронийларга бу Ҳақ Сўзлар етказилмайди. Мана “Марям” сураси, 88-90 оятлар: “Улар: «Роҳман бола тутди», дедилар. Батаҳқиқ, жуда оғир нарса келтирдингиз. Ундан осмонлар парчаланиб, ер ёрилиб, тоғлар қулаб йиқилай, дейди.” Шунга қарамай Аллоҳга ота, Исо алайҳиссаломга ўғил дейишда давом этияписиз. Насронийлар Исо Аллоҳдир дейди. Биз Инжилга бундай сўзлар бўхтончилар томонидан қўшилганига ишонамиз. Сиз Инжилда бундай нарсалар йўқ дейсиз. Хўп, мен шу



китобдан баъзи жумлаларни олдим. Уларни қисқа қилиб ўқиб бераман: “Тахтдан буюк бир овоз эшитдим: «Мана, Аллоҳнинг чодир, одамлар билан бирга ва улар билан ўзи ўтирибди”. Нима демоқчи бу ерда?

### 31-qism

Қолаверса, мантиқли тадқиқотлар эгаси Мете бей қаламига мансуб китобнинг 56-57 саҳифаларида Исонинг Одам алайҳиссалом ва момо Ҳаво тақиқланган мевадан егани эвазига хочга михлангани айтилади. Насронийлар “Хочга михланган Аллоҳ эди. Одамнинг гуноҳи учун жазоланди”, дейишади. Сиз эса у Исо эди дейсиз. Аллоҳ бировнинг гуноҳи учун бошқа бировни айбдор қилмайдию, нега Исо алайҳиссаломга бу азобларни раво кўрсин? Қолаверса, Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаво гуноҳлари учун товон тўлашди. Нима учун ҳалигача у мева билан боғлиқ гуноҳ бор бўлсин? Мете бей Исо алайҳиссаломнинг хочга михланишини “Биз учун фидя бўлди”, дейди. Нега биз учун ёки сизлар учун фидя бўларкан? Момо Ҳаво ва Одам алайҳиссалом гуноҳга қўл уришган бўлса, бизнинг айбимиз нима? Нега биз тўхматга қолишимиз керак? Уларга мевани ейиши биз айтдикми? Йўқ! Унда бу ерда ақлни ишлатиш керак эмасми? Қолаверса, Мете бей ҳам Қуръонни уйдирма дейди, қўлингиздаги китобнинг 56-саҳифасига қаранг, шундай дейилган: “Одам ва Исо орасида ўхшашлик борлиги Қуръонда ҳам келтирилади. Шундай дейилади: “Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида Исонинг мисоли худди Одамнинг мисолига ўхшайди” (Оли имрон сураси, 59-оят). Шу мақоланинг давоми: “Тангрининг Исога кўрсатган марҳаматини шундай ифодалайди. “Аллоҳ: “Эй Исо ибн Марям, сенга ва волиданга берган неъматимни эсла. Сени муқаддас руҳ билан қўллаганимни, одамларга бешиқда ҳам, катталигингда ҳам гапирганингни эсла” (Моида сураси, 110-оят). Қуръондаги эллиқдан ортиқ оятда Исонинг отасиз туғилгани, мўъжизалар кўрсатгани, ҳатто ўликларни тирилтиргани қайд этилган, дейди Мете бей.

Энди саволимга келсак: унинг фикрича, Қуръон Ҳақ китоб эмасди-ку?! Агар Қуръон ҳақ китоб бўлмаса, унда Мете бейнинг айтишича, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалам ёлғончи. Хўш, одам ўз иддосини қувватламоқ учун нега бир ёлғончига суюнади?! Мен Инжилдан ёрдам олишим мумкин, чунки мен Инжилнинг ўзгармаган жиҳатларига ишонаман. Қолаверса, мен Мете бейнинг тўғри бўлган тадқиқотларини ҳам олишим мумкин. Чунки мен ақлнинг даҳосини инкор этмайман. Тўғри кимдан келса келсин, уни тан оламан. Лекин мен Аллоҳдан ваҳий олдим, деганида унга ишонмасдим, ўринли сўзлари, тадқиқотлари бўлса-да, тан олмасдим. Аммо фақат ўзига оидлигини билганим учун ўринли мулоҳазаларини оламан. Аллоҳ номидан айтганида асло бу гаплардан ўз эътиқодимни қувватлаш учун фойдаланмасдим. Исо алайҳиссалом ҳақида Тавротда ҳеч нарса дейилмаганки, "Муҳаммад уни Тавротдан

олган" деса?! Хўш, унда бу одам ёлғончининг ёлғонини қандай қилиб тўғри манба сифатида кўрсатади? Яъни ёлғончи деб билган кишининг сўзини демоқчиман.

Муҳандис Мелиҳ бей ортиқ чидолмади:

– Бу саволлар ҳаддан ошиш эмасми? Биз бу ерга сизни эшитишга келдикми ёки бу мутаассиб хонимни эшитишгами? Тангрининг қилган ишлари муҳокама этилмайди. Тангри истаса, Тур тоғига тушади, истаса чодирга. Муҳокама қилинадиган иш эмас бу.

Филиз устоз босиқлик билан шундай деди:

– Менинг гапиришимни истамаган жанобга ўхшаганлар менга “Ҳаж” сурасининг 8-оятини эслатади. Аллоҳ азза ва жалла бу оятида шундай марҳамат қилади: “Одамлардан Аллоҳ ҳақида билмасдан, ҳидоятга ёки нурли китобга эга бўлмасдан туриб тортишадиганлари бор”. Диққат қилсак, китоблари йўқ, демаяпти, нурли китоблари йўқ, деяпти. Бу оят ҳар қалай мусулмон бўлмаганларнинг ҳаммаси учун айтилса-да, менинг хаёлимга шу жанобга ўхшаганлар келади. Қаранг-да, Аллоҳ Турга тушармиш, чодирда ўтирармиш. Шу оят бундайларнинг ҳаққи бўлмасдан кимнинг ҳаққи бўлсин?!

Мен илк бор тилга кириб сўрадим:

– Сизнингча, аҳли китоб ҳам шу оятга кирадимми?

– Албатта, адашганларнинг ҳаммаси киради. Мусо алайҳиссаломнинг қавми илоҳ дея бузоққа сиғинди, яҳудийлар Узайр Аллоҳнинг ўғли дейишди. Насронийлар Исо Аллоҳ ва ёки Аллоҳнинг ўғлидир дейишди. Мен ҳеч қайсиси Аллоҳни ўз мақомига лойиқ кўрмади дейман. Аллоҳни мудом инсон онги чегарасида тасаввур қилдилар. Инсон онги эса катта деганда отани эслайди. Аллоҳ – Ота дейишди. Эркаларга Аллоҳнинг ўғли дейишди. Аллоҳ хаёлдан устундир. Хаёлга келган нарса Аллоҳ эмас, лекин айримлари буни билишмади. Аллоҳни одам ўлчовида кўргани учун бири Исо Аллоҳ деди, бошқаси Аллоҳнинг қудратини одам кучи каби ҳис қиладиган ҳолга келиб, бандаларига сўнгсиз жаннат ваъда қилган Аллоҳнинг қудратига нисбатан, улар ер юзидан кетгани йўқ, ўлганимиздан кейин шу дунёга қайтишни айтишди. Бу эса, менимча, Аллоҳнинг кучини идрок этмасликдан келиб чиқади. Ердан ўн карра, ўн минг карра эмас, юз минг карра, ҳатто ундан ҳам катта қуёшни, миллиардларча юлдузларни яратган Аллоҳга бошқа дунёларни яратиш қийин бўладими? Нега одамларни яна шу дунёга тиқиштирмоқчи бўлишяпти?

“Қўли қонга ботган диктаторлар қандай Худо ишташади?” Мете бейнинг бу саволи ўринли, лекин одамлар Худонинг қандайлигини Ўзидан келган китобдан ўрганмасдан ўз ўлчовларига хос Худо ишташади. “Шундай Худо бўлсинки, менинг ишларимга аралашмасин!” дейишади. Лекин Тангрига буюртма берилмайди. Шундай

экан, Аллоҳни ўз қамровимизда тасаввур қилмайлик. Ер миллиард йиллардан бери тегирмон тошидек бир томондан устига одамни чиқаради-да, кейин яна остига олади. Бу чархпалакка ўхшаган дунёга инсонларнинг келиб-кетиши давом этади. Шу миллиардлаб инсонларни нега яна ер юзига чиқади дейсиз? Аллоҳнинг қудрати янги дунёлар яратишга етмайдими? Аслида буларни айтишнинг ҳам ҳеч ҳожати йўқ. Сизлар шундай эътиқод қиласизлар. Буни қарангки, бизни ғаблантириш учун танқидларни ёғдирсангиз-да, биз яна шундай қилаверамиз. Зўравонлик ва камситишларсиз бир-биримизга даъват қиламиз. Буни ғоят оддий санаймиз. Мулоҳазаларингиздан келиб чиқиб айтаманки, тавҳид динига кириш дунёқарашни кенгайтиради ва инсон ҳақиқатга эришади. Тавҳид дини Қуръон ва суннатда билинади. Аввал Аллоҳнинг қудратини яна бир бор эслайлик.

Ҳаммамиз ҳайрат билан эшитаётгандик. Таркан қотиб қолгандек эди. Вера эса ниҳоятда мамнун эди. Бизга қараб жилмайиб сўради:

– Чой ичасизларми? Балки бироз тинчланиб олардинглар.

Таркан онасига жаҳл билан қарар экан, Фелиз устоз ҳеч нарса бўлмагандек давом этди:

– Жуда кўп гапириб юбордим. Сизлар ҳам сабр билан мени эшитдинглар. Миннатдорман. Агар рухсат берсангиз, мен ҳам бир китобдан мисоллар ўқимоқчи эдим. Билмадим, рухсат берасизларми?

Рухсат берилди. Бу орада Фелиз устоз сумкасидан иқтибос келтириш учун олдиндан белгилаб қўйгани Мустафо Ислomorphicнинг китобини олиб ўқишга тутинди:

– Назарий, ижтимоий, сиёсий каби кавни тавҳид деган тасниф ҳам бор. Ёзувчисидан ўқиймиз: Кавни тавҳид (Яралмишларнинг бирлиги).

Буни космик тавҳид деса ҳам бўлади. Бу тавҳид шарофати билан нейтрон ва протон асослар атрофида айланиб, атомни юзага келтиради. Атомлар бирлашиб, моддани вужудга келтиради. Ҳужайралар бирлашиб тўқималарни, тўқималар бирлашиб инсонни пайдо қилади. Моддалар бирлашиб юлдузларни, юлдузлар бирлашиб қуёш тизимни, қуёш тизимлари бирлашиб галактикаларни, галактикалар бирлашиб сайёраларни вужудга келтиради. Буларнинг ҳаммаси эса Борлиқни ташкил этади. Ундан нариёғига ҳанузгача ақлимиз ҳам, хаёлимиз ҳам етишмайди. Ким билади, балки оламлар ҳам бирлашиб, бошқа бир нарсани вужудга келтирар. Шундай қилиб, буларнинг бари тобе бўлган умумий қонуннинг номи тавҳид дейилади. Бу муаззам космик жамланмага бошқалар нима деса десин, ислом буни “тавҳид” дейди. Ва исломга эътиқод қилувчиларни бу улуғ қонундан ибрат олишга чақиради. “Албатта,

осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашилишида ақл эгалари учун белгилар бор” (Оли имрон сураси, 190-оят).

Дарҳақиқат, бу ерда айтилаётган белгилар тавҳидни исботлайдиган белгилардир. Фақат “катта одам” бўлган коинотда бу белгилар? Албатта, ундай эмас. Бу белгилар “мини борлиқ” – одамда ҳам бор: “Ва ер юзида чуқур ишонувчилар учун белгилар бордир. Ва ўзларингизда ҳам. Ёки кўрмаяписизларми?!” (Зориёт сураси, 20-21 оятлар). Аллоҳ ўзига юклаган вазифани ҳеч оқсатмасдан адо қилаётган қуёш мукаммал муслмондир. Чунки у – муваҳҳид. Чунки ўз ўрнини ва вазифасини билиб, ўрнида туришга, вазифасини бениқсон адо этишга ҳаракат қиляпти. Ер ва бошқа сайёралар ҳам шундай. Нуҳга ёрдам берган осмон, Иброҳимга ёрдам берган олов, Мусога ёрдам берган денгиз шу тавҳид ва баҳамжиҳатлик йўлида ёрдам берган. Яъни онгсиз муваҳҳидлар онгли муваҳҳидларнинг бошларига ташвиш тушганда ёрдамга ошиққан. Чунки улардан ҳам худди инсондан олингандек аҳд олинган, тағин тутун-газ ҳолатида: "Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб унга ва ерга: "Икковингиз ихтиёр қилган ҳолингизда ёки мажбур бўлган ҳолингизда келинг!" деди. Икковлари: «Ихтиёр қилган ҳолимизда келдик", дедилар" (Фусиллат сураси, 11-оят).

Иқтибос тугагач Фелиз устоз давом этди:

– Шунчалик куч-қудрат соҳиби бўлган Аллоҳни сизлар нега шаблонларингизга сиғдиришга уриняписизлар? Бундай ҳолатда, табиийки, ўз қобиқларингизга ўралашиб қолаверасизлар. Аллоҳнинг лутфу марҳамати тасаввуримиз етмайдиган даражада кенгдир. Айримлар учун тўрт жаннат ваъда қилган Аллоҳ оддий ўлчовлар билан англашилмайди.

Муҳандис Мелиҳ бейнинг хаёли бошқа нарсага тақалди. Шундоқ ҳам Фелиз устоздан жаҳли чиққан Мериҳ бей овозини борича бақирди:

– Сиз ёлғон гапиряписиз. Мен Қуръонни ўқидим, тўрт жаннат демаган!

– Унда, марҳамат, “Раҳмон” сурасини бирга ўқиймиз.

Бу гал сумкасидан Қуръонни чиқарган Фелиз учтоз ўқишга тутинди:

– “У икковидан пастроқда яна икки жаннат бор. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!” (62-63-оятлар).

– Хўш, мен нега уни кўрмадим?

– Инсон баъзан шундай бўлади, жаноб, ҳар қандай оятни кўролмайдди. Менда ҳам бундай ҳолатлар бўлиб туради. Бу ғоят табиий ҳолат.

Таркан томдан тушгандай сўради:

– Сиз ичкилик ҳаром дейсиз. Қуръонда жаннатда ичкилик бор дейилади. Бу бир-бирига зид тушунчалар эмасми?

– Сизлар оятларнинг тепасини, пастини ўқимайсизлар. Ундай бўлганидан кейин, албатта, масала тушунарсиз қолади. Қаранг, бу ичкилик дунё ҳаётидаги ичкиликдай эмас. Воқеа сурасининг 19-оятида шундай буюрилади: “Ундан бош оғриғи ҳам, маст ҳам бўлмаслар”. Баъзи оятларни изоҳлаган бошқа оятларни ўқимасдан аввалгиларининг маъносини тушуниш қийин. Насронийлар ҳам, яҳудийлар ҳам Қуръонга кўра кўп хато қилишади. Мусулмонлар қилишмайдими деган бир савол туғилади. Албатта, хато қилишади. Хато қилдилар ҳам. Масалан, бир неча йиллар давомида фаришталар қанотсиз бўлади, дейишди. Олимлар демаса-да, халқ орасида шундай гап бор эди. Ҳолбуки, Фотир сурасининг биринчи оятида: “...Ҳамду сано осмонлару ерни йўқдан бор қилган, фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга бўлсин...” дейилади.

Лайло имкон топилганидан фойдаланиб қолай деб дарров гап топди:

– Мусулмонларнинг хатоси фақат шуми? Бир-бирларини ўлдиришди. Сиффин жанги, Жамол жангини айтяпман. Оиша розияллоҳу анҳу ва Али розияллоҳу анҳу воқеалари яхши ишми? Мусулмонлар бир-бирларини ўлдирди.

– Демак, уларнинг орасида ҳам Қуръон тавсияларини бир он бўлса-да, унутганлар бўлган. Зотан, Аллоҳ Қуръони каримда уларнинг ҳам шайтонга алданишини марҳамат қилган. “Видо хутбаси” да Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалом “Бир-бирингизни ўлдирманглар!” дея васият қилдилар. Лекин улар ҳам инсон, алданишди. Улар пайғамбар эмаски, хатодан покланган, десак. Унда бу саволлар нега биздан сўраляпти тушунмайман. Уларга бир-бирларини ўлдиришни ислом айтдимми?

– Пайғамбарнинг қўлида камол топган кишилар шунчалик катта хатога йўл қўйишадими? Демак, бир жойда оқсаш, кемтиклик бор, – деди тадқиқчимиз.

Ҳаа, дедим, Филиз устоз бу саволга жавоб топиб беролмайди. Диққат билан оғзига тикилиб тургандим, бир бурчакда жимгина эшитиб ўтирган Ойнур тадқиқчимиздан сўради:

– Сизнинг бу сўзиниз миямни алғов-далғов қилиб юборди. Жамол ва Сиффин воқеаларини Муҳаммад пайғамбар қўлида етишган ҳолатда хато қилганликда айбласангиз, Исога хиёнат қилган ҳаворийларни нима дейсиз?

Ойнурнинг бу саволи бомбадай ўртага тушди. Бир муддат ҳамма жим бўлиб қолди. Ойнур тарихий таҳлилни амалга оширди. Унинг бу таҳлилидан кейин Филиз устоз диққатини Исонинг ҳаворийларига қаратди. Ойнурнинг саволи хаёлларимни алғов-далғов қилиб ташлади. Шу мавзуни Филиз устоз давом эттирди:

– Эътибор беринглар, Жамол ва Сиффиндаги янглишган инсонларни хатосиз демаймиз. Бунга пайғамбарни жавобгар қилишингиз яхши эмас. Қизимиз айтганидек, Исо алайҳиссаломнинг ёнида ҳар доим юрган, унинг тарбиясини олган 12 ҳаворийдан бири пайғамбарини душманга сотди. Буни биласиз. Номи Яҳудо эди. “Сўнгра пушаймон бўлиб ўзини осди”, дейилади Инжилда. Бизнингча, хочга михланган Исо эмас, Яҳудо эди. “Петрос Исони инкор этди”. У ҳам Исо алайҳиссаломнинг энг яқин дўст-ҳаворийларидан бири эди. Бу ҳам Инжилда келтирилади. Энди сизнинг мантиғингизга кўра, Исо ва Инжил хато қилдими? Йўқ. Биз асло бундай демаймиз, деёлмаймиз. Инжилга ҳам, Исо алайҳиссаломга ҳам қора чапламаймиз! Қарасам, сизлар киприк қоқмай саҳобаларнинг хатоларини қўлга олиб, уларнинг янглишини Пайғамбар алайҳиссаломнинг яхши йўлбошчи бўлмаганлигига йўяпсиз. Биз Петрос ва Яҳудонинг хатоларини Исо алайҳиссаломга юкламаймиз-ку. Оиша розияллоҳу анҳу ўз хатоларини англаганларига доир ривоятлар бор.

Ҳаммамиз ҳайратда эдик. Тўғри-да, Али розияллоҳу анҳу ва Оиша розияллоҳу анҳу учун ислом айбдор бўлса, ҳаворийлар ундан ҳам катта гуноҳга қўл уришганди. Унда бизнинг мантиғимизга кўра Исо ва Инжил ҳам айбдор бўлиши керак эдимиз? Бошим ғовлаб кетди. Сездирмай ҳаммага бир қур назар солдим. Мендаги ағдар-тўндар уларда ҳам юз бераётганмикин? Қулоқларим ғувилларди.

Филиз устоз давом этди:

– Инсон, бу дўстлар, инсон! Ҳамма бир хил эмас-ку! Пайғамбарнинг ўғли имонсиз бўлиши мумкин. Инсон тез-тез қарорини ўзгартирадиган хусусиятга эга. Инсонда бошқаларга тез алданиш хусусияти бор. Шундай бўлмаганида бир Лоуренс миллионлаб араб ва туркни қандай қилиб бир-бирига душман қиларди? Исломий қарашлардаги хато саҳобаларга қарши гапирмаслик зирҳининг кийдирилишидир. Биз Қуръони каримдан қанчалик масъулиятли бўлсак, уларнинг аксарияти ҳам шу даражада масъулдирлар. Лекин биз уларни аввал хатодан буткул покланган (астағфируллоҳ) санаймиз-да, кейин ҳаммаси боши берк кўчага тушиб қолади.

Таркан жин ургандай бўлиб қолганди. Ҳамон иккинчи саволини сўради:

– Сизларда Муҳаммад душмандан қочаётганида Ҳиро тоғидан паноҳ топган воқеа бор. Агар у пайғамбар бўлса, нега ўлимдан қўрқди? Нега душмандан қочди?

Филиз устоздан аввал Ойнур жавоб қилди:

– Юҳанно Инжилнинг 7 боб, 1-оятида шундай дейилади: “Бундан кейин Исо Гаиллода кезарди. Чунки яҳудийлар уни ўлдирмоқчи бўлишгани учун Яҳудияда

юролмасди”. Демак, пайғамбарлар ҳам қўрқишар экан. Буни тез-тез тилга олиш мени хафа қилади.

Ойнур ҳар доим закийларча қиёслашлар қиладиган қиз эди, у ҳам бизни жуда ҳайрон қолдирарди. Филиз устоз сўради:

– Сизнингча Исо нега қўрққан эди? Иегово шоҳидлари майли-ку, Исо алайҳиссаломни Аллоҳ деганлардан сўраш керак. Аллоҳ душмандан қўрқармиди? Юҳанно, 8 боб, 59-оятнинг охирида шундай ёзилган: “...Ўшанда унга отиш учун тош олишди. Лекин Исо яширинди ва ибодатхонадан чиқди”. Бу ерда ҳам ибодатхона сўзига ҳамда яширинишга диққат қаратинг. Албатта, яширинарди. Исо алайҳиссалом Аллоҳ эмасди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам инсонлардан устун эмасдилар. Қочишлари табиий ҳол эди. Агар улар қочишмаса, умматлари душманлардан ҳеч қаерга қочиш мумкин эмас дея пайғамбарлардан ўртак олишарди. Унда умматлар душман бағрига ўзларини отишарди. Ҳаммаси бўлмаса-да, айримлари шундай қиларди.

### 32-qism

Таркан ҳам бор кучи билан олишарди.

– Хўш, жаннат муржия мазҳабидагилар билан тўлиши, хорижия мазҳабидагиларнинг дўзахга тушиши ҳақида нима дейсиз?

Тарканнинг саволи даҳшат эди, Филиз устоз бу саволга жавоб бериб кўрсин-чи! Бутун вужудимиз қулоққа айланиб унинг оғзига тикилдик. У яна ўзига қатъий ишонч билан жавоб қилди:

– Жаннат муржия мазҳабиники эмас, жаҳаннам эса хорижия мазҳабиники эмас. Аллоҳ одамларнинг буюртмасига кўра бандаларини жаннат ёки дўзахга юбормайди. Қолаверса, улар билан нима ишимиз бор? Имом Аъзам бу масалани изоҳлай туриб, шундай деганлар: “Бидъат аҳли ҳақ ва тўғрини гапирганларни ёмонотлиқ қилса, ҳақни сўйлаганнинг айби нима?” Кимлардир оғзига келганни гапирган бўлса, улар гуноҳ қилган бўлса, жавобини ўзлари беради. Биз уларнинг сафсатасини маъқулламаймиз. Қолаверса, Исломда ҳар кимнинг хатоси ҳам, савоби ҳам ўзида. Биз ҳатто отамизнинг гуноҳига ҳам жавобгар бўлмаймиз. Аллоҳ азза ва жалла “Исро” сураси 15-оятда: “Ким ҳидоятга юрса, фақат ўзи учунгина ҳидоят топадир. Ким залолатга кетса, фақат ўзи учунгина залолатга кетадир. Ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас...” дея марҳамат қилади. Яъни ҳамманинг амали ўзи учун. Шу ерда бир нарса диққатимни тортди, уларнинг яхшиликларидан ҳеч бўлмаганда бир заррасини бизда акс этмайсиз-да, фақат ёмонларини кўрасизлар?

Биз ҳайратдан тошдай қотиб қолгандик, тадқиқчимиз вазиятни ўнглаш учун Тарканга юзланди:

– Шу тадқиқни тугатганимиздан кейин саволларингизни берсангиз.

Тадқиқчимиз хаёлларимиз алғов-далғов бўлганини пайқаганди.

Яна “Аллоҳга таслим бўлиш аслида нима дегани?” номли китобни ўқишда давом этдик, 12-саҳифага келинганди. Биродар Мете Суэрнинг китобидан “Якка Худо, якка дин” сарлавҳали бўлим ўқилиётганди:

“Ўзимизни чиндан ҳам Худога таслим этмоқчи бўлсак, ўйларимиздаги дин билан боғлиқ саволларга жавоб топишимиз керак. Дунёда бу қадар кўп дин бўлиши Худонинг иродасими? Одамларнинг ҳар хил эътиқод, диний урф-одат ва маросимлар, ҳаттоки бошқача ахлоқ стандартлари билан Ўзига сиғинаётганидан мамнунмикан? Бунга тасдиқ жавоби олинмаса керак. Худо ҳамма учун биттадир. Ҳолбуки, инсониятнинг бир неча динлари бир-бири билан уришмоқда, бир-бирларига зулм қилиб, бир-бирга қарши қўлланмоқда».

Ҳали бўлим тугамаганди, муҳандис Мелиҳ бей сўз қўшди:

– Бу бошқа гап! Дарс деганинг бундай бўлибди. Тўғри, динлар бир-бирига қарши. Шундай бўлиши керак.

Филиз устоз яна босиқлик билан жавоб берди:

– Унда Мете бей нега бошқа динларга қарши? Демак, одамлар ва динлар ўзига тўғри келмагани рад этади. Мете бей шундай ёзибдики, кўрганлар муаллифни ҳам, унинг тарафдорларини ҳам ҳеч қайси динга қарши эмас деб ўйлайди. Мана сизга далил, – Филиз устоз тадқиқчимизга юзланиб илтимос қилди: — Илтимос қилсам, қўлингиздаги китобнинг 29-саҳифасини ўқийсизми?

Тадқиқчимиз илтимосни бажариб, айтилган саҳифани ўқишга тутинди:

“Аллоҳга таслим бўлиш” нима дегани?” Бошқа тарафдан Исо хочда ўлган бўлса, насроний дунёси бундан фойдаланиши маъқул ишми? Яхши кўрган бир инсонингиз ўлдирилса, уни ўлдирган пичоққа сиғинармидингиз? Йўқ, албатта! Пичоқдан қаттиқ нафратланардингиз. Қолавреса, Муқаддас Китобга кўра, Худодан бошқа ҳеч кимга ва ҳеч нарсага сиғиниш мумкин эмас. Расул Юҳанно шундай деди: “Эй, болалар, ўзингизни бут-санамлардан асранг!” (1-Юҳанно 5:21) Ҳолбуки, насроний дунёси хочни бут ҳолига келтирган”.

Бу орада муҳандис Мелиҳ бей яна сўз қўшди:



– Ҳақиқий насроний бўлган Мете бей жуда яхши гапирибди, лекин сиздан илтимос қиламан, суҳбатимизга умматчилар аралашмасин!

– Умматчи деганда нимани тушунасиз? – Филиз устоз сўради.

– Буни билмайдиган йўқ-ку, хоним. Масалан, сиз! Сепаратизм умматчиларнинг энг асосий хусусияти!

– Мана шу ерда адашяпсиз. Бизнинг ақидамизга кўра, барча инсонлар уммат ҳисобланади. Уммат сўзи кенг қамровли сўз. Хайрли инсонлар умматдир. Барча инсонларга адолат билан ёндошади.

– Ҳа, қардошларини ўлдиради.

– Кимдир қардош қотили бўлган бўлса, бунда Имом Аъзам айтганларидек, қардош қотили бўлмаганларнинг нима гуноҳи бор? Айримлари катта хато, катта гуноҳ қилишган, нега биз бунинг учун жавобгар бўлишимиз керак? Ўтмишдаги савобларни бизга муносиб кўрмайсизу, гуноҳларни нега бизга юклайсиз? Уммат атамасининг кенг қамровли эканини айтдим. Севгида, меҳрда ирқчилик йўқ. Адолатда дин айирмачилигига йўл қўймайди. Ояти кариймага қулоқ тутинг, кишининг қалбини титратади. “Анъом” сураси, 38-оятни ўқийман: “Ер юзидаги юрувчи ҳар бир жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир.” Марҳамат, Аллоҳнинг Ўзи “Барча жонзотлар умматдир!” деяпти...

– Яъни биз ҳамми?

Филиз устоз бироз масхаромуз жавоб берди:

– Қимирламасангиз, сизга тааллуқли эмас. Агар қимирласангиз, демак, сиз ҳам умматсиз. Бироқ хайрли уммат бор, хайрсиз уммат бор. Сиз қайси бирига кирасиз, энди уни билмадим. Сиз бизни ва ниятимизни билмасдан гапирасиз. Биз сизни биламиз, чунки бизнинг қўлимизда сизни таништирадиган китоб бор. Сиз бизни танимайсиз, чунки сизнинг қўлингизда бизни таништирадиган китоб йўқ. Ҳаммаси шундан келиб чиқмоқда.

Орага тадқиқчимиз қўшилди:

– Тадқиқимизда давом этсак, дегандим. Бироз мавзудан чалғиб кетгандек бўлдик, чоғи...

Албатта, мавзудан узоқлашиб кетгандик. Мен ҳалиям Ойнурнинг бироз олдинги сўзлари таъсирида эдим. Ҳамон ўзимга келмагандим. Қимирлашга ҳам ҳолим қолмаганди. Кейин Мете бейнинг сўзларини ўйладим. Чиндан ҳам қизиқиб қолдим, агар бирор попни учратиб қолсам сўрардим. Модомики, хоч чормихни ифодалар экан, нега уни муқаддас санашади, эҳтиром кўрсатишади? Мете бей насроний

бўлгани учун бунга диққат қаратгани жуда ўринли эди, лекин поплар ва роҳиблар нима деркин бунга? Балки хочнинг бошқача маъноси ҳам бордир? Балки бирор мантиқли изоҳи бордир, лекин менинг бошим қотиб қолганди. Бу баҳсда биз уларнинг ўйларига таъсир ўтказолмадик, лекин улар ўй-фикрларимизда саволларни кўпайтиришди. Ҳолбуки, бироз аввал домлалар ўтирган бир йиғинда уларнинг фикрларини алғов-далғов қила олгандик. Бугун ҳаммаси бизга қарши тугади.

Ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Филиз устоз айтадиган гапини айтиб бўлганди. Кўз қирим билан Тарканга қарадим. Таркан чўкиб қолган, рангу рўйи бир аҳвол эди. Тадқиқчимга қойил қолдим. Бу қандай сабр экан?! Унга ўхшаган сабрли кишини бошқа учратмасам керак.

## ПАРДАЛАР ОЧИЛАДИ

Бундай баҳс-мунозаралар бир неча ой давом этди. Охирги баҳсдан кейин мен жуда ёмон ҳолатга тушдим. Ҳаммамиз шок ҳолида тадқиқдан қайтдик. Вилладан чиқаётганимизда Ойнур қулоғимга шивирлади:

– Бир нарсани ўйлаяпман-да... Биз Инжилни насроний Иегова шоҳидларидан ўрганияпмиз, Қуръонни нега мусулмонлардан ўрганмаймизу, Қуръонга ишонмайдиган, унга қарши бўлганлардан ўрганияпмиз ёки ўрганияпман деб ўйлаяпмиз?

Бу савол бошимга гурзи билан урилгандек бўлди. Уйга келганимда хаёлларим ағдар-тўнтар эди. Хонамга ўтиб ётдим. Бувим ёнимга келди. Нима бўлганини сўраб, хавотирда эди. “Ҳеч нарса бўлгани йўқ”, – дея олдим, холос. Аксинча, жуда кўп нарса бўлганди. Энди нима қиламан? Кимга нима дейман? Касрига онамдан айрилганим эътиқодим зада бўлди. Бир неча ой аввал бошланган саволлар бугун зилзилага айланди. Тадқиқчим “Бу оддий ҳолат, шайтон васвасага соляпти, ўзингга келасан, бардам бўл”, – деди.

Энди ўтириб Исмат девонанинг гапларини ўйлаяпман. Чиндан ҳам Аллоҳга Аллоҳ демайдиган бўлдим. Мутаассиб дейиладиган мусулмонлардан нафратланганим қадар Аллоҳни танимайдиганлардан нафратланмасдим. Чиндан ҳам мен Қуръонни унга душман бўлганлар билан бирга тадқиқ қилгандим.

Ярим сархуш, ярим ҳушёрдай бир ҳафтани амаллаб ўтказдик. Бир куни тонгда Гулдерен келди. Аҳволимни пайқаса ҳам менга сездирмасди. Ўтган кунги ишларини ҳаяжонланиб гапира бошлади:

– Бир уйга бордик. Аёл мусулмон экан. Унга фақат мусулмонман деган билман бўлмаслигини, исломни билишимиз керак, олинг бу китобни ўқинг, дедим. Мен севган бир ёзувчининг китоби эди. “Буни ўн йил олдин ўқиганман”, деди. Унда мана

бунисини ўқинг, дедим. “Уни ҳам ўқидим”, деди. Буни ўқиган бўлишинг мумкин эмас, дедим. Бу китоб беш кун олдин чиқди-ку? Аёл нима деди дегин? “Мен ўша куниеқ олиб ўқидим”. Ҳайрон қолдим. Кейин билсам, сизникилар бу аёлни ўн йил олдин қўлга олишган экан. Аёл ҳам изланишга, ўрганишга тушибди. Шу кетишда ўқимаган китоби қолмабди. Сизникиларнинг фойдаси бўлибди.

Ўйга толдим, улар чиндан ҳам бизникилармиди?! Бизникилар бўлмаса, меникилар ким эди? Эй, ўй-хаёллар, бошимни тарк этинг, ортиқ кўтаролмайман сизларни!

\*\*\*

Бадбахт кунларим ўтмасди гўё. Уғурим билан ҳам аввалгидек шуғулланмасдим. Бир кеча ҳеч қўймади:

– Опажоним, илтимос, менга эртак айтиб беринг, ухлаб қолгунимча айтиб беринг деди.

Эртак бошладим:

– Қадим замонда бир болакай бўлган экан. У бола жуда ҳам яхши бола экан.

Уғур ҳаяжон билан сўради:

– Ҳа, билдим, у бола Исо а, опа?

– Йўқ, эркатойим, бу бошқа бола.

– Нега Исо эмас?

Бир муддат бу саволни ўйлаб қолдим. Сўнг паст товушда жавоб қилдим:

– Билмайман...

– Унда исмини Исо деб қўяйлик, шундай айтиб беринг.

Болани “Исо эртак”лари қарамига айлантирибман. Нима ҳам қилардим, Муҳаммад деганим билан энди бўлар иш бўлиб бўлганди.

### 33-qism

Эртасига куни Вераникига бордим. Унинг кайфияти кўтаринки эди.

– Бир ойдан кейин Италияга учаман, Жамила. Яқинларимни соғиндим. Айниқса, ота-онамни. Эримни бир амаллаб кўндирдим, ишқилиб менга рухсат берди.

“Онамни” деган сўздан бутун вужудим қалтираб кетди. “Она” сўзи бунча чиройли сўз экан! Онам, онажоним. Сиз қаердасиз, онажоним? Мен ҳам сизни соғиндим.

Вера хаёлга толганимни сезди.

– Мени кечирасан, жоним... Онаси йўқларнинг ёнида она соғинчидан, она меҳридан гапирмаслигим керак эди. Жоним мени, сени ранжитиб қўйдим, айбга буюрма, кел, ўтира қол...

Ичкарига кирдик. Юмшоқ курсига ўтиргач сўрадим:

– Лайло билан Таркан қаерда?

– Майдонга чиқди. Тинимсиз ишляпти. Таркан қаердалигини билмайман, кеча динчиларнинг китобини олиб келиб ўқиётганди.

Тушундим. Тарканнинг ҳам менга ўхшаб ўйлари остин-устун бўлганди. Ким билади, неча киши исломий қарашлар таъсирида карахт эди? Ёлғиз қолиш учун у ердан чиқиб, денгиз соҳилига бордим. Бироз айланиб юрдим. Кейин онамнинг қабрига бордим. Таърифлаш мушкул руҳиятда қабристонда қолиб кетдим.

– Салом, жоним онажоним! Мен келдим, онажоним, мен, сизнинг Жамилангиз.

Йиғлай бошладим.

– Онажоним! Мен алдандим, биласизми? Ишонганларим, эътиқодим остин-устун бўлди, онам. Жуда ёмон аҳволдаман, она. Менга муҳим бир гап айтмоқчийдингиз, кошки сизни эшитсайдим, балки тўғри йўлни топардим. Лекин эшитмадим, қулоқ солмадим, онажон. Шундай мукамал тарзда, секин-аста ишонтирилган ва етиштирилган эдимки, ўзимиздан бошқасини жон қулоғим билан эшитмасдим. Шундай тайёрлангандим, онажон. Фикрда собитлик ўйлашга тўсқинлик қилади. Мени ҳам фикрлашдан тўсиб қўйганди, сизни эшитишим мумкин эмасди.

Онамнинг қабрида узоқ йиғладим. Ҳатто қабр ҳам она қабри бўлса, ниҳоятда тафтли туюлар экан. Қўрқитувчи, ҳурқитувчи мазор йўқ, она қабри бор эди, холос. Тупроғини ўпаётганимда онамни ўпгандек бўлдим. Ўз-ўзидан тупроққа шивирладим: “Эй, тупроқ, онам сенинг бағрингда, шуни биласанми?”

Исмсиз ҳислар оғушида онамнинг қабри бошида бир неча соат қолиб кетдим. Бошим ғовлаб кетганди. Бир неча кунни шу ҳолатда ўтказдим. Бир куни Вера мени чақирди, ёнига бордим. Филиз устоз ҳам Веранинг ёнида экан. Ҳайрон қолдим. Мажолсиз сўз қотдим:

– Хуш келибсиз... Марҳабо.

– Хушвақт бўлинг. Яхшимисиз?

– Раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз?

– Ўзига беадад шукрлар бўлсин. Дўстларим истаганидек яхши, душманларим кутганидек ёмон эмасман.

Бироз гаплашиб ўтирганимиздан кейин сўрадим:

– Сизни кўраман деб ўйламагандим. Вера билан яхши чиқишдингиз, ғолибо?

– Ҳа. Вера хоним билан алоҳида учрашай дедим.

Бироз қизғондим, шекилли, маъюс оҳангда сўрадим:

– Нега энди Вера?

– Вера хоним билан қўлни қўлга берсак, мусулмонлар билан насронийлар орасида кичик кўприк қура оламиз. Вера хоним Италияга кетармиш. Юз киши билан муштарак масалаларимизни гаплашганда ҳам каттагина иш қилган бўларди. Зеро, на мусулмонлар ҳақиқий яхши ниятли насронийларни билади, на насронийлар ҳақиқий мусулмонларни танишади.

– Мен сизни Верани мусулмон қилишга ҳаракат қиляпсизми, деб ўйлабман.

Вера ошхонадан туриб гапирди:

– У мени мусулмон қилолмайдию, балки мен уни насроний қила оларман.

Учаламиз бирдан кулиб юбордик. Сўнгра қизиқиш устунлик қилиб сўрадим:

– Сизларнинг қандай шерикчилик ишингиз бўлиши мумкин? Ростки, мен бу ишга жуда қизиқдим.

– Биз одамлар, бутун борлиқда дунёимизнинг ягоналигини англасак, ҳарқалай қуёш тизимида ягоналигимизни билиб бунга жиддий қарармидик. Мен бу борада изланишлар олиб боряпман. Инсонят ақлдан озгулик ҳолатга тушди. Вера билан буларни гаплашяпмиз. Бутун дунё бир бўлиб “Сенинг дининг сенга, менинг диним менга” деб муштарак дардларимизга бир хил даво топишимиз керак. Бир-биримиз билан баҳслашамиз, муҳокама, мунозара қиламиз. Бир-биримизни ўз динимизга даъват қиламиз. Даъватга жавоб бўлмаса, унда бошқа ўхшаш масаламизга ўтамиз. Нима бўлганда ҳам ҳаммамизнинг илоҳимиз – ягона Аллоҳ! Бошқа Илоҳ йўқ! Биз учун ҳам, мусулмонлар учун ҳам бошқа Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Дунёимизнинг муаммолари ҳам ўхшаш.

Бизга чой олиб келган Вера рўпарамизга ўтириб, менга гапирди:

– Хўш, насроний атиргул, меҳмонимдан нималар сўраяпсан?

Биринчи марта чўчидим. Мен чиндан ҳам насроний атиргулимидим? Изтироб билан жавоб қилдим:

– Насроний атиргулингинг япроқлари тўкиляпти..

Вера чойини ичаётиб сўради:

– Нега тўкилди?

– Мавсуми тугади...

Филиз устоз мендаги ўзгаришни пайқаганди:

– Сиз эрта баҳорда янгидан япроқлар ёзасиз, – бу гапни айтишга айтиб, мавзунини ўзгартирди: – Яқинда чўқинаркансизми?

Худди билмайдигандек сўраётганини қаранг. Ҳолбуки, Гулдерен мен ҳақимда унга қайта-қайта гапирган. Албатта, буларни кейинроқ билиб қолдим. Ўшанда унинг ҳаммасидан хабардор эканини билмасдан жавоб қилдим:

– Шундай эди, лекин сиз бошимни қотириб қўйдингиз. Ҳақиқат деб билганларим остин-устун бўлди. Ҳозир иккиланяпман. Балки динсиз бўлсамми, деб ҳам ўйлаяпман. Филиз устоз кўзларимга синчковлик билан тикилди:

– Сизнингча, динсизлик чорами? Динсизлик ҳаловат бериши мумкинми?

– Билмайман. Ҳайронман.

Ҳолбуки, эътиқодда қатъий шоҳид эдим. Сўнгра Верага юзландим:

– Бу гаплар орамизда қолсин, балки ўзимга келиб қоларман. Болаларингизга айтмай қўяверинг, Вера.

Бироз гаплашиб ўтирганимиздан сўнг Филиз устоз асл мақсадига кўча қолди:

– Бугун бу ерга келишимнинг сабабини тушунтириб, мақсадимни айтсам. Мен исломий илмлардан таҳсил оляпман. Бу борада етарли бўлмаса-да, ғайратим бор. Ислом илмларини ўрганмасдан аввалги ўзимни кузатсам, инсонликдан жуда узоқлашиб кетган ҳолатда ўзимни кўраман. У кезларда бошқа диндагиларни қўяверинг, ўз гуруҳимдан бўлган инсонларга чеҳрамни очиб салом бермасдим.

– Демак, сизни ҳам шу ҳолга солганлар бор экан-да? – дедим ҳаяжон билан.

– Унақа эмас, жоҳиллик инсонни шу ҳолга солади. Жоҳилликнинг ҳам ўзига яраша қоидаси, услуби бор. Ва у ўз қоидаларига кўра ўйналади. Ҳеч ким менга “Насронийга қўполлик қил”, демаганди. Лекин мен қўполлик қилардим. Айниқса, яҳудийларга. Мусулмонга зулм қилган яҳудийдан нафратланиш, уни айблаш, ҳукм қилиши имонга хос амаллар. Лекин мусулмонга зулм қилмаган ва мусулмонга ҳеч қандай адовати бўлмаган яҳудийдан нима истайди киши? Хуш кўрмаса, бу унинг шахсий иши, лекин одамийликни унга кўп кўришига нима дейиш мумкин?

Хаёлимга келган заҳоти сўрадим:

– «Фатҳ» сурасининг 29-оятда чин муслмонлар кофирларга нисбатан қаттиққўл, муслмонга нисбатан мулойим бўлишни таъкидланади. Сизлар истасангиз-да, кофир деб биладиганларингизга мулойим бўлолмайсизлар. Шу оятда муслмонларга кофирга нисбатан қаттиққўл, яъни шафқатсиз бўлиши буюрилади. Сизлар кофирга яхшилик қилолмайсизлар.

– Қуръонда қаттиққўллик сўзи кучли бўлиш, ҳаддан ортиқ нафратланиш маъноларида келади. Ҳа, муслмонлардан кофирларга нисбатан қаттиққўл бўлиши буюрилади, лекин қандай кофирларга? Мана шу савол ниҳоятда аҳамиятли ва бу саволнинг жавобини “Мумтаҳина” сурасининг 8 ва 9-оятларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаламга хитоб қилиш билан беради: “Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан чиқармаганларга яхшилик ва адолатли муомала қилишдан сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўради. Албатта, Аллоҳ сизларни диний уруш қилганлар, диёрингиздан чиқарганлар ва чиқарилишингизга ёрдам берганларга дўстлик қилишдан қайтарур. Уларни дўст тутганлар, ана ўшалар, золимлардир”. Аллоҳ ҳеч кимга ноҳақлик қилмайди, бировнинг гуноҳини бировдан сўрамайди. Ва дўст бўлганга дўстлик, душман бўлганга душман бўлишдан ман этмайди. Лекин сизларга Қуръон оятлари бироз бузиб тушунтирилган...

Қўлимда исломга қарши қўллайдиганим қанча қурол бўлса, ҳаммаси бир-бир қўлимдан тушаётганди. Мен бу оятни юзлаб муслмонларга айтгандим. Уларни қанчалик чалғитгандим. Аслида чалғитган, чалғитилган ўзим эканман...

Саволлар беришдан тийилдим ортиқ. Филиз устоз гапида давом этди:

– Қаранг, жаҳолат қанчалик қўрқинчли ҳолат! Қўшнимиз грек аёл бетоб бўлиб қолибди, ҳеч кими йўқ эди. Гуноҳ бўлади деб унга бир коса овқат оборолмадим. Лекин виждоним ҳам тинчлик бермасди. Шубҳасиз, шундай қарашдаги насронийлар, яҳудийлар ва бошқа эътиқоддаги кишилар бор, айниқса мушриклар. Оҳ, Аллоҳим! Уларнинг қарашлари, адовати, алам ва нафрати ҳеч кимда йўқ. Биз чиндан ҳам зиёли одамлар бўлсак, бу ғофиллик ва жоҳилликдан дунёни асраб қолишга ҳаракат қилишимиз керак. Дунёда бир кунда ер юзини йўқ қила олишга кучи етадиган қуроллар, бомбалар ишлаб чиқариляпти. Тасаввур қилиясизми, бир одамни ўлдириш учун бошқа бир одам тинимсиз ҳаракат қилияпти. Бу ваҳшат эмасми?!

Тоғларда илонлар илонларни ўлдирса, инсоният “Илонлар қирилиб кетяпти” дея тадбир олишга тушарди. Ҳозир одамлар одамларни ўлдирияпти, қолган одамларнинг овози чиқмайди. Инсониятнинг қиладиган иши йўқми? Шунинг учун қатл хуружи тутяптими? Бу садистларни зерикканимиздан томоша қилиб ўтирибмизми? Буни ҳам

билмайман. Чиройли манзарани томоша қилиб ўтииргандек бу даҳшатни томоша қилиб ўтиришимиз ақлга сиғадиган иш эмас. Бу борада қўлни қўлга беришимиз керак. Зеро, тупроғимиз ҳам, осмонимиз ҳам бир. Ғарбнинг осмони бошқа, шарқники бошқа эмас. Тупроқ денгизга учяпти. Чиқинди сувлар кунда миллион баррелга етмоқда. Булар ер юзига тўкиляпти. Тасаввур қиялпсизми, фақат 50-60 давлатдан чиқаётган чиқиндилар бу! Бу каби чиқиндилар дунёни заҳарляпти. Кўп чуқурлашмайлик, ҳар бир ўтаётган кун ҳайвонот ва наботот турлари йўқолиб кетяпти. Ҳайвонот табиатнинг мувозанати, табиатнинг нафаси ҳисобланади. Кўп аҳамият бермаймиз, лекин булар жиддий аҳамият касб этади. Ҳайвонларнинг фойдаси бўлмасайди, Аллоҳ уларни яратармиди?

Вера Филиз устозга маҳлиё бўлиб қолганди.

– Сизни табриклайман! Муслима аёл буларни мулоҳаза қилиши жуда яхши.

– Буларни чин муслмон билиши керак. Зеро, буни унга дини айтади. Қолаверса, ҳаммамиз ўйлашимиз керак. Дунё ҳаммамизники, инсон ва табиатни ўлдириш учун сарф этилаётган куч-қувватни одамлар ва табиатни асрашга йўналтиришганида, бугун дунёнинг елкаси бу қадар чўкмасди. Бу таҳликалар билан бирга динлар ва динсизликлар орасида нодонларча олиб борилаётган курашлар, душманлик ҳислари энди бошқа мавзу. Агар кулмасангиз бир гап айтардим.

– Нега кулар эканмиз? Сизни эшитяпмиз, – дедим мен. Вера ҳам илтимос қилди:

– Илтимос, айта қолинг, қизиқяпман...

### 34-qism

– Аввалги инсонларнинг душманлик услуби ва психологияларини ўргандим, менга инсонликка хос туюлмади. Айтмоқчи эдимки, бу даврда Иегова шоҳиди, насроний, буддизм, қисқаси, қандай дин ва мафкура бўлса, ҳаммаси бир орага келади. Инсоният ўлароқ ўзгаришлар қилайлик. Яъни дўстона душманлик қилса бўлмасмикан дейман? Душманлигимизга ҳам бир ечим топармидик? Тезроқ буларни йўқотишга улгурмасак, бу салбий ҳолатлар инсоний ўлчовларга айланиб кетмасайди дейман. Аввало бир-биримизни яхши танишимиз керак. Бу ерда энг аввало етакчилар сергакроқ бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам сендан илтимос қилиб келдим. Менинг номимдан поплар билан учраш. Агар қўлингдан келса, папа билан учрашгин. Бир муслима аёлнинг сиздан ўтинчи бор, бу борада тавсиялар бера оласизми дея сўрагин. Мен ҳам ислом олимлари билан учрашайин. Лайло Мете Суэр бей ёки бошқа шахслар билан учрашсин.



Тавба, тавба! Филиз устоз нималар деяпти? Демак, мен динчиларни мутлақо танимас эканман.

Верага қараб қолдим. Ҳа, дедим, Вера албатта мусулмон бўлади. Устозни эшитаётиб кўзлари кулимсирарди. Лекин Филиз устоз унга динни талқин қилмаётгани диққатимни тортди. Бу унинг ишга киришиш услубимиди? Бу услубларни яхши биламан. Менинг ҳам ҳар бир одамга қараб қўллайдиган усулларим бор эди. Бу ишларни жуда яхши билардим, лекин Филиз устозни тушунолмаётгандим. Филиз устоз чуқур уҳ тортиб давом этди:

– Афсусдаман, дунё олов ичида қолиб кетяпти, ҳаммамиз буни томоша қилиб ўтирибмиз. “Менинг қўлимдан нима ҳам келарди” демасдан, ҳар бир шахс имкони етганича ҳаракат қилиши керак.

Анча пайт фикрларини, қарашларини гапириб, кетиш учун қўзғалди. Устоз шундоқ эшиқдан чиқаётганида Таркан билан учрашдик. Таркан уни кўриб ҳайрон қолди:

– Келишингизни билмасдим.

Вера жавоб қилди:

– Билишингга ҳожат йўқ эди, мен билардим. Меҳмонимизга хуш келибсиз демайсанми?

Таркан истамайгинга онасининг айтганини қилди:

– Хуш келибсиз! Кошки келишингизни билсам эди, сиздан бир нималарни сўрамоқчи эдим.

– Сўрашга улгурасиз. Кейинги ҳафта тадқиқ дарсига Гулдерен таклиф қилди. Лайло қабул қилса, яна келаман. Қанча саволларингиз бўлса, ҳаммасига жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Тарканнинг хаёлларида саволлар бўлса-да, у шоҳидларга мойил эди. Лекин мен уч ойда чекиндим, ғолибо. Рухим чўкди. Мен шуларни ўйлаётгандим, Таркан давом этди:

– Бу гал берадиган саволларим сизни уринтириб қўядиганга ўхшайди.

– Зарари йўқ, уринсак уринармиз. Лекин шуни унутмангки, бировнинг гуноҳини бировга эваз этмайдиган одил динга мансубман. Мутлоқ ғолиб, ҳақ дин бу. Мен сизга мағлуб бўлсам-да, бу динимнинг мағлубияти эмас, менинг мағлубиятимни ифодалайди.

– Тангри қабул қиладиган дин Муқаддас Китоб билан. Сиз бир бор тадқиқ қилсангиз, бунга ўзингиз иқрор бўласиз.

– Инжил тадқиқини эшитиш учун келгандим, бўлмади. Ўша куни фақат мен гапирдим. Яхши иш қилмаганимни кейинроқ тушундим. Менга алоҳида вақт ажратилмаган бир жойда ўзимга берилган имкондан яхши фойдаланмадим. Шунга қарамай, тадқиқчингиз таҳсинга сазовор одам экан, мен бўлганимда сабрим етмасди. Нима бўлганда ҳам дарсни ўзим туфайли эшитолмадим. Гарчи мен Инжилни, Таврот ва Забурни ўқиганман, яна сизлардан ҳам эшитай дегандим. Дин масаласига келсак, Аллоҳ таоло “Оли Имрон” сураси, 85-оятда шундай марҳамат қилади: “Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охирада зиён кўргувчилардан бўладир”. Зиён кўргувчилардан бўлишингизни истамайман. Янглиш фиркларга бормасдан, яхши биладиган устоз билан Қуръонни тадқиқ қилсангиз яхши бўларди. Яна ўзингиз биласиз. Қуръон аҳлидан ўргансангиз дегандим. Чунки бошқалар Қуръонни бузиб англатади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ “Олим Имрон” сураси 99-оятда шундай дейди: “Эй аҳли китоблар! Нега имон келтирганларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиб, қайтарасиз?! Ўзингиз шоҳид бўлиб туриб, у(йўл)нинг қинғир бўлишини хоҳлайсиз?! Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир”.

Яна бироз гаплашганимиздан кейин вилланинг боғчасига келдик. Филиз устоз гулларга бир муддат қараб қолди.

– Боғчангизни хуш кўрдим, кўп меҳнат қилган экансиз.

– Кўп меҳнат қилганимни қандай билдингиз? – Вера ҳайрон бўлиб сўради.

– Боғчанинг гўзаллигидан. Меҳр билан бажарилмаган ҳеч қандай иш яхши натижа бермайди. Ҳар бир яхши нарса чиройли меҳнатнинг самарасидир. Албатта, бандаларга оид яхшиликларни назарда тутяпман.

Йўқ, йўқ! Бу аёл оддий хотинлардан эмас, бу сеҳргар! Ҳа, ҳа, сеҳргар! Мени нақ сеҳрлади қўйди бу аёл! У билан суҳбатлашиб катта кўчага тушдик. Такси тутиб бермоқчи эдим, эътироз қилди:

– Мен автобусда кетаман, – деди. Қўймадим.

– Ҳеч ҳам бўлмайди. Сиз диндор инсонсиз. Шунча эркакнинг орасида тиқилиб-сиқилиб кетишдан эзиламиз.

– Диндор-динсиз бўлишидан қатъи назар, ҳеч қайси аёлга ёқмайди бу ҳолат. Ҳатто ориятли эркакларнинг ҳам ғашига тегади. Лекин раҳбарлар буни тушунмайди-да. “Аёллар учун алоҳида автобус қўйилсин” дегандик, еру осмон остин-устун бўлди. Боёқишлар аёлларга алоҳида автобус бўлса, ислом шариати келади деб ўйлашади. Ва бизни ўз шариатлари билан шундай эзишадик, ўз аёллари хос машиналардан фойдалангани учун бизни тушунишлари мумкин эмас! Аслида улар ҳам аёллар

автобусда тазйиққа учрашини билади, лекин жоҳилликлари учун эътироз қилишади. Кўп ўйланманг, мен автобусда юришга ўрганганман.

– Жуда яхши аёлсиз-да. Шу Қуръонни ўргатаётганда пул олмасангиз, сизга бўлган ҳурматим яна ортарди.

– Энди олмайман. Турмушга чиқдим, пулга эҳтиёжим йўқ. Эҳтиёж туғилса, олишга мажбурман. Чунки рўмолим сабабли ўқитувчилигимни қилишга қўйишмайди.

Унинг учун ўқиндим. Ўқитувчилигини илк бор эшитаётгандим. Бу гапга тақалиб қолмай яна савол бердим:

– Энди турмуш қурдингизми?

– Ҳа.

– Бироз кеч эмасми? Неча ёшдасиз?

– Ўттиз бир ёшимда турмушга чиқдим.

– Шу ёшда турмуш қуриш диний эътиқодингиз талабими?

– Йўқ. Ёшлигимда харидорларим кўп эди. Лекин у кезлари турмуш қуришни истамадим. Ёши йигирмадан ўтгандан кейин одам ҳаммани ҳам ёқтиравермайди. Истаганимдай инсон учрамаса, турмуш қурмайман, дегандим. Шу йили насиб қилган экан. Демак, хўжайинимни кутганим учун турмуш қурмагандим.

– Ўтириб қолди, деб озор берганлар бўлдимми?

– Бўлмайдимми? Мен ҳеч бирига эътибор бермадим.

Тик оёқда суҳбатга берилиб кетдик. Уни гапиртириб юрагим яйрарди. Бир такси тўхтатиб орқа эшикни очдим.

– Марҳамат, сизн уйингизга ташлаб қўяйин.

Миннатдорчилик билдириб таксига ўтирди, мен ҳам чиқдим.

– Сизни уйингизга кузатиб қўйсам, ноқулайлик бўлмайдимми?

– Йўқ, лекин сиз овора бўласиз дейман-да.

– Овораси йўқ. Сизнинг ёнингизда қанча қолсам, мен учун шунчалик яхши бўларди.

Суҳбатлашиб кетдик. Устозни уйининг олдига ташлаб қўйдик. Шу пайт ёмғир ёға бошлади. Осмонни қоп-қора булутлар қоплаганди. Ёмғир жалага айланиш эҳтимоли бор эди. Мени уйига таклиф қилди. Киrolмадим. Қайта-қайта мажбурлашини кутгандим, уялаётгандим. Мен уни билмасдан бир йилдан бери унга қарши гапириб

юргандим. Энди унинг уйига кириб, бир пиёла чойини қандай ичаман? Қайтиб келаётганда ғалати ҳиссиёт билан йиғлай бошладим. Ҳайдовчига онамнинг қабрига бормоқчилигимни айтдим. “Майли”, – деди боёқиш. Бироз ҳайрон эди. Менга ўгирилиб сўради:

– Шу ёмғирда қабр зиёратига бормоқчимисиз?

– Йўқ, уни узоқдан кўришни истадим. Бу ҳам шунчаки бир ҳис-да.

Ҳайдовчи йиғлаганимни билиб сўради:

– Онангизга йиғлаяпсизми? Аллоҳ сабр берсин...

– Ҳозир онам учун йиғламаяпман, лекин нега йиғлаётганимни ўзим ҳам билмайман.

Ҳайдовчи ҳам яхши одам экан, кўнгли бузилди:

– Бўлиб туради, одам баъзан шундай ҳам бўлади. Қандай дардингиз бўлса ҳам Аллоҳ сабр берсин.

Ҳа, дардли эдим. Ўзимни жуда ҳам дардли ҳис этардим, лекин нима бўлганини ўзим ҳам аниқ билмасдим.

Онам ётган қабрдан ўтиб кетяпмиз. Қабристон дарахтлари қабрларнинг сочларидек турарди. Таралмаган, бетартиб сочлар. Дарахтлар ҳам қайғу ва изтироб билан безалгандек. Аллоҳим! Мени бу ҳолатдан Ўзинг қутқар! Халос қил! Фориф қил!.. Ўшанда аниқ хулосага келгандим. Ҳа, у Иегова эмас, менинг Аллоҳим эди! Уни қайта-қайта тилга олдим. Ҳайдовчи эшитмайдиган паст товушда. Аллоҳим! Аллоҳим! Аллоҳ исми Сенинг номинг, Аллоҳим! Фақатгина Аллоҳ дейиш билан қалбим ҳаловат топишини энди англаяпман. Мени кечир, Аллоҳим! Аллоҳим! Аллоҳим! Исминг бунчалик гўзал, Аллоҳим! Мени кечир, Аллоҳим! Мени кечир, Аллоҳим!..

Тўсатдан ҳайдовчига тўхтатишини айтдим. Тўхтади.

– Илтимос қилсам, шу ерда мени кутасизми? Ҳақингизни ортиғи билан бераман.

Чопқиллаб онамнинг мазорига югурдим. Овозим борича гапира бошладим:

– Онажоним, хушхабарим бор, онажоним! Энди Раббимизга Иегова эмас, Аллоҳ дейишга қарор қилдим, онажон. У сизнинг Раббингиз эди, Аллоҳ дердингиз, энди менинг ҳам Раббим, мен ҳам Унга Аллоҳ дейман...

Ёмғир ёғар, кўз ёшларимни юзимдан онамнинг қабрига оқизарди. Ёз ёмғири эди, совқотмасдим, ҳўл бўлганимни ҳам сезмасдим. Онамга хушхабар айтдим:

– Жоним онам, у диндан қайтаман, хушхабарни биринчи сизга айтайин дедим. Сизга хушхабар бўлсин, онажоним!

## 35-qism

## Яширин юзлар

Ҳеч кимга бир нима демадим. Гулдерен ҳам ғалати бўлиб қолганди. Ундан шубҳаланадиган бўлиб қолдим. Шоҳидлардан бўлиб қолдимикан? Менга эътибор бермай қўйган, Лайлоларникидан чиқмай қолганди. Чархпалак терс айланаётганмиди? Менга бепарволигидан юрагим сиқилиб, Иегова шоҳидлигидан чиққанганимни айтмагандим. Бувимга дардимни айтмоқчи бўлдим.

– Бувижон! Мен энди Ҳақ динга қайтаман, – дедим.

Бувим менга ҳайрон бўлиб қаради:

– Болажоним, сен шундоғам Ҳақ динда эмасмидинг? Иккита ҳақ дин борми?

Ҳа-я, бувимнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди-ку.

Юрагимни кимга очардим? Ҳеч кимга юрагимни очолмасдим. Ойнур эсимга тушди. Боёқиш қиз худди мендай қарама қарши ўй-хаёлларга тушиб қолганди. Лекин у мендан ақлли эди. Унинг саволлари мени ўйлантирди. Энди унга бориб нима ҳам дердим? Аввалроқ мен унинг шоҳидлардан бўлиши учун ҳаракат қилгандим. Унга қўнғироқ қилдим, онаси уйда йўқ экан, ёнига бордим. Нималарни кўрмади шу қиз. Ҳар шоҳиднинг бошидан ўтадиган кунлар унинг ҳам бошидан ўтаётганди. Лекин эътиқоди ҳам мустаҳкамланганди. Қуръондан узоқлашиб кетганди. Қуръон ҳақида хаёлига нима келса, шуни гапирарди. Кўнглим бузилса ҳам унга бирор нима деёлмадим. Рамазон ойида эдик, чойимизни ичиб суҳбатга берилиб кетдик. Лекин менинг бошқачалигимни Ойнур пайқади.

– Сенга нима бўлди, Жамила?

– Билмайман. Бироз кайфиятим йўқ.

– Нега?

– Билмайман.

– Менга биласандай туюляпти. Жуда бошқача кўряпман сени.

Мен гапни бошқа жойга буришга уриндим:

– Авваллари рўза тутармидинг?

– Тутардим, нодонлик-да...

Шу пайт ҳаммасини айтмоқчи бўлдим. “Йўқ, аслида алданганинг учун рўза тутмаётганинг нодонликдир! Шу гапларинг нодонликдан ишора”, демоқчийдим, деёлмадим. Чой ичарканман, Филиз устоз ўқиган бир оят хаёлимга келди: исломдан бошқа дин излаганларнинг дини қабул қилинмасди. Буни нега Ойнурга тушунтиролмаيمان? Кейин сабабини топдим. Ҳеч кимда кузатилмаган тезликда у диндан чиққан бўлсам-да, лекин мен ҳануз исломга кирмагандим. Мусулмон бўлганимда исломий буйруқни айтишдан уялармидим? Ойнурга шоҳидлик қандай кетаётганини сўрадим.

– Жуда яхши кетяпти, лекин барибир бошни қотирадиган нарсалар йўқ эмас. Масалан, кеча тунда тадқиқчимнинг уйида даъват фильмини томоша қилаётгандим. Даъват фильмини жуда ҳам яхши кўраман, одамни таъсирлантиради. Эри “Ўчириш шу шайтонни!” деди. Хафа бўлдим, ғамгинлигимни билишди. Тадқиқда эдик. “Сенга шайтон васваса қияпти”, дейишди. Баъзи нарсаларга ақлим етмаса ҳам, Аллоҳнинг изни билан яқинда чўқинаман.

“Чўқинолмайсан, – дедим ичимда, – бу шубҳали ўйлари бор экан, сени чўқинтирмайдилар. Буткул улардан бўлишинг керак. Қуръон билан заррача боғлиқлигинг бўлмаслиги керак”.

Улардан ҳам яхши банда бўлишнинг ишораси яна бандаларидан олинадигандек ҳолат эди. Ўзлари инкор қилган попларнинг қилган ишларини такрорлашади. Банда Аллоҳнинг динига кириш учун нега бошқа бир бандага муҳтож бўлсин? Банда учун Аллоҳдан ҳам яқинроқ, Аллоҳдан кўра дўст, Аллоҳдан кўра доно, Аллоҳдан кўра ишончли, Аллоҳдан кўра кучли, Аллоҳдан ҳам яхшиси бўлармиди? Ким яқин бўларди?

\*\*\*

Хуллас, чўқинмади Ойнур. Кўнгли ислом руҳидан чиқолмасди. Шунинг учун ҳам буткул таслим бўлолмасди. Бошидан ўтганларни айтиб берарди:

– Онам билан пляжга бордик. Ёнимизда шоҳид аёллар бор эди. Бири бикини кийган, бошқаси чўмилиш кийимида. Мен буни ҳазм қилолмадим. Ҳатто онам денгизга тушганида ҳам дунё бошимга қулагандай бўлди. Онам чўмилиш кийимидаги шоҳидларни кўрсатиб мени мазах қилди. “Қара, сеникилар, қара. Қизим бу қандай дин? Диндор аёл шунақа денгизга кирадимми? Биз ҳам киярпмиз, лекин бизни диндорлик иддаомиз йўқ”, деди. Ўйладим, сўраёлмадим лекин онамнинг бу гапи тўғри эди ва мени ҳам бошимни қотирди...

Ойнур оиласидан узилиб қолганди, лекин барибир улар билан бирга яшарди. Ота-онаси ва акаси унинг ҳозирги аҳволига кўп қайғуришарди. Оиласи чора изларди.

Отаси ҳам қизининг насроний бўлганини қабул қилолмасди. Қизини ўлдирай деса, ўлдиролмасди. Маданиятли одам эди. Уни уйдан ҳайдамади, лекин ниҳоят ўзича бир чора топибди. Ойнур жуда яхши кўрган ўртоғи Юксалникига борибди. Юксал ҳам ўртоғи, ҳам акасининг қаллиғи эди. Аҳди қатъий эди, Юксални шоҳидлардан қилармиш. Лекин шошилмаётганди. У ҳам “бирданига бўлмайди”ни ўрганганди. Ойнурнинг яна бир яхши дугонаси бор эди. “Мен буларнинг кўпчилигини Иеговага қайтараман”, деб ўйлаганди. Бир оқшом зерикиб қўшниникига чиқибди, эшикни тақиллатибди. Уй бекаси эшикни очибди, самимий гаплашишар экан. Лекин аёл аввалгидек “Вой, Ойнур сенмисан? Кел, жоним, ичкарига кир”, демабди. Бироз ҳайрон бўлиб эшикда туриб қолибди. Аёл яна ичкарига даъват этмабди. Охири сабабини айтибди.

– Айбга буюрмайсан, Ойнур, сени ичкарига киритолмайман. Эрим уни уйга киритма деди...

Ойнурнинг жаҳли чиқибди:

– Нега бундай деди?

– Билмайман, хафа бўлма, илтимос.

Ойнур йиғлай-йиғлай ортига қайтибди. Қўшниларга нима бўлди деб кўп ўйлабди. Кўз ёшларини артиб, оилавий дўстлари Содиқ бейларникига борибди. Улар ҳам уйига киргизмабди. Йиғлай-йиғлай дуо қилибди:

– Эй Иегова, ўзинга сиғинаман, мени бу синовдан муваффақиятли олиб чиқ...

Ойнур ҳайрону паришон экан, лекин у ҳам бу изтиробларни Исонинг мўъжизаси сифатида кўраётган экан. Шунга қарамай, эшиклардан ҳайдалиш ҳолатини қабул қилолмасди. Кўзида ёш билан дардини айттарди:

– Мен бу одамларга нима қилдим? Тарбиямни ҳаммаси билади. Болалигимдан мени танишади. Нега мени уйларига киргизишмайди? Бу ғуруримга тегяпти... Эй Иегова! Мени бу ҳолатдан ўзинг олиб чиқ!

Кейин хаёлига Юксал келибди. Юксал болаликдаги ўртоғи ҳам экан. У мени асло қувиб юбормайди, дея ўйлабди. Шу хаёлда Ойнур Юксалникига боришга қарор қилибди. Оқшомга яқин отаси уйга келибди ва кутилмаганда Ойнурга шундай дебди:

– Ойнур, бугун Юксалнинг отасини кўрдим. “Хафа бўлманг, лекин Ойнурни бизникига юборманг. Мен насроний бўлган қиз билан қизимнинг гаплашишини истамайман”, деди.

Бунни кутмаган экан Ойнур, қаттиқ хафа бўлибди. Ётоғига кириб ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлабди.

– Нега бундай? Бу одамлар нега бунақа? Мен бу одамларга нима қилдим? Аввал дин билан ҳеч қандай алоқам йўқ эди, булар бунақа қилишмасди.

Ётоғида ўксиб-ўксиб йиғлаб, сўнгра ўхлаб қолибди. Ойнур кимга дардини айтмоқчи бўлса, юзига эшик ёпиларди. Буёғига чидашга кучи қолмаганди. Энг яқин дугонаси Юксалга бориб дардини айтай деса, у ҳам уйдан қувиб юборишидан қўрқармиш. “Буни кўтаролмасдим”, – деди. Ғурури оғрирди, ҳайдалиш иззат-нафсига тегарди. Лекин бетини қалин қилиб Юксалнинг ёнига борибди. Эшикни тақиллатаётиб ҳаяжондан аъзойи бадани титрабди. Юксал билан кўришаётиб юз ифодаларини кузатибди. Дугонаси уни ичкарига даъват қилибди. Шу заҳоти Ойнур сўрабди:

– Отанг отамга “Ойнур бизникига келмасин”, дебди. Бундан жуда қаттиқ оғриндим. Кечадан бери ўзимда эмасман. Нега отанг мени уйга қўймайди, тушунмайман.

Шундай деб йиғлабди Ойнур.

– Аллоҳга қайтганим айбми? Гуноҳми? Қолаверса, отанг менинг тарбиямни, хулқимни билади...

Юксал яқин дугонасининг кўз ёшларига тоқат қилолмай ҳақиқатни айтишга мажбур бўлибди:

– Сенга тўғриси айтман, лекин ҳеч кимга айтмайсан, хўпми, сўз берасан?

– Сўз бераман.

– Отамдан сени уйдан ҳайдашини отанг илтимос қилибди. “Ойнурни уйга қўйманг. Ҳамма шундай қилса, балки бу қиз насронийликдан воз кечар”, дебди. Кўз ёшинга тоқат қилолмаганим учун буни айтяпман, йўқса асло айтмасдим.

Ойнур бу гапдан жуда севинибди. Демак, одамлар отасининг илтимосига кўра уни уйдан ҳайдашган экан. Унда хафа бўлишга ҳожат йўқ, деб ўйлабди. Бу гапдан ҳам севинибди, ҳам хотиржам бўлибди. Отаси фарзандини бу йўлдан олиб қолиш учун ҳар чорага бош урарди, фақат бир йўлини синаб кўрмасди. Ойнур бироз хотиржам бўлиб уйига қайтибди. Атрофидан ва онасидан меҳр, очиқ чеҳрали бўлишини истарди. Лекин қизлари насроний бўлган оилада меҳр ва табассум учун дармон қолмаганди.

\*\*\*

Ойнурни эшитарканман, ўйланиб қолдим. Уйга келгунимча фақат бир нарсани ўйладим. Ойнурга шоҳидлардан эмаслигимни айтолмаётганимни ўйладим. Ўз ичимда чиқиш учун йўл тополмаётгандим, ўзимни тушунолмасдим. Иегова шоҳидлари нега ёлғон гапиришганди? Мен нега ишонгандим? Қуръондан инсонга ҳузур берадиган, яхшилик ваъда қилинган оятларни эмас-да, одамни (билмагани



учун) ҳайрон қолдирадиган, қўрқитадиган оятларни ўқишарди? Бу тўғримиди? Фақат хато топиш учун Қуръонни ўқишармиди? Ва Қуръонга бўҳтон отиб, ўз динларига оломон тўплашга уринган Иегова шоҳидлари ёлғон устига дин бунёд қилишга уринишармиди? Йўқ, бу қадар тўғрилик ва ҳақиқатни даъво қилаётганлар бундай қилишмасди. Мен янглишаётган бўлишим мумкин. Унда бироз яна кутишим керак. Балки асабийлик ва тушкунликдан ҳақиқатни кўролмаётгандирман? Балки менга ёлғон гапирган шоҳидлар ҳам била туриб ёлғон гапиришгандир?

### 36-qism

Уғур ёнимга келиб, бўйнимдан қучиб олди ва ҳаяжон билан сўзлай бошлади:

– Опа, опа! Бугун мактабда нима бўлганини биласизми? Билсангиз, жуда ҳам ҳайрон қолардингиз. Мен Тунчни енгдим.

– Қандай енгдинг, қани, айтиб бер-чи.

– Ўқитувчимиз катта бўлганда ким бўласизлар деб сўради. Тунч: “Мен катта бўлганимда доктор бўламан”, деди. Ҳамма бир касбни айтди, менга навбат келган эди, мен: “Шоҳидлардан бўламан”, дедим. “Шоҳидлар ким?” деди. Ўқитувчимиз нодонми, опа, шоҳидларни билмас экан. Исонинг болалиги ҳақидаги эртак бор эди-ку, уни синфда айтиб бердим. Ўқитувчим мени уришмади.

Эй, воҳ! Энди нима бўлади? Бу бола қўлдан кетганга ўхшайди-ку! Болалигида яхши кўриб қолганлар катта бўлганида унутмайди дейишади. Шу тўғримикан, ажабо? Агар шундай бўлса, ўзимни кечира олармиканман? Боёқиш болажон, билмасдики, мен у эътиқодда бўлганимда, балки ўзи тирик қолмасди...

Бошим ғовлаб, ўйларим миямни сиқа бошлади. Бу болани қандай қилиб оғдира олдим? Кўнглига шоҳидликни буткул сингдирган эканман. Болаларга бунчалик жиддий эътибор берилишининг сабабини энди тушуняпман. Бу орада Самира опа келди. Меҳмонхонага кирдик. Якшанба куни ўтказган тадқиқ ҳақида гаплашдик, фикрларини айтди.

– Тўғриси, мен ўша куни полицияга хабар бермоқчи эдим, аввал бир эшитай дедим. Ҳалиги динчи аёл эътиборимни тортди, эшитдим. Ё Аллоҳим, бунча нарсани қаердан билади у?! Бир динчида бунча илм борлигини ҳеч билмасдим. Мутаассиб бўлмаганида уни ҳар доим эшитардим.

Самира опа бирдан бошқа мавзуга ўтди:

– Сен Гулдерен билан Таркан турмуш қуришини биласанми?

Бошимга гурзи билан урилгандай бўлди. Ё Аллоҳим! Бўлиши мумкин эмас! Шундай десам ҳам, кейинги кунларда Гулдереннинг менга бепарволиги, Тарканларникига тез-тез чиқишини эсладим. Ақлдан озай дедим бу гапни эшитиб. Уфур бу хабардан жуда хурсанд бўлди:

– Яшасин! Гулдерен опам ҳам шоҳидлардан бўладилар!

Изтироб билан Уфурга қарадим. Унга нима ҳам дея олардим? Уни бу аҳволга мен солиб қўйгандим. Эътиқод ва фикрнинг болаларга кичкиналигидан берилмаслигига айримлар балки шунинг учун ҳам эътибор бермасмиди...

Бу хабарнинг карахтлиги билан ўрнимдан турдим.

– Самира опа, айбга буюрмайсиз, мен ҳозироқ Гулдереннинг ёнига боришим керак. Сиз бувим билан ўтиринг, мен тез қайтаман.

Уфур бундан севинди.

– Хола мен билан ўтирсинлар. Энди мен катта йигит бўлганман.

Самира опа орқамдан ғудраниб қолди:

– Сени қаарю, Гулдереннинг насроний билан турмуш қуришидан хурсанд бўлганингдан ўтиргани жой тополмаяпсан.

Гаплари қулоғимга кирмасди. Яшиндай ташқарига отилдим. Шундоқ боғча эшигидан чиққанимда, Исмат девона билан учрашиб қолдим. Гинали термилиб сўради:

– Нима гаплар, насроний атиргули, бутун дунёни насроний қилиш режаларинг давом этяптими?

Тез-тез қадам ташлаб юраётиб жавоб қилдим:

– Энди менга насроний атиргули демагин, илтимос! Мен насроний атиргули эмасман, бўлдими?

– Чин айтяпсанми? Тушим ўнгга айландими ёки?

– Нима аҳамияти бор? Мени ўз исмим билан чақиришларини истайман!

У ҳам мен билан тез юраётганди.

– Аллоҳга олиб борадиган йўл исломдан ўтади, Жамила, буни ҳеч қачон унутма, хўпми?

Исмаат девонани ора кўчада қолдириб, Гулдеренларнинг уйига кирдим. Яшинга айлангандим гўё. Тез-тез одим отардим. Ҳаяжон билан эшикни тақиллата бошладим. Гулдерен эшикни очди. Ичкарига кирган заҳоти сўрадим:

– Эшитган хабарим тўғрими?

Бир қўлида чой тўлдирилган пиёла, бир қўлида орасига бир нималар қўйилган нон билан қараб турганди. Жавоб қилди:

– Эшитган хабарингга боғлиқ. Нимани эшитдинг?

– Таркан билан турмуш қураётган экансан, тўғрими?

– Оббо, демак эшитибсан-да!

Ўйларим остин-устун бўлди.

– Шу гап тўғрими, Гулдерен?

– Дейлик, тўғри, сен нега талошдасан?

– Сен, сен тўғриси айтмаяпсан!

– Нима бўлди, севинчингданми, қайғуданми ҳаяжонланяпсан? Бу ҳолингни қандай атаса бўлади?

Даҳшатга тушгандим.

– Тезроқ тўғриси айт, Таркан билан турмуш қуряпсанми?

– Ҳа, турмуш қуряпман.

– Жуда ғалати! Бу қиз ақлдан озибди! Сен жинни бўлдингми, Гулдерен? Муслима қиз насроний билан турмуш қурадими?!

Гулдерен менинг ҳолимга атай қилаётгандек бемалол чой ичарди. Ақлдан озгандай устига ташланиб, пиёлани қўлидан олдим. Худди пиёла айбдордек, уни айвонга қараб улоқтирдим.

– Бунақа бемалол ўтириб мени ақлдан оздирма. Гапир! Гапир! Тезроқ жавоб қил!

У яна хотиржам жавоб қилди:

– Жавоб бердим-ку, яна нима истайсан мендан?

– Сен... сен муслима эдинг-ку?!

– Сен масалани чалкаштира: бу ҳаяжон нима учун? Тарканни севармидинг ёки? Шундай бўлса, айт, бир нима дегин, чорасини топамиз. Одамнинг қўлидан пиёласини олиб ирғитадиган даражада ақлдан озибсанми, демак, бир сабаби бўлиши керак.

Сабабини айтолмасдим. Дунё бошимга қулагандек эди гўё. Кўзларим ёшланган, бўғзимга аччиқ тугун қадалганди.

– Нега бундай қилдинг, Гулдерен? Нега бундай қиласан?

Ортиқ чидолмадим, кўз ёшларимни тиёлмадим:

– Сен оқила қиз эдинг. Нима бўлди сенга, Гулдерен?

– Билдим, билдим. Сен Тарканни севасан. Бу ҳолинг кўрсатиб турибди буни. Унда ол, Таркан сеники бўла қолсин.

– Аҳмоқлик қилма, бошқа сабаби бўлиши мумкин эмасми?

– Нима бўлиши мумкин эди? Сен насронийсан, бошқача бўлганида бу хабарга севинишинг керак эди...

Севинишим мумкинмиди? Лекин буни унга айтолмасдим. Юмшоқ курсига ўтириб бошимни икки қўлимнинг орасига олиб ўксиб-ўксиб йиғлай бошладим. Гулдерен ҳам рўпарадаги ўриндиққа ўтирди. Мени кузатаётганди. Ҳолимга ҳайрон эди. Бир пайт ғудранди:

– Йиғла, йиғла, мен ҳам сен туфайли кўп кўз ёш тўқдим. Ҳисоблашяпмиз ҳар ҳолда.

Гулдерен мени ғазабимни қўзитаётганди. Алам билан сўйландим:

– Сен иродасиз латтасан! Тўрт ой аввал мен учун устоз олиб келгандинг. Энди ўзинг йўлдан адашибсан!

Кулиб жавоб қилди:

– Ким? Мен сен учун устоз олиб келибманми? Хоҳлаган жойингга бор! Сен билан нима ишим бор мени?

Бўёғи чидолмайдиган ҳолатга келгандим. Йиғлай-йиғлай ўрнимдан туриб эшикка бордим.

– Сен билан гаплашиб бўлмайди. Ақлдан озмасимдан бу ердан кетай.

Бирдан у ҳам қўзғалди.

– Тўхта, бўғознинг тентак қизи, тўхта! Мен Таркан билан турмуш қурадиган даражада жинни бўлганим йўқ. Эшитганларинг қип-қизил ёлғон. Аслида нима гаплигини билмаган одамлар оғизга келган ёлғонни тўқиб чиқаряпти. Акс ҳолда ёрилиб қолишади-да. Сен бунга ишонганингга ҳайрон қолдим, бу бир. Иккинчиси, дейлик, тўғри бўлса, бу мутаассирликнинг номи нима? Хурсанд бўлишинг керак бўлган жойга нега қайғуряпсан? Қани, ўтир, гапир-чи бундоқ.

Чуқур нафас олдим. Ўтирдим. У қайта-қайта сўрайверди:

– Нега бунча қайғурдинг? Тарканни севасанми?

– Оббо, сафсата сотма! Шунчаки қизиқдим, холос.

– Нега мендан бунақа нарса кутяпсан, Жамила? Менинг чин мусулмонлигимни билмайсанми? Эътиқоди мустаҳкам, амали нуқсонли муслима!

Алламаҳалгача гаплашиб ўтириб, сўнгра уйга қайтдим. Самира опа кетган экан. Уғур билан ўйнай бошладим. Қилган хатоларимни бир-бир тузатишим керак эди, лекин қандай қилиб? Кўзларимга уйқу келмасди. Тадқиқчим майдонга чиқиш-чиқмаслигимни сўради. “Мазам йўқроқ”, дедим. Чиндан ҳам бироз бетоб эдим. Кучли бошоғриқ ўтиб кетмаётганди. Бу ҳолатимни кимга айтишни билмасдим. Хаёлимга Фелиз устоз келди. Эртага келадиган эди, гаплашмоқчи эдик. Тадқиқ куни келишини ҳеч ким истамади. Ҳақли эди улар. Бир одам ўйларини ишғол қилган жойда, иккинчиси сиғмасди.

Эртаси куни Фелиз устоз келди. Лекин Лайло уйида баҳс-мунозара бўлишини истамабди, Фелиз устозни Гулдеренларнинг уйига олишибди. Лайло мунозарага келмади. Фелиз устоз қайта-қайта: “Йўқ, мунозара, тортишув бўлмайди, шунчаки суҳбатлашамиз”, деса ҳам Лайло кўнмабди. Ҳаммамиз ҳаяжонда эдик, ҳисларимизни бир-биримиздан пинҳон тутардик. Лайло истамаса ҳам Вера ва Таркан келишганди. Яна Ойнур, Гулдерен ва мен бор эдим. Мен Таркан ўтирган курсига унга яқин жойда ўтирдим. Ҳаво жуда яхши эди. Бир неча соат олдин ёмғир ёққан, тупроқ ҳиди гуллар ифорига қоришиб кетган, димоғимизга хуш ис анқирди. Таркан бир пайт қулоғимга эгилди:

– Шундай саволлар тайёрладимки, эшитса, нима қиларкан билмайман.

Мен ҳам қулоғига шивирладим:

– Ўринли ва тўғри жавоб берса, нима қиласан?

– Бу саволларнинг ўринли ва тўғри жавоби бўлмайди.

“Қараб тур, кўрасан”, дедим ичмда. Вера ҳам биз каби ҳаяжонли эди:

– Ёшлигимиздаги баскетбол ўйинлари эсимга тушди. Бугун ўша ҳаяжонларни қайта ҳис қиляпман.

Фелиз устоз жилмайиб жавоб берди:

– Хайрли бўлсин.

Амира хонимнинг қош-қовоғи осилган эди. Верага сездирмай гапирди:

– Лайло қабул қилса эди, бугун бу жоҳилдан халос бўлардим. Уйим карвонсарой бўлади.

Бу суҳбат сирасида Гулдереннинг уч дугонаси эшиқда кўрингани, Амира хонимнинг ғазаби тошиб кетди. Кўзларига миллионта динсиз кўринса безовта бўлмасди, лекин битта мусулмони кўрса чидолмасди. Бидъатчиларнинг гап-сўзи унга муҳим эди.

Шунинг учун тинимсиз ғудранарди:

– Ён-атрофимдагилар олдида шарманда бўламан. Бу ҳолимга бир қара! Ҳушимдан кетаман, ақлдан озаман ҳозир. Биринчи ишим отасига айтиб, буни Германияга юбориш бўлади, қараб турсин ҳали...

### 37-qism

Гулдерен меҳмонларни жойлаштириб бўлгач сўради:

– Дарсни бошлашимизга тўсиқ борми? Марҳамат, устоз.

Филиз устоз атрофга қараб сўради:

– Истасангиз, аввал саволлар қисмини ўтказиб юборамиз. Кимда саволлар бор?

Янги келган қизлардан бири сўради:

– Исломда аёлга туғиш ва ҳайз кўриш Момо Ҳаво гуноҳ қилгани учун жазо сифатида берилган экан, шу тўғрими?

– Йўқ! Асло ундай эмас! Бу эътиқод бошқа динларда ҳам бор эди. Кейин насроний ва ислом дунёсига тарқалди. Аёлга айбдор ва лаънатлангандек қаралган. Бундоқ ўйлаб кўринг, миллионларча йил олдин бир аёл гуноҳ қилади, унинг гуноҳи учун қиёматга қадар бошқа аёллар жазоланади. Шундай бўлиши мумкинми? Ислом потенциал айбдорликни инкор этади. Сиз айтган гап Тавротда шундай келган: «Таквин», 3-боб, 16-оят: “Машаққатингни ва ҳомиладорлик қийинчилигини орттираман. Дард билан фарзанд дунёга келтирасан, эрингнинг хоҳиш-истагида бўласан. У сенга ҳукмрон бўлади. Ва Одамга айтди: “Хотинингнинг гапига кирганинг ва шунинг учун емайсан деб буюрганим дарахтдан еганинг учун ер сен туфайли лаънатланди”.

Ҳа, Тавротда шундай дейилади. Ислом оламидаги баъзи корчалонлар Таврот ва Инжилда исломга қарши нақадар эътиқод ва қарашлар бўлса, уларнинг ҳаммасини тўплаб, ислом жамиятига “Анворул ошиқин”га ўхшаган хурофот тўла китоблар билан ислом буйруқлари каби одамларга кўрсатишган.

– Сиз исломга тўғри келмайдиган эътиқодларни яҳудий ва насроний дунёсидан олишди, деяпсиз. Унда нега яҳудийлар ва насронийларни айблаяпсиз? – дея сўради Вера.

– Янглишяпсиз. Бу борада уларни айбламайман. Яҳудийлар ва нарсонийлар шундай деб билишади. Мен ўзимизникиларни айбляпман. Ўз динларига қарши бўлган бундай нарсаларни қайси ақл билан у ерлардан олганини тушунолмаيمان. Қуръони каримда мевани Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаво бирга еганлари марҳамат қилинади. Алданишига келганда эса “Икковлари бирга шайтонга эргашдилар”, дейилади. Нима учун Қуръонда буюрилгани эмас-да, Инжил ва Тавротда айтилгани бизда кенг тарқалганини ҳалигача тушунмайман. Қолаверса, бизнинг ўйдирмачилар фақат Инжил ва Тавротдан олмаган, ўз хаёлларини ҳам тинимсиз ишлатишган кўринади. Ислом бировнинг айбини бошқага юкламайди. Қолаверса, одамлар ва Аллоҳнинг ўлчовларини бир хил кўрсатади. Масалан, Тавротда Аллоҳни инсон каби кўрсатади. “Таквин” 6-боб, 6-оят; “Ва Раб ер юзида одамни яратганига пушаймон бўлди ва юраги оғриди. Ва Раб деди: “Яратганим одамни, ҳайвонларни, судралувчиларни ва кўклардаги қушларни ер юзидан ўчираман. Чунки уларни яратганимга пушаймон бўлдим...” Аллоҳ яратганига пушаймон бўладими? Пушаймон, надомат чекиш фақат бандалар учун. 5-бобда: “Ва Ҳонак Аллоҳ билан юрди ва кўздан ғойиб бўлди. Чунки уни Аллоҳ олди”, дейилади. Бошқа жойда бири одамлар билан бирга Аллоҳни енгганини айтади. Ва ҳоказо, ва ҳоказолар. Бу борада яна бир оят ҳам бор: “Исроил ўғиллари Мусо алайҳиссаломга дедиларки: «Сен ва Раббинг курашинглар. Бу юртнинг халқини бу ердан чиқаринглар сўнгра биз келиб, у ерга жойлашамиз». Бунақа гап-сўзлар Аллоҳни одам савиясига тушириб қўйиш оқибатида айтилади. Агар Аллоҳни илоҳ ўлароқ тасаввур қилса, “Сен ва Раббинг курашинглар” дейилармиди? Шунга қарамай мен ҳеч тушунмаганим учун билганлардан сўрардим: мукамал бўлган Қуръонни нега муқаддас китобга дохил этгандилар? Ва нега Иегова шоҳидларининг йўлбошловчилари Қуръонни салбий қарашларсиз ўқимайдилар? Сўнгра жавобини топдим. Исломда Аллоҳ Ўзини қандай танитган бўлса, шундай англатилади. Сабаблардан бири шу бўлиши мумкин. Балки мен шундай ўйлагандирман, ким билади.

Таркан орага кирди:

– Сиз Қуръонда мантиққа тўғри келмайдиган ҳеч нарса йўқ, дейсизми?

– Йўқ, ундай демадим. Ҳаққа мос келмаган бирор нима йўқ дедим. Қолаверса, мантиқ ўлчов эмас. Биласизлар, мантиқсизликнинг ҳам бир мантиғи бўлади. Шундай экан, мантиқ “мутлақ” дегани эмас, “демак” деганидир. Шунга қарамай, ақлли бир инсон имон нури билан кетса, Қуръондаги бирор ҳукми ақлга сиғмайдиган ва мантиқсиз деб топмайди. Топган тақдирда ҳам имон келтиради.

– Сиз Қуръонни ўз оламингизга кўра тушунасизми? Мен ўқигандим, асло қабул қилолмадим, – яна савол берди Таркан.

– Хўш, нима экан сиз қабул қилолмаган?

– Масалан, “Сиздан бўлмаганларни тутган жойингизда ўлдиришлар”, дейилади. Ислоҳ ҳеч кимга мажбуран имон келтирмасди-ку? Нега сиздан бўлмаганларни ўлдириш дейди?

Ҳаммамиз бир-биримизга қарадик. Энди Филиз устоз нима дейди? Ҳамма бундай саволнинг остида эзилиб қолишини ўйларди. Филиз устоз Қуръонни олиб сўради:

– Ўша оятни менга топиб бергин-чи.

– Албатта, топиб бераман. Қуръонни бериб туриш.

Таркан оят манзилини ёдлаб олганди:

– Мана, бу ерда. “Бақара” сураси, 191-оят!

– Шу ерда сизларга ўргатганларнинг тўғриси бўлганидан шубҳаланаман. Нега бир оятнинг бир қисмини ўқийсизлар ва давомини ўқимайсизлар, тушунмадим. Аллоҳнинг динига шундай бўлган отиш мумкинми?! Сиз атайлаб бу оятнинг сизга фойда берадиган қисмини ўқийсизми? Бу ерга келгунга қадар бўлган аввалги оятларни ҳеч ўқидишларми? Тўғрироғи, сизларга ўргатганлар ҳеч ўқимайдими? Ростгўй, дуруст одамларга бузиб, парчалаш ярашадими? Биз ҳам бузиб ўқиймиз десак, Инжилдан, Тавротдан нималарни топиб оламиз. Лекин буни инсонийликка муносиб кўрмаймиз. Энди жавобингизга келамиз. Аввал шу суранинг 190-оятдан ўқийшни бошлаймиз: “Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг. Ва тажовузкор бўлманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкор бўлганларни хуш кўрмас.” Бу ерда “Сизга уруш қилаётганларга” деган жойига диққат қилинг. “Аллоҳ йўлида уруш қилинг. Ва тажовузкор бўлманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкорларни хуш кўрмас”. Қаранг, урушни аввал душманлар бошлаши керак. 190-оятдан буни билиб олдик. “Сизга уруш қилаётганларга сиз ҳам урушинг” дейиляпти. 191-оятда уруш майдони назарда тутиляпти: “Уларни топган ерингизда қатл қилинг. Ва сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам чиқаринг. Фитна қатл этишдан ёмонроқдир. Масжидул Ҳаром олдида сизга қарши урушмагунларича сиз урушманг. Агар урушсалар, бас, сиз ҳам урушинг. Кофирларнинг жазоси шундай”. 192-оятда эса: “Агар тўхтасалар, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир”, дея марҳамат қилинади. Ва давомида уруш қилишдан воз кечсалар, сизлар ҳам воз кечинг, дейилади. Энди бу ерда гап уруш мавзусида келган. Сизга бу оятни бузиб тушунтирганлар, гўёки “Кўрган жойингизда ўлдириш” оятини уруш майдони ҳақида айтилганини билишмайдими? Фақат ўша жумлани ўқиб, қолганини ташлаб кетишганми? “Урушни улар бошламасдан сизлар бошланг” маъносида келган оятлар гўёки кофирларни кўчада кўрганингизда ўлдиришлар каби тушунтирилади. Яна нима дейиши керак эди? Сизларга қарши



уруш очганларни олқишланглар дейилмасди, ҳартугул! Хўш, сиздан сўраяпман, бу оятдан биздан бўлмаганларни ўлдиришимиз керак экан, деган маънони қандай чиқариш мумкин? Сизларга ўргатганларнинг ақлидан шубҳа қилмаганимизга кўра, демак, сизларни мақсадли йўналтираётганлари очиқ-равшан кўриняпти. Ҳийла ишлатаётганларнинг ростгўйликдан гапиришга ҳаққи йўқ!

Ҳаммамиз ҳайратда эдик. Айниқса, мен ҳайратдан тошдай қотиб қолгандим. Чунки бир неча йилдан бери мен ҳам бу оятни “Сиздан бўлмаганларни ўлдириш” маъносида билардим. Борган жойимда бу оятни гапирардим. Қанчадан-қанча одамларнинг ақлини чалғитдим.

Ўша кун шундай ўтди. Машинам устахонада эди. Филиз устозни уйига ташлаб қўйиш учун таъмирчига қайта-қайта айтиб, машинамни бўятдим. Устоз машинамга ўтирганида шундай ҳаяжонландимки, буни таърифлай олмайман. Бешиктошга келганимизга унга юзланиб, ички ҳолатимни сўзлаб бердим.

– Биласизми... Мен сизни жуда ҳам яхши кўриб қолдим.

– Мен ҳам.

– Гап-сўзларингиз мени ниҳоятда таъсирлантирди.

– Иншааллоҳ, таъсирини кўрамиз-да.

– Қандай таъсир қилишини кутяпсиз? – кулимсираб сўрадим.

– Тушунтирганларим, айтиб берганларим қандай таъсирни келтириб чиқариши керак бўлса...

– Муслмон бўлишимни истармидингиз?

– Тулқидан товуқни севасанми, дея сўрашган экан, уям кулқидан айтолмаяпман, деган экан.

– Демак, муслмон бўлишимдан ниҳоятда севинасиз?

– Бунга шубҳанг борми?

Бир лаҳза индамай қолдим. Ўйларимни айтсаммикан, ажабо? Сўнг нега айтмаслигим керак, дея ўйладим.

– Мен Иегова шоҳидлигидан чиқдим.

Юзимга қаради. Сўнг мен кутмаган жавобни берди:

– Биламан.

Ҳайрон бўлдим.

- Қаердан биласиз? Мен ҳеч кимга гапирмагандим-ку?
- Ҳолинг, хатти-ҳаракатларинг, нигоҳларинг сўйлади.
- Тавба, ё Аллоҳ! Қандай хатти-ҳаракатларим мени қўл туширди экан?
- Ҳар хил ҳолатинг. Масалан, мен яхши жавоб берганимда кўзларинг кулади. Бошқа ҳаракатларинг ҳам шундай. Ҳатто бир куни Гулдеренга ҳам айтдим.
- У нима деди?
- “Унинг Иегова шоҳидлигидан қайтиб, исломга кирган кунига етсам, қурбонлик қиламан. Бу қиз мени жуда қаттиқ ранжитди. У насроний бўлганида мен кўп йиғладим. Уни йўлдан қайтаришга уриндим, лекин бўлмади, уддаламадим”, деди.
- Менимча уддалади. Чарчамасдан, безмасдан менинг қайтишим учун ҳаракат қилди. Алал-оқибат уддалади.
- Иегова шоҳидларидан қайтишининг ўзи камлик қилади. Аллоҳнинг дини билан шарафланишинг керак.
- Иншааллоҳ, униси ҳам бўлади. Лекин ислом менга оғирлик қиладими деб қўрқаман. Ҳаммасини ўрнига келтиролмасам-чи?
- Исломнинг барча буйруғига ишонсанг, ҳаммасини ўрнига қўёлмаган тақдирингда ҳам, ҳаммасига ишонишинг жуда катта фойда.
- Хўш, биринчи бўлиб нимадан бошлашимни маслаҳат берасиз?
- Аввало, Иегова шоҳидлиги билан боғлиқ ҳаёлингда бирорта савол қолмаслиги керак. Бунинг учун профессор Ҳикмат Танюнинг “Иегова шоҳидлари” номли китобини ўқишинг керак. Бир сўз билан айтганда, ажойиб китоб!
- Бу қайси нашриётга оид китоб?
- “Диёнат”га оид.
- Вақт йўқотмасдан у китобни топиб ўқидим. Кейин Фелиз устоз менга бошқа китобларни берди, уларни ҳам ўқидим. Энди Гулдеренга айтишим керак эди бу ҳолатни. Қиз шўрлик менинг дастимдан тентакка айланаёзди. Кийиниб Гулдеренларникига бориш учун вилладан чиқдим. Бугун унга хушхабар айтмоқчи эдим. Яна Исмат девонага учрадим. У ҳам мен туфайли кўп қайғурганди. Хурсанд бўлишга ҳаққи бор эди.
- Нима гаплар, насроний атиргули? – дея сўради менга кўзи тушган заҳоти.

– Мен энди насроний атиргули эмасман, муслима атиргулман! Муслмон бўлдим! Сенга ҳам етказай, балки хурсанд бўларсан деб ўйладим.

### 38-qism

Исмат девонанинг кўзларига ёш келди. Бир муддат менга қараб турди-да, ҳисларини ифодалади:

– Демак, энди тушим ҳақиқатга айланар экан. Бундан жуда ҳам севиндим.

Севиниш сўзи оз эди ҳисларининг таърифига. Кетаётиб кўз ёшлари юзига сизаётганини пайқадим. Гулдеренларникига югурдим. Кулимсираб эшикдан кирдим ва юмшоқ ўриндиққа ўтирган заҳоти тилга кирга кирдим:

– Гулдерен, менинг ягона дугонажоним! Энди сенга кўнглимни очиш фурсати келди: мен муслмон бўлдим!

Гулдерен ҳеч нима демасдан фақат кўзларимга қаради. Бир муддат термилган кўйи қолди. Кейин паст товушда сўради:

– Устимдан куляпсанми, Жамила?

– Нега кулишим керак? Рост, мен энди муслимаман!

Ҳаяжон билан ўрнидан даст туриб бағрига босди:

– Шу кунларни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку! Оҳ, Аллоҳим, фақат бу туш бўлиб чиқмасин.

Кейин бор овози билан йиғлай бошлади.

– Бир неча йил ўзимни айбдор ҳис қилиб келдим. Қандай қийналганимни тасаввур ҳам қилолмайсан. Энди ҳаммаси ўтиб кетди. Сен қайтдинг, тортган жафоларим сенга фидо бўлсин!

Шу орада онаси ичкарига кирганди, Гулдерен севиниб онасига хушxabар етказди:

– Она! Бугунни неча йил кутганимни биласизми? Жамила муслмон бўлибди!

Амира хоним лабини буриб ғудранди:

– Муслмон бўлган бўлса, нима қилибди шунга? Сенга нима фойда бундан?

– Менга нима фойда бўларди, она? У менинг қардошим! Жонимнинг ярми. Унинг Аллоҳга қайтиши менга фойда бўлмай нима бўлсин?!

Онаси буларни англайдиган савияда эмасди. Гулдерен бошқа ҳеч нарса демади. Энди навбат Верага эди. Вера билан Филиз устоз яхши дугона бўлиб олишди. Буёғига Веранинг мусулмон бўлиши аниқ эди. Бир куни Верага шундай дедим. Веранинг жаҳли чиқди:

– Нега бир мусулмон билан бир насроний қалин дўст бўлса, илло улардан бири динини ўзгартириши керак, иккимиз ҳам ўз динимизда қололмаймизми? Филиз устоз зиёли мусулмон. “Насроний менга уруш очмагунича мен у билан урушмайман”, дейди. Сизлар нега ундай ўйламайсизлар?

Чиндан ҳам нега ундай ўйламасдик? Жавоби жуда оддий эди. Бизнинг дунёқарашимиз Филиз устозникидай кенг эмасди. Унингдек илмли ҳам эмасдик. Вера уни ҳурмат қиларди, лекин динини ўзгартириш ниятида эмасди. Верага мусулмон бўлганимни айтдим.

– Шундай бўлиши аниқ эди, – деди.

Бу орада Таркан келганди. Унга ҳам мусулмон бўлганимни айтдим.

– Тўғри қилибсан деди. Мен ҳам сал қолса мусулмон бўлардим. Ҳаммаси бизга айтилганидек эмас экан. Хаёлларим остин-устун бўлди. Неча кундан бери ухлолмайман. Лайлога ҳам айтдим, мендан жаҳли чиқди.

Таркан тўғри айтганди, Лайло мендан хафа бўлганди. Лайло мен билан унча кўп гаплашмас, гаплашганимизда ҳам нега динимни ўзгартирганимни сўрамасди. Ҳаммага мусулмон бўлганимни айтдим. Фақат отамга айтмагандим. Нима дер экан? Жуда қизиқаётгандим. Кейин вақт-вақти билан Муқаддас китобни олиб ўқидим. Бир пайтлари кўзимда ёш билан ўқиган жойларимга узоқ қарадим. Ажабо, дедим ўзимга ўзим, жўшиб йиғлаганча ўқиганим бу саҳифаларда мени йиғлатадиган нималар бор эди? Мен нега йиғладим экан?

Сиёҳранг тўлқин

Ойнурларникига бордим. Онаси яқинда уйдан чиққан экан. Яна тортишишган экан, шунинг учун қаттиқ жаҳли чиққан эди. Бир қарасам, Қуръонни қўлига олиб йиғлаганча алам билан саҳифаларни йиртиб ташляпти.

– Шу Қуръон сабабли ота-онам менга кўрсатмаган куни қолмади. Мен буни йиртиб, ёқиб юбораман! – деди. Қўлидан олишга урингандим, айвонга ўтди.

– Сен аралашма, Жамила. Кўриб қўйишсин, мен бу Қуръонни нималар қиламан, кўриб қўйишсин!

Саҳифаларни йиртиб-йиртиб, алам билан ғижимлаб ташларди. Ақлдан озган девонадек эди. Бор аламини, нафрати ғазабини сочиб Қуръонни ҳақорат қилар,

кейин “Қани, Муҳаммад келиб сени қўлимдан қутқариб қолсин-чи!” дерди. Кейин йиртиб олган саҳифаларига гугурт чақиб ёқди. Қуръон саҳифаларининг гулханини интиқом ҳирси билан томоша қиларди. Ҳар қанча истасам-да, бу ишларига тўсқинлик қилолмадим. Ўзини йўқотиб қўйганди, кўзлари инидан чиққан, ранги-рўйи даҳшатли эди.

– Менинг Қуръонимни бунақа ҳақорат қилолмайсан! – дедим. Ҳайрон бўлди, қизиқиш ва даҳшатга тушиб сўради:

– Қуръон нега сеники бўларкан?

– Мен энди мусулмонман! Мен мусулмон бўлдим, – дедим. Ойнур тахтадай қотиб қолди. “Қанақасига?” дея олди, холос...

Уни шокка тушган ҳолатида ташлаб уйга қайтдим. Биринчи ишим отамга қўнғироқ қилиш ўлди. Отам телефонга жавоб қилди:

– Ота, менман. Марҳабо, отажон, яхшимисиз?

– Яхшиман. Ўзинг қандайсан?

– Мен ҳам яхшиман. Сизга хушxabарим бор. Мен мусулмон бўлдим, ота! Шоҳидлардан ажрадим.

Отам бу хабаримга тахмин қилганимдан ҳам зиёда хурсанд бўлди:

– Чини биланми, болажоним? Бу хабаринг мени бахтиёр қилди. Мен ҳам сенга хушxabар айтай, мен ҳам мусулмон бўлдим, болам. Беш ой бўлди...

Бу изоҳдан ҳайрон қолдим:

– Сиз шундоғам мусулмон эдингиз-ку, ота?

– Тилимда мусулмон эдим қизим, энди қалбим ва амалларим билан мусулмон бўлдим!

Хурсандчилигим ва бахтиёрлигини таърифлай олмайман. Ҳаммаси яхши кетаётганди. Оҳ, онажонгинам-а, менинг ягона онажонгинам-а, тирик бўлсайдингиз кошки, бу хурсандчиликларни сиз ҳам кўрсайдингиз кошки...

Фақат Уфур мен учун бироз муаммо эди. Бола ёшда қалбга кирган севги осонгина чиқмас экан. Нима қилсам ҳам Уфурнинг шоҳидларга нисбатан меҳрини ўзгартиролмаётгандим. Филиз устозга дардимни очдим. Нима қилишим кераклигини айтди у.

– Унга Исо алайҳиссаломни севишни ман этма. У зотни ҳам севсин. Мусулмоннинг Исо алайҳиссаломни севиши гуноҳ эмас. Унга ишонмаслиги одамни диндан

чиқаради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламни севдириш учун унга жаноби Пайғамбаримизнинг болалик қиссаларидан сўйлаб бергин. Демак, сен унга шоҳидларни жуда чиройли севдиргансан, энди уни исломга тортиш бироз қийин бўладиганга ўхшайди.

– Ҳақиқатан шундай. Муштдай болага ислом ҳақида нима десам ҳам эшитмайди. Аллоҳ асрасин, насроний бўлиб қолса, ўзимни ҳеч қачон авф этмайман!

– Сен қўлингдан келганини қиласан. Сен ғайрат ва ҳаракат қилиш билан кифояланасан.

– Аллоҳ асрасин, унинг насроний бўлиб қолишига чидолмайман, – дедим яна.

Кўнглимни кўтарди устоз:

– Сен сидқидилдан ҳаракат қилгин, алал-оқибат ғалаба қиласан!

Энди укам билан шуғулланишим керак эди. Муслмон бўлганимни эшитиб сўради:

– Опа! Сизни муслмон бўлди, дейишади тўғрими?

– Тўғри, кичкинтойим.

– Нега муслмон бўлдингиз, опа?

– Аллоҳ шуни истагани учун...

– Энди Исони яхши кўрмайсизми?

– Яхши кўрмасам бўларканми? Энди янада кўпроқ, онгли равишда яхши кўраман. Тағин у зотга бўҳтон қилмасдан яхши кўраман. Исо алайҳиссаломни ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламни ҳам севаман.

– Муҳаммад ёлғончи эди-ку, уни қанақасига яхши кўрасиз?!

– Бу бўҳтонни ким айтди?

– Ўзингиз айтгандингиз-ку, опа. Менга айтгандингиз...

Ҳаҳ, қурибгина, узилибгина тушсин бу тилим! Нега бунақа дегандинг-а?! Боланинг олдида анча саросималаниб қолдим. Сўнгра изоҳлашга тушдим:

– Умри давомида бир оғизгина ёлғон гапирмаган жаноби Пайғамбаримиз алайҳиссаломни менга ёмон кўрсатиб таништирдилар, жоним. У зотни ёлғон гапирган дедилар, пайғамбар бўлмаганини айтдилар. Бировлар руҳимга кириб олган, Ҳақ дин манбаи бўлган Қуръонни менга ёмон кўрсатишганди. Мен алдандим, жоним укам, тағин осонгина алдандим...

– Унда сиз Муҳаммадни яхши кўринг, мен Исони яхши кўраман. Сиз Қуръон ўқинг, мен Инжил ўқийман, бўлдим, опа?

Тизгинидан чиқди ишлар.

Мовий тўлқинларим сиёҳ рангига бўянди.

Умидларим чил-чил синди, сарсон бўлди хаёллар.

Дардларимга ўзимдан бошқа чидади.

Заъфарон тус олди япроқлар.

Оҳ, сени жуда ҳам соғиндим, мен қўрққан ўлим!

Исмат девонани ўйладим. У гапирса, ёнида энг ақлли одам ҳам индамай қоларди. Ундан сўрашга қарор қилдим. Бирор куни бизникига келса ё эшик олдидан ўтса, чақириб маслаҳатлашмоқчи эдим.

Бир неча кундан кейин диний қўшиқ хиргойи қилиб эшигимиз олдидан ўтаётганди. Бироз хуруж қилган экан чоғи, мени эшитмади. Бемаъни гаплар гапирди: “Мен ўз халқимга азоб бермайман, жаноб! Куйдирмайман! Мени ўлдиринг, жаноб, бошқа қилмайман. Ўз динимдан бўлган одамга қурол ўқталмайман! Ўқ отмайман! Ҳар қандай жазога тайёрман, ўз халқимнинг қишлоғига ўт қўймайман!”

### 39-qism

Бобомга ҳам мусулмон бўлганимни айтдим. Қовоқ-тумшугини очмасдан “Яхши қилибсан”, деб қўйди. “Энди анави Вера кофир билан гаплашмайсан”, деди. Бобомдан жаҳлим чиқди:

– Нима бўлганда ҳам уни кофир деманг, бобо! Пайғамбар алайҳиссаломнинг изидан боринг. “Аҳли китоб ёки мусулмон бўлмаган” маъносида қўлланадиган сўзларни қўлланг! “Ғайримуслим” денг! Шундай дейиш керак экан. Золим аҳли китоб кофир дейилар экан. Лекин аҳли китобнинг ҳаммаси ҳам кофир эмас-ку! Марҳаматли, меҳрибон насронийлар ҳам борлигини унутмайлик! Албатта, ёмонлари ҳам бор. Лекин Вера ёмонлардан эмас-ку!

– Сен унинг ёнини олавер, бир куни кўрасан қандай душманлик қилишини!

– Адашяпсиз, бобо! У менга ҳеч қандай ёмонлик қилмайди! Сиз кўрасиз ҳали.

– Сен ҳам кўрасан-да.

Бобомда бир нарсани пайқадим. Верага қарши гапирганида юзи қизариб кетарди. Ҳовли-боғчага чиқдим. Гулларимга қараётгандим, рўпарама-рўпара Вера билан гаплашдик:

– Нима гаплар, муслима атиргули?

– Тинчлик, насроний атиргули, – дедим. – Ўзингизда нима гаплар?

– Нима ҳам бўларди, ўзинг билган гаплар менда ҳам. Айтганча, сенга бир хабарим бор.

– Нима экан?

– Бу ерга келмасанг айтолмайман.

Бобом бизни парда ортидан кузатиб турарди. Веранинг ёнига борганимда бобом ҳалиям парда ортида эди.

– Гапиринг, Вера, нима бўлди?

– Нима бўларди, Таркан кеча кечқурун “Мусулмонликни ўрганаман”, деди.

– Нима?! Рост айтяпсизми?

– Албатта, тўғри айтяпман. Лайло билан тортишиб қолишди.

– Оҳ, Аллоҳим! Қулоқларимга ишонмайман!

– Ишон, ишон. Филиз устоздан бир оятни сўрагани-ку, шу гапга ишонгани учун Иегова шоҳиди бўлган экан. Ишонгани аксинча бўлиб чиққани учун ўйлари чалкашиб кетибди. Энди исломни ўрганаман, деяпти. Зинҳор, Жамилага айтманг, мен ўзим айтаман, деди.

Севинчимни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Шундай бўлса ҳам аниқ ишонмаётгандим. Илоҳиёт факультетини тамомлаган бир одамдан дарс олаётган экан. Иегова шоҳидлари қайтаришга уриниб келишибди. “Сизлар менга Қуръон оятларини бузиб англандингиз. Сизларга ишонмайман”, дебди. Лайло укаси учун қайғураётган экан. Нима қилса шу Гулдерен қилди, деётганмиш. Ҳа, Гулдерен қилди. Тинмади, толмади. Энди навбат менга эди. Мен ҳам хизмат қилишим керак эди. Оҳ, кошки мусулмонларнинг ҳам Иегова шоҳидларига ўхшаган тартиб билан ишлайдиган ташкилоти бўлса эди. Ҳозироқ у ерга бориб вазифамга киришган бўлардим.

Бир оқшом Вераникига бордим. Эшик очиқ экан, ичкарига кирдим. Бундоқ қарасам, оҳ, Аллоҳим, кўзларимга ишонмайман, Таркан шом намозини адо этаётган экан! Аввал менга туш каби туюлди, сўнгра бўғзимда алланима тугунланди. Ютиндим.



Кейин йиғлагим келди. Ҳам кўзларимдан ёш оқарди, ҳам ўзим хоҳламай уни кузатиб турдим. Ё Аллоҳим, бир йигитга намоз ўқиш шунчалик ярашар эканки!..

Уни ҳаяжон билан кузатиб турарканман, елкаларига салом берди. Мен қараб турганимни кўрди ва ўрнидан қўзғалди:

– Ҳаа, сенмисан?

– Шунақа шекилли...

– Демак, қўлга туширдинг мени?

– Ҳа, жуда хурсанд бўлдим, Таркан. Сендан кутилган нарсани қилдинг!.. Қачон мусулмон бўлишни ўйладинг?

– Аслида, анчадан бери баъзи саволлар мени тинч қўймаётганди. Масалан, Қуръон бизга айтилганидек шафқатсиз эмаслигини кейинги пайтларда тушуна бошлагандим. Биз нимага эътиқод қилган бўлсак, унинг аксига далиллар келтирилди. Бир неча ойдан бери ўйлайман, кечаю кундуз шу саволлар билан миям банд эди. Масалан, оддий савол: бир қиз билан бир йигит доимий бирга юрса-да, кўнгли бузилмасмиш, шу эътиқодни қабул қилишим қийин бўлди. Эркакка ҳам, аёлга ҳам буни лойиқ кўрмасдим, лекин ҳеч кимга бирор нима деёлмасдим.

– Тўғри айтасан. Мен ҳам шу нарсани ўйлагандим...

– Аслида бошқа шоҳидлар ҳам буни ўйлагандир, менимча. Бу инсон фитратини билмасликдан. Хуллас, икки оила қурмаган киши ҳар доим бирга юради, лекин қалбидан ҳеч нарса ўтмайди. Балки, бироз мустаснолар бордир, лекин қоида бўйича ҳеч ундай бўлиши мумкин эмас! Яна бир қанча саволлардан беҳаловат эдим.

– Хаёлингга шунча саволлар бўла туриб нега гапирмадинг?

Таркан бироз ўйланиб жавоб қилди:

– Сен онам билан ўтира тургин, мен намозимни адо қилай. Сен билан гаплашадиган кўп гаплар бор.

Мен Веранинг ёнига бордим. У Лайло ҳақида гапириб берди.

– Тарканнинг мусулмон бўлиши Лайлони жуда хафа қилди.

Вера овқат тайёрлаётганди. Иши қилаётиб мен билан гаплашаётганди.

– Сиз хафа бўлмадингизми, Вера?

– Ҳеч хафа бўлмадим. Мен ўзим ҳақида жавоб бераман. Улар нима истаса, шуни қилсин.

– Отаси нима деди?

– У ҳам мендай ўйлайди. Лекин қайнонамнинг хурсандчиликдан юраги ёриляпти. Ўзи мусулмон эмас, лекин ўзидан бошқа ҳамманинг мусулмон бўлишини истайди.

Бу гап менга хуш ёқди. Чиндан ҳам баъзи мусулмонлар ўзи исломга амал қилмаса ҳам, бошқалар исломдаги барча қоидага амал қилишини иташади.

Филиз устоздан гап очилди. Мен уни мақтаб адо қилолмасдим.

– Кошки ҳамма мусулмонлар ҳам Филиз устоздек бўлса эди.

– Ҳа, ҳақлисиз. Кошки барча мусулмон Филиз устоз каби, ҳар насроний сиздай бўлса эди. Афсуслар бўлсинки, икки, ҳатто уч, ҳатто тўрт тарафдаги жоҳиллар сабабли яхши ниятли одамлар кўринмайди, уруш чиқариш учун бузғунчилик қилаётганлар ҳам жуда кўп. Шунинг учун ҳам исломда урушда одамлар орасини бузувчиларга катта жазо берилар экан. Ҳатто энг катта жазо уларга берилар экан.

Мендан бобомни сўради:

– Бобонг ҳалиям мендан нафратланадими?

– Ҳеч ҳам ўзгаргани йўқ. Ҳатто менга бир ёмонлик қилишингизни кутяпти. Сиз менга бирор ёмонлик қилсангиз, бобом байрам қилиб нишонлайди! Қачон сизларни кига келсам, парда орқасидан мени пойлаб ўтиради. Насроний деганда инсонга ўхшамаган бир жонивор каби кўради. Насронийларда ҳам бобомга ўхшаганлари бормикан? Мусулмондан қўрқадиган ва ҳурқадиганлари?

– Бўлмайдими, бор! Ақидапарастлар ҳар нуқтада учрайдиган паразитлар.

Бу орада Таркан келди. Менга ҳазиллашди:

– Қани, Жамила, сен билан бир бўлиб онамни мусулмон қиламизми?

– Беҳуда ҳавасланманглар. Динингизни чиройли яшанг, мен бўласам ҳам бўлади.

Кейин биз Таркан билан ярим қолган гапимизга қайтдик:

– Хўш, Таркан сени эшитаман, нега ўйлариңни ўртоқлашмадинг?

– Билмайман. Тадқиқчимни ранжитишни истамадим. Сидқидилдан мен билан шуғулланди. Бошқа сабаблари ҳам бор. Инжилдаги кўп ҳикоялар, Тавротда мен қабул қилолмаган кўп нарсалар бор эди.

– Масалан?

– Масалан, менга Тавротда аёл ҳаддан ортиқ айбланадигандек туюларди. Кейинчалик биринчи кездеги ишонишнинг ҳаяжонлари сабабли буларни унутдим.

Кейин орага Филиз устоз кирди, қандай ҳайратланганимни тушунтиролмаман! Ислонда сиздан бўлмаганларни ўлдиринг, деган оят уруш майдони ҳақида экан, лекин бизга кундалик ҳаётда деб тушунтирилганди. Бу ҳам мени паришон қилди. Ҳисларимни ерпачин қилди. Ўзим билан ўзим кўп олишдим. Ҳеч кимга билдирмай ўзим билан курашдим. Зотан, биз бошидан хато қилдик. Ўз динимизни уларнинг нуқтаи назаридан, улар истагани қадар ўргнадик. Улар ҳам аниқ гаплар эди. Тушунчаларимизга сиғдирилмадик. Бизга хуш ёқадиган оятларга эмас, бошимизни қотирадиган, ақлимизни чалғитадиган оятларга диққатимиз қаратилди ва шоҳидлардан бўлдик.

– Биз ҳали шоҳидларданмиз. Филиз устоз айтди.

– Нима деди?

– Шундай яхши гап айтдики, ҳайрон қолдим. Бир ерда ўқиган экан. “Иегова шоҳидлари биз Аллоҳнинг шоҳидимиз, дейишади. Биз ҳамма нарса Аллоҳнинг шоҳиди деймиз” деди. Яна нима десин?

Орадан ойлар ўтди. Филиз устоз китоблар рўйхатини берди. Тавсия қилган барча китобларини ўқиб тугатдим. Дунёқарашим кенгайди. Унинг тавсияси билан Қуръон тадқиқини бошладим. Бу гал Филиз устознинг айтишича, Қуръондаги ҳамма нарсани аниқ-тиниқ тушунмасам ҳам, Қуръон руҳи мени қамраб олганди. Дарсларимиз яхши кетаётганди. Мен исломий илмларга жиддий аҳамият берганим сари Вера мендан узоқлаша бошлади. Буни ҳазм қилишим қийин бўлди. Нега ўзгариб кетганди Вера? Салом-алиги ҳам совуқ эди. Айниқса, Италияга бориб келганидан кейин бу ҳолат бошлаганди. Таркан дарсларини бенуқсон олиб борарди. Баъзан унга дуч келганимда ўқишларидан хабар топардим. Гулдерен ҳам ўша ғайрати билан йўлида давом этарди. Дарсларга у билан бирга бориб келар, у билан бирга ишлардим. Ўтган кунларда менинг аҳволимга қайғурганидан қанчалик изтироб чекканини вақт-вақти билан гаплашардик. Бобом ҳам Веранинг ўзини тутишини пайқади, тинимсиз мени мазах қиларди.

– Хўш, сенинг Веранг қаерда қолди? Нега сен билан муносабатларини узди? Мен сенга унга ишонма, демаганмидим?! – дер, имкон топгунича ҳақли чиққанини бошимга калтак қиларди.

Бобомнинг гапларига парво қилмасдим-ку, лекин Веранинг ўзини тутиши юрагимни ўртарди.

Лайло эса “Салом, яхшимисан?” дан бошқа мен билан бир оғиз ҳам гаплашмайдиган бўлди.

Лайлони ва отаси Фаик бейни исломга даъват қилиш учун кўп уриндим. Гулдерен ҳам кўп ҳаракат қилди, лекин ҳеч нарсага эришолмадик. Негадир улар билан шуғулланганимизчалик маҳаламиздаги номи мусулмон, ўзи мушрик бўлган бидъатчилар билан шуғулланмасдик. Худди уларга исломни англатишимиз фарз бўлмагандек...

Уғурга келсак, бу боладан ҳеч кутмагандим, мени касал қилишига сал қолди. Бир кеча эртак айтиб беринг, деб туриб олди. Бобом билан бувим ҳам қайта-қайта айтаверишди. Уғуримнинг қорнини тўйдирдим. “Тишларингни тозала, пижамангни кий, хонанга кел. Сен ётоғинга чўзиласан, мен сенга “Етим Муҳаммад” номли эртак айтиб бераман”, дедим.

Айтмоқчи бўлганим эртак эмасди, лекин эртак десам хурсанд бўларди.

Бориб тишларини тозалади. Қўлларини совунлаб ювиб, пижамасини кийди. Жуда тартибли бола Уғур. Устидан ечган кийимларини буклаб жавонга қўяди. Онаминг оналик асари эди бу...

#### 40-qism

Уғур ётоғига кирди. Мен рўпарасига ўтириб, оламларга раҳмат қилиб юборилган етим Муҳаммад ҳақида гапира бошладим:

– Минг тўрт юз йил олдин Макка деган шаҳарда бир ўғил бола дунёга келибди. Бола шу қадар ширин ва севимли эканки, кўрган одам: “Бунча севимли экан бу бола?!” деб юборар экан. Боланинг онаси ўғлининг ҳамма қатори бола эмаслигини ҳис қилар, аммо ҳеч кимга айтолмас экан. Кўпдан бери Макка номи билан аталадиган бу шаҳарда бир одат бўлган экан, янги туғилган чақалоқлар эмизиш учун эмизадиган оналарга берилар экан. Муҳаммадни ҳам эмизадиган онага беришлари керак эди. Шунга мажбур эдилар. Муҳаммаднинг онаси Омина боласини эмизадиган аёлнинг қишлоғига юбориш учун тайёрлабди. Кўз ёшлари юзини ювар экан. Ширингина болакай ҳам онасидан айрилаётганини ҳис қилибди ва йиғлай бошлабди. Аммо кўз ёшларининг фойдаси йўқ эди. Муҳаммадни эмизадиган онасига берибдилар. Эмизикли онаси уни яхши парвариш қилибди. Ҳалима узоқ пайт уни эмизибди. Ундан кейин Муҳаммадни ундан олиб, бу гал Баракот номли энагага беришибди. Баракотнинг бир ўғли бўлибди. Унинг исми Айман экан. Ундан кейин Айманнинг онаси маъносида “Умму Айман” номини олган экан. Умму Айман Муҳаммадни жуда яхши кўрар экан. Муҳаммад уни жуда яхши кўрар экан...

Шу орада Уғурим сўраб қолди:

– Онаси йўқ деб йиғлаган эканми?

– Онаси бўлган экан, лекин жуда узоқда экан. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам оналарининг қоринларида олти ойлик ҳомила бўлганларида оталари вафот этган.

– Отасини қаттиқ соғинар эканми?

– Жуда ҳам!

– Онасини-чи?

– Онасини ҳам.

– Унда нега онаси уни узоқларга юборибди?

– Ўшанда шунақа одат бўлган экан жамиятда. Аммо исломдан кейин Қуръон оналарга “Болаларингизни эмизинг” дея буюрган экан. Ундан кейин оналар болаларини узоқларга юбормасдан, ўзлари эмизадиган бўлишибди.

– Албатта, юборишмасин, опа. Болалар оналарини қаттиқ соғинишади. Болалар онасини соғиниб, ҳеч кимга билдирмай йиғлашади.

Боланинг бу гапларидан юрак бағрим ўртанди.

– Сен қаердан биласан?

Ерга тикилиб жавоб қилди:

– Мен бошқа нарсаларни ҳам биламан, опа. Онасини соғинган болалар онасининг кўзойнагини яшириб қўйиб, соғинишганда уни ўпишади...

Ёндим, онам! Юрак-бағрим ёнди! Билинтирмай яна сўрадим:

– Хўш, сен буларни қаердан биласан?

Уғуримнинг кўзларига ёш тўлди. Охири ёноқларини кўз ёшлари ювиб ўтди. Бироздан кейин жавоб берди:

– Мен биламан, чунки мен шундай қиламан, опа...

Бу қайғули, изтиробли сўзлардан кейин кўз ёшларимни тийишга қаердан куч топа олардимки?! Мен ҳам йиғлаб юбордим. Уни бағримга босдим, иккимиз ҳам йиғладик. Бола онамни унутди деб ўйлардим. Уни онамнинг қабрига ҳам олиб бормасдим, у билан етарлича шуғулланмасдим. Кўпгина катталар каби боланинг фақат имон билан боғлиқ муаммоси бор деб ўйлардим, бутун эътиборимни шу жиҳатга қаратгандим. Ҳаётни билиш, керагича англамоқ керак экан. Бизга ўқитилган дарсларда нега ҳаёт дарси йўқ эди? Авваломбор инсон ҳаётини, руҳиятини ҳақиқатга

уйғун шаклда ўрганганимизда, мен укамни шундай унутиб қўярмидим? Унга вазирамни бажармаганимдан уялиб кетдим. Катталардан биров ҳам “Бу боланинг рухий оламига эътибор бергин. Сен унга оналик қиласан”, демади. Отамга илтижо қилган кунимни эсладим. “Мен унга оналик қиламан”, дегандим. Атрофдагиларда кўрганим оналик услубига кўра эди менинг оналигим ҳам. Шунини “оналик” деса, мен ҳам шунақа қилгандим. Боладаги фақат мени қизиқтирган жиҳатларига эътибор берибману, унинг руҳияти билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратмаган эканман. Бу ҳолат ҳаммамизда бор. Бола тарбиясида фақат ота-онани масъул санаймиз. Ҳолбуки, опа, ака, тоға, хола, ҳатто қўни-қўшни, кимнинг боласи бўлишидан қатъи назар, унга тарбиячи бўлишлари керак эмасми?

Уғурнинг сўзлари юрак-бағримни ёқди. Эсимга тушди. Онам ўлганда бола шўрлик шундай хўрсиниб-хўрсиниб йиғлагандики, ҳамон кўз олдимда турибди. “Онамни тупроққа қўйдирманг, уйимизда сақлайлик, илтимос, ота”, дея ёлворганди. Бир неча кун икки тишлам егулик еб, дастурхондан туриб кетарди. Ўша пайтлар унга бироз ғамхўрлик қилдик, кейин бир зумда ўз ҳолига ташлаб қўйвердик. Мен ҳам болани роса эздим шоҳидлардан бўлсин деб. Бола боёқиш ўзи билан ўзи қолиб кетган экан. Энди хатоимни ислоҳ қилишим керак эди. Агар инсон бўлсам, буни удралаш менга қийин бўлмасди. Шу қарордан кейин уни яна бағримга босдим.

– Жоним Уғурим! Опангни кечир, жоним. Опанг ҳам янглиш тарбиянинг маҳсули эди, жоним жигарим...

\*\*\*

Гулдерен орзусига етганди. Жуда ҳам бахтиёр эди. Энди Гулдерен мен билан шуғулланганидек мен Ойнуз билан шуғулланишда давом этдим. Менинг мусулмон бўлганим уни ҳайрон қолдирганди. Вера ўша-ўша ҳолида, мени ранжитиб юрганди. Ҳамон “Марҳабо”, “Яхшимисан?” дан бошқа бир оғиз ҳам гаплашмасди. Ажабо, дедим, Италияда поплар билан гаплашдию поплар унга мен билан муносабат қилмаслигини айтдимикан?! Биз воқеаларга ўз услубимизга мос либос кийдиришни яйраб бажарамиз. Бошқаларнинг ҳолатини фаросатимизга кўра изоҳлашга ўрганиб қолганмиз. Бир куни жуда зеркиб кетдим. Гулдерен ҳам йўқ эди. Лайло-ку нисбатан буткул бегонага айланиб бўлганди. Мутлақо меҳри қолмаганди. Бирдан эсладим. Бир тадқиқ дарсимизда Матто Инжили бешинчи бўлимда “Душманни сев!” сарлавҳали оятдаги сарлавҳа, бошқа бир таржимада “Севги синови” номи билан ёзилган, унда шундай дейиларди: “Қўшнингни севасан, душманингда адоватда бўласан, дейилганини эшитдингиз. Лекин сизга айтаманки, душманингизни севинг ва сизга озор берганларни дуо қилинг...” Ўша кезларда буни кўп ўйлагандим. Унда биз мусулмонлардан нафратлантирилгандик. Ўзимиз билмай қандай қилиб бу ҳолатга тушгандик. Алавийликдан фойдаланиб, алавий эътиқоди севгидир деявериб

мутассил адоватда бўлган сохта алавийлар ва сохта суннийлардек, биз истар-истамас ҳам нафратланардик, ҳам ўзимиз шуғулланаётган инсонларда нафрат уйғотардик. Бундай бўлмаслиги керак эди-ку? Модомики, Исонинг буйруғи эди, биз ҳатто душманимизни ҳам севишимиз керак эдик? Буни Лайлодан сўрамоқчи эдим. Ортиқ чидаёлмасдим. Борганимда виллада эди. Жуда совуқ қаршилади мени.

– Сенинг эътиқодинг сенга: “Душманингни ҳам севасан” дейди, сен нега мендан нафратланасан? – дея сўрадим Лайлодан. Совуққина қилиб жавоб берди:

– Мен ҳеч кимдан нафратланмайман!

– Рост гапирмаяпсан! Мендан нафратланасан. Сизлар душманингизни ҳам севардингиз-ку? Сен билан неча йиллик дугонамиз. Менга бундай қилишинг яхши эмас. Онанг ҳам бир дунё бўлиб қолди. Онанг борган жойидан нохуш огоҳлантириш олди, чоғимда. Тўғриси, мени жуда ҳайрон қолдирди. Нега бунақа бўлиб қолганингизни айтасанми?

Қониқарли жавоб ололмадим. Баттар юрагим сиқилиб уйга келдим. Эртаси куни боғчамизга тушдим. Атиргул кўчатлари тиқилиб қолган, бир-бирига халал бераётганди. Боғчани тартибга келтирмоқчи эдим. Қарасам, Вера ўтиб кетаётганди.

– Исо алайҳиссалом ва Марям онамиз ҳақи тўхтанг! – дедим. Тўхтади. – Нега менга бундай қиляпсиз? Сизга нима қилдим? Гаплашмасангиз гаплашманг, лекин Аллоҳ учун менга айтинг, нима қилдим сизга?

Аввалига менга қарамасдан, ҳовли панжарасидан тутган куйи турарди. Сўнг кўзларини менга тикди:

– Тўғрисини билгинг келаётган бўлса, бил, мен Италияга кетганимда оиламдан сўнг энг кўп сени соғиндим. Қизимга нима олган бўлсам, сенга ҳам шу ҳадялар олдим. Лекин мени аэропортда кутиб олишга муносиб кўрмадинг. Соғинганимда кутиб олишга чиқардинг. Шунинг учун сендан оғриндим.

– Йўфе?! Аразингизнинг сабаби шумиди? – дея сўрадим ҳайрат билан.

– Етарли сабаб эмасми?

Ё Раббим! Буни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Панжарадан қўлимни чиқариб кўришдим. Сўнг юқорига чиқиб бағримга босдим.

– Сиз хусусингизда янглишмаган эканман.

Анча гаплашиб ўтирдик. Бироздан кейин Самира опа ёнимизга келди. Гуллар қалин ўсгани учун мен бирини юлар, бошқасини кесаётгандим.

– Нима қиляпсан? – Самира опа сўради.

Жуда хурсанд эдим. Ҳазиллашгим келди:

– Нима қилардим, боғчадаги насроний атиргулларини юляпман. Ўрнига мусулмон атиргулларни ўтқазаман. Вера билан ҳазиллашаш эди мақсадим. Самира опа индамай кетди. Вера билан анчагина қувноқ суҳбатлашдик. Кейин “энди ҳамма ўй-ўйига” деб кулишиб ўйимизга кетдик.

#### 41-qism

Орадан кўп ўтмасдан Вера мендан илтимос қилиб келди:

– Машинамни Лайло олибди, илтимос, мени Тақсимгача олиб бориб қўя оласанми?

– Албатта, ҳозир!

Дарров йўлга тушдик. Ҳали Бешиктошга етмасимиздан машинам бузилиб қолди. Бир четга чиқдим. Нима қилишни билмай ўйланиб тургандим, Вера бошидан ўтган бир воқеани эслади:

– Ҳали турмуш қурмаган кезларим эди. Бир мусулмон қўшнимиз бўларди. Ҳомиладор эди, дард тутибди, эшигимизни тақиллади.

– Вера! Илтимос қиламан, мени касалхонага олиб бор! – деди.

Олиб бордим. Қайтаётганда машинам бузилиб қолди. Машинани бир четга олиб қўйдим ва таксига ўтириб, ўйга келдим.

Машинамнинг бузилганини айтдим. Онам “Сенга ҳеч нарса қилмабди, бошқаси муҳим эмас”, деди. Лекин бувим ғашланди:

– Ҳа-да, тўнғизни машинанга олганингдан кейин омадсизлик келтиради-да! – деди.

– Буви нима деганингиз бу? У мусулмон, тағин ҳақиқий мусулмонлардан, уни тўнғиз деманг! – дедим.

– Нега демаслигим керак? Тўнғиз улардан яхши ҳайвон, – деди. Ишончим комилки, бобонг ҳам шундай дейди: “Ҳа машинанг бузилиши аниқ эди-ку! Насроний кофирни миндирганингдан кейин нима бўлсин?”

Ўйга келиб бобомга бўлган воқеани гапириб бергандим, айнан Веранинг айтганларини такрорлади:

– Ҳа, машинанг бузилиши аниқ эди-ку! Насроний кофирни миндирганингдан кейин нима бўлсин?



Нақадар жирканч манзара эди булар! Шунинг учун ҳам инсоният бўри еган бўрига айланган, инсон еётган инсонлар кўпайиб кетяпти. Филиз устоз “Замонавий бўлиш бугуннинг кишисига ҳеч нарса бермади, лекин инсоният буни кўролмапти”, дерди. Дарҳақиқат, шундай эди. Ва энг ачинарлиси, инсоният бу ҳолатдан халос бўлиш учун ҳеч нарса қилмаётганди.

\*\*\*

Бир куни дарс жараёнида Филиз устоздан сўрадим:

– Мен мумтоз намояндаларни ўқишни яхши кўраман. Файласуфларнинг мулоҳазаларига ҳам қойил қоламан. Лекин исломий соҳада файласуф йўқ. Бундан хафа бўламан.

– Нега бўлмас экан? Бор бизда ҳам, лекин уларни биз файласуф демаймиз. Файласуфни кўпчилик “мутафаккир” дея тушунади. Бизда файласуфларни таржима қилганлар “файласуф”ни “мутафаккир” дея ўғирмагани учун файласуф деган даҳо ислом дунёсида бўлмаган деган фикр уйғонди жамиятда. Ибн Арабии, Ибн Рушд, Форобий, Ибн Сино, Имом Ғазолий кабилар, юнонча айтганда “философ”, яъни файласуфлардир. Бугун ҳам эркак-аёл ўнларча файласуф бор, лекин уларни файласуф демаймиз. Қолаверса, ёшларга ўртак қилиб кўрсатилаётган хориж мумтоз намояндаларни ўқитиб, ҳавойи гапларни ўргатишмоқда. “Нолдан чексизликка қадар фикрлар биздадир ва бизда Аршга борган йўл” эканлигини билмайдилар. Шунин билмаганлари учун маҳаллий сериаллар ишқибозлари маҳаллий китобхонлардан ортиб бормоқда.

Филиз устознинг мулоҳазалари ҳақли эди. Ўзи тузган китоблар рўйхатини менга тутқазиб жилмайди-да, тавсиясини беришни ҳам унутмади:

– Шу рўйхатдаги мутафаккирларнинг асарларини ўқи. Энг таъсирли жумлаларни бир дафтарга ёзиб, менга олиб келгин. Кўрайлик-чи, Канту Суқротлардан ортда қолишганмикин? Табиийки, сенга буларни ўқишни тавсия қила туриб хориж мумтоз намояндаларини ўқимагин, демайман. Ўқигин уларни ҳам, лекин фақат ўқишнинг ўзи етмайди. Ҳолбуки, бизга биз ҳам керакмиз ва энг аввало биз керакмиз. Ўз маданиятимиз керак. Уларнинг маълумотлари ҳам кейинги ўринларда асқотади.

Бу изоҳлардан мамнун бўлдим. Дунёқараши кенг инсон барибир бошқача-да. Кейин ҳафтада бир дарсимизни давом этира бошладик. Мушрикларнинг кўнглини яна бир бор кўра бошладим. “Ғофир” сураси 26-оятда Фиравн Аллоҳнинг пайғамбарига уюштирган бўҳтонни ўқидик: “Фиръавн: «Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. Майли, Раббига дуо қилсин. Албатта, мен унинг динингизни алмаштиришидан ва ер юзида фасод чиқаришидан қўрқмоқдаман», деди.”

Филиз устоз бир муддат ўйга толди. Ҳозир бу оятнинг Қуръонда марҳамат қилинганини янада яхшироқ англадим. Мушриklar одамларга динни ҳимоя қилувчи фаришта каби кўринар экан, ҳақиқий диндорларни, динга хизмат қилувчиларни, гарчи улар пайғамбар бўлса ҳам, динсизликда айблай олишарди. Эҳ, юртимдаги ва дунёдаги мусулмонлар кошқийди буни англаб етсалар эди.

Ойнурни ўйладим. Атрофдагиларнинг танқид ва тазйиғига учрагани сари мужодала этишда давом этарди.

Ойнур бир нималарни уддалашга ҳаракат қиларди, қачон ва нимага эришмоқчилигига қизиқардик. Бир хориж мутафаккири “Тезда қўлга киритилган муваффақият инсонни беқарор ва хавfli кишига айлантиради” деган экан. Ойнур атрофдагилардан таъқиб кўргани сари ўзига тинчлик бермаётган саволларга жавоб излашга уринарди. Унинг бу изланишларини энг яқинлари ҳам билишмасди. Рухий инқирозга тушгани камлик қилгандай, таъқиблардан асабийлашар, тазйиқлар уни буткул ҳолдан тойдирганди.

“Умр бўйи ҳеч нимага эришмаганлар бошқаларнинг эришганларини камситиш билан ўзларини овутишади”.

Дунёда бундай кимсалар жуда кўп ва одамни ғажийётган одамсифат бўрилар қилмишларини давом эттиришяпти.

Ойнур буткул ёлғиз қолди. Рухиятини англайдиган ҳеч ким йўқ эди. “Муваффақият пиллапояларидан ҳеч ким қўлини чўнтагига солиб чиқолмайди”. Шундай экан, саволларига ўзи жавоб топар, бир хатоси оқибатида чала ташлаб кетган ўқишини тамомлаб, одамларга ва ўзига ёрдами тегадиган инсон бўлиб етишиши керак эди. Ўрнига чўзилганида ҳар хил режалар тузар, ўз оиласининг ёнида, лекин улардан қалбан узоқлашиш изтиробидан азобланарди. Ойнурнинг ўйлари фақат шу нуқтага қаратилган эди: “Кимдир мени кўр-кўрона алдаётган бўлса-чи? Ҳеч нарсани уддаламасам-чи?!”

Оқибатида хайрли манфаат бўлмаган ишни бажаролмаслик ҳам бир неъмат эканини Ойнур билмасди.

Ойнурнинг гап-сўзларидан шуни мулоҳаза қилдимки, дугонам алал-оқибат буюк изланишларга фарқ бўлади ва ниҳоят ҳақни топарди!

“Бу йўлда чарчама, Ойнур! Туман эмассанки, бўшлиқда қолсанг!”

Одамлар ўзини шу даражада чиройли қадоқлаб ўрайдики, ичи бошқа, таши бошқа одам ичида гўёки икки кимса қаршингда тургандек. Ойнур ўзини ўраб-чирмашни истамайди. Лекин атрофдагилари ўзларини безаб-бежаш кўрсатишдан мамнун эди.

Ички ва ташқи дунёлари бир-бирига ҳеч ўхшамасди. Ўзини борича кўрсатгани учун ҳам Ойнур илмсиз, лекин диндор бувисини ранжитди. Шунинг учун онажонисини йиғлатди. Тили бошқа, дили бошқа бўлмагани учун ҳам дўсту яқинларига озор берарди.

“Оқ бу қадар арзон бўлиши мумкинми?” дейди бир фозил киши. Албатта, мумкин эмас. Хўш, инсоннинг бунчалик арзон баҳоланиши-чи? Фикрларнинг сотилиши-чи? Ҳақиқатни поймол қилиш, тўғриларни оёқ остида эзғилаш бутун бошли инсониятни алдади. Ҳатто сизга сизгадиган одам ҳам ўзини дунёда ҳеч алданмаган киши санайди. Мен ҳам шундай алданган бўлсам-чи?

Ойнур мана шу ҳис ичида одамларга шубҳа билан қарарди. Ва ўзига кўрсатилган ўша “Сиздан бўлмаганларни оёқ-қўлини кесинг” дея ўқилган оятни кимдир низо қўзғаш ва диний ихтилоф келтириб чиқариш учун ўйлаб топганини англади. Олдинги оят нима эди? Уни бошқалардан эшитганди. Ойнурдан шундай сўрашарди: “Аллоҳ сизлардан бўлмаганни шафқатсизларча ўлдиринг, дейди. Хўш, эътиқод эркинлиги қаерда қолди?” Лекин у оятни мусулмонлардан эшитди. Агар мусулмонлар ҳам шоҳидлар тушунтирган маънони берса, ана ўшанда қалбида ҳеч қандай шубҳа қолмас, шоҳидларга таслим бўлар, улар қандай эътиқод қилса, шунга иймон келтирарди.

Бир гал икки тушини гапириб берди. Тушлари менга умид берарди. Ойнурнинг бир хусусияти бор эди: у ҳар доим Аллоҳга ёлвориб дуо қиларди. “Аллоҳим, менга ёрдам бергин! Ўз йўлингни менга очгин!” дея илтижо қилармиш. Бир куни шу дуоларидан кейин ухлаб қолибди. Тушида Исо алайҳиссаломни кўрган экан. Исо алайҳиссалом узун, оппоқ кийим кийган экан. Ойнурга диққат билан қарар экан. Ойнур у зотнинг оппоқ этагини ўпишга йиқилибди. Шу орада Исо алайҳиссалом уни огоҳлантирибдилар: “Нега этагимни ўпяпсан? Ҳеч ким бировнинг этагини ўпмайди! Сен бунга билмасмидинг?” Шу орада қандайдир овози эшитилибди, овоз унга: “Сен Инжилни ўқийсану, нега ўз Қуръонингни ўқимайсан?!”

Ойнур шу тушдан уйғонган заҳоти дарҳол ўзи яхши кўрган шоҳидлардан бўлган ҳамширанинг ёнига борибди. “Олинг бу Инжилингизни, мен уни ўқимайман”, дебди. Ҳали илк кунларда экан бу воқеалар. У шоҳидлардан бўлган ҳамшира хоним ҳам дарров Қуръони каримни чиқариб, “Мана, кўр, Қуръонда ҳам ҳатто Инжилни ўқиш, унга имон келтириш ёзилган. Кўрган тушинг шайтондан, сен унга алданма”, дебди. Боёқиш Ойнур ҳам “Модомики Қуръонда айтилган экан, унда мен ҳам Инжилни ўқимайман”, деб китобни олибди. Албатта, Инжилни ўқиш гуноҳ эмас. Бу ердаги қилаётганлари имон ахлоқига зид бўлган нарса эътиқод қилаётганлари Инжил учун ўзлари эътиқод қилмайдиган Қуръондан дастак олишлари деб ўйлайман.

Ойнурнинг яна бир туши жуда ғалати эди. Яна бир кеча Аллоҳга дуо қилиб, “Ё Раббим! Қайси дин ҳақ бўлса, уни менга тушимда аён қил”, деб йиғлаб ёлворибди. Гарчи бу усул инсонни тўғри йўлга бошламайди, лекин Ойнур бир неча ой илтижо қилавергани учун Аллоҳ унга чиройли ва аниқ аён қилганди. Тушида у билан шуғулланган, Бурсадаги бувисининг қўшниси Зайнаб деган аёл кирибди. Зайнаб жамоати билан бир хонада экан, шоҳидлар нариги хонада. Шоҳидлар “бу ерга кел” деган экан, бир овоз Зайнаб ўтирган хонага киришини айтибди. Ойнур бу тушидан ҳам қаттиқ таъсирланганди, лекин шоҳидлар “Бу ҳам шайтоний туш” деб унинг фикрини ўзгартиришган экан.

Мен Ойнур бир куни бу тушини эслашига ишонардим. Гулдере мени ўйлаганидек, мен ҳам уни ўйлардим. Қўнғироқ қилиб, мени чақирди. Овози жуда қайғули эди. Машинага ўтириб бордим. Эшикни очганимда йиғлаб ўтирганини сездим. “Ичкарига кир”, деди хушламайгина. Ичкарига кираётиб ўйладим, модомики келишимдан мамнун бўлмади, бу қиз нега мени уйига таклиф қилди. Сабрсизлана бошладим.

Ясама ҳол сўрашлик қисмидан кейин суҳбатга киришдик.

#### 42-qism

– Менга қара, Жамила! Сен самимий муслималигингни биламан. Ўлсанг ҳам сохтакорлик қилмаслигинга ишонаман. Мен ҳам ундай қилмайман. Шунинг учун ҳам жуда кўп озор кўрдим. Яқин инсонларим ҳам мендан узоқлашишди. Мен шоҳидларданман, бундан шубҳа қилмагин! Лекин ўзимни ўртаган жавобсиз саволлардан қийналяпман. Атрофдаги мусулмонлар бундай оят йўқ дейишади.

– Қандай оят?! – сўзини бўлдим.

– Аслида жуда кўп оятлар сўроқ остида. Баъзиларини сўрасам, “Бунақа оят йўқ”, дейишади.

– Улар ҳақиқий мусулмонми ёки исмлари мусулмончами?

– Унисини билмайман, мен мусулмонман деган одам динини билиши керак.

– Сен мусулмонман деганингда динингни билармидинг? Мен билармидим? Бу дунё мусулмонларининг аҳволи иккимизнинг олдинги аҳволимиздек.

Ойнур жавобсиз саволлар ичида қолиб кетганини пайқадим. Динимни билмаслигимдаги нуқсонимни пайқадим. У ердан чиқиб тўғри Фелиз устозга қараб югурдим. Ўзимни жоҳил санашни истамаслигимни, менга бир чора топишда ёрдамлашини ўтindingим. Фелиз устоз “сен билан дарс қиламиз” деганида севинчдан юрагим тўхтаётди. Устоз билан келишиб олгач, у ердан севиниб-

қувониб Гулдеренларникига югурдим. Эшиқдан овозлар эшитдим. Онаси билан тортишаётганди. “Германияга кетмайман, она. Беҳудага оввора бўлманг. Бу ерда менинг дарсларим бор”, дерди. Эшиқ қўнғироғини чалиб кутиб турдим. Гулдерен эшикни очди. Мени кўриб севинди.

– Кел, Жамила, – деди шиврлаб. Ичкарига кираётиб юзимга қаради. Демак, бу гал ички дунёим катта ҳарфлар билан юзимга ёзиб қўйилганди.

– Жуда хурсанд кўринасан?

– Ҳа, жуда хурсандман, Гулдерен.

Кўзёшларим юзимга оқа бошлади.

– Сенинг ғайратинг билан беш нафар насроний бўлган муслмон фарзандининг уч нафари ҳақ йўлни топадиган бўлди. Ойнур исломга қайтадигандек, Гулдерен. Ҳаммаси сенинг шарофатинг билан бўлди, азм-қарорли муслимам менинг! Охиратимни асраб қололсам, сен вақсила бўлган бўласан! Аллоҳ сендан рози бўлсин! Яхшиликларингни ҳеч қачон унутмайман.

Уни бағримга босиб йиғладим. Ўша куним мутлақо бошқача эди. Уйга келсам, бобом бетоб бўлиб қолган эканлар. Юраги хуруж қилиб қолибди. Уни Вера касалхонага олиб борибди, дори-дармон қилдирибди. Яна қайноққина шўрва ҳам тайёрлабди. “Олинг, шуни ичиб олинг”, дебди.

Бобомнинг юзи буришиб ётганди. Ҳол-жонига қўймай сўрайвердим бобомдан:

– Қўй, сўрама қизим. Мен қаердадир хато қилдим, аммо қаерда хато қилганимни билмайман. Бир насронийнинг бунчалик яхшилик қилишини ҳеч ақлимга сиғдирилмайман.

Бобомдан ҳеч кўрмагандим бу ҳолатни, жуда севиндим.

– Сизнинг нафратингиз ҳаддан ортиқ, бобо, – дедим. – Сизга қарши уруш очганлардан нафратланасиз, тўғри. Динингизга қарши уруш очган, сизни ватанингиздан узоқлаштиришмоқчи бўлганларга адоватингиз бор. Лекин сиз бу ишларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, ўз диний эътиқодига кўра яшаётган, меҳр-оқибатли инсонга ҳам шундай адоватдасиз. Ҳолбуки, христианларга ислом дини “насоро” номини берган. Бу “ёрдам бергувчилар” дегани экан. Яқинда Фелиз устоздан сўрадим.

– Ҳақлисан, қизим. Лекин мен нималарни кўрганимни билмайсан. Билсанг ҳайрон қоласан.

Гапириб беришини сўрадим, рози бўлди.

– Озодлик курашида ўша насроний инглиз аскарларининг қилмишларини ўз кўзларим билан кўрдим. Кўнгилхушлик учун бир муслмоннинг аввал қулоқларини кесишди. Сўнг бақиртириб кўзларини ўйишди. Шўрликнинг исми Иброҳим эди. Иброҳимнинг фарёди аршга етиб борди деб ўйлайман. Мени ўлди деб ўйлашардир. Сездирмай узук-юлуқ нафас олиб воқеани кузатиб турдим. Сўнгра ўқ узиб ўлдирдилар уни. Бу манзарани ўн-ўн беш киши томоша қилди. Демак, насронийларнинг ҳаммаси шундай, деб ўйлардим. Аммо яхшилари ҳам бор экан.

– Шундай. Хоинлар ўзимиздан ҳам топилади, бобо. Бир нечта хоин туфайли бутун бошли миллатни айбласалар бизга ёқадими?

– Албатта, муслмон ҳам урушда одам ўлдиради, ўлдирмайди демайман. Айниқса, урушда одам ўлдириши аниқ. Лекин қасам ичаманки, бирор насроний ёки бошқа диндагининг кўзини ўйишса, уни кулиб томоша қиладиган муслмон ичимиздан чиқмайди! Мен миллатимни билмайманми? Энг золим муслмоннинг ҳам нима қилишини ва нима қила олмаслигини биламан. Эҳ, бир кўрсанг, мен озодлик курашида нималарни кўрмадим! Энди ғарбликларга истасам ҳам, истамасам ҳам адоватим бор. Айримлар у кунларни унутди. Инглиз билан француздан бошқа ҳаммага улар душман, немис, айниқса, америкаликларни кўришса, жуда иноқлашиб кетишади. Мен кўрдим болам, у кунларни мен кўрдим. Кўрганларимни кўрсанг, сен ҳам мендай бўлардинг.

Бобомнинг руҳий ҳолатини тушундим, лекин яна жоҳилона муносабатларини кечира олмасдим. Муслмонлар ичидан ундай золим чиқмайди дейиши менга унчалик ишонарли чиқмади. Қасдлашган одам муслмон бўлса ҳам золим бўлиши мумкин.

Орадан ойлар ўтди. Уфурга ҳар кеча бир қисса гапириб берардим. Баъзан Исо алайҳиссалом ҳақида, баъзан Мусо алайҳиссалом ҳақида, баъзан эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳивассаллам ҳақида қиссалар айтиб берардим. Уфур бу услубни хуш кўрди. Исо алайҳиссаломга қарши гапирмаганим ва у зотга имон келтирганим учун. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламни унга янада яхшироқ севдирдим. Шукр, мен кўрққанчалик бўлиб чиқмади. Алҳамдулиллаҳ.

Лайло мен билан гап-сўзни буткул узиб ташлади. Лекин мен салом-алик қилишда давом этдим. Қанча уринсак ҳам Лайло ва каптарвоз Содик бейни йўлидан қайтролмадик. Гулдерен воситасида катта ишларни амалга оширдик. Маҳалламизни ҳимояга олдик. Иеговачилар қайси эшикка кирса, орқасидан биз ҳам кириб, улар уйғотган шубҳа-гумонларни ўчирардик.

Юрагимни бошқа нарса ўртарди. Биз ўз маҳалламизни Аллоҳнинг изни билан ҳимоя қилардик, бошқа маҳаллаларни ким ҳимоя қиларди? Бошқа маҳаллаларда ҳам бир Гулдерен, ёки Аҳмад, ё Меҳмед бормиди? Бу саволнинг жавобни ҳамон билмайман.

Орадан ўн беш-йигирма кунлар ўтди. Ойнур қўнғироқ қилиб қолди. Гап орасида: “Мен хато қилдим чоғи, Қуръонни Қуръонга қарши бўлганлардан ўргандим, улар мени ўзи истаган шаклда йўналтирди”, деди.

Бу сўз катта қадам эди. Телефонни ўчиргач, Гулдеренга хушxabар айтиб, бор гапни тушунтирдим. Хушxabардан Гулдерен жуда хурсанд бўлди:

– Вақт йўқотмасдан Ойнурни Фелиз устозга олиб борайлик, унинг саволларига фақат Фелиз устоз жавоб бера олади, – деди.

Дарҳол Ойнурга қўнғироқ қилиб айтдим. Эртаси куни учрашадиган бўлдик. Фелиз устозникига бораётганик, Ойнур бироз беҳаловат эди. Гулдерен билан мен хаяжонда эдик.

Фелиз устознинг уйига борганимизда, устозимизни ҳорғин кўрдик. Ҳорғин бўлса-да, бизни самимий ва очиқюз билан қаршилади. Ичкарига кирдик. Ёнма-ён ўриндиқларга ўтриб уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирган бўлдик. Ойнур сиқилаётганди, лекин қўлидан келгунича билинтирмасликка уринаётганди. Кўп ўтмай мақсадга ўтдик. Ойнур портлашга тайёр бомбадек эди. Охир-оқибат портлади:

– Мен сўрамоқчи бўлган оят ҳақида сиз ҳам жавоб беролмайсиз, мен энди ҳеч кимдан сўрамайман!

Фелиз устоз хотиржам жавоб қилди:

– Мен ҳамма нарсани биладиган донишманд эмасман, аммо барибир айтинг, мен қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Қайси оят экан у?

– Аллоҳ Қуръонда мусулмон бўлмаганларнинг қўл-оёқларини шафқат қилмасдан кесаман, деган эмиш. Бу қандай гап? Буни мутлақо ақлимга сиғдирилмадим.

Мен хаяжондан қалтирай бошладим. Фелиз устоз кулимсираб жавоб берди:

– Буни Аллоҳ айтмаган-ку, шундай дейилганини бизга Аллоҳ марҳамат қилган.

Ойнур ҳайратланиб сўради:

– Унда ким?

– Буни Фиръавн айтган...

Ойнур шахд билан ўрнидан туриб, Фелиз устознинг ёнига келди:

– Бундай бўлиши мумкин эмас. Хато қиляпсиз қаердадир. Ундай бўлса, бу гапнинг Аллоҳга тааллуқли экани нега айтилсин? Бу ёлғончилик бўлади.

Фелиз устоз Қуръони каримнинг олиб, “Аъроф” сурасини очди.

– Мана ўша оятларни ўқийман: Аввал 123-оятни ўқийман: “Фиръавн: «Мен сизга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Албатта, бу сизнинг шаҳардан унинг аҳлини чиқариш учун қилган макрингиздир. Ҳали биласиз”. 124-оятга диққат қилинг: “Албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қарши томонидан кесаман ва ҳаммангизни осаман”, деди”. Оятнинг асли мана шу. Сизга бузиб тушунтирилган.

Ойнур даҳшатли чуқурга тушган каби эди. Ўрнидан туриб деразага қараб югурди. Бизга орқаси ўгирилган эди. Узоқ муддат қимирламасдан бошини ойнага тираб, ташқарига қараб ўтирди.

Биз ҳам ҳайрон эдик, ундан бундай муносабат кутмагандик.

Бироздан кейин ёнига бордим. Ойнур ич-ичидан йиғлаган, кўзлари қизарган, шишган эди.

Секин шивирладим:

– Ойнур, ўзингни қўлга олгин. Дардингни бизга очгин.

Кўзларида ёш билан менга тикилди. Энди бор овози билан йиғлаётганди:

– Яна нима бўлсин? Ўзимни аҳмоқ, алданган ҳис этяпман. Мен шу оят туфайли оиламдан айрилдим. Ота-онамдан узилдим. Қуръонни ҳақорат қилдим. Қуръонни ёқдим...

Сўнг фарёд қилиб ерга чўккалади:

– Мен алдандим... Мен алдандим, Аллоҳим! Муслмонликдан беҳабар ҳолатда Қуръонни бировларга ташлаб қўйган жоҳил бандаларинг туфайли алдандим. Қуръонни саҳифа-саҳифа ёқдим. Уни одамларнинг оғзига қараб озорладим...

Тиз чўккан кўйи ўтирган жойида узоқ йиғлади. Алданиш уни шошириб қўйганди. Паришону абгор бўлганди Ойнур. Янгидан туғилмоқлик учун янги оғриқларни бошдан кечираётганди.

Бироздан кейин йиғидан шишган кўзларини бизга тикди:

– Ўтинаман, ҳозироқ бу ердан кетайлик. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Эртага Бурсага, бувимникига бориб, бир муддат у ерда қоламан ва ички овозимга қулоқ тутаман. Ҳозир ўтинаман мени уйимга олиб боринглар...

#### 43-qism

Уйга келганимда ҳорғинлигимни пайқадим. Шом намоздиан кейин дарров ухладим. Ётган жойимда ўйлай бошладим, аслида мен ҳам Ойнурчалик алдангандим. “Оёқ-



қўллари кесаман” оятини Аллоҳга далил деб билардим. Лекин Фиръавннинг қандай Фиръавн эканига далил экан. Ётоғимга чўзилиб, ўзимни ўзим койиб ухлаб қолибман.

Тунги соат ўнларда Исмат девонанинг овозидан чўчиб уйғондим. Исмат девона бобом ва бувим билан гаплашиб ўтирганди. Кўзларимни очганимда кўзларимиз тўқнашди. Мени томоша қилиб турарди. Ҳа, ҳа бу қарашалар томошадан хабар берарди. Ҳасратимда қолгандек, мени соғингандек қараб турарди. Қоп-қора бир жуфт кўз ва ҳуркитувчи нигоҳлар. Қолаверса, жинни бўлса ҳам эркак кишининг ётган жойимгача келганидан юрагим сиқилиб, қаттиқ қарашлари ҳатто қўрқитарди мени.

Бироз кескинроқ оҳангда гапирдим:

– Ҳам диндорликдан гапирасан, ҳам аёл киши ухлаб ётган хонага бостириб кирасан. Бу қандай мантиқ?

Яна кўзларимга тикилди. Киприкларига тош осилгандай қовоқларини зўрға очарди. Йиғлаган экан. Йиғи оҳангида жавоб қилди:

– Тўғри айтасан, лекин эсингда бўлсин, мен бир жинниман. Жинни нима қилаётганини билмайди.

Шарт ўрнимдан турдим:

– Сени жинни-пинни эмассан. Жинниликни ўз фойданга кўра қўллайсан. Ўзини ўзи жинни дедиган одамни ҳеч кўрмадим. Бошқа уйимизга бундай кирмагин, илтимос!

Ғалати қараб ғудранди:

– Сени соғинганим учун келгандим. Бунчалик ҳақорат қилишинг керак эмасди.

Алам билан чиқиб кетди. Эртаси куни машинага ўтириб, Аминўнига кетмоқчи эдим. Қарасам Исмат девона шундоқ машинамининг ёнида мени кутиб турган экан. Уни кўриб асабим бузилди.

– Тинчликми, нима бор бу ерда? – дея сўрадим.

Чуқур маъноли нигоҳларини кўзларимга тикди:

– Менга бундай муомала қилма, илтимос. Машинанга ол мени, денгиз бўйига борайлик, бу ерда нима қилаётганимни сенга айтаман. Энди бу юкни мен ҳам кўтаролмайдиган бўлдим. Сен билан ҳамма нарсани очиқ-ошкора гаплашиб олишим керак.

“Ана, холос, – дедим. – Урди худо, ҳали шу менга севги изҳори қилади-да...”

Хатти-ҳаракатидан ошиққа ўхшарди. Йўқ деёлмадим. Нима деса десин, бу ишни тугатайлик дедим. Хавотир билан машинамга ўтиришига рухсат бердим, лекин юрагим отилгудай урарди. Мени бўғиб қўйса-чи? Ё бошқа бир ёмонлик қилса-чи? У истагандай холи жойга бормадим. Машинамни гавжум Сариев майдони бўйида тўхтатдим. “Шу ерда гаплашайлик”. Аввал кўнмади, сўнг рози бўлди.

– Майли, унда шу ерда гапириб бераман. Кўп шошилма. Ҳаётимнинг энг муҳим жиҳатини айтиб бераман.

Ҳайрат ва ҳуркак нигоҳлар билан тикилдим унга. Сўз бошлади:

– Мен жуда тиришқоқ ўқувчи эдим. Бешинчи синфга борардим, оиламиз жуда қашшоқ эди. Қалам олишга пулимиз йўқ эди. Қишлоғимизга бир бадавлат одам келди. Тракторга етгулик пул бериб, асранди фарзанд олмоқчи эди. Фақир оилалардан баъзилари шу заҳоти болаларини олиб келишди. Қишлоққа бир пасда бу хабар тарқалди. Қишлоқ аҳли майдонга тўпланди. Мен ҳам қизиқиб у ерга бордим. Фарзандларини сотмоқчи бўлган оталарга ҳайрат билан қараб турардим. “Одам ўз боласини-я, – дердим, – одам ўз фарзандини қандай қилиб сотиши мумкин?”

Бадавлат одам менга қаради. Кимнинг ўғли эканимни айтди. Отамни кўрсатдим. Отамга: “Бизга бу бола жуда ҳам ёқди, илтимос уни бизга сотгин, тракторга қўшиб сенга бир кило олтин ҳам бераман”, деди. Ичимда “Аҳмоқлик, отам мени бир кило олтин нари турсин, икки машина олтинга, дунё унга берилса ҳам сотмайди”, деб ўйлардим. Отам кутилмаганда шундай деди: “Бўлди, бердим, ол!”

Қулоғимга ишонмасдим. Отам ҳазиллашаётгандек эди. Лекин ҳазил эмас экан. Онамнинг “Боламни бермайман”, дея чинқириб йиғлашларига қарамай отам мени бериб юборди. Онамдан айрилаётганда кўп йиғладим. Отамдан айрилаётганда йиғламадим, юзига ҳам қарамадим. Ўша онлар отамни ҳеч соғинмасам-да, онам кўз ўнгимдан кетмасди. Орадан йиллар ўтди. Асраб олган оилам менга яхши қаради. Уларни яхши кўрсам-да, онамни кўпроқ соғинардим. Шўрлик, ғариб онажоним умрида бир бор банан, икки бор печенье еган экан. “Уларнинг таъмини ҳеч унутмайман”, дерди. Эсингда бўлсин, ҳар бир нарсанинг бир сабаби бор. Ўттиз ёшимдан кейин қишлоққа борай, онамни кўрай дедим. Қишлоқдан бир неча йил аввал кетишибди, Истанбулга келишибди. Мен ҳам Истанбулга келдим. Уларни изладим. Бир неча ой изладим ва топдим.

– Онангни кўра олдингми? – қизиқиш устун келиб сўрадим.

– Кўрдим. Кексайибди онам, лекин ўша онам. У мени танимади. Уни тез-тез кўраман.

– Хўш, руҳий касал бўлишинг қачон бўлди?

– Ҳаммаси аскарлик хизматида бўлди. Лекин уни айтолмайман, кўтаролмайсан. Мен кўтаролмаганим учун шу ҳолга тушдим. Менинг гапирм ҳали тугамади. Биз уч ака-ука эдик. Бошқа ҳеч кимимиз йўқ эди. Мени сотган одам, яъни отам ким биласанми, Жамила?

– Нима?! Мен уни танийманми?

– Ҳа, танийсан, у сенинг бобонг. Сен менинг жиянимсан...

Музлаб қолгандим гўё. Тилим тутилиб қолди, ишонмаслигимдан кўрқиб чўнтагидан сурат чиқарди. Бобом-бувим ёнма ён ўтиришибди, отам билан Исмат орқаларида, отам ўн уч, Исмат ўн бир, катта амаким ўн тўрт ёшда экан. Ҳайрат ва ачиниш аралаш исмсиз туйғулар гирдобида қолгандим. У эса йиғлаётганди.

– Энди нега сенга эътиборли эканимни тушундингми? Сен мен учун ҳаётда онамдан кейин энг қадрли инсонсан. Сендан кейин Уғур, ундан кейин акаларим келади. Сени устингда жон берардим. Кечаю кундуз сени ўйлардим. Динини билган инсон сифатида сени диндан узоқ кўриш мени адо қиларди.

– Хўш, нега айтмадинг?

– Билмайман, балки асраб олган онам билан ўз онам эшитишини истамадим...

Бундан кейин нима қилишни билмайман, лекин сенга юрагимни очишни истадим. Ортиқ чидолмадим. Ҳозир шунчалик хотиржам бўлдимки, буни англатишим қийин.

Бир-биримизни қучиб йиғладик. Йиғлаганча яна гапира бошлади:

– Сенга яқинлашиш учун қандай баҳоналар уйдиргандим. Эслайсанми, сариқ бўёқли вилла ҳикоясини? У ҳикоя ҳам сенга яқишлаши учун ўйлаб топган ҳикоям эди.

У ҳисларни тушунтиришнинг ҳеч имкони йўқ. Оқшомга яқин уйга қайтганимда, қордан ясалган аёлга айлангандим. Орадан бир неча кун ўтганига қарамай ҳамон ўзимга келмагандим. Демак, бу эътибор беҳудага эмас экан. Ўтмишдаги ҳолатлар бир-бир кўз олдимдан ўтди. Ҳа, беҳудага бунчалик эътибор берилмасди. Орадан бир ҳафта ўтиб бироз ўзимга кела бошладим. Сўнгги йилларда ҳар хил муҳитга кириб-чиқаётганимда худди танамнинг хусусияти ҳам ўзгараётгандек эди.

\*\*\*

Шундай ҳолатда юрган кезларим мен Инжилга қарши гапира бошладим. Гўёки Инжил кейинчалик ўзгарганини исботласам, Қуръон юксаладигандек туюлди. Мен баъзи ғайримуслимларнинг Қуръонга қилган ишини такрорлаётгандим. Инжилдан хато излардим, бир хато топсам хурсанд бўлардим. Хусусан, Инжилнинг ўзгариб кетганини ҳар доим гапирардим. Бу ҳолатимни пайқаган Фелиз устоз бир куни мени чақирди. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин сўради:

– Жамила! Агар Инжилнинг ўзгармаганини билсанг, Қуръонни қўйиб Инжилга қайтасанми?

– Йўқ!

– Демак, бизнинг Қуръонга имон келтирганимизнинг ёлғиз сабаби Инжилнинг ўзгаргани эмас! Биз Инжилда хатолар бор деб, Қуръонга имон келтирмаганмиз. Буни унутма, Аллоҳ бизга “Қуръонга итоат қилинг!” дея буюргани учун имон келтирганмиз. Сен Инжилга қарши гапирмасдан, одамларга Қуръонни англатсан, шу етади. Амри маъруф, наҳий мункар билан шуғуллан. Тушунтир. Диндор-динсиз, насроний-яхудий, ёнингга ким келса ҳам уларга исломни англат. Эшитишса эшитар, эшитмаса бошқа одамга гапирасан. Ўзингни кўп уринтирма ва такрорлайман: Инжил ўзгармаган тақдирда ҳам биз Қуръонга имон келтиришга мукаллафмиз.

Бу мулоҳазаларга қойил қолмасликнинг иложи йўқ эди.

Исмат айтган гаплардан шок ҳолатида юрган кунларим Ойнув қўнғироқ қилиб ўзимга келтирди: Ойнув Бурсада Зайнаблар билан бирга Қуръон дарсига бораётган экан. Энди Қуръонга имон келтирганлардан сабоқ олаётганди. Жуда ҳам қувондим. Бу хурсандчилигим қўша хурсандчиликлар олиб келди. Бувим билан гаплашиб ўтирганимда Уғур бир хат олиб келди. Хатни очдим, икки-уч жумла ёзилганди унда:

“Севикли мусулима атиргули! Аллоҳнинг амри билан сенга муносиб жуфти ҳалол бўлишга ваъда қилиб, умр бўйи сўлмайдиган гуллардан менинг боғчамга гул ўтказишингни иштайман ва бу таклифимни қабул қилишингни ўтинаман. Аллоҳ ҳақи, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳақи, Исо алайҳиссалом ҳақи таклифимни рад этма. Сени кўп йиллардан бери севган, ҳаёт йўлида сен билан давом этишни истаган ошиқ Таркан».

Мактубни олиб ғайриихтиёрий равишда ойна қаршисига ўтдим. Кўзларимга қараганимда мен ҳам ҳайрон қолдим. Аввал ҳеч кўрмагандим, кўзларим куларди.

\*\*\*

Ишончим комилки, кейин нима бўлганига қизиқяпсиз. Таркан билан турмуш қурдик. Иккимиз ҳам илоҳиёт факультетига ўқишга кирдик. Алоҳида дасрлар ўқидик. Гулдерен жуда яхши диндор ўқитувчи билан турмуш қурди. У ҳам тафсир қила оладиган даражада араб тилини ўрганди. Бу қийинчиликларни ўз ғайрати билан енгиб ўтди. Уғур бувимлар билан қолди. Бувимга ҳақиқатни айтдим, “Исмат сизнинг ўғлингиз”, дедим. Боёқиш бувижоним хурсандчиликдан ақлдан озаёзди.

Аммо афсуслар бўлсинки, Исмат амаким уч йилдан кейин ёш ўлиб кетди. Онамга куйганимдан ҳам унга кўп куйдим. Ҳозир мен Германиядаман. Яхшиликларини бир

умр унутмайдиганим Гулдерен ва Филиз устоз билан камида йилда бир учрашамиз. Ойнур уйига қайтди. Кейин араб тилини ўрганиш учун хорижга кетди. Ойнур бизга ойли, нурли байрам қилди. Лайло қайнэгачим бўлганидан кейин менга нисбатан муомаласи бироз яхшиланди, лекин насронийликдан воз кечмади. Вера қанду болдай қайноналик қилди ва ҳалиям шундай давом этмоқда. Таркан ажойиб умр йўлдош чиқди. Атрофимда парвона. Икки фарзандимиз бор, қўлларингиздан ўпиб дуоингизни олишади...

Интиҳо.

Қанчалик ҳурмат қилсак, шунчалик ҳурмат кўрамиз. Модомики бутун инсоният тамали бир экан, унда ҳар кимни ўз эътиқоди билан қолдириш керак. Биз инсонмиз, шундай экан, бошқасининг диний эътиқодига тоқат қилишни ўрганамиз ва ҳақорат билан муҳокама қилишни тўхтатамиз. Бугунги кунда фикрлар тўқнашуви яхши ишларнинг хабари бўлмаяпти, шундай экан, бу кетишда зулмат тунларни қандай ёритиш кераклигини ўйлашимиз керак. Ва олдинга юрганда шуни ҳам ўйлашимиз керак: “Ҳар доим ҳақли бўлган биз бўлавермаймиз, баъзан душманамиз ҳам ҳақли бўлиши мумкин”. Инсоният буларни ажрата олишни билганида, инсон бўлгани учун мақтанишга муносиб бўлади. “Иегова шоҳидлари” “Биз Аллоҳнинг шоҳидларимиз”, дейишади. Биз айтамызки, ҳамма нарса Аллоҳнинг шоҳидидир.

ТАМОМ.